

С.Р.Абдалова, А.А.Сотбаров,  
М.М.Абдикеримова

ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШГА ИННОВАЦИОН  
ЁНДАШУВ



Ташкент  
2024

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

С.Р.Абдалова, А.А.Сотбаров,  
М.М.Абдикеримова

**ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШГА ИННОВАЦИОН  
ЁНДАШУВ**

(Монография)

Тошкент  
«Renesains sari»

2024

**УДК 37.013;378  
ББК 74.03**

С.Р.Абдалова, А.А.Сотбаров, М.М.Абдикеримова.  
Ўқув жараёнини ташкил этишга инновацион ёндашув.  
Монография. – Т.: “Renesains sari”, 2024. 218 б.

**Тақризчилар:**  
**Р.Мусурманов - ЧДПУ п.ф.н., доц..**  
**М.Алламбергенова - НДПИ п.ф.н. доц..**

Ушбу монография ўқув жараёнида учрайдиган муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари, педагогик технологияларни ўқув машғулоти жараёнига жорий этиш, улардан ўқув машғулотлари самарадорлигини оширишда фойдаланиш, киритиш механизмлари, усул ва воситалари, муаммоли, модулли, лойиҳалаш ҳамда ахборот технологиялари, замонавий ўқув машғулоти структураси, амалга жорий этиш методикаси, мазкур жараёнда талабаларнинг билимларни эгаллаш даражалари кабилар ҳақида сўз юритилади. Монография ОТМлар профессор-ўқитувчилари учун мўлжалланган.

*Монография Чирчиқ давлат педагогика университети  
Илмий кенгашида кўриб чиқилиб, чоп этишга руҳсат  
этилган.*

**ISBN 978-9910-9392-1-1**

## **КИРИШ**

Республикамизнинг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олиши учун замонавий иқтисодиёт, фан, маданият, техника, технология асосида мутахассислар тайёрлашнинг такомиллашган тизимига босқичма-босқич ўтилмоқда. Олий таълим тизимини ривожлантириш, замонавий илмий тафаккур ютуқларига, илфор тажрибаларга таянган ҳолда, барча таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёни сифати ва самарадорлигини ошириш таъминланмоқда.

Ҳозирги долзарб муаммолардан бири юқори малакали, рақобатбардош мутахассис кадрлар тайёрлаш, уларнинг қасбий ва педагогик маҳоратини такомиллаштириш, замон талаби даражасида тадбиркорлик қобилиятини шакллантириш, педагогларни илфор таълим технологиялари билан қуроллантириш бўлиб қолмоқда.

Таълим тизимининг барча йўналишларида амалга оширилаётган ўзгаришлар, ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш, унга таълим бериш жараёнини сифат жиҳатдан такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда таълим тизимини ислоҳ қилиш, унга ривожланган мамлакатларнинг илфор технологияларини жорий этиш, миллий қадриятларимизни сингдирган ҳолда бу технологиялар асосида ўқув машғулотларини замонавий ташкил этиш ва ўтказиш ишлари муҳим ҳисобланади. Шу орқали талабаларнинг мустақил фикрлаш ҳамда ижодий қобилияtlарини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Тайёрланаётган кадрларнинг бу сифатларини ривожлантириш таълим тизимининг муҳим вазифаларидан биридир. Чунки, фақат мустақил фикрлаш қобилиятига эга бўлган шахсгина ўз муаммоларига ечим топа олади, жамиятда ўз мавқеига эга бўлади.

Республикамизда иқтисодиётни эркинлаштириш ва бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни

янада чуқурлаштириш билим олишга, иқтисодиёт сирасорларини ўрганишга бўлган ҳаракатни, фанни чуқур ўрганишга бўлган талабларни ҳам кучайтиради. Бу ўз навбатида, иқтисодий қонунларни яхши биладиган, турли вазиятларни таққослаш, иқтисодий ресурслар чекланганлиги шароитида самарали хўжалик юритиш учун муқобил варианларни тўғри ташлаш ва қарор қабул қилиш малакасига эга бўлган мутахассислар тайёрлашнигина эмас, балки уларга таълим-тарбия берадиган педагоглар тайёрлашни ҳам талаб қиласди.

Шундай экан, ҳар бир педагог турли маслаҳат, тавсия, топшириқ ва янги маълумотларни бераётганда, ўқув машғулотларини илғор технологиялар асосида ташкил этиш, текшириш ҳамда бажариш ишларига аълоҳида эътибор қаратиши лозим. Бундай машғулотларни назарий ва амалий жиҳатдан ташкил этиш ва ўтказиш чуқур билим ҳамда юксак маҳоратни талаб этади. Агар талабаларни ўқув материалларидан мухимини ажратиб олиш, далилларни тўғри баҳолаш, таҳлил қилиш ҳамда амалиётда қўллай олишга ўргатсак, шундагина ўқув машғулотлари натижаси самарали бўлади.

## ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАГИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

**Ўқув жараёни** талабада самарали меҳнат фаолиятини амалга ошириш имкониятини таъминлаш мақсадида, уни ўқитиши ҳамда тарбиялашга қаратилган мақсадли, таълим-тарбия масалаларини ҳал қилишнинг амалий ва қулай шакли, педагог томонидан аниқ мақсадларни кўзлаб, белгиланган вақт ичida талабаларга давлат таълим стандартлари, фандастури, дарслик, ўқув-методик қўлланмалар, дидактик материаллар, ноанъанавий педагогик усуллар, усуллар, ўқитишининг педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари орқали амалга ошириладиган бир бутун жараён бўлиб, унинг моҳияти инсон томонидан тўпланган тажриба, билим, малака ва кўникмаларни ўсиб келаётган ёш авлодга беришдан иборат бўлиб, мақсади, мазмуни, усуллари, тамойиллари ва ташкилий шакллари биргаликда намоён бўлади.

**Ўқув жараёнининг асосий мақсад ва вазифаларига қўйидагилар киради:**

- мазкур жараёнда асосий эътиборни мақсадга қаратиш;
- педагог ва талабалар ҳамкорлигидаги фаолиятни аниқлиги ва ошкоралиги;
- талабалар ўқув машғулоти фаолиятида илғор педагогик технология ва улар асосида яратилган интерфаол усуллардан фойдаланиш, машғулот ;
- натижаларини баҳолаш тизимини такомиллаштириш;
- унинг барча шаклларини янги техника ва технология ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш ва амалга ошириш;
- талабаларда мустақил фикрлаш, ижодий қобилият ҳамда касбий маҳоратларини замон талаби даражасида

шакллантириш;

- ўқув машғулотини ноанъанавий ўқиш ва илмий-тадқиқот ишлари билан узвий ҳамда узлуксиз алоқасини яратиш, имкониятларини кенгайтириш;

- талабаларда ўқув машғулоти жараёнига нисбатан қасбий, иқтисодий, тафаккур этиш, маънавий ва бошқа қизиқишиларни уйғотиш, мустақил тарзда керакли маълумотларни йиғиш, муаммони аниқлаш, ечимларини топиш, олинган билим, малака ва кўникмаларни танқидий таҳлил этиш ва уларни янги вазифаларни ҳал этишда қўллаш;

- ташкилий, психологияк-педагогик, ўқув-усулий, ахборот, моддий-техник таъминотни ўз ичига олувчи ўқув машғулоти тизимини яратиш;

- билимларни мустақил тарзда пухта эгаллаш ва ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;

- керакли маълумотларни излаб топишнинг қулай усул ва воситаларини аниқлаш;

- ахборот манбаларидан самарали фойдаланиш;

- берилган топшириқнинг муҳим ечимини белгилаш;

- иш натижалари хulosасини тайёрлаш ва қайта ишлаш;

- топшириқларни бажаришга тизимли ва ижодий ёндашиш кабилар,

Ўқув машғулоти талабаларнинг таълим-тарбия олиши, интеллектуал ривожланиши учун омил бўлиши, уларнинг фаоллиги, мустақил фикр юритиши, мавзуни ўзлаштириши, ижодий изланишга йўналтирилиши зарур. Машғулотнинг илмий асосланганлиги, ёритилаётган мавзунинг аниқлиги, замонавий илм-фан ривожининг ўрни, шунингдек, фанлар ўртасидаги алоқани узвийлиги, муаммоли вазиятларнинг мавжудлиги талабаларнинг пухта билим олишларини таъминлаши мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда янги таҳрирдаги “Таълим

тўғрисида”ги Қонун талаблари асосида билим ва қасб-хунар эгаллашга бўлган эътибор кучайди. Шу туфайли таълим-тарбия тизимига, жумладан ўқув машғулотларини ташкил этишга замонавий илмий-усулий ёндашувларнинг кириб келиши ўз навбатида, мазкур жараённинг турли ташкилий ва методик ишларида ижодий ўзгаришларни содир этди. Уларнинг кўпчилиги педагогик технологиялар билан узвий боғлиқ ўзгаришлардир.

Педагогик технологияларидан ўқув машғулотида мақсадли фойдаланиш, бунда илғор тажрибаларни татбиқ қилиш, ҳар бир фан бўйича бу соҳада аниқ режаларни тузиш ва амалга ошириш, дарслик, ўқув қўлланмаларининг янги авлодини яратиш, улар билан талабаларни таъминлаш каби вазифалар бугунги кунда долзарбдир.

Педагогик технология, ўқув машғулоти жараёнларини самарали ташкил этиш, ўз навбатида бу жараён мазмуни, шакл, усул, технология ва воситаларини ишлаб чиқиши ҳамда такомиллаштириш тизимиdir. Ўқув материалларини танлаш, уларни талабаларнинг салоҳиятига, ўзлаштириш хусусиятларига мослаб шакл ва ҳажмини ўзгартириш ҳам унга даҳлдор. Мазкур технологиянинг асосий моҳияти талабаларни қизиқтириб ўқитиш ва билим, кўникма, малакаларни тўлиқ эгаллашга эришиш бўлиб, унинг асосида ўқув машғулотини ташкил этиш ва ўтказишка, талабанинг ҳаётий тажрибаси, аввал эгалланган билимлари ва қизиқишилари асосида билим беришни кўзда тутади.

Педагогик технология, ўз навбатида ўқув машғулотлари мазмуни, метод ва воситаларини ишлаб чиқишиҳамдатакомиллаштириш тизимиdir. Бутехнология лойиҳалаштирилган аниқ мақсадга қаратилган ўқув машғулоти жараёнини ифода этади. Педагогик

**технология ўқув-тарбия жараёни учун лойиҳаланади ва белгиланган мақсадни ечишга қаратилади. Аммо, таҳлил ва кузатувлардан, айрим педагоглар ҳамда таълим муассасаларида:**

- ўз педагогик маҳоратларини ошира боришнинг аҳамиятини етарли даражада ҳис қиласли;
- ўқув машғулоти жараёнининг илмий лигига, замон талабларига мослигига, турмуш ва амалиёт билан боғланишига юзаки қарашли;
- ўқув машғулотида кўпроқ эътибор янги билимларни баён этиш, уни мустаҳкамлаш ва натижасини ҳисобга олишга қаратилиши;
- билим беришда талабанинг аввалги билимлари, ҳаётий тажрибаси етарлича ҳисобга олинмаслик;
- янги ўтилаётган мавзу бўйича, талабаларнинг билимини аниқлаш, мавзуга хос бўладиган дастлабки маълумотларни бериш етарлича амалга оширилмасли;
- талабалар бажарган ишини текшириш холисона таъминланмасли;
- ўқитишининг техник воситаларидан, электрон дарсликлар ва бошқа материаллардан самарасиз фойдаланиш;
- иш усулларини нотўғри танлаш;
- талаба шахсини ва гуруҳни ёмон билиш;
- бир хил машғулот ўтиш;
- ўқув материали мазмунига етарлича эътибор бермаслик;
- мавзудан чекиниш ҳолатлари;
- олинган назарий билимлардан амалиётда фойдала олмаслик;
- таълим муассасаларида касбий малаканинг ҳозирги замон талабларига тўла жавоб берадиги;
- ўзаро рақобатнинг ўқклиги;
- ўқув машғулотини ташкил этиш ва ўтказиш

муаммоларига оид тадқиқотларни ривожлантириш, уларнинг натижаларини ўқув жараёнига қўллаш сустлиги;

- битирувчилар мутахассислик муаммоларини мустақил еча олиш тажрибасига асосланган касбий малака ва кўнимкамларга етарли даражада эга эмаслиги;
- бу фаолиятларни шакллантиришга оид ўқув машғулотлари асосан таништирув характеристига эгалиги;
- кўпинча битирувчилар ишлаб чиқаришни яхши билмаслиги ҳамда ўз касбий фаолиятини такомиллаштириш, замонавийлаштиришга астойдил қизиқиши намоён қиласлиги каби камчиликлар кузатилмоқда.

Талабалар ўқув машғулотига тайёрланиш ва уни ташкил этиш жараёнида турли камчиликларга дуч келади, бу албатта ўқув машғулоти самарадорлигини оширишга тўсқинлик килади. Улар ўқув машғулотига тайёрланиш даврида йўл кўядиган камчиликлар асосан куйидаги ҳолатларда намоён бўлади: ўқув машғулоти учун режа-конспект тузишда ва унда фойдаланиш мумкин бўлган жиҳозларни танлашда. Бу асосан ўқув машғулоти мақсадини аниқ ифодалай олмаслигида, мазкур жараёnda талабаларда қандай янги тушунчаларни шакллантириш ва ривожлантириш, тарбиявий вазифаларни амалга ошириш, ўқув машғулотини жиҳозлашда керак бўладиган таълим воситаларини танлашдаги ноаниқликларда намоён бўлади.

Биз томондан ўтказилган таҳлиллар натижасида ҳозирги ўқув машғулотларини ташкил этишда учраётган **қуйидаги умумий камчиликлар борлиги ҳам аниқланди, улар:**

- ўқув машғулотларини ташкил этишда таълим йўналишлари ўртасида қиёсий таҳлил келтирилмаганлиги;
- ўқув машғулотларини ташкил этишда замонавий таълим талаблари эътиборга олинмаганлиги;

- ўқув машғулотларини ташкил этишда янги қонунлар, меъёрий ҳужжатларидан фойдаланиш ҳолати кўрсатилмаганлиги;

- ҳар бир ўқув машғулотидан кейин қисқача холоса, саволлар ва топшириқлар берилмаганлиги;

- ўқув машғулотларини ташкил этишга қандай ахборот ва педагогик технологияларни қўллаш, веб-сайтлардан фойдаланишга тавсиялар келтирилмаганлиги ҳамда республиканинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини ифодаловчи расмий статистик маълумотлардан фойдаланилмаганлиги;

- фанлараро узвийлик ва узлуксизлик тамоилларида риоя этилишига кам эътибор қаратилганлиги;

- илм, фан, техника ва технологияларнинг сўнгги ютукларидан фойдаланилмаганлиги ва бошқалар.

Талабалар ўқув машғулотини ташкил этиш жараёнида учрайдиган камчиликларни характери жиҳатидан куйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- илмий характердаги. Бундай камчиликлар асосан талабалар томонидан янги ўқув машғулоти мавзусини ўтишда кузатилади. Унда асосан янги ўрганилаётгай материаллар мазмунини чукур билмасликлари асосий сабаб бўлади;

- методик характердаги. Бу ўқув машғулоти тузилиши қисмларини амалга оширишда кузатилади. Масалан, бундай камчиликлар уй вазифаларини текширишда, айниқса, янги мавзуни ўрганишда, уни мустаҳкамлашда, талабалар билимини баҳолаш жараёнида кўпроқ кузатилади;

- психологик характердаги. Бу асосан талабаларнинг ўқув машғулоти жараёнига қаратилган диккати, ишчанлик кайфияти таъминланмаслигига, уларнинг тортинчоқлигига кўзга ташланади. Шунингдек, талабалар билан муомалада катъиятсизликка йўл кўйганлари,

ўқув машғулотининг эмоционал ҳолатларига эътибор бермасликлари оқибатида юзага келади;

- тарбиявий характердаги. Бундай камчиликлар асосан талабалар эгаллаган билимлар, уларнинг дунёкарашини шакллантиришда асос бўлиб хизмат қилиши ишончга айланиши тўла таъминланмаганда кузатилади.

Республикамизнинг таниқли олимлари илмий асосланган, миңтақамизнинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган педагогик технологияларни яратиш ва уларни ўқув машғулотлари амалиётида қўллашга интилмоқдалар. Аммо, бу борада ўз ечимини **кутаётган айрим муаммолар мавжуд, яъни улар**;

- ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиш учун таълим тизимини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш зарурлиги;

- фан-техника тараққиётининг ўта ривожланганлиги натижасида ахборотлар тизими ҳажмининг тобора кўпайиб бораётганлиги;

- замонавий техника ва технологияларни таълимга татбиқ этиш, ўқув машғулотлари жараёнини компьютерлаштириш, мазкур жараёнда ахборот технологияси ва техник воситалардан фойдаланиш кераклиги;

- талаба ва педагог фаолиятини тўғри йўлга кўйиш, педагог машғулот мақсади ва мазмунини пухта билиши, усуллари, методлари ва воситаларини яхши эгаллаган бўлиши, талабанинг қизиқиш ва интилувчанигини тўғри йўлга йўналтира олиши лозимлиги;

- педагог ўқув машғулоти жараёнини юқори даражада, самарали ташкил этиш учун мақсад ва вазифаларни аниқ белгилаши, натижасини олдиндан қайд этиши, фанларни тўлиқ ўзлаштиришга эришиш учун зарурий воситалар, шарт-шароитларни тайёрлашга эришиши кераклиги;

- ўқув машғулоти жараёни учун зарур моддий-техник базанинг яратилган бўлишлиги;

- машғулот натижаларини холисона баҳолаш, талабаларнинг билим ва малакаларини эгаллаш жараёнини назорат қилиш ва баҳолашни автоматлаштиришга эришиш кабилар.

Ушбу муаммоларнинг илмий-назарий асослари, ҳар бир педагогик технологиянинг ўзига хос жиҳатлари ишлаб чиқилиб, етарли даражада республика ва хориж тажрибаларини ўрганиш лозим.

Юқорида қайд этилган камчилик ва муаммолар талабаларнинг билим даражаси ва савиасининг етарли бўлмаслигига, фан дастурларини ўзлаштиришдан орқада қолишларига сабаб бўлмоқда.

Илғор педагогик технологияларни ўқув машғулотлари жараёнига жорий этиш кўламини кенгайтириш, бу йўналишда хориж тажрибаларни татбиқ этиш, ҳар бир фан бўйича бу соҳада аниқ режаларни тузиш ва амалга ошириш, дарслик, ўқув кўлланмалари, дастурлар ва маъруза матнларини электрон дискетларга кўчириш, улар билан ҳар бир талабани таъминлашга эришиш, илмий ва илмий-методик ишларда, шунингдек, ўқув машғулотлари жараёнида педагогик технологияларининг кенг жорий этилишига эришиш, мазкур жараённи зарурий ахборот воситалари билан етарли даражада таъминлаш каби вазифалар муҳим ҳисобланади.

Шундай экан, мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши учун малакали мутахассисларни тайёрлашда, ўқитишини ишлаб чиқаришдаги меҳнат билан қўшиб олиб бориш асосида ташкил этиш, ишлаб чиқариш талабига мос равишда мутахассисларни янги техника ва технологиянинг ютуқлари билан таништириш ишларини амалга ошириш лозим.

Бунинг учун ўқув машғулотлари жараёнини

замонавий ташкил этиш, лойиҳалаш ва ўтказишга етарли эътибор бериш, жумладан, мазкур жараённинг асосий турларига илмий жиҳатдан ёндашиш, унинг шаклларини ва ҳажмини ўрганиш масалаларига педагоглар томонидан эътиборни ошириш, машғулотни тўғри ҳамда самарали режалаштиришда маълум бир тизимни яратиш, талабаларни кўпроқ муаммоли илмий-тадқиқот ишларига жалбқилиш, ўқув машғулоти санарадорлигини оширадиган бошқа тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалда жорий қилиш лозим. Ўқув машғулоти жараёнлардаги юқоридаги долзарб муаммоларнинг ижобий ҳал қилиниши кўп жиҳатдан, педагогларнинг касбий салоҳияти ва педагогик маҳоратига, савиасига, тайёргарлигига ва фидоийлигига, унинг ёш авлодни ўқитиши ва тарбиялаш ишига бўлган муносабатига боғлиқдир.

Ўқув машғулоти ва унинг барча шаклларини ташкил қилиш, асосан, ўқишининг бошланғич босқичларида айрим қийинчиликлар билан боғлиқ. Айниқса, биринчи босқич талабалари ўқишининг янги шаклига, янгича талабларга кўнихиши қийин кечади. Улар ўз мустақил фаолиятларини ўзлари мустақил ташкил қилишни деярли билишмайди. Маълумотларни қайси манбадан, қандай қилиб топиш, уларни таҳлил қилиш, асосийларни ажратиб олиш ва тартибга солиш, ўз фикрини аниқ ва ёрқин ифодалаш, ўз вақтини тўғри тақсимлаш, тўғри баҳолаш улар учун муаммо бўлади.

Шунинг учун ҳам ҳар бир педагог аввало талабада ўз қобилияти ва ақлий имкониятларига ишонч уйғотиши, сабр-тоқат билан босқичма-босқич билим олишни тўғри ташкил қилишга ўргатиб бориш лозим бўлади. Ўқув машғулоти жараёнида юзага келувчи юқоридаги муаммоларни олдиндан кўра билиш ва ҳал этиш муҳим. Бунда, талабаларнинг ўқув машғулоти мақсадларини ўрганишда эришган ютуқларини аниқлаш ва баҳолаш,

машғулотнинг паст натижалари сабабларини аниқлаш, уларни бартараф этиш йўлларини излаш керак.

Хозир амалдаги ўқув машғулотларини ташкил этишнинг анъанавий тизими талабаларнинг фикрлаш қобилиятини етарли даражада ривожлантиришда, уларнинг билимга бўлган эҳтиёжларини, фанга бўлган қизиқишларини оширишда ожизлик қилмоқда. Шунинг учун ҳам ҳар бир ўқув машғулоти ўз вақтида тегишли дидактик мақсад ва мезонларга жавоб бергани ҳолда амалиётда муваффақиятли қўлланилишини қайд этиш зарур.

Шу билан бир қаторда, анъанавий таълим технологияларига асосланган маъруза, семинар, синов каби ўқув машғулотларининг таълим жараёнида тутган ўрни ва қимматини камайтирган ҳолда, уларни ҳозирги замон талаблари асосида такомиллаштириш йўллари устида қайғуриш зарур.

Юқорида санаб ўтилган хусусиятлар педагогик технологияларни моҳиятини тушунишга ва уни тўғри баҳолаган ҳолда таълим амалиётига жорий этиш заруратини англаб етишга асос бўлади. Юқоридаги таҳлиллар ҳозирги даврда олий таълим муассасаларида ўқув машғулотларини давр талаблари асосида ташкил этиш ва ўтказиш асосий вазифалардан эканлигини ҳамда долзарблигини кўрсатади.

## ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Бугунги кунда республикамизда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий асосларини мустаҳкамлаш борасида кўпгина ишларни амалга оширилди. Уларни давом эттириш эса ёшларимиз қўлида. Шу сабабдан ҳам мавжуд имкониятларимиздан тўлиқ фойдаланиб, ёшларимизга бўладиган эътиборни янада кучайтириш даркор. Зеро, ёшлар тарбиясига бурч ва маъсулият нуқтаи назаридан ёндашиш келажагимизни шакллантириш гарови бўлиб қолади. Бу жараённи амалга оширишда хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш ва Миллий дастур вазифаларини амалга ошириш, шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитида кадрлар тайёрлаш муаммоларини ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Юқоридаги муаммоларнинг ҳал этилиши ҳар томонлама бозор муносабатлари талабларига жавоб берадиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга боғлиқ. Чунки, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мустақил республикамиз олдидаги янгидан-янги мақсад ва вазифаларни англаб етган, ҳар томонлама етуқ, замон талабларига мос келувчи билим ва тажрибага эга бўлган мутахассисларгина республикамиз иқтисодий-ижтимоий ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши мумкин.

Бироқ, янги шароитда самарали фаолият юрита оладиган малакали мутахассисларни тайёрлаш борасидаги муаммо ва камчиликларнинг мавжудлиги туфайли, юқорида айтиб ўтилган хусусиятларни ўзида мужассам етган мутахассисларни тайёрлашда қатор тўсиқлар бўлиб, уларнинг ечимини топиш бевосита республикамиз иқтисодий тараққиётини белгилаб берувчи ҳал қилувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Шунинг учун иқтисодиётни модернизация

қилиш шароитида ҳамда таълим тизимини ўрганиш асосида мамлакатимиз иқтисодиётида эришилган ютуқларни атрофлича таҳлил этиш, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда иқтисодиётни ривожлантириш усулларини илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш орқали таълим тизимини янада такомиллаштириш масалалари илгари суриласди. Бунда, асосий эътибор Ўзбекистонни жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви жараёнини жадал суръатларда ривожлантириш, бунинг учун мамлакатимиз ташки иқтисодий фаолиятини эркинлаштириш борасида кечикириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилади.

Глобаллашув шароитида мамлакатимиз олий таълим тизимида малакали мутахассисларни тайёрлаш тизимини замон талаблари даражасида қайта ташкил этиш мақсадида мазкур таълимнинг халқаро андозаларидан самарали фойдаланиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки, дунёнинг ривожланган ва бозор иқтисодиёти амал қилаётган мамлакатларнинг деярли барчаси янги механизмнинг кескин ўзгаришларига мослаша оладиган ва ҳар қандай шароитда рақобатлаша оладиган малакали мутахассисларни тайёрлаш борасида замонавий таълим тизимига эга.

Масалан: АҚШ, Германия, Япония, Франция ҳамда саноат ва интеллектуал жиҳатдан ривожланган мамлакатлар тажрибаси таҳлили шуни кўрсатадики, барча даражадаги малакали ва рақобатга қодир кадрлар тайёрлашга қўйидагидар туфайли эришилади:

- таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияси;
- таълим муассасалари тури ҳамда илм-фан, техника, технология ва иқтисодиётнинг ютуқлари асосида ишлаб чиқилган таълим дастурларининг вариативлиги;

- таълим тизимини иқтисодиётнинг устувор ва фойда келтирадиган соҳасига айлантирилгани;
- таълим муассасаларини замонавий ўқув-усулий адабиёт ва моддий техник база билан таъминлангани;
- таълим тизимига малакали педагог ва мутахассислар жалб этилгани;
- таҳсил жараёнининг компьютер ва информатика жиҳозлари билан таъминлангани;
- холисона назорат ва кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш тизимлари қўлланилгани;
- мутахассиснинг интеллекти, қобилияти ва инсоний хусусиятларини ўстириш ва баҳолаш муаммолари, шунингдек унинг профессионал идроки муаммоси бўйича психологик-педагогик тадқиқотлар бажарилгани;
- педагогларнинг моддий ва ижтимоий муҳофазаси юксак даражада таъминлангани.

Табиийки, саноат ва интеллектуал жиҳатдан ривожланган мамлакатлар тажрибасининг ижодий қўлланилгани ислоҳ қилинаётган таълим тизимига барча даражадаги рақобатга бардош берадиган кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш имконини беради.

Олий таълимнинг республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий ривожини таъминлашда ўзитанлаган мутахассис бўйича бозор иқтисоди шароитида ишлашга лаёқатли, малакали, иқтидорли, рақобатбардош кадрларни тайёрлашдан иборатдир. Бўлажак кадрларда мустаҳкам билимларни шакллантириш, миллий истиқлол ғояларига садоқатини, Ватанга муҳаббатини, бу йўлдаги фидойиликни тарбиялашни давом еттириш ҳам мазкур таълим тизимининг асосий вазифасидир.

Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини жумладан, ўқув машғулотини ташкил этиш, бошқариш ва ривожлантириш давлат таълим стандартлари талаблари асосида ташкил қилишнинг илмий асосланган тизимини

яратишга эришиш билан Миллий дастурда белгиланган мақсад ва вазифаларини ижросини таъминлашда кенг имкониятлар яратилади.

Шунинг учун ҳам Миллий дастурда таълим жараёни, мазмунини ислоҳ қилиш асосан меъёрий ҳужжатлар мажмуи (Давлат таълим стандарти, ўқув режалари ва фан дастурлари) асосида, кадрларга таълим-тарбия бериш миллий истиқлол ғояларига мувофиқ амалга оширилиши алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Жаҳонда интеграция ва глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб, ҳаётнинг барча жабҳаларини, биринчи навбатда, таълим соҳасини кенг қамраб олмоқда. Илгари мамлакатнинг тараққиёти ва куч-қудрати ундаги мавжуд бўлган табиий бойликлар ва иқтисодий салоҳияти билан боғланган бўлса, бугунги кунда ҳар қайси миллат имконияти, ундаги билим ва маърифат, инсонларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиёти билан белгиланмоқда.

Олдимизда турган буюк вазифаларни ечишнинг асосий омили, уларни ҳал қилишнинг ягона шарти, баркамол шахсни, ҳар томонлама етук авлодни тарбиялаб вояга етказишдан иборат. Юртимизнинг ёруғ келажагини, халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмасдан фаровон яшашини таъминлашга қаратилган бу вазифаларни адо этиш, барчамизнинг инсоний бурчимиз.

Миллий дастур доирасида таълимнинг устувор йўналишлари лойиҳаси ишлаб чиқилди. Барча таълим йўналиши бўйича намунавий ўқув режа ва фан дастурлари ҳамда қатор меъерий-хукукий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилди, таълим сифатини ошириш мақсадида ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологияларни кўллаш, машғулотларни интерфаол усулда ўтказиш, талабаларда мустақил фикрлаш кўнікмаларини шакллантириш, муаммоли топшириқларни бажариш каби

усуллар кенг қўлланила бошланди. Узлуксиз таълимни ташкил этишда унинг жаҳон талаблари даражасида бўлишига аҳамият бериш кераклиги, давлат таълим стандартларини жорий этиш ва унинг механизмини ишлаб чиқиши муҳимлиги устувор соҳа сифатида кўриб чиқилган. Унинг талабларидан келиб чиқиб, олий таълимнинг давлат таълим стандарти ишлаб чиқилади.

Стандартлар талабаларга бериладиган таълим мазмунининг мажбурий минимумини ҳамда битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар мажмуасини белгилаб беради. Таълим мазмунининг мажбурий минимуми фан дастурлари ва дарсликларда тўлиқ ўз ифодасини топиши шарт. Битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига кўра талаба муайян босқичда эгаллаши шарт бўлган билим, кўнікма ва малакаларининг минимал миқдори белгиланади. Шунингдек, фанлар бўйича дарслик ва ўқув кўлланмаларнинг яратилишини назорат этиш мақсадида дарсликлар республика мониторинги жорий қилинди. Бугунги кунга қадар кўплаб дарслик, ўқув кўлланма, электрон дарслик ва маъруза матнлари яратилди ҳамда шу тариқа талабаларни ўқув адабиётлари билан таъминланганлик даражаси 90 фоиздан ошди.

Бугунги кун талаблари ўқув машғулотлари сифатини ошириш масаласига янгича ёндашишни, бажарилган ишлар билан чекланмасдан, уни мунтазам равишда такомиллаштириш, янги усул ва шаклларини ишлаб чиқиши, амалиётга жорий этиш каби муҳим вазифаларни кўймоқда. Жумладан, олий таълим муассасаларида барча фанлар бўйича ўқув машғулотини ташкил этиш билан чекланмасдан, уларни янги муаммоли масалалар, топшириқлар, вазифалар билан бойитиш устида иш олиб бориш бош масалалардан бирига айланмоқда.

## **Хар бир таълим йўналиши бўйича:**

- ўқув машғулоти жараёнининг мантиқий-тузилиш шаклини (ўқув машғулотини ташкил этишда кетмакетлик) аниқлаш;

- уларни бевосита ҳаёт талабларига мослаштириш;

- муаммоли топшириқларни тузиш;

- улар асосида усулий тавсиялар ва кўрсатмаларни тайёрлаш;

- педагогик технологияларнинг замонавий турларини қўллаш, тажрибадан ўтказиш, натижаларига қараб, ўқув жараёнига жорий этиш ва шу тариқа талабаларда касбий кўнишка ва малакаларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришга эришиш;

- педагоглар фаолиятини рағбатлантиришда барчага бир хил ёндашиб томойилларидан воз кечиш, унинг ўрнига, уларнинг фаоллигига ва ўқув машғулоти сифатини оширишга тааллуқли бўлган муайян ишининг сифати, ҳажмига қараб, моддий-маънавий рағбатлантириш лозим.

Бу борада таълим муассасалари раҳбарларидан ҳар бир педагог фаолиятига холисона ёндашиб талаб этилади. Қайд этилганлардан келиб чиқиб ҳамда ўқув машғулоти сифатини янги босқичга кўтариш мақсадида **куйидагиларни амалга ошириш лозим**:

- фанлар бўйича тайёрланган топшириқлар асосида ўқув машғулотини ташкил этиш;

- фанлар бўйича муаммоли топшириқларни тайёрлашга муайян таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрловчи таълим муассасаларининг малакали мутахассисларини жалб этиш;

- уларни тайёрлаш жараёнида муайян йўналиш бўйича фан, техника ва технология соҳаларида дунё миқёсида тан олинган янгиликлар ва йўналиш бўйича нашр этилган адабиётларнинг мазмун ва моҳиятини акс эттириш;

- тайёрланган муаммоли топшириқларни таянч олий таълим муассасаларининг илмий-усулий кенгашларида атрофлича муҳокама этиш ва тегишли қарор қабул қилиш тартибини ўрнатиш;

- тайёрланган муаммоли топшириқларни керакли миқдорда қўпайтириш, олий таълим муассасаларига тарқатиш ва мулалифлар гуруҳини моддий-маънавий рағбатлантириш ва бошқалар.

Ўқув машғулотида талабалар фаоллигини ошириш мақсадида **куйидаги усулларни кенг қўллаш лозим**:

- аудиторияларни замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш ва улардан ўқув машғулотида унумли фойдаланиш, машғулотларни кичик гуруҳларда ташкил этиш;

- ҳар бир таълим йўналиши бўйича ўқув машғулотининг мантиқий-тузилиш шаклини белгилаш, уларни бевосита ҳаёт талабларига мослаштириш, уларни муаммоли топшириқлар билан бойитиш ҳамда усулий тавсиялар, кўрсатмаларни тайёрлаш;

- ўқув машғулотида педагогик технологиялар, интерфаол усуллардан фойдаланишни йўлга қўйиш;

- вариатив дастурларга мувофиқ ўтиладиган ўқув машғулоти мавзулари бўйича тарқатма материалларни талабаларга етказиш ва уларга ҳар бир мавзу бўйича саволлар тайёрлаб келиш, шу тариқа уларни машғулотларга тайёрланган ҳолда келишларини ва натижаларини рейтинг назоратларида ҳисобга олишни таъминлаш;

- талабалар томонидан тайёрланган ва берилган саволларнинг мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратиш, саволлар сифатига қараб, талабаларнинг муайян ўқув машғулоти мавзуси бўйича тайёргарлик ҳолатини аниқлаш, уларда мавзу бўйича фикрлаш, мустақил билим олиш, мавзуга оид адабиётларни топиш,

улардан фойдаланиш ва таҳлил этиш кўникмаларини шакллантиришга эришиш;

- ўқув машғулоти мавзуси бўйича талабалар тўплаган маълумотларни ўзаро муҳокама этиш, билдирилган танқидий ва мустақил фикрларни таҳлил этиш, уларни умумлаштириш;

- гурухларда фан-техника ривожига йўналтирилган изланишларни жонлантириш;

- педагогларнинг ўз вазифаларига масъулият билан ва талабаларга билим беришда холисона ёндашишларини англаш мақсадида ички назорат бўлимларининг фаолиятини кучайтириш ҳамда талабалар орасида "Педагоглар талабалар нигоҳида" мавзуига бағишлиган сўровномаларни ўтказиб туриш, натажаларини атрофлича муҳокама этиш;

- ўқув машғулоти сифатини ошириш бўйича хориж тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва республикада қўлланилиши мумкин бўлганлари бўйича усулий қўлланмаларни ишлаб чиқиш.

Олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган ўқув машғулотларини иқтисодиёт тармоқлари билан мутаносиб тарзда ташкил этиш ва бошқариш ҳамда ривожлантириш, талабаларни аниқ касбга йўналтириш ҳамда битирувчиларни ўз касби бўйича ишга жойлаштиришга хизмат қиласди. Талабаларни эгаллаётган касбига мувофиқ ўқув машғулотини ташкил этиш учун аниқ йўналтирилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, белгиланган вазифаларни амалга ошириш лозим. Уларни ўқув машғулоти жараёнида касбий фаолиятда юқори кўрсаткичларга эришган, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тажрибасига эга малакали ишлаб чиқариш мутахассисларига "Устозшогирд" методи асосида биринтирилишини йўлга қўйиш муҳим. Бу методнинг амалга оширилиши олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари

ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва манбаатли интеграцияни шакллантириш, давлат таълим стандартлари талаблари даражасида ташкил этиш, талабаларнинг ишлаб чиқариш ва диплом олди амалиётларини дастур талаблари даражасида юқори савияда ўтказилишини таъминлаш, битирувчиларни мутахассисликларига мос равиша бандлигига эришишга хизмат қиласди.

Республикамизда бозор муносабатларининг қарор топган бугунги босқичида кадрлар тайёрловчи таълим муассасалари, иш берувчилар ҳамда битирувчиларнинг ўзаро фаол мулоқоти ва ҳамкорлигини педагогик ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Демак, таълим тизимида фаолият юритувчи ҳар бир педагог ўз фаолиятида ахборот-коммуникация технологиялари имкониятлардан тўла фойдалана олишлари талаб этилмоқда. Жумладан, ўқув машғулотини ташкил этишда ҳам компьютер технологияларидан кенг фойдаланиш давр талабидир.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, олий таълим муассасаларида ўқув машғулотини самарали ташкил этиш ва ўтказиш учун **куйидаги тавсияларни бериш мумкин:**

- ўқув машғулотини давр талаблари асосида ташкил этишда илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаган, касбий тайёргарликка эга замонавий фикрловчи педагогларни танлаш, ўсиб бораётган замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда уларнинг малакасини ошириб боришни йўлга қўйиш;

- уларнинг сифатини таъминлашга қаратилган педагогик ва ахборот технологиялари, электрон таълим ресурслари ва мультимедиа тақдимотларидан кенг фойдаланиш, бу борадаги хориж тажрибасини ўрганиб чиқиш;

- хориж тажрибасини инобатга олган ҳолда олий

таълим муассасалари учун ўқув машғулоти режа ва вариатив дастурларини қайтадан ишлаб чиқиш, амалий машғулотлар ва ўқув машғулоти бўйича соатлар кўпайтирилишини назарда тутиш;

- ўқув машғулотини замонавий ташкил этиш орқали талабаларнинг меҳнат бозори тўғрисидаги билимларини кенгайтириш, ўз карьераси ҳақидаги тасаввурларини ошириш, уларни меҳнат бозорида рақобатга етарлича тайёр бўлишига эришиш;

- талабаларда мустақил равишда замонавий фикр юритган ҳолда касбий фаолият йўналишларини танлаш ва эгаллашлари учун зарур бўлган заковатлилик, ижодкорлик, тадбиркорлик каби сифатларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш.

Талабанинг мустақил равишда замонавий фикр юритган ҳолда касбий фаолият йўналишларини танлаши ва амалга ошириши учун у қуйидаги сифатларга эга бўлиши лозим:

- муаммоларни кўра билиш, уларнинг содир бўлиш сабабларини англаш;
- қузатилаётган ҳодисаларни эгалланган билимлар билан умумлаштириш, хулоса қилиш ҳамда янги билимларни келтириб чиқара олиш;
- бир нечта тушунчаларни битта умумийси билан алмаштира олиш, кўплаб ҳодисалардан асосийсини ажратা олиш;
- ўз фикрини тўғри ва батафсил ифодалаш;
- ҳал қилинаётган муаммони эътибордан қочирмаган ҳолда фикрлай олиш;
- зарур маълумотларни тез ва аниқ топиш;
- муаммони таҳлил қилиш ва баҳолай олиш;
- ишни охирига етказа олиш;
- вазият ўзгаришига мос равишда фикрлаш йўналишини ўзgartира олиш.

Республикамиз олий таълим муассасаларида амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар, жумладан ўтказилаётган ўқув машғулотлари малакали кадрлар тайёрлаш, ўз иқтидори ва истеъдодини тўла-тўкис намоён эта оладиган, ҳаётда ўз ўрнини топишга қодир баркамол шахсларни вояга етказишга йўналтирилган. Бугунги кунда ўз самараларини бераетган бундай ишлар келажакда мамлакатимизнинг юксак тараққиётини, ҳаётимиз фаровонлигини янада оширишни таъминлашга хизмат қиласди. Бунинг учун мазкур машғулотларни ташкил этишда илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш йўлидаги вазифаларни амалга ошириш лозим. Бу мазкур жараён самарадорлигини оширишда муҳим ўрин эгаллади.

## ҮҚУВ ЖАРАЁНИНИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШ

Ҳар томонлама баркамол авлодни етиштириш педагогнинг савиясига, касбий тайёргарлигига ва фидоийлигига, унинг ёш авлодни ўқитиш-тарбиялаш ишига бўлган муносабатига боғлиқ. Шундай экан, у ҳар томонлама ривожланган илмий тафаккурга эга, ўз фанининг чуқур билимдони, педагогик-психологик ва усулий билим ҳамда малакаларни эгаллаган бўлиши ҳамда турли педагогик вазифаларни тезда ечиши, вазиятларни сезиши, ўрганиши ва баҳолай олиши лозим.

Таълим тизимида фаолият кўрсатаётган педагог илғор педагогик технологиялар, ўқув машғулоти жараёнини фаоллаштириш усуллари ва ўқитиладиган фанлар бўйича сифатли билим, кўникма ва малакаларни шакллантирувчи педагогик усулларни қўллай билиши лозим. У педагогик технологияларнинг моҳияти, мақсади ва вазифаларини ўрганиб чиқиб, улар ҳақида илмий асосланган маълумотлар, амалий йўлланмалар ишлаб чиқиши, уни ўқув машғулоти жараёнига жорий эта олиши керак.

Ўқув машғулоти жараёнига мазкур технологияларни жорий қилиш педагогдан ижодий изланишини талаб этади. Педагогда шаклланган билим, малака, ўқитиш воситалари, бу технология имкониятларини мақсадга мувофиқ йўналтира олиш қобилияtlари мавжуд бўлса, у давлат таълим стандартлари асосида талабага аниқ мақсадни белгилаб бера олиши мумкин. Белгилangan мақсад ва вазифаларни эътиборга олган ҳолда ўқув машғулотининг модели яратилади. Моделни ишлаб чиқиш асосан тизимли ёндашув усули, мақсадлар тизимини яратиш ва унга эришиш кетма-кетлигига асосланган ҳолда олиб борилади.

Бугунги кунда жамиятимизда янги ижтимоий

муносабатларнинг шаклланиши, таълимнинг дунё таълим тизимига интеграциялашуви, демократиялаш жараёнларининг ривожланиши ўқув машғулоти жараёнида педагогик технологияларга янгича ёндашув зарурлигини тақозо этмоқда. Миллий дастурда ушбу технологияларни жорий қилиш ва ўзлаштириш, уларни таълим муассасаларига олиб кириш зарурати алоҳида таъкидланган.

Ҳозирда хориж ва республикамизнинг таниқли олимлари илмий асосланган ва уларни таълим-тарбия амалиётида қўллашга интилмоқдалар. Булар орасида В.П. Бесъпалко, М.В. Кларин, И.Я.Лернер, Н.Ф. Тализина, Ж.Ғ.Йўлдошев, С.А.Усмонов, Н.С.Сайдадхмедов, Р.Ҳ.Жўраев, Қ.Й.Йўлдошев, Н.Н.Азизходжаева, Ў.Толипов, Г.Голиш, М.Тожиев каби таълим-тарбия жараёнлари фидоийларининг номлари эътиборга лойиқдир.

Бугунги кунда педагогик технологияга қизиқишининг кучайиши замирида **маълум сабаблар мавжуд, яъни:**

- ўқув машғулоти самарадорлигини ошириш мақсадида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш зарурлиги;
- фан-техника-технологиянинг кескин ривожланиши натижасида ахборот-маълумотлар ҳажмининг кўпайиб бораётганлиги;
- замонавий техника ва технологияларни ўқув машғулоти жараёнига татбиқ этиш, бужараёнда ахборот технологияси ҳамда техник воситалардан фойдаланиш кераклиги;
- талаба ва педагог фолиятини тўғри йўлга кўйиши, педагог таълим мақсади ва мазмунини пухта билиши, ўқитиш усуллари, методлари ва воситаларини мукаммал эгаллаган бўлиши, талабанинг қизиқиш ва интилувчанлигини тўғри йўлга йўналтира олиши лозимлиги;

- педагогўкув машғулоти жараёни самарали ташкил этиш учун мақсад ва вазифаларни аниқ белгилаши, унинг натижасини олдиндан қайд этиши, фанларнинг тўлиқ ўзлаштиришга эришиш учун зарурй ўқитиш воситалари, шарт-шароитларини тайёрлашга эришиши кераклиги;

- ўқув машғулот учун зарур моддий-техник базанинг яратилган бўлиши;

- ўқув машғулоти натижаларини холисона баҳолаш, талабаларнинг билим, кўнкима ва малакаларини эгаллашини назорат қилиш ҳамда баҳолашни автоматлаштиришга эришиши кераклиги кабилар.

Педагог педагогик технологияни амалиётга самарали жорий этиши учун: давр талабига мос ўқув машғулоти мақсадини аниқ ва равshan белгилаши, машғулот жараёни мазмунини фан дастури бўйича мукаммал эгаллаши, мунтазам педагогик маҳоратини ошириб бориши, дидактик жараённи амалга ошириш билан таниш бўлиши, ўқув машғулотини амалга оширишда ўқитишнинг самарали шакл, усул, восита ва технологияларидан фойдалана олиши ҳамда талабанинг ўзлаштиришини мунтазам назорат қилиб, баҳолаб бориши лозим.

**Педагогик технология - лойиҳалаштирилган** таълим ва аниқ мақсадга қаратилган ўқув машғулоти жараёнини ифода этади, яъни, бу технология ўқув машғулоти жараёни учун лойиҳаланади ва белгиланган мақсадни ечишга қаратилади. Лойиҳалаш, мўлжаланган максад ва уни амалга ошириш усул ва воситалари йиғиндисини аниқлашдан иборат.

**Бунда қуйидаги кетма-кетлиқда ишлар амалга оширилади:**

- таълим технологиясини амалга ошириш вақтини аниқлаш;
- ўқув материалларини таҳлил этиш;
- мақсад ва вазифаларни ажратиб олиш;

- ўқув материалларини маълум тузилмага келтириш ва вақт бўйича тақсимлаш;

- билим, кўнкима ва малакаларни ўзлаштириш босқичлари, шунингдек, шахснинг сифат ва фазилатларини ривожлантиришни аниқлаб олиш;

- талабаларни қизиқтириш усули ва воситаларини аниқлаш.

Ў.Қ.Толиповнинг фикрича, лойиҳалаш педагогик жараёни самарали ташкил этиш ва амалга оширишнинг муҳим шартларидан бири бўлиб, фаолиятни таҳлил қилиш, уни олдиндан кўра билиш ҳамда режалаштирилган фаолиятни амалга ошириш лойиҳасини ишлаб чиқишини ўз ичига олади. Педагогик вазифани ҳал этишнинг бу босқичида ўзининг ва талаба фаолиятининг мазмуни, воситалари ва дастурларини лойиҳалашга нисбатан мустақил йўналтирилган, ўзаро узвий алоқада бўлган педагог фаолиятини кўрсатиш мумкин. Шунга кўра педагогик жараёни лойиҳалаш мазмуни, моддий ва фаолиятни лойиҳалаш технологиялари бирлиги сифатида намоён бўлади. Бундан келиб чиқсан ҳолда ўқув машғулоти жараёнини лойиҳалаштиришни қўйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

- дастлабки ҳолатларни таҳлил қилиш, машғулот мақсадларини аниқлаштириш;

- машғулот мазмунини ўзлаштириш бўйича талабалар ўқув-билиш фаолияти усуллари тизимини тузиш;

- лойиҳалаштирилаётган ўқув машғулоти жараёнининг умумий моделини яратиш;

- талабалар ўқув-билиш фаолиятини бошқариш бўйича педагог фаолиятининг дидактик усуллар тизимини амалга ошириш усулларини ишлаб чикиш;

- машғулот жараёнини моддий-техник таъминлаш;

- бўлажак жараёни кўз олдига келтириш, аниқлаштириш.

Лойиҳалаш бевосита ўқув машғулоти шароитида

амалга оширилади. Бу жараёнда қуидаги ишларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

- ўрганилаётган мавзу бўйича мақсад, вазифалар билан талабаларни олдиндан танишириш;
- муаммо, топшириқларни, шунингдек, уй вазифалари, мустақил бажариладиган ишларни, уларни бажариш тартибини эълон қилиш;
- мавзуни тўлиқ ўзлаштириш бўйича кўрсатмалар бериш, ўзлаштириш меъёrlарини айтиб бериш;
- талабаларни фаол, мустақил фаолиятга рағбатлантириш, улар диққатини мавзу мазмунига тортиш, уни қандай ўрганиш зарурлигини айтиб бериш;
- билишга қизиқиш ҳамда муаммоларни бажаришга эҳтиёж уйготиш;
- мавзу бўйича маълумотлар тўплаш, улар юзасидан жорий назоратни ташкил этиш;
- мавзуни тўлиқ ўзлаштиришга оид ўзгариш, қўшимчаларни белгилаш;
- мавзу бўйича тўпланган билимларга ишлов бериш, бу жараёнда жорий назорат натижаларига асосланиб лойиҳага янги ўзгариш, қўшимчалар киритиш;
- мавзу бўйича умумий хulosалар чиқариш;
- оралиқ назорат натижаларига кўра мавзу бўйича ахборот тўплаш;
- уларга ишлов бериш жараёнида талабалар эришган ютуқларни таҳдил қилиш;
- уларнинг билим ва малакаси, ижодий фаолият тажрибасидаги камчиликларини кўрсатиш;
- гуруҳдаги ҳар бир талабага якуний назоратгача бажариладиган қўшимча топшириқларни бериш, уларни ўқув материалини янада атрофлича ўзлаштиришга йўналтириш;
- талабаларнинг мавзумазмунини ўзлаштиришларини аниқлаш, паст ўзлаштирганларни огоҳлантириш, қўшимча топшириқлар бериш ва бошқалар.

Ўқув машғулотида мавзу мазмунини ўзлаштиришда талабаларнинг билим савиаси, ўзлаштириш қобилияти, дидактик вазифаларга қараб: оғзаки, кўргазмали ва амалий каби гуруҳга бўлинадиган методларнинг қуидаги вариантлари қўлланилади: маъруза, амалий, лаборатория ва мустақил ишлар, муаммоли-эвристик моделлаштириш, илмий-тадқиқот, муаммоли-изланиш ва репродуктив, индуктив ва дедуктив, назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш.

Бугунги кунда касб билимлари ва қўникмаларини узлуксиз чуқурлаштириш билан бирга ўқув машғулоти сифатига эътибор бериш алоҳида аҳамиятга эга.

Ўқув машғулотининг сифати - ўқилаётган, таҳдил қилинаётган мавзуга педагогнинг маъсулият билан ёндашишлиги, ушбу мавзунинг мазмунини талабаларга етказишга қаратилган маҳорати, унинг машғулотни бугунги кун талаби асосида ташкил этиш ва ўтказиш усулий фаолияти билан белгиланади. У мавзуни ёритиш учун, унинг муҳим бўлган назария билан асосланганлиги, фикрларни мантиқан боғланганлигини тушунтира олса, маълум мақсадга эришган бўлади. Бунинг учун замонавий ўқитиш восита ва қуролларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бунда педагогик технология имкониятлари ва усулларидан фойдаланиб, мавзуни ёритиш муҳим ҳисобланади.

Жумладан, ўқув машғулотида **ҳамкорликда ўқитиш технологияси** усулларидан фойдаланиш талабани ижодий ва мустақил фикр юритишига ўргатиш, мустақиллигини ошириш, талабада ўз қобилиятига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, маъсулият ҳиссини шакллантиришини кўзда тутади. Бу технология талабанинг берилган топшириқларни сифатли бажаришга, ўқув материалини пухта ўзлаштиришга замин тайёрлайди. Мазкур технологиянинг гуруҳларда ўқитиш, кичик гуруҳларда ижодий изланишни ташкил этиш каби усулларидан фойдаланиш учун педагог ҳар бир усулнинг мақсадини

аңглаган ҳолда ўқув топшириқларини тузиши ва улардан ўз ўрнида фойдаланиш йўлларини белгилаши лозим.

Педагогик технологияларни ўқув машғулоти жараёнига жорий этиш кўламини кенгайтириш, бу йўналишда илғор педагогик тажрибаларни жорий этиш, ҳар бир фан бўйича аниқ режаларни тузиш ва амалга ошириш, дарслик, ўқув қўлланма, дастур, маъруза матнларини тайёрлаш, илмий-методик ишлар ва машғулот жараёнида ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш, уларни ахборот воситалари билан таъминлаш ҳамда коммуникацион тармоқларга боғлаш мухим вазифа ҳисобланади.

#### **Умуман олганда, педагог:**

- педагогик технологияларнинг илмий-назарий асослари;
- таълим жараёнига технологик ёндашиш;
- илғор ўқитиш технологияларини;
- ўқув машғулоти жараёнини лойиҳалашни;
- ўқитишнинг фаол усулларидан фойдаланишни;
- уй вазифаларини мақсадли беришни;
- ўқув мақсадлари тавсияномасини ишлаб чиқиши;
- тест топшириқларини талаба фаолият даражаларига мос ҳолда тузишни;
- Интернет тармоғидан фойдаланишни;
- рейтинг назорати ва талабаларнинг билимларини объектив баҳолаш кабиларни билиши керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, фақат замон талабларига жавоб берувчи инновацион педагогик технологияларни ахборот-коммуникация техник воситаларидан фойдаланган ҳолда ўқув машғулоти жараёнига жорий этиш асосидагина, мазкур жараён сифати ва самарадорлигини бугунги кун талаблари даражасида таъминлашга эришиш мумкин.

## **ЎҚУВ ЖАРАЁНИГА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ КИРИТИШ МЕХАНИЗМЛАРИ**

Ўқув машғулотини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнига замонавий педагогик технологияларни киритиш қўйидагиларга асосланади:

- ўқув машғулоти жараёнида талаба шахси устиворлигини таъминлаш;
- ўқув машғулоти мақсадининг натижага эришувини амалга ошириш;
- ўқув машғулоти жараёнининг мақсадли бошқарилувига эришиш;
- ўқув машғулоти материаллари мазмунини таъминловчи восита, усул шакл ва технологияларини бир тизимга келтириш.

Педагогик технологияларнинг ўқув машғулоти жараёнига татбиқ этилиши, ўқув жараёнига қўйидаги элементларни олиб киради: ўқув мезонларини белгилаш, диагностик таҳлил, тузатиш киритиш, қайта ишлаш, кутилиши лозим бўлган натижани олиш, рейтинг.

Кўлланиладиган педагогик технологияларни бир тизимга солиш, унга мақсадли йўналиш бериш ўқув машғулотини ташкил этиш ва ўтказишдаги шакл ва мазмун яхлитлигини таъминлаган ҳолда кутилиши зарур натижани олишни белгилайди. Ўқув машғулотига тестларнинг жорий этилиши, диагностик таҳлилнинг киритилиши, мониторинг назоратининг юритилиши, билимларни рейтинг тизимида баҳолашга ўтиш, фаннинг боб, бўлим мазмунини яхлит ҳолда ўзлаштиришни моделлаштириш, тизимга солинган назорат турларида талабаларнинг ишлаши ва ниҳоят ноанъанавий ўқув машғулоти шаклларининг вужудга келиши ўқув жараёнидаги анъанавий таълим ўрнига вужудга келган янги педагогик технологиялар бўлиб, улар янгича фикрлаш

тизимидағы ўқув машғулотига ўтишни тақозо этади.

Юқоридаги элементларга асосланған ҳолда педагогик технологияларни ўқув машғулоти жараёнига жорий этиш, айниқса ривожланған давлатлардаги педагогик технологиялардан фойдаланиб, таълимий педагогик технология тизимини яратиш борасида амалға оширилаётган ишларни умумлаштириш ва ўқув машғулоти жараёнида күллаш учун қуидагиларни амалға ошириш лозим:

- педагог ва талаба ўртасида ўқув меңнати режасини ишлаб чиқиши: яъни педагог мавзуни ўрганиш режасини тузишда, талаба фаолияти ўз аксини топишига эътиборни қаратиши лозим;

- фаннинг ички боғланиши ёки фанлараро боғланиш имкониятларидан мақсадли фойдаланиш. Маълумки, ҳар бир ўрганиладиган ўқув бирлик(мезон)лари олдин ўрганилганларига таянади. Демак, талабага янги мавзуни ўргатиша ундаги мавжуд билимларга таяниш, агар мавжуд билимлар янги мавзуни ўрганишга етарли бўлмаса, оралиқ тайёргарлик олиб бориш ва шундан кейингина талабани билимларини ўрганишнинг навбатдаги босқичига ўтиш лозим. Бундай ишлаш педагогик технологиянинг асосий элементларидан бири ташҳис ҳисобланиб, талабаларнинг янги билимларни эгаллашига қанчалик даражада тайёр эканликларини аниқлашдан иборат;

- ўқув бирликлари(мезонлари)ни белгилаш. Бу талаба томонидан ўрганилиши лозим бўлган тушунча, таъриф, қоида, қонун, ҳодиса ва воқеалардан иборат бўлиб, улар орасидаги мантиқий боғланишнинг таъминланиши шу мавзунинг ўзлаштирилишига олиб келади. Педагог талабалар ўрганиши керак бўлган ўқув бирликларни аниқлайди ҳамда унга ажратилган вақтни белгилайди. Ўқув бирликлари ўзлаштирилиши зарур

бўлган мезонлар ҳисобланиб, талаба ушбу қўрсатилган мезонларни билсагина баҳоланади. Педагог шу пайтда аниқ ўлчовларга асосланған ҳолда иш олиб боради. Шунинг учун ҳам ўқув бирликларини билиш талаба учун зарур топшириққа айлантирилади. Ўқув машғулоти режасини тузишда педагог талабалар билиши лозим бўлган ўқув бирликларини мавзуларни семестрлар бўйича аниқлайди ва уларга топшириқ сифатида мавзуни ўрганишдан олдин вазифа қилиб беради. Берилган топшириқлар ўзлаштириш рейтингини аниқлашда назорат топшириғига ўтказилади;

- диагностик таҳлил. Билим, кўникма ва малакадаги камчиликларни аниқлаш, уларни тўлдириш ва навбатдаги ўзлаштириш босқичига ўтиш мақсадида ташҳислаштириш амалға оширилади. Диагностика талабалар ўзлаштириш даражасини ташҳислаштириш, мавзулардаги етишмовчиликлар-нинг олдини олиш, уларни тўлдириш мақсадида маҳсус топшириқлар ишлаб чиқиши ва якуний диагностик таҳлил қилиш мақсадларини амалға оширади. Ўзлаштиришдаги камчиликлар сабабини ҳамда талабанинг билим даражасини аниқлаш, режанинг боришида тузатишлар киритиш йўли билан ўқув машғулоти жараёнининг кафолатланганлиги таъминланади. Диагностик таҳлил тест сўрови орқали амалға оширилади. Унинг натижаларини диагностик таҳлил қилиш икки муҳим вазифани ҳал қиласи: қайси талаба қайси ўқув бирликларида қийналади, педагог қайси билимларини кучайтириш лозимлигини аниқлайди;

- тузатиш киритиш. Мавзунинг ўзлаштирилиш даражасининг диагностик таҳлили натижасида 50 фоиздан кам кўрсаткич олинса, педагог ўқув машғулоти жараёнининг боришига тузатиш киритиши лозим. Бунда талабалар ўзлаштириши қийин бўлган мавзуларни аниқлаш, қайта ўрганиши лозим бўлган мавзуларни янгича ўргатиш усувларини ишлаб чиқиши, ўқув машғулоти

режасида тузатиш киритиш вақтларини белгилаш ишлари бажарилади;

**- қайта түлдириш (нұқсанларни тұгатиши).**

Мақсад олинган билимлардаги камчиликларни бартараф этиш. Камчиликларни тузатиш түлдириш асосида амалға оширилади. Қайта түлдириш асосан амалиёт машғулотларидан бажарилади. Шу мақсадда, педагог талабалар ўзлаштириш даражасидаги түлдиришни амалға ошириши лозим. Бунда педагог танлаёттан үқув вазифасининг даражасини талабаларда мавжуд бўлган реал билимларга мослаштириши зарур;

**-кутилишилозимбўлганнатижаниолиш.** Педагогик технология үқув машғулоти жараёнининг боришини мақсадли амалға оширилиши ва натижали бўлишини режалаштиришни педагог олдига асосий вазифа қилиб қўяди. Бу жараён таҳлил қилиниб борилади, тузатишлар киритилади, қайта түлдиришлар амалға оширилади ва олдиндан кутилиш режалаштирилган натижа олинишига эришилади.

Педагогик технологиялар бўйича билдирилган фикрларни умумлаштиrsак педагогик технология мазмуни, педагогнинг касбий фаолиятида замонавий ўқитиш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўқитиш самарадорлигини ошириш, талабаларнинг билим олиш сифатини яхшилаш, талаб этилган билим даражасига эриши учун үқув машғулоти жараёнини олдиндан лойиҳалаштиришдан иборат деб тушуниш мумкин. Педагогик технологиянинг марказий муаммоси талаба шахсини ривожлантириш орқали машғулот мақсадига эришишни таъминлашдан иборат.

Айни вақтда республика ижтимоий ҳаётига кенг кўлами ахборотлар оқими кириб келмоқда. Уларни тезкор қабул қилиб олиш, таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хуносалаш ҳамда талабага

етказиб беришни йўлга қўйиш таълим олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бу жараёнга педагогик технологияни татбиқ этиш ушбу долзарб муаммони ижобий ҳал этишга хизмат қиласи.

Үқув машғулотига нисбатан технологик ёндашув мазкур жараённи такомиллаштириш, унинг самарасини таъминлаш ва бойитиб бориш каби мақсадларга эришишнинг омили сифатида ташкил этилади. Үқув машғулотида илғор технологиялардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёни моҳиятини тўлақонли англай олган, юзага келадиган муаммоларни ижобий ҳал эта олиш салоҳиятига эга, мустақил фикр юрита оладиган ва дунёкараши кенг малакали мутахассисларни тайёрлаш ҳамда уларнинг касбий маҳоратини доимий равища ошириб боришни йўлга қўйишда муҳим ҳисобланади.

Шу боис сўнгги йилларда үқув машғулотида педагогик технологиялардан самарали фойдаланишга республикамизда алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Таълим муассасаларининг фаолият жараёнига мазкур технологияларни татбиқ этиш бир қатор шартларга мувофиқ амалға оширилиши лозим. Хусусан, педагогларни бу технологиянинг моҳиятини очиб берувчи назарий маълумотлардан хабардор этишда **қуйидагиларни амалға ошириш зарур:**

- педагогларни педагогик технология ҳамда унинг моҳияти хусусида маълумот бера олиш имконига эга бўлган үқув манбалари (дарслик, қўлланма, методик тавсиянома, шунингдек, муайян үқув фанлари бўйича машғулот лойиҳалари кабилар) билан таъминлаш;

- мазкур технологияларни қўллаш борасида хориж ва маҳаллий педагогларнинг илғор тажрибаларини оммалаштириш;

- үқув машғулотида педагогик технология назарияси гояларидан самарали фойдалана олиш кўникмасини

шакллантириш, ушбу кўникмани амалий фаолият малакасига айлантириш учун зарур шарт-шароит яратиш.

Юқорида билдирилган фикр мулоҳазалардан **куйидаги хуносаларни чиқариш мумкин:**

- ўқув машғулоти жараёни самарадорлигини ошириш, талабаларнинг мустаҳкам назарий билим, фаолият, кўникма ва малакаларини шакллантириш, уларни касбий маҳоратга айланишини таъминлаш мақсадида ўқитиш жараёнида педагогик технологиядан фойдаланиш давр тақозоси сифатида кун тартибига қўйилмоқда;

- ўқув машғулоти жараёнига педагогик технологияни татбиқ этиш малакали мутахассислар тайёрлашга йўналтирилган жараён мазмунининг сифат жиҳатдан ўзгаришини таъминлайди;

- педагогик технология назарияси гояларидан фойдаланиш асосида ташкил этилган ўқув машғулоти жараёни малакали мутахассисни тайёрлаш борасидаги ижтимоий буюртманинг бажарилиш ҳолатининг сифат кўрсаткичига эга бўлишига олиб келади;

- малакали мутахассисларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнидаги фаолиятлари ҳамда уларнинг самараси ижтимоий тараққиётнинг тезлашувига олиб келади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, анъанавий ўқитишда талабалар фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар ёрдамида таълим бериш, талабаларнинг эгаллаши керак бўлган билимларини мустақил равишда ўзлари қидириб топишга, таҳлил қилишга ва хуносалар чиқаришга ўргатади. Улар билим савиасини ривожлантириш ва такомиллаштириш мавзуси доимо таълим тизимида долзарб муаммолардан бири бўлиб келган. Шунинг билан бирга таълим жараёнида педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва уларни ахборот технологиялари ёрдамида ҳаётга жорий

этишни тақозо этмоқда.

Ахборот технологиялари, педагогик технологияларни узлуксиз таълим тизимида ривожланишини якуний натижаларини таъминлашда асосий ўринлардан бирини эгаллаб бормокда, буни таълим-тарбиянинг барча жабҳаларида кўриш мумкин. Шунинг учун ёш авлодга таълим-тарбия беришда қўлланиладиган педагогик технологияларда ахборот технологияларнинг маълумот ва материалларидан иложи борича қўпроқфойдаланишшу куннинг долзарб масалаларига айланиб бораётганлигини жамият тараққиёти унинг ривожи ҳар жабҳада қўрсатиб турибди.

“Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида “...реал иқтисодиёт тармоқларида, бошқарув, бизнес, фанватаълим соҳаларида компьютер ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш, аҳоли турли қатламларининг замонавий компьютер ва ахборот тизимларидан кенг баҳраманд бўлишлари учун шарт-шароитлар яратиш” белгилаб қўйилган.

Шундай экан, ўқув машғулотлари жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш, педагогик технология турларини шакллантириш ва улар асосида мазкур жараённи ташкил этиш ва ўтказиш, бошқаришда асосий манба сифатида майдонга чиқади. Жумладан, ҳозирги кунда талаба ва Интернет орқали ўзига зарур бўлган кўплаб маълумотларни олмоқда ва қайта ишламоқда. Агар биз шу нуқтаи назардан келиб чиқадиган бўлсак, педагогик технологияни қўлламоқчи бўлган фан ўқитувчиси биринчи навбатда ўз фани бўйича ахборот маълумотларига таянса мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда албатта ахборот маълумотлари кўп, шунинг учун бу маълумотларни ёш, психологик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда қайта

ишлиб талабалар онгига етказишга ҳаракат қилиш лозим.

Телекоммуникация ва компьютер технологияси талабаларда муҳим ижтимоий эҳтиёжларни фаоллаштиради, бу воситаларни кузатиш орқали талаба янги жараёнда ўз ўрни борлигини ҳис эта бошлайди. Телекоммуникация технологияси орқали педагог ўзининг ахборотлар мажмумини кўпайтирибгина қолмасдан, дунёning исталган бурчагидаги касбдошлари билан амалда мулоқотда бўлиш имконини қўлга киритади. Бу эса ўкув машғулоти сифатини оширишга ҳамда янги усул, технология самарадорлиги, унда эришилган натижа, вақт сифати билан баҳоланишини ҳисобга оладиган бўлсак, у пайтда ўкув машғулоти жараёнида ҳам янги сифат томонларини шакллантиришга тўғри келади.

Умуман ўкув жараёнида назария ва амалиётни биргаликда ўтказиш яхши натижалар беради. Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда қўйидагиларни амалга ошириш муҳим ҳисобланади:

- ўкув машғулотининг сифати, унинг мазмунини тўлиқ шакллантириш ва унинг мақсадига эришиш;
- ўқитиш тури муаммоли ёки тадқиқотга оид фаоллаштирувчи бўлиши ҳамда маъруза талабада фикрлашни уйғотиши;
- талабаларни муҳокама қилинаётган масалаларни тушунишга, билишга диққат эътиборини қаратиш;
- талабаларда ижодий фикрлашни уйғотиш, қўйилган муаммоларни ечишда турли нуқтаи-назардан, фикрлар, қарашлар тўқнашувини вужудга келтириш;
- ахборот технологияси жорий қилишда ва бунинг орқасида таълимнинг муҳим тамойиллари - тизимлилик, кўргазмалилик, илмийлик ва тарихийлик алоқадорлигини кўрсатиш;
- педагогик технология ва усулларни жорий қилишга эришиш;

- ахборот технологияларни қўллаш, ўқитиш жараёнини компьютерлаштириш ҳамда компьютер тармоқлари негизида ўкув машғулоти жараёнини ахборот билан таъминлашга эришиш;

- ўкув машғулоти самарасини оширишга хизмат қиласидаган ўкув-усулий илмий адабиётлар билан таъминлашга эришиш ва бошқалар.

Педагог ўкув машғулоти жараёни самарали бўлишини таъминлаш учун маъруза машғулотларини ахборот технологияларни қўллаган ҳолда қўйидаги тартибда ташкил қиласа мақсадга мувофиқ бўлади:

- маъруза аудиториясига компьютер ва видеопроектор ўрнатиш;

- маъруза мавзусининг технологик харитаси мақсади, режасини олдиндан аниқлаш ва ишлиб чиқиш;

- компьютер ва видеопроекторни масофадан бошқариш орқали мавзу бўйича олдиндан тайёрлаб келинган мультимедияли слайдларни экранда намойиш этиш орқали тушунтириб бориш.

Бундай педагогик технологияларни қўллаш орқали билим бериш талабаларнинг мавзуни яхши тушуниши ва ўзлаштиришига қулай имкониятлар яратади. Бунда фаолият мазмуни 1-жадвалда кўрсатилганидек амалга оширилади.

## Фаолият мазмуни

1-жадвал

Иш босқичлари вақти	Фаолият мазмуни	
	Педагог	Талаба
1-босқич. Мавзуга кириш. (15 дақика).	Саломлашиш, аудаторияни ўзига қартиш ва тартиб ўрнатиш, давоматни аниқлаш. Ўтилган мавзу юзасидан муаммоли саволлар бериш орқали талабаларнинг ўтилган мавзу юзасидан фикрларини аниқлаш. Улардан экранда келтирилган мисолларга ўз фикрларини билдиришлари сўраш. Бунингчун 10 дақиқавақтажратиш. Белгиланган вақт тугагандан сўнг, фикр билдиришларни тўхтатиш ва жавобларни таҳлил қилиш. Мавзунинг номини экранга чиқариш ва режани келтириш. Маъruzani бошлашдан олдин аудаторияга катталикларни изоҳлаб беринг саволини бериш ва 3-4 талабадан эшитиб, қисқа мухокама қилиш.	Саволларга тезкор жавоб беришади. Тинглайди, мавзуни ёзиб олади.
2. Асосий босқич (55 дақиқа)	Ахборот-визуал материаллардан фойдаланиб маъruzani баён этиш. Катталиклар ва уларни тадбиқи. Талабаларга мавзунинг асосий тушунчалари ёзиб олишларини таъкидлаш. Маъруза давомида асосий тушунчаларни қайд этиш лозимлигини уқтириш, маъруза давомида уларга муаммоли саволлар берib бориш.	Тинглайди, ёзади. Берилган саволларга эркин фикр билдиради.

3. Якуний босқич (10 дақиқа)	Мавзуни умумлаштириш ва умумий холосалар чиқариш. Талабалар дикқатини мавзунинг асосий томонларига қаратиш, уларнинг карточкалари санаб, балл қўйиш. Мустакил ишлашлари учун назорат саволларига жавоб тайёрлаб келиш вазифасини бериш.	Тинглайди, вазифани ёзиб оладилар.
---------------------------------	---	------------------------------------

Энди, қуйидаги мавзуни баён қилишни кўриб чиқайлик.

**Мавзу:** Таълимни ахборотлаштириш жараёнлари

Машғулот мақсади ва вазифалари. Талаба ва педагоглар учун янги имкониятларни яратиб бериш. Бунда, ахборот коммуникация технологиялари кенг кўламда қўлланилиши таълимни сифат ва самарадорлик жиҳатидан юксалтиришда кўмаклашиши, бунинг учун қуйидагиларни амалга ошириш: таълим соҳасидаги янги техника ва технологиялар ҳақидаги ахборотларни кенг тарқатиш, мазкур технологияларни ўрганишни мактаб партасидан бошлашни кенг йўлга қўйиш, бу эса компьютер саводхонлигини тез вақт ичидаги эгаллашда ёрдам бериши, таълим беришнинг барча поғоналарида сифат кўрсаткичини юксалтириш учун улардан кенг фойдаланиш, педагогларни тайёргарлик даражасини янада юксалтириш, улар эса ўз ўрнида ахборотлашган жамиятга бориш йўлини кўрсатиб беришлари кераклиги, турли даражадаги ҳамкорликларасосида бутехнологияларни таълим соҳасида самарали фойдаланиш кўламини кенгайтириш, ахборот-коммуникациялар технологияларини республикамиз бошқарув тизимида босқичма-босқич жорий қилиниб борилиши, жамиятимизни тўлиқ ахборотлаштириш, миллий иқтисодимиз таркибида янги, яъни ахборот ва билимларга асосланган иқтисодни шакллантиришга олиб келиши мумкинлигига тўхталиб ўтиш тавсия қилинади.

Кўргазмалиқуроллар ва уларни намойишетиши. Педагог томонидан олдиндан тайёрлаб келинган, ушбу мавзуга оид

Интернет банкларида сақланаётган маълумотлар асосида, Ms Office пакетида мавжуд бўлган Power Point дастуридан фойдаланиб тайёрланган маълумотлар намойиш этилади.

1. Ўқув-электрон мажмуа.

2. Бевосита Интернет саҳифалардан мавзу хусусиятларини ёритувчи материаллар тўғрисидаги маълумотлар ва анимацион кўринишлар берилади.

Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси:

Метод: фанбўйича Интернет банкларида сақланадиган маълумотлардан ва электрон анимацион слайдлардан фойдаланган ҳолда янги мавзуни тушунтириш. Масалан, кластер усулини қўллаш.

Шакл: гурухларда.

Восита: тарқатма материаллар, ахборот ва коммуникацион технологиялар имкониятлари.

Назорат тури: кузатиш, савол орқали, тестлар ёрдамида.

Бахолаш: ўз-ўзини ва педагог томонидан баҳолаш.

Машғулотни ўтиш методикаси. Дастлаб, педагог талабаларга мавзуни ўрганишдан мақсад ва унинг вазифаларини эълон қиласди. Талабаларга мавзу юзасидан кластерни тузиб, машғулот якунида топшириш вазифаси берилади. Улар мавзуни ўрганишдаги асосий параметрларнинг хусусиятларини аниқлашнинг аҳамияти ҳақида билим ва кўникмаларга эга бўлиши керак.

Педагог янги ўтиладиган мавзу юзасидан савол-жавоб ўтказди, талаба жавобларини эътибор билан эшигади, улар йўл қўйган хатоларни қайд этиб боради (бу талабаларнинг умумий билим даражасини ва улар томонидан кўйиладиган хатоликларни аниқлаш имконини беради) ва тузатиб, тўлдириб боради. Сўнгра, уларнинг жавоблари умумлаштирилади. Сўнгра янги мавзуни маъруза шаклида баён этади. Маъруза давомида педагог мавзу юзасидан тайёрлаб келган анимацияли слайдларни видеопроектор ёрдамида экранга тушириб, намойиш

қилиб боради.

Янги мавзуни ўтиш методикаси. Аввал педагог мавзу ҳақида умумий маълумотлар беради. Педагог томонидан Power Point дастури ёрдамида тайёрлаб келинган слайдлар ёки ўқув-электрон мажмуа намойиш этилади. Слайдларни биринча саҳифасида мавзунинг номи, иккинчи саҳифасида ушбу мавзунинг ўтиш режаси, кейинги саҳифада мавзуга доир Интернет саҳифаларини манзиллари кўрсатилади.

Кейинги саҳифаларда эса ҳар бир параметрларни навбат билан обьектларда қўлланилиши ва уларни ўрганиш ёрдамида аниқланадиган ҳолатлар слайдлар ёрдамида тушунтириб берилади. Ушбу саҳифани ёритиш давомида мавзуни ўрганиш ёрдамида олинган материаллар намойиш этилади. Машғулот якунида бажарилган ишлар рейтинг тизими бўйича баҳоланади. Талабалар билимини баҳолашда, уларни ижодкорлигига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Шундан сўнг, уйга бериладиган вазифа тушунтирилади.

Уйга вазифа. Талабаларга Интернет банкларидан фойдаланган ҳолда кейинги мавзу бўйича анимацион тақдимот тайёрлаб келиш вазифаси топширилади. Бундай усул ёрдамида машғулот олиб бориш талабада мустақил ишлаш кўнгикмасини шакллантиради, ахборотлар излаб топиш жараёнида қизиқарли маълумотларга дуч келади ва унда фанга бўлган қизиқишини янада ортишига сабаб бўлади.

Талабалар мавзуни ўзлаштириш жараёнида ахборот технологиялардан фойдаланиш, улар фаоллигини оширишга, натижада уларнинг фанга бўлган қизиқишини шаклланнишига имкониятлар яратади. Таълим масканларида педагогик технологияларга асосланиб, компьютер техникаларидан фойдаланиш педагог ва талабаларни фаоллаштиради, ажратилган вақтдан унумли фойдаланиб кўрилаётган мавзу тўғрисида батафсилоқ маълумотлар олишга имкониятлар яратади.

## ҮҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИ

Үқув машғулотлари жараёнига татбиқ қилинадиган ҳар қандай педагогик технология, унинг компонентлари машғулот мазмуни, үқув дастури, дарслик ёки педагог фаолияти орқали ўтилишидан қатъий назар, талабанинг эркин ва ижодий фаолиятини ривожлантиришга қаратилган бўлиши талаб этилади.

Танланган материалнинг қанчалик тўғри ёки нотўғрилигини фақат үқув усули ва шакллари орқали эмас, балки назарий, амалий ва методологик ўзаро боғлиқлик, дидактик ва экспериментал усуллардан олинган етарлича ишончли ташхислар ва амалиётда қўлланилаётган далолатномалар ёрдамида ҳал қилиш керак бўлади.

**Таълим усули** - бу ўқитувчи билан үқувчи-талаба ўртасидаги тартибга солинган ўзаро алоқа усули, ўқитиш жараёнида таълим ва ривожланиш масалаларини ҳал қилишга қаратилган фаолиятдир.

**Усул** - бирор нарса, ҳодиса, жараённи ўрганиш, амалга ошириш тартиби бўлиб, у мақсадга эришиш йўлини билдиради. Ўқитиш усуллари үқув жараёнининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Фаолиятнинг тегишли усулларисиз таълимнинг мақсад ва вазифаларини үқув материалининг муайян мазмунини үқувчи-талabalар томонидан ўзлаштиришга эришиб бўлмайди.

Усуллар асосий гурӯҳларининг ҳар бири ўз навбатида гурӯҳчалар ва уларга кирувчи алоҳида усулларга бўлинади. Ўқув-билиш фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш жараёнининг ўзи узатиш, қабул қилиш, ангаш, үқув ахборотларини эсда сақлашни ҳамда олинадиган билим ва кўнимкамларни амалиётда қўллай олишни назарда тутишини ҳисобга олсан, биринчи гурӯҳ усулларига сўз орқали узатиш ва ахборотни эшитиш орқали қабул

қилиш усуллари (оғзаки усуллар; ҳикоя, маъруза, сұхбат ва бошқалар), үқув ахборотини кўргазмали узатиш ва кўриш орқали қабул қилиш усуллари (кўргазмали методлар: тасвирий, намойиш қилиш ва бошқалар), үқув ахборотини амалий меҳнат ҳаракатлари орқали бериш ва уни қабул қилиш (амалий усуллар: машқлар, лаборатория тажрибалари, меҳнат ҳаракатлари ва бошқалар) киради.

Таълим жараёни үқув ахборотини ва уни мантиқий ўзлаштиришни англашни ташкил қилишни кўзда тутади. Шунинг учун ҳам үқувчи-талаба фаолиятининг индуктив, дедуктив, шунингдек, репродуктив ва муаммолиқидирудини ташкил қилиш усуллари гурӯҳчаларини ажратиш лозим.

Үқув-билиш фаолиятини рағбатлантириш ва асослаш усулларини таълимга қизиқиши рағбатлантириш усуллари ҳамда таълимга бурч ва масъулиятни асослаш усулларига бўлиш мумкин. **Таълимни рағбатлантириш усуллари қўйидагилар:**

- таълимга қизиқиши рағбатлантириш;
- таълимга бурч ва масъулиятни рағбатлантириш.

Таълим жараёнидаги назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш усуллари үқув жараёни вақтида оғзаки, ёзма, лаборатория-амалий, тест, рейтинг усулларига ажратиш мумкин.

Таълимда назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш усуллари қўйидагилар:

- оғзаки назорат ва ўзини-ўзи назорат қилиш;
- ёзма назорат ва ўзини-ўзи назорат қилиш;
- лаборатория-амалиёт назорати ва ўзини-ўзи назорат қилиш;
- тест назорати.

Юқорида келтирилган усуллар нисбатан яхлит ҳисобланади, чунки у фаолиятнинг барча асосий тузилиш элементларини ҳисобга олади. Унда билиш фаолиятининг

қабул қилиш, англаш ва амалда қўллаш қирралари яхлит ҳолда кўринади.

Касб педагогикаси фанини ўрганишда яна бир қатор усуллардан кенг фойдаланилади. Буларга изланиш усуллари киради. Ўз навбатида изланиш усуллари икки турга бўлинади: назарий; эмпирик. Назарий изланиш усулларига: анализ, синтез, моделлаштириш, конкретлаштириш киради. Эмпирик изланиш усули: бирламчи ва умумий усулларга бўлинади. Бирламчи усулларга - кузатиш, оғзаки сўраш, суҳбат, ёзма сўраш, мутахассислар баҳси, тестлар киради.

Умумий изланиш усулига – ташхис қилишни ўрганиш, педагогик тажрибани умумлаштириш ва тажриба киради. Бу усуллар малакавий педагогикада кенг тарқалган бўлиб, ишчи-ходимларнинг малакасини аниқлаш, касбий муаммоларни ҳал этишда кенг тарқалган. Иш фаолиятини ўрганиш, бажараётган ишнинг умумий унумдорлигини аниқлаш, иш хуносасини ўрганувчи тавсифнома ёрдамида амалга оширилади.

Ҳар бир ўқитиши методик усуллар тизими орқали амалга оширилади. Методик усул ўқитиши жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи-талабаларнинг алоҳида амалларини ифодаловчи элемент, усулнинг бир қисми ҳисобланади. Методик усулларнинг кўплиги уларни бир тизимга келтиришни талаб этади. Биринчи навбатда у ёки бу усулга тааллуқлilarи ажратилади. Бироқ батафсил таҳлил қилиш методик усулларнинг янада умумийроқ гурухларга ажратиш имконини беради: мантиқий, ташкилий, техник.

**Мантиқий усулларга** ҳодисалар ва обьектларнинг белгиларини аниқловчи уларни фарқи ва ўхшашлигига қараб таққословчи, хуносалар ва умумлаштиришларни шакллантирувчи, муаммоларни илгари сурувчи усуллар киритилади.

**Ташкилий усуллар** ёрдамида ўқув-талабаларнинг

48

эътибори, қабул қилиши ва ишига йўналиш берилади.

Махсус тарқатма материаллар қўлланиладиган **техник усуллар** ташкилий услублар билан узвий боғлиқ (масалан, фронтал тажрибалар учун асбоб ва материаллар тайёрлаш).

Кейинги йилларда ўқувчи-талабаларнинг ҳар томонлама мустақиллигини ва ижодий лаёқатини ривожлантиришдек вазифага боғлиқ ҳолда усулларни ўқувчи-талабалар ва ўқитувчилар фаолияти хусусиятига қараб туркумларга ажратиш такомиллашди, натижада, оғирлик маркази усулларнинг ички моҳиятига кўчди.

М.Н.Скаткин ва И.Я. Лернер ўзлари таклиф қилган туркумларга ажратиша **бешта ўқитиши усулини алоҳида кўрсатиб ўтишган**.

1. Тушунтириш-тасвирий ёки ахборот-кўрсатмали.
2. Сермаҳсул (репродуктив).
3. Муаммоли баён.
4. Қисман изланишли ёки эвристик.
5. Тадқиқотли.

Дидактикада кўпинча усулларни ўқитувчидан ўқув-талабага маълумот узатиш йўли бўйича туркумларга ажратиш қўлланилади. Шунинг учун, асосий ўқитиши усуллари материални ўқитувчи баён қиласиган (ҳикоя, суҳбат, тушунтириш, маъруза) ва китоб (дарслик, луғат, илмий-оммабол адабиётлар) билан ишлашдан иборат вербал (оғзаки), кўргазмали (демонстрацион, тажрибалар, амалий ва статистик моделлардан, плакатлар, расмлар, диапозитивлар, диа - ва кинофильмлар кабилардан фойдаланиш) ва амалий (лаборатория ишларини бажариш, практикумлар, синфдан ташқари кузатишлар ва тажрибалар, масала ечиш кабилар) усулларга бўлинади.

Усулларни машғулотда ҳал қилинадиган асосий дидактик вазифаларга қараб қуйидаги туркумларга ажратиш ҳам мумкин:

49

- билимларни эгаллаш;
- малакаларни шакллантириш;
- билимларни амалда қўллаш;
- ижодий фаолият;
- билим, малака ва кўникмаларни мустаҳкамлаш;
- текшириш усуллари.

Ю.К. Бабанский ҳамма ўқитиш усулларини уч гуруҳга бўлинишини таклиф этади.

1. Ўқув-билиш фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш усуллари.

2. Ўқув-билиш фаолиятини асослашварағбатлантириш усуллари.

3. Ўқув-билиш фаолиятининг саамрадорлигини назорат қилиш ва ўз-ўзини назорат қилиш усуллари.

Ҳеч бир усулни барча ўқув масалаларни ҳал қилиш учун универсал ва яроқли деб ҳисоблаш мумкин эмас. Фанлардан ўқув-тарбиявий жараённинг самарадорлик шарти - машғулот мақсади, ўқувчи-талабаларнинг ёш хусусиятлари ва бошқа омиллардан келиб чиқсан ҳолда турли ўқитиш усулларидан фойдаланишdir.

Ўқув ишини ташкил қилиш ва режалаштириш учун қатор ҳолларда фан ўқитувчисига усулларни ўқув жараёнининг босқичлари бўйича турларга ажратиш афзалроқ бўлади. Масалан, физика фанини ўқитиш амалиётида ўқитиш усулларини фойдаланиладиган ўқитиш воситаларига қараб туркумларга ажратиш кенг тарқалган бўлиб, улар қуидаги гурухларга ажратилади:

- оғзаки (ҳикоя, тушунтириш, маъруза, сұхбат; улар муаммоли ва номуаммоли хусусиятга эга бўлиши мумкин.);
- демонстрацион (ўқитувчи реал ва моделли тажрибаларни кўрсатади.);
- лаборатория (фронтал лаборатория ишлари, уйда бажариладиган тажриба ва кузатишлар, практикум);
- китоб ва қўлланмалар билан ишлаш;

- масала ечиш ( сифат, миқдорий, экспериментал, график кабилар);

- расмлар, плакатлар ва турли хил йТВ лардан фойдаланиш;

- билим, малака ва кўникмаларни назорат қилиш ва ҳисобга олиш усуллари.

Ўқитувчи билимларни ўқувчи-талабаларга турли ходисалар ёки кўргазмали қўлланмалар билан бойитилган сўз воситасида узатиладиган усуллар **оғзаки усуллар** дейилади. Бундай ҳолда ўқувчи-талабалар фаолияти тинглаш, фикрлаш ва ундан кейинги оғзаки ва ёзма жавобларда ифодаланади. Усулларнинг бу гуруҳида сўз билимларнинг асосий манбай ҳисобланади.

Ўқитиш усуллари билиш масалаларини ҳал қилишга хизмат қиласар экан, уларда мантиқий фикрлаш усулларидан: индукция ва дедукция, мавхумлаштириш ва умумлаштириш, таҳлил ва синтез, ўхшатиш ва моделлаштиришдан фойдаланилади. Билимларни умумлаштириш ва чуқурлаштириш ўрганилган усулларни тақрорлаш ва билимларни амалда қўллаш жараёнларида амалга оширилади.

Тамойилларига қараб турлича синфлашган, аниқ бўлишга ёндашиш тамойилларига асосланиб ўқитиш усулларининг барчасини бир неча гурухга бўлиш мумкинлиги эътироф этилади, лекин ўқитиш усуллари қатор қарашларга эга ва турли нуқтаи-назарларда қурилиши мумкин. Табиийки уларни синфлашда турли ёндашишга олиб келади.

С.И. Перовский Е.Я. Голандлар ўқитиш усулларини ахборотни қабул қилиш таснифи ва узатиш манбай бўйича оғзаки, кўргазмали ва амалий усулларга бўлган. М.Н. Скоткин, И.Я. Лайннерлар таълим таркибини ўзлаштириш бўйича ўқувчи-талабаларнинг тушуниш фаолияти таснифига мос равишда қуидаги усулларга

ажратади: кўргазмали-тушунтириш, (ахборот-рецептив), репродуктив, муаммоли ёритиш, қисмли изланувчан ёки эвристик ва тадқиқотли.

М.И. Махмутов таълим усулларини ўқитиш усулларига мос равища синфлашни таклиф қилган, яъни ахборот-муаммоли ва ижро этувчи, тушунтириш ва репродуктив, амалий-кўрсатмали ва продуктив-амалий, ундовчан-тушунтириш ва қисмли изланувчан. Н.М. Верзилин, А.Н. Алексюк, И.Д. Звереевлар ўқитиш усулларини синфлашда билим манбай бўйича ва мантиқий исбот билан бир вақтда ўқувчи-талабаларнинг ўқув фаолияти мустақиллик даражаси ва билимлар манбай бўйича ёндашишни кўпроқ қўллашни таклиф қилган. С.Г.Шоповаленко ўқитиш усулларини тўрт томонлама қуриш орқали синфлашни таклиф қилган, бу қуйидагича: мантиқий-таркибий; манбали; жараёнли ва уюшган-бошқармали. Умумий ўқитиш амалиётидаги кўп тарқалган камчиликлар сифатида атоқли рус педагоги Н.В. Кухарев **қуйидагиларни кўрсатиб ўтади:**

- умумий ўқитиш амалиётини бир хиллиги уларни тузилишини мутлоқлиги;
- машғулот таркибидан озроқ четга чиқа олмаслик, ўқувчи-талабаларнинг эътиборини йўқлиги;
- фронтал ишларнинг индивидуал ишлар билан номутаносиб қўшилиб кетиши;
- ўқувчи-талабани саволига ўқитувчининг эътиборсизлиги;
- ўқувчи-талабаларнинг билиш имкониятларини қадрламаслик ёки ўта қадрлаш;
- кучли ўқувчи-талабалар савол-жавоблари мисолида заиф ўқувчи-талабаларни ўқита олмаслик;
- ўқувчи-талабаларнинг билиш имкониятларини ривожлантириш ўрнига ташқи кўринишларини фаоллаштириш;

- машғулотда вақтни самарали тақсимламаслик. Савол-жавобларни чўзиш, янги материални баён этишда ва мустаҳкамлашда вақтни қисқартириш;

- уй вазифасини бажаришда ва машғулотда мустақил ишларга кўникумалар ҳосил қилишда лоқайдлик билан ўқитиш;

- самарали тақсимланмаган ўқитиш усулларини танлаш, янги муҳитни ҳисобга олмай бирорнинг малакасини кўчириб олиш.

Атоқли рус педагогларидан бири Ушинский ўқитишни юқори сифатини таъминлаш учун ўқувчи-талабаларни самарали меҳнат тизимларига жалб этишда, бунда ўқувчи-талаба ва ўқитувчини ортиқча юкламалардан олиб қочиш, бунга йўл қўймаслик, улар фаолиятини баҳолашда баҳо йиғишига ва формаллаштиришни олдини олиш, бунинг учун бутун анъанавий машғулотларни, таркибий тузилишини қайта қўриш лозимгини таъкидлаб ўтган. У айтганидек, ҳар бир ўқувчи-талаба ўқишига ўрганиши лозим. Уларни китобдан билимни қидириб олишга, матндан, ўқитувчидан ва ўз дўйстларидан олган мустақил қайта ишланган билимини тўғри, тартибли, ифодали ва қизиқарли баён этишига ўргатиш лозим.

Машғулотда улар нафақат билимларни китоблардан ёки бошқа одамлардан олиши, мустақил қайта ишлашни ўрганиши, бу билимларни турли воқеа, ходиса ва мақсадларда қўллай олишни ўрганиши лозим, чунки бу билимлар хақиқатда мустаҳкам, эгилувчан, тўғри, керагича тўлиқ тизимли бўлиши керак ва амалий йўналишга эга бўлмоғи шарт.

**Ўқитиш усуллари** - ўқув жараёнининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Уларсиз таълимнинг мақсад ва вазифаларига эришиб бўлмайди. Ўқитиш усуллари

- ҳар қандай ахборотни (мақсадни) узатиш ва қабул қилиш характерига қараб қуйидаги асосий гуруҳларга

ажратилади:

- **оғзаки усуллар**: ҳикоя, маъруза, сұхбат, тушунтириш, маъруза бахс-мунозара, натижаларни таҳлил қилиш ва бошқалар;

- **күргазмали усуллар**: харита, расмлар, фотосуратлар, плакатлар, жадваллар, хом-ашёни намойиш этиш, слайдлар, экскурсия ва бошқалар;

- **амалий усуллар**: машқлар, лаборатория тажрибалари, меңнат ҳаракатлари, дастур тузиш, педагогик масалаларни ечиш, иншо, эссе, доклад рефератлар ёзиш, расм солиш, хариталар чизиш, схемалар ишлаш, жадвал, график, плакат, альбом, стендылар ишлаш, меңнат ҳаракатлари ва бошқалар.

- **ўқитишининг рағбатлантириш ва танбех бериш усуллари** - рағбатлантириш усули: ўқитишига қизиқиши, яъни мотивацияни рағбатлантириш; ўқитишига бурч ва масъулиятни рағбатлантириш; баҳо бериш билан, имоишора билан амалга ошади. танбех бериш усули: оғзаки танбех бериш, баҳосини пасайтириб қўйиш, иш дафтарига ёзиш хатоларни кўрсатиш кабилар.

**Ўқитишининг муаммоли изланиш, мустақил ишлар, репродуктив эвристик усуллари**: ўкув материалининг мазмунини, ўкув материалини мустаҳкамроқ эслаб қолишлирини таъминлаш; билишга доир фаолиятни бошқариш, камчиликларни тез аниқлаш учун амалий кўнишка ва малакаларни таркиб топтириш мақсадида кўлланилади, таълим жараённанда муаммоли вазиятни вужудга келтириш.

**Ўқитишининг индуктив ва дедуктив усули** - индуктив усуллар техник қурилмаларни ўрганишда ва амалий машқларни бажаришда қўлланилади. дедуктив усул тафаккурни кабил ривожлантиради.

**Ўқитишида назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш усуллари**:

- оғзаки назорат ва ўзини-ўзи назорат қилиш;
- ёзма назорат ва ўзини-ўзи назорат қилиш;
- лаборатория-амалиёт назорати ва ўзини-ўзи назорат қилиш;
- тест назорати.

Ўқитиши усуллари ўкув машғулоти жараёнининг асосий қисми ҳисобланади. Тегишли усулларсиз педагогик фаолиятни амалга ошириб бўлмайди. Билимларни узатиш ва қабул қилиш характерига қараб сўз орқали ифодалаш, кўргазмали ва амалий усулларга бўлинади. Ўкув машғулотлари мавзулари мазмунини ўзлаштиришда: тушунтириш-иллюстратив, репродуктив, муаммоли баён, хусусий қидириш ёки эвристик ҳамда ярим тадқиқот усуллари қўлланилади. Таълимнинг оғзаки усулларига: ҳикоя, маъруза, сұхбат кабилар киради. Уларни қўллашда педагог сўз воситасида ўкув материалини баён қиласди, тушунтиради, талабалар эса тинглаш, эслаб қолиш орқали уни фаол қабул қиласди.

**Ҳикоя усулида**, талабаларга бериладиган ўкув машғулотимавзулари мазмунини оғзаки баён қилиш кўзда тутилади. Уни қўллашда муайян педагогик усуллардан фойдаланилади. Масалан, диққатни фаоллаштириш, баён қилиш, таққослаш, асосийларини ажратиш, якунлаш кабилар.

**Маъруза**, ўқитишининг кенг тарқалган шакли бўлиб, педагогик фаолиятда етакчи ўринни эгаллайди. Маъруза давомида бериладиган билимни оғзаки баён қилиш, узоқ вақт давомида талабаларнинг диққатини тутиб туриш ҳамда уларнинг фикрларини фаоллаштириш, исботлаш, таъриф бериш, бир тизимга келтириш, умумлаштириш каби педагогик усуллардан фойдаланилади.

Фанларни, одатда, кўпроқ маърузалар тарзида баён этилади. Чунки, бундай курслар кўпроқ назарий ёки умумлаштирувчи характерга табиатан эга бўлади.

Маързани ташкил этиш пайтида педагог фаннинг муҳим жиҳатларини алоҳида таъкидлаши лозим. Маързада ўқув материалы тез ва соз ўзлаштирилади. Маърузалар фаннинг бош масаласи, билим эгаллаш бўлгандағина самара беради. Ўқитишнинг барча мавжуд масалаларини уч гурухга ажратиш мумкин: билимлар, кўникмалар ва кўрсатмалар.

Агар ўқув машғулоти жараёнида ёдга тушириш, категориялар бўйича тақсимлаш, таърифлар келтириш, баҳолаш ва тушунтириш каби дидактик мақсадлар амалга оширилиши лозим бўлса, албатта, маъруза шаклидаги ўқув машғулотлари ташкил этилиши мақсадга мувофиқ.

Хаёт билан, кундалик турмуш билан, муҳим воқеалар билан алоқадорликда баён этилган маъруза материали осон ўзлаштирилади. Назарий билимлар ва дунёқараш аҳамиятига эга бўлган маълумотлар маъруза ёрдамида берилиши ҳам муҳим. Ҳар қандай юқори савияда ўтказилган маъруза, агар узоқ вақт давом этса, талабаларнинг эшлиши қобилияти сусаяди ва чарчайди. Шунинг учун илғор педагогик технология асосида ташкил этилган маърузалар самарали бўлади. Маързачи ўз маързасини бир неча блокларга бўлади. Ҳар блокни 15-20 дақиқа давом эттиради ва ҳар бир блокдан сўнг тўхтаб, савол-жавоб ўтказилади. Маъруза давомида айрим муаммолар ўртага ташланади. Шу вақт оралиғида, бу муаммога талабаларнинг муносабати аниқланади, уларнинг фикрлари тингланади.

Маързачи талабаларнинг қизиқиш, интилиш, масъулияти ошиб боришни кузатиб бориши, шу вақт ичida фаол иштирок этувчиларни рағбатлантириб бориши лозим. Машғулот учун маързанинг технологик харитасини тузиш мақсадга мувофиқ. У қуйидаги 2-жадвалда намуна сифатида берилган:

2-жадвал

## Маързанинг технологик харитаси

Иш жараёнлари	Фаолият мазмуни Педагог	Tалаба
1-босқич. Кириш (20 дақиқа)	<p>1. Мавзу номини айтиб, дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда усулий ва ташкилий томонлари билан таништиради.</p> <p>2. Мавзу бўйича жорий, оралиқ ва якуний назорат шакллари ва рейтинг баллари билан таништиради.</p> <p>3. Машғулот якунида қўйиладиган рейтинг баҳолаш мезонлари билан таништиради.</p> <p>4. Мавзуни ўзлаштирища фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.</p> <p>5. Ўқув машғулоти мавзуси билан таништиради ва унинг мақсади ҳамда натижаларини баён қиласи.</p> <p>6. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум қоидаси асосида доскага мавзуни ёзади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзив боради ва умумлаштиради.</p>	<p>1. Тинглайди.</p> <p>2,3,4. ЎУМга қарайди.</p> <p>5. Мавзу номини ёзив олади.</p> <p>6. Эркин фикр билдиради.</p>
2-босқич Асосий (50 дақиқа)	<p>1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.</p> <p>2. Маързани режа бўйича тушунтиради ҳамда якунида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади.</p> <p>3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун саволлар беради.</p> <p>4. Таянч ибораларига талабаларни дикқатини қара-тади ва яна бир такрорланади.</p>	<p>1. Тинглайди.</p> <p>2. Тинглайди, слайдларга эътибор қаратади, ёзив олади ва саволлар беради.</p> <p>3. Саволларга жавоб беради.</p> <p>4. Таянч ибораларни муҳокама қиласи ва ёзив олади.</p>

3-босқич. Якуний. (10 дақықа)	<p>1. Ўтилган машғулот бүйіч аякунловчи хulosас қиласы.</p> <p>2. Мустақил тайёргарлик учун уйга вазиға беради.</p> <p>3. Талабаларнинг фаолиятiga баҳо күйилади ва рағбатлантирилади.</p> <p>4. Келгүси машғулотта тайёргарлик күриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиёттар рўйхати берилади.</p>	<p>1. Талаба эшитади, ёзіб олади.</p> <p>2. Топшириқ олади.</p> <p>3. Эшитади.</p> <p>4. Эшитади ва ЎУМга қарайди.</p>
-------------------------------------	---	--

**Сұхбат усули,** атрофлича үйланған саволлар ёрдамида педагог билан талабалар орасидаги сұхбатни күзда тутиб, уларнинг мустақил фикрлашини янги тушунчалар ва қонуниятларни згаллашға олиб келади. Уни күллашда саволларни күйиш, талабаларнинг жавоб ва мулоҳазаларини мұхокама қилиш, хulosаларни шакллантириш, жавобларни тузатиши усууларидан фойдаланилади.

**Күргазмали усулни** икки гурухға бўлиш мумкин: күргазмали ва намойиш қилиш усуулари. Күргазмали усул талабаларга намойиш этиладиган күлланмалар, жумладан, харита, плакат, доскадаги чизма ва расмлар, суратлар кабиларни кўрсатишни кўзда тутади. Намойиш қилиш усули, одатда, қурилма, асбоб-ускуналар, тажрибалар кабиларни намойиш қилиш билан боғлиқ.

**Амалий усуллар,** амалда куйидаги усуулар күлланилади: вазиға (мақсад)ни күйиш, уни бажариш усууини режалаштириш, бажариш жараёнини бошқариш, таҳдил қилиш, камчиликлар сабабини аниқлаш, мақсадга тўлиқ эришиш учун ўкув машғулоти жараёнига тузатиши ва ўзгартиришлар киритиш. Амалий машқларни бажаришда талаба бўлажак ҳатти-ҳаракатини фаол мушоҳада қиласы, ўзига-ўзи эшиттириб гапиради ҳамда бўлажак воқеани шарҳлайди. Ҳаракатни шарҳлаш талабага ўз хатосини англашга ва ҳаракатига тузатишилар киритишига

кўмаклашади.

Амалий усуллар тарбияни сўз орқали ифодалаш ва уни кўргазмали усуллар билан мустаҳкамлаш жараёни билан чамбарчас боғлиқликда кўлланилади, бунда машқ, тарбия, меҳнат операциясини бажаришдан олдин педагог тушунтириш беради, кўрсатади. Оғзаки тушунтириш ва кўргазмали намойиш, одатда, машқни бажариш жараёнининг ўзи билан бир вақтда олиб борилади. Кейинги йилларда таълим муассасаларида фронтал лаборатория ишлари мустаҳкам ўрин олди.

**Мунозара усули.** Кўпчилик фанлар ва уларнинг мавзулари таълим стандартлари, фан дастурлари, ўкув режаси ва таълим муассасасининг ўзига хослигига боғлиқ равишда ҳамда талабалар контингенти билан алоқадорликда мунозара тарзидаги ўкув машғулотларини тақозо этади. Бунда, талабалар фаоллиги таъминланади, шубҳали вазиятларга ўрин қолмайди, уларнинг истак-хоҳишлиари тўла қондирилади, мұхими ўкув материали тўла-тўқис ўзлаштирилади, асослар, хulosалар мукаммал кўриниш ва мазмунда бўлади.

Бошқариладиган ва эркин мунозара турлари мавжуд. Бошқариладиган мунозарада педагогнинг иштироки сезиларли даражада бўлади. Эркин мунозара эса педагог ва талабаларнинг демократик тарздаги иштироки билан ўтказилади. Мунозаранинг натижасини педагог олдиндан лойиҳалаши лозим. Якуний хulosалар илмий билиш назариясигазидекелмаслиги педагогнинг касбий салоҳияти билан таъминланади. Мунозаранинг муваффақияти талабаларнинг қизиқиши ва билимига боғлиқ.

**Гурухий иш усули.** Бу хорижда оммавийлашган ўқитиши усулидир. Масалан, Данияда бирорта ҳам маълумот ёки касб гурухий ишсиз згалланмайди. Кам сонли талабаларнинг қандайдир мұхим ўкув тадбирида иштирок этиши ва уларнинг ҳамкорликдаги фаолияти

бундай машғулотнинг самарасини белгилайди. Бажарилиш даражаси ва унинг сифатини педагог назорат қиласиди. Педагогик мақсад ва вазифалардан келиб чиқсан ҳолда бундай гурухлар хусусий ҳолат учун шакллантирилади.

**Муаммоли топшириқ усули.** Аниқ вазият ва қўйилган масаланинг моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда муаммоли топшириқлар ёрдамида самарага эришиш мумкин. Фактлар ва маъзуза материаллари ўзлаштириш, топшириқлар ҳамда машқ ва масалалар ечимида муаммоли вазият яратилиши қўл келади. Бунда кичик гурухлар шакллантирилади. Ўқув материали гурухларга алоҳида-aloҳида бўлиб берилади. Яқуний холосалар ва ечимлар топилгач мавзулар гурухлар орасида айирбошланади. Ечимлар ва фикрлар турлича бўлса педагог ҳал қилувчи сўзни айтади.

**Лойиҳавий топшириқусули.** Бирор ўқув материалини атрофлича ўрганиш учун бу ёндашув самарали бўлади. Ўрганиш, таҳлил қилиш, баҳолаш, холоса чиқариш ва яқуний қарорга келиш учун узоқ муддатли лойиҳаланган режа зарур. Бу тадбирни ўтказиш учун бошланғич таянч маълумотлар талаб қилинади. Фанни ўзлаштиришнинг босқичларида даврий равишда татбиқ қилинади. Бундай топшириқлар ўқув ижодкорлигини оширади, мустақиллик сари етаклади.

**Ҳамкорлик педагогикаси усули.** Мумтоз педагогик қарашлар нуқтаи-назаридан педагог педагогик жараённинг субъекти, талаба эса обьекти деб ҳисобланади. Бу усулда талаба ўз ўқув фаолиятининг субъекти тарзида қаралади. Бунда педагог ва талаба педагогик жараённинг субъектлари сифатида тенглашиб, ҳамкорлик педагогикаси жараёни ташкил бўлади. Улар ўзаро ҳамкор, ҳамфикр, ҳамижодкор тарзида фаолият юритади. Ҳамкорлик муносабатлари педагоглар орасида, маъмурият билан, талабалар ва педагоглар жамоалари

билан, раҳбарлар, ота-оналар орасида ҳам ўрнатилади. Бу усул талабанинг таълим-тарбия олиш мотивларини ривожлантириб бориш орқали ҳамда мазкур жараённи инсонпарварлаш-тириш тамойилларини амалга татбиқ қилган ҳолда юқори сифат ва самарадорликка эришишни таъминлади.

**Ҳикоя қилиш усули.** Ўқитувчи томонидан янги ўтилаётган мавзуга оид факт, ҳодиса ва воқеаларнинг яхлит ёки қисмларга бўлиб, образли тасвиrlаш йўли билан ихчам, қисқа ва изчил баён этилади. Бу усул материалларни баён қилишди, образларга характеристика беришди, табиат ҳиссалари ва ижтимоий ҳаётдаги воқеаларни тасвиrlашда қўл келади. Ҳикоя қилиш давомида ўқувчи-талабалар пассив тингловчи бўлиб қолишларига йўл қўймаслик керак. Уларнинг диққатини тасвиrlанаётган обьектга қаратибгина қолмай балки худди шу обьект ҳақида улар онгли ва актив фикр юритишларини ҳам таъминламоқ лозим.

**Ўқув материалини тушунтириш усули.** Ўқитувчи томонидан ўрганилаётган мавзунинг нарса, ҳодиса ва воқеаларнинг мазмунини характерлайдиган тушунча, қонун ва қоидаларни уқтиришdir. Бу усул кўпроқ математика, физика, химия, она тили, рус тили ва шунга ўхшаш фанларни ўқитишида кўпроқ қўл келади. Ўқитувчининг маълум бир фаннинг у ёки бу мавзуга оид қонун, қоидаларни қанчалик асосли эканлигини фактлар, мисол ва далиллар келтириш, шунингдек масалалар, мисоллар ишлаш йўли билан исботлаб беради. Бу жараёнга ўқувчи-талабаларнинг фаол иштирок этишларини таъминламай туриб, кўтилган мақсадга эришиб бўлмайди. Айниқса баён қилинаётган материалларини умумлаштириш ва холосалар чиқаришда талабаларнинг ўз мулоҳазалари билан иштирок этишларини таъминлаш мүҳим.

**Маъруза усули.** Бу усул ўқув материалини ҳажмини катталигини, мантиқий тузилиши, образлари исбот ва умумлаштиришнинг анчагина мураккаблиги билан фарқланади. Агар ҳикоя дарснинг бир қисминигина эгалласа, маруза одатда уларни тўла қамраб олади. Маъруза давомида муаммоли вазиятларни вужудга келтириш, мавзуга оид кўргазмали материалларни намойиш этиш, маруза охирида умумий хulosалар чиқариш кабилар самарадорликни оширади. Маруза усули кенг қамровли ахборотни ўқувчи-талабаларга етказишда жуда ҳам қўл келади.

Маъруза катта ҳажмдаги ўқув материалини узоқ вақт давомида монологик баён этиш. Бу усулнинг асосий вазифаси, таълим бериш, ўргатиш. Белгилари:  
қатъий тузилмага эга; нутқий-мантиқий баён қилиш; берилёт-ган ахборотнинг кўплиги. Маъруза ўқитувчига ўқувчи-талабалар тажрибасизлик туфайли эътибор бермайдиган фаннинг муҳим лаҳзаларини ажратиб кўрсатиш имконини беради. Улар билан ўқитувчининг биргалиқдаги ушбу фаолиятини ташкил этишининг самарали шартлари қуйидагилардан иборат:

- маърузанинг батафсил режасини тузиш; ёшиттириш;
- режанинг ҳар бир пунктини ёритишдан сўнг қисқача умумий хулоса қилиш;
- маърузанинг бир қисмидан бошқа қисмига ўтишда мантиқий боғлиқликни таъминлаш; муаммоли баён қилиш; ёзib олиш зарур бўлган жойларни ажратиш (ёздириш);
- маърузаларни унинг алоҳида ҳолатларини батафсил таҳлил қилиш имконини берувчи семинар ва амалий машғулотлар билан кўшиб олиб бориш.

Бу усулдан фойдаланганда маълумот ва тушунтиришлар (изоҳлар) ва фактлар рационал равишда тақдим этилади. Афзаликлари: аниқ илмий билимларга

таянади; вақтдан унумли фойдаланилади; ўқитувчи томонидан ўқув жараёнини тўлиқ назорат қилиш имконияти пайдо бўлади.

**Суҳбат усули.** Бу усул асосан савол-жавоб йўсинида олиб борилади. Суҳбатларнинг маълум мақсадга қаратилганлиги уларнинг характерини белгалайди. Суҳбат эвристик характерда, этик характерда, инструктив методик характерда бўлиши мумкин. Суҳбат усули ўқувчи-талабаларни фаол иштироки орқали ўтказилганлигидан мустақил фикрлаш, хулосалаш каби хислатларни талабаларда шакллантиради.

**Ўқитишининг кўргазмали усуллари.** Ўқитиши жараёнида кўргазмалик усулидан фойдаланишнинг муҳимлиги ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларни ҳиссий идрок этишга, уларни кузатиб мушоҳада қилишга ўқувчи-талабани ундаш, мантиқий ва назарий элементларнинг бирлигига ишонч ҳосил қилиш ниҳоят, назарий билимларни амалиётда қўллай олишга ўргатабилишдадир. Ўқитишида кўргазмалик усули намойиш этиш, иллюстрация ва экскурсия тариқасида олиб борилиши мумкин. Ўқитишида намойиш этиш усулидан фойдаланиш асосан материалларнинг характерига-мазмунни, шакли ҳам ҳажмига боғлиқ. Намойишнинг ўзи ҳам турлича бўлиши мумкин: аслича кўрсатилиши мумкин бўлган буюм ва нарсалар, ўсимликлар ва уларнинг таркиби, коллекциялар, асобов машиналар, моделлар кабилар.

**Экскурсия усули.** Экскурсия усули дарс жараёнида қўлланиладиган ўқитиши усулидан тубдан фарқ қиласи. Бу усул билан ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларни табиий шароитда (завод, фабрика, табиатни кузатишга) ёки маҳсус муассасаларга (музей, кўргазма каби) ташкилий равишида борилади. Экскурсия вақтида кузатиш, зарур материалларини ёзib олиш, расмга тушириш, ўлчаш, ҳисоблаш ишларини олиб бориш мумкин. Экскурсия

давомида сухбат ўтказиш, хулосалар ясаш, ўз фикрларини умумлаштириш ва якун ясаш лозим.

**Ўқитишининг амалий ишлар усули.** Амалий усулларга масалалар ечиш, чизмалар тайёрлаш, ёзма машқларни бажариш кабиларни киритиш мумкин. Назарий жиҳатдан эгалланган билимлар амалда қўллаб кўрилади. График жадвал, карталар чизиш ҳам тегишли кўникма ва малакаларни ҳосил қилишга ва уларни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

**Лаборатория ишлари усули.** Лаборатория машқлари фронтал тажрибалар, лаборатория ишлари, практикумлар ўқитишининг техник воситалари ва ўқув қуроллари типидаги бошқа асбоб-ускуналар билан машғулотлар тарзида ўтказилади. Лаборатория усулининг бошқа ўқитиш усулларидан фарқи, шундаки, бу усул билан иш кўрилганда ҳар қайси ўқувчи-талаба ниманидир мустақил, шахсан тажриба қилиб кўради. Дарс педагог раҳбарлигига ўқувчи-талабаларнинг мустақил тажриба ўтказишларига қаратилган бўлади. Лаборатория машғулотларида мустақиллик, активлик, ташаббускорлик ошади.

**Мустақил ишлар усули.** Кейинги даврда талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишга катта эътибор берилмоқда. Чунки, бу усул уларда ижодкорликни, мустақилликни ривожлантиради. Ўқув дастурларида мустақил таълим учун соатлар ажратилмоқда. Ўқувчи-талабаларни мустақил ишларини ташкил этишда маълум фаннинг хусусиятидан келиб чиқиб мустақил ишнинг мазмуни, шакли ва вазифалари танлаб олинади. Топширишган мустақил ишни бажариш учун педагог керакли адабиётлар ва йўл йўриқларни кўрсатиши, қисқача тушунтириш бериши лозим. Улар бажариши керак бўлган мустақил иш кўп вақт эгалламаслиги ва шу билан бир қаторда ўқувчи-талабага ривожлантирувчи сифатида таъсир кўрсатиши керак.

**Репродуктив, эвристик усул.** Репродуктив усуллар биринчи навбатда талабаларнинг ўқув материалини тезроқ ва мустаҳкамроқ эслаб қолишларини таъминлаш билимдаги типик камчиликларни тез аниқлаш учун қулай. Репродуктив усулларайниңса ўқув материалининг мазмуни асосан ахборот характерида бўлса, мураккаб ва бутунлай янги билимлар ўрганилиши лозим бўлган ҳолатда самарали натижа беради. Тафаккурнинг репродуктивлик характери педагог ёки бошқа манба орқали хабар қилинадиган ўқув ахборотларини фаолроқ қилишини ва эслаб қолинишини назарда тутади. Ҳикоя, марзу, кўргазмалилик ва амалий ишлар ҳам репродуктив асосга қурилиш мумкин. Репродуктив характердаги амалий ишлар шуниси билан фарқ қиласади, бу ишларнинг давомида ўқувчи-талабалар намунага кўра илгари ёки яқиндагина ўзлаштирган фаоллигини ошириш мақсадида у кўпинча эвристик яъни қисман изланувчан усул билан қўйиб олиб борилиши мумкин. Янги мавзуни баёни давомида ўрганилаётган материалнинг баъзи элементлари устида ўқувчи-талабаларга фикр юритиш имкони берилади. Педагог томонидан енгил қисқа саволлар тузилиб, талабаларнинг иштирокида уларга жавоб топишга ҳаракат қилинади. Эвристик усул уларнинг билиш даражасини аниқлашга ҳам ёрдам беради. Демак, эвристик усул янги мавзуни идрок қилишда ўқувчи-талабаларнинг ҳам қисман иштирок этишини таъминлайди.

**Илмий-тадқиқот усули.** Бу усул таълим тизимида унчалик кенг тарқалмаган усул бўлиб, маълум тайёргарликни талаб этади. Педагог раҳбарлигига ўқувчи-талабалар ёки бир ўқувчи-талаба маълум илмий тадқиқотларни ўтказиши ва маълум фан учун янги хулосаларни ясами мана шу усулни қўллаш жараёнида вужудга келади. Бу усул олийгоҳларда кўпроқ қўлланилади. Бу усул давомида илмий билиш жараёни содир бўлади,

яъни хали номаълум бўлган билимлар кашф этилади ва эгалланади. Бунинг учун илмий тадқиқот режаси тузилади. Мақсад белгиланади ва тадқиқот усувлари танлаб олинади. Тадқиқот натижалари асосида хulosалар ясалади.

**Ўқитишнинг муаммоли-изланиш усули.** Янги мавзуни ўрганиш жараёни ўрганилаётган материални тайёр ҳолда талабаларга баён этмасдан, балки муаммо сифатида тақдим этиш муаммоли-изланиш усулини келтириб чиқаради. Яъни, дарс давомида ясаш керак бўлган хulosалар педагог томонидан эмас, балки ўқувчи-талаба томонидан ясалишига ҳаракат қилинади. Ҳар бири қўйилган муаммони ўзича ёндашиб ҳал этишга ҳаракат қиласи ва ўз фикрларини баён этади. Ўртага ташланган фикрлар муҳокама қилинади ва педагог томонидан йўналтирилади.

Педагог ва ўқувчи-талабалар биргаликда хulosалар ясашади. Муаммоли-изланиш усули талабаларни билиш фаолиятини фаоллаштиради, мустақилликка, ижод қилишга ўргатади, ўқишига бўлган қизиқишиларини оширади, шахсий фазилатларини тарбиялашга ёрдам беради. Бу усул ўрганилаётган масалани чукур таҳлил этишга ва билимларнинг пухта бўлишига ёрдам беради. Бу усул ўрганилаётган масалани чукур таҳлил этишга ва билимларнинг тафаккур даражаси ҳисобга олиниши керак. Ташланган мавзуни таҳлил этиш учун ўқувчи-талабаларда маълум билимлар базаси мавжуд бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам бу усулни қўллаш учун ўқувчи-талабалар алоҳида ахборотлар билан қуроллантирилади. Кейинги даврларда муаммоли-изланиш усулидан фойдаланишга алоҳида зътибор берилмоқда.

**Машқ** амалий усулнинг асоси ҳисобланади. Машқ ўтказишнинг асосий мақсади ўқитиш жараёнида ўқувчи-талабалар техника ва касбий фанлар бўйича эгаллаган билимларини амалиётда қўллай билишни ўргатишидир.

Уларнинг билимларни мустаҳкамлашда ҳам машқларнинг ўрни катта. Ҳамма машқларни учта асосий типга келтириш мумкин: репродуктив, бадиий, изланувчанлик.

**Репродуктив машқ** - бу типдаги машқларни бажаришда талабалар қурилманинг тузилиши, материали, асбоб-ускуналар, ёзмавазифаларни ўрганишади. Бумашқда чизмалар, схемалар, графиклар, диаграммалар муҳокама қилинади ва ўқувчи-талабалар уларни бажаришади. Касбий фанлар бўйича эса техник ҳужжатлар, станок паспортларининг технологик хариталари ўрганилиши мумкин.

**Бадиий машқ** - бу турдаги машқларни бажаришда ўқувчи-талабалар эгаллаган билим ва малакаларидан турли комбинацияларда фойдаланишади, яъни олдига қўйилган вазифаларнинг мустақил оригинал жавобларини топишади. Бадиий машқ турларидан бири продуктив масалаларни ҳал қилиш: танлаш (асбоб, ишлов бериш тури, созловчи механизм), таққослаш ва баҳолаш (ишни бажариш йўли, асбобларнинг қўлланилиши) аниқлашга боғлиқ бўлган (техник талаб, алоқадорлик), турли техник жараёнларни тушунтиришдан иборат. Бутурдаги машқлар орқали ўрганилаётган машина, механизм, қурилмаларнинг схемалари тузилади.

**Иzlaniш машқи** - бу ҳам эгалланган билимларни машқларда бадиий қўллаш бўлиб, ўқувчи-талабаларнинг фикрлаш қобилиятини ўстиришга ёрдам беради.

**Ўқитишнинг индуктив ва дедуктив усули.** Ўқитишнинг мантиқий усуллари икки турда: индуктив ва дедуктив усуллар билан олиб борилиши мумкин. Бу усулларни қўллаш ўрганилаётган мавзу мазмунини очишнинг маълум мантиқий-хусусийдан умумийга ёки умумийдан хусусийга ўтишни танлашни англатади.

**Ишлаб чиқаришда фаоллик усули.** Бу усулга ишлаб чиқаришдаги техник масалаларни ечиш киради:

ишлов бериш, тузатиш, бошқариш меъёрини ҳисоблаш, автоматлаштирилган жиҳозлар учун бошқарув дастурини ишлаб чиқиши, жадвал, диаграммалардан керакли маълумотларни топиш кабилар. Бу усулга машқлар ҳам киради. Машқлар ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган масалаларни ечиш учун қўлланилади. Бундай машқлар ишлаб чиқариш ҳаётида содир бўладиган жараёнларга ўқувчи-талабаларни тайёрлайди. Машқларни ўтказиш учун жараён ҳосил қилиш керак бўлади. Мисол учун, агрегатларни созлаш, технологик меъёrlарни бузилганлиги, иш жойида бузилиш ҳолатларининг содир бўлиши кабилар.

Ўқув машғулоти жараёнида педагогик технологияларни қўллаш учун мазкур технологияларни жорий этишнинг ўзига хос воситалари зарур бўлади. Улар турлича.

**Новербал воситалар.** Новербал воситалари мимика, қўл, гавда ҳаракатлари орқали бирор маъно-мазмунни ифодалаш ёки таъкидлашдан иборат. Новербал воситалар жиддий аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг ўрнини бошқа нарса боса олмайди. Инсоннинг ҳар бир ҳаракати маълум маънога эга бўлиб, бу ҳаракатларни турли халқларда турлича тушунилади. Бу ҳаракатларни новербал нутқ деб номлаш қабул қилинган. Новербал нутқ инсоннинг ўёки бу мускуллари ҳаракати, шу жумладан, унинг фикрлаши ҳам ундаги маълум мускуллар ҳаракатидан иборат эканлигини эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Бир имо-ишора қилиб қўйишининг таъсири гапиргандан кўра кучли бўлиши ҳеч кимга сир эмас.

**Визуал воситалар.** Визуал (кўргазмали) воситалар педагогик технология жараёнида талабалар кўз билан кўришлари учун мўлжалланган воситаларни ўз ичига олади. Буларга синф доскасидаги ёзув ва бошқа тасвиirlар, китоблардаги ёзув ва тасвиirlар, тарқатма материаллар,

ўқув плакатлари, фото суратлар, тасвирий санъат асарлари, видео, кино тасвиirlар, жониворлар, ўсимликлар, табиат объектлари, турли буюмлар ва бошқалар киради. Кўргазмали воситаларнинг педагогик технологияда қўлланилиши талабаларга ўргатиш керак бўлган ахборотга тегишли мазмунни турли шакл ва усулларда кўrsatiш орқали тез, аниқ ва тўғри тушунтириш имкониятини беради.

**Аудио воситалар.** Аудио воситалар эшитиш орқали ахборотни ўрганиш, ўзлаштириш имкониятини беради. Ҳозирда кўпроқ аудиовизуал воситалар, яъни бир вақтда эшитиш ва кўришга хизмат қилувчи воситалар: кино ва бошқа овозли видео тасвиirlардан фойдаланилади. Аслида эса амалиётда мавжуд шароит ва вазиятдан келиб чиқсан ҳолда, ижодий ёндашув асосида мавжуд воситалардан комплекс фойдаланиш самара бериши мумкин.

**Табиий воситалар.** Табиий воситаларга педагогик технология жараёнида ўрганиш кўзда тутилган мазмунга тегишли барча табиий нарсалар киради. Булар одам ва жониворлар, ўсимликлар ва табиат, асбоб-ускуналар, буюмлар, машиналар, механизмлар, иншоотлар ва шу кабилардан иборат. Талаба ва педагог учун зарур ўқув анжомлари ҳамда жиҳозлари педагогик технологиянинг зарур воситалари ҳисобланади. Умуман педагогик технологиянинг сифати ва самарадорлиги ҳозирги кунда кўп жиҳатдан барча турдаги зарур воситаларнинг сифати ва улардан юқори самарадорлик билан фойдалана билишга боғлиқ. Бу воситалардан тўғри ва унумли фойдаланиш педагогнинг малака, маҳорат, ижодкорлиги, изланувчанилигига боғлиқ.

Воситалар турли ва қанчалик замонавий бўлмасин педагог маҳорати ва унинг ўз ишига маъсулияти етарли бўлмаса, бундай жараён самарасиз якунланади. Л.В.Шмелъкова ишлаб чиқсан педагогнинг технологик

**лойиҳалаш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган дастуридан фойдаланиш тавсия этилади. Ушбу дастурда педагогнинг технологик лойиҳалаш қобилиятига қўйидаги талаблар қўйилади:**

- педагогиканинг умумий қонун-қоидаларини билиш;
- таълимга технологик ёндашувга оид дастлабки манбаларни ва лойиҳалаш, индивидуаллаштириш, технологиялаштириш жараёнларининг ўзаро боғлиқликлари ҳақида тушунчага эга бўлиш;
- таълимни тараққий эттиришда технологияларнинг ўрнини тушуниш;
- ўқитиши шахса йўналтиришнинг асосий мақсад, шакли ва даражалари ҳақида тасаввурга эга бўлиш;
- индивидуал ёндашув, ўқитиши табақалаштириш, индивидуал ўқитиши тушунчалари ўртасидаги боғланиш ва фарқларни билиш;
- ўқув жараёнини ташкил қилиш воситалари орқали талабанинг индивидуал хусусиятларини ривожлантириш йўлларини билиш;
- таълимжараёнини шахсгай ўналтиришда индивидуал ривожлантирувчи технологиялар имкониятларини билиш;
- таълим-тарбияни лойиҳалашда асосий босқичларни ажратади;
- лойиҳалашга оид асосий педагогик объектларни билиш;
- мавжуд шароитдан келиб чиқадиган холда ташхисланадиган мақсад қўя билиш;
- технологиялаштиришнинг умумий мезонларини билиш;
- ўқув материалини ўлчанадиган ва кузатиладиган даражада қисмларга ажратиш;
- ўқув жараёнининг мантиқий тузилишини қулаштириш;

- ўқув мавзусининг технологик харитасини лойиҳалай олиш;

- талабаларнинг ўзлаштиришини, ривожланишини қайд этиб борувчи ахборот хариталарини лойиҳалашни билиш.

Ўқув машғулоти жараёнида мазкур воситалардан ўз ўрнида фойдаланиш талабаланинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

## **ЗАМОНАВИЙ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

Замонавий ўқитиши технологиялари – мажмуавий интерактив тизимлар бўлиб, улар ўз ичига таълим мақсадлари билан белгиланган касбий кўникма ва малакаларнинг, шахс хислатларининг ўрганувчилар томонидан эгалланиши ҳамда билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган операция ва ҳаракатларнинг тартиблаштирилган тўпламини қамраб олади. Бу ўринда таълим мақсадларининг белгиланиши, мазмунни танлаш ва ишлаб чиқишига, таълим жараёнларини ташкил қилишига, таълим усул ва воситаларининг белгиланишига, шунингдек, ўқитувчиларнинг малака даражасига, эришилган натижаларни баҳолаш усулига асосланиши лозим. Келтирилган мезонларнинг мажмуавий қўлланилиши ўқув жараёни моҳиятини ва унинг технологиясини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конуни ҳар бир ўқитувчининг олдига дунёга янги кўз билан қарайдиган, уддабурон, ишнинг кўзини билувчи, буюк келажагимиз пойдеворини қурувчи ва юксалтирувчи мутахассис кадрларнитайёрлаш вазифасини қўйди. Бундай улкан вазифаларни амалга оширишда ўқитиши амалиётига замонавий ва жаҳоннинг илфор таълим технологияларини

кўллашни давр тақозо этмоқда.

Маълумки, ҳар қандай педагогик технология таълимни ривожланти-рувчи янги тамойилларга асосланган бўлиб, у ўқувчи-талабашахсини шакллантиришгай ўналтирилмоғи керак. Замонавий педагогик технология марказида таълим жараёнининг раҳбари ҳамда шу жараённинг субъекти ва обьекти бўлган ўқитувчи ва ўқувчи-талаба туради. Шундай экан, бу икки шахс ўртасидаги ўзаро мuloқot, ҳамкорлик, бир-бирига кўрсатадиган таъсир жараёнлари юксак даражада, замонавий ва миллий талаблар асосида бўлиши лозим. Бунинг учун таълим жараёни, ўқитувчи ва таълим-тарбия жараёни олдига қўйилган талаблар, таълимни ташкил этиш ва бошқариш тамойиллари ҳамда йўллари ўқувчи-талабани ақлий ва жисмоний жиҳатдан ривожлантириш усуслари, у билан ҳамкорлик қилиш, уни ўқиш ва ўрганишга йўналтириш, ўқувчи-талаба шахсий фаолиятини тўғри ташкил этиш, улар билан мuloқotга киришиш, муаммо ва келишмовчиликларни бартараф этиш, аудиторияда ижодий, ишчанлик мұхитини вужудга келтириш, ўқувчи-талаба фаолиятини аниқ ва тўғри баҳолаш методлари билан қуролланган бўлиши лозим.

Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган мұхим талаблардан яна бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф етмай, қисқа вақт ичida юксак натижаларга эришишdir. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни ўқувчи-талабаларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, ўқувчи-талабалар фаолиятини назорат этиш, улар томонидан эгалланган билим, малакалар даражасини баҳолаш, ўқитувчидан юксак педагогик маҳоратни талаб этади. Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда бу борада катта тажриба тўпланиб, интерфаол усуслар номи билан юритилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз таълим тизими ходимлари ўртасида

интерфаол усуслар ва улардан таълим жараёнини ташкил этишда фойдаланиш борасидаги назарий ва амалий билимлар тарғиб этиб келинмоқда.

Биз амалиётда қўллаган ва ижобий натижа берган технологиялардан бири бу - **блиц-ўйин** усулидир. Ушбу технология ўқувчи-талабаларни ҳаракатлар кетмакетлигини тўғри ташкил этишга, мантиқий фикрлашга, ўрганаётган предмети асосида кўп, турли фикрлардан, маълумотлардан кераклигини танлаб олишни ўргатишга қаратилган. Бу технология давомида ўқувчи-талабалар ўзларининг мустақил фикрларини бошқаларга ўтказа оладилар.

**Мақсад.** Блиц-ўйин технологияси ўқувчи-талабаларга тарқатилган қоғозларда кўрсатилган ҳаракатлар кетмакетлигини аввал якка ҳолда мустақил равишда белгилаб, сўнгра ўз фикрини бошқаларга ўтказа олиш ёки ўз фикрида қолиш, бошқалар билан ҳамфир бўла олишга ёрдам беради.

### Ўтказилиш жараёни.

**1-босқич.** Ўқитувчи ушбу ўйин бир неча босқичда ўтказилиши ҳақида ўқувчи-талабаларга тушунча беради. Ҳар бир босқичдаги вазифани бажаришга аниқ вақт ажратилиши, ўқувчи-талабалар эса шу вақтдан унумли фойдаланишлари кераклиги ҳақида уларни охлантиради; уларга алоҳида-алоҳида тарқатма материал берилади; ўқитувчи тарқатма материал мазмуни ва бажариладиган вазифани ўқувчи-талабаларга тушунтиради, яъни тарқатма материалда берилган ҳаракатларни кетмакетлигини тўғри белгилаш, белгини эса қоғоздаги алоҳида ажратилган бўлимга рақамлар билан кўрсатиш кераклигини тушунтиради; берилган топшириқ аввал якка тартибда бажарилишини айтади.

**2- босқич.** Ўқитувчи биринчи берилган топшириқни ҳар бир ўқувчи-талаба томонидан якка тартибда

бажарилишини кузатади ва тушунмовчиликлар юзага келганда ёрдам кўрсатади; ҳар бирига тарқатма материалдаги якка баҳо бўлимига шу ерда берилган ҳаракатлардан ўзининг шахсий фикри асосида мантиқий кетма-кетлигини рақамлар билан белгилаб чиқади, яъни берилган бир нечта ҳаракатдан, унинг фикрича қайси бири биринчи бўлиши, қайси бири эса иккинчи бўлишини белгилайди, ўқитувчи бу вазифани бажариш учун талабаларга 10 дақиқа вақт беради.

**3-босқич.** Ўқитувчи ўқувчи-талабалардан 3 кишидан иборат кичик гуруҳлар ташкил этишларини сўрайди. 3 кишилик гуруҳлар уларнинг хоҳишларига қараб ёки рақамлар бўйича ташкил этилиши мумкин; кичик гуруҳлардагиларнинг ҳар бири ўз қоғозидаги якка баҳо бўлимида белгиланган ҳаракатлар кетма-кетлиги билан бир-бирларини таништира-дилар, кейин 3 кишида уч хил бўлган кетма-кетликни биргаллашиб, бир-бирлари билан тортишиб, баҳслашиб, таъсир ўтказиб келишган ҳолда уларга тарқатилган қоғоздаги гуруҳ баҳоси бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқадилар; ўқитувчи кичик гуруҳдаги тортишувларда иштирок етмайди, фақат кичик гуруҳлар ва ҳар бир ўқувчи-талаба фаолиятини кузатади, бу вазифани бажариш учун 20 дақиқа вақт берилади.

**4-босқич.** Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, ўқитувчи ҳаракатлар кетма-кетлиги бўйича тўғри жавобни беради, яъни ўқувчи-талабаларга тарқатилган қоғозлардан тўғри жавоб бўлимини топишни ва унга ўқитувчи томонидан айтилган ҳаракатлар кетма-кетлигининг рақамларини ёзишни сўрайди.

**5-босқич.** Ўқитувчи тўғри жавоб бўлимида берилган рақамларнинг якка баҳо бўлимида берилган рақамларни (ёки аксинча), яъни каттадан-кичикни айирган ҳолда якка хато бўлимига чиқсан фарқни ёзишни сўрайди. якка баҳо бўлимидаги сонларни юқоридан пастга қараб қўшиб

чиқиб умумийсини ҳисоблашлари кераклигини уқтиради.

**6-босқич.** Худди шу тартибда тўғри жавоб ва гуруҳ баҳоси ўртасидаги фарқ каттадан-кичикни айириш орқали бажарилади, чиқарилган фарқлар сони гуруҳ хатоси бўлимига ёзилиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий сон келтириб чиқарилади.

**7-босқич.** Ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларининг умумий сони бўйича тушунча беради, уларни алоҳида алоҳида шарҳлайди.

Изоҳ. Бажарилган вазифани баҳолашнинг яна бир тури, қуйидагича: ўқувчи-талабаларнинг жавоблари ўқитувчи томонидан берилган тўғри жавобнинг ярмидан кўпига тўғри келган бўлса, демак, қониқарли 75 фоизга тўғри келган бўлса, яхши 100 фоизга тўғри келган бўлса аъло деб белгилаш мумкин.

Умуман олганда, ҳозирги кунда инновацион технологиялар, ахборот технологиялари ўқитишнинг асосий воситалари бўлиб хизмат қилмоқда. Чунки, буларнинг қўлланилиши ўқувчи-талабаларнинг ўқув жараёнига фаол жалб килинишини таъминлайди. Шунинг учун таълим технологиялари базасида комплекс ўқитиш воситалари концепсияси ишлаб чиқилиши зарур бўлиб, мазкур концепсия доирасида янги ахборот технологияларини қўлланилиши ўқув жараёнини самарали кечишига олиб келади.

Ўқитиш технологиясини лойиҳалашни педагогик вазифанинг қўйилиши ва уни ҳал этишга қуриш асосида қараймиз. 1. Педагогик вазифанинг қўйилиши. 2. Дидактик жараённи ишлаб чиқиш.

Педагогик вазифанинг белгиланиши қуйидагиларни қамраб олади: таълим мақсадларини таҳлил қилиш ва шу асосда фаннинг мазмунини аниқлаш; фан мазмунини тузилмасини ишлаб чиқиш ва уни ўқув элементлари тизими кўринишида ифодалаш; ўқув

элементларини ўзлаштириш даражаларини белгилаш; ўқувчи-талабаларнинг дастлабки билим даражасини аниқлаш, бу кўрсаткич фаннинг мазмуни асосланадиган ўқув материалини ўзлаштирганлик даражасидан келиб чиқади; ўқув-моддий база ҳамда таълимнинг ташкилий шаклларига қўйиладиган чегараларни белгилаш.

Педагогик вазифаларнинг ҳал этилишини таъминловчи ўқитиш технологиясини лойиҳалашга қаратилган ўқитувчи фаолияти таълимнинг метод, шакл ва воситаларини шакллантириш билан белгиланади. Бошқача қилиб айтганда ўқитувчи фаолияти учта асосий ташкил этуби билан тавсифланади: бошқариш тури, ахборот алмашинув жараёнининг тури, ахборотни узатиш воситалари типлари ва билиш фаолиятини бошқариш. Ўқитиш жараёнига фаолият нуқтаи назаридан ёндашиш концепсиясига асосланиб, уни ташкиллаштиришнинг қуидаги мантиқий кетма-кетлигини қуриш мумкин.

Дастлаб ўқув материали мазмунининг тавсифи, уни ўрганишдан кўзланган мақсад ҳамда педагогик вазифанинг қуишиш шартлари таҳлил этилади. Сўнгра ўқитишнинг мос равишдаги усувлари ҳамда ўқувчи-талабалар билиш фаолиятини бошқариш схемаси белгилаб олинади. Шу асосда ўқитиш воситалари рўйхати тузилади. Ушбу усул билан ҳосил қилинган усувлар ва таълим воситалари тизими ташкилий шакллар билан уйғунлаштирилади, яъни технология ишлаб чиқиласди.

Таълим жараёни стохастик характерга эга. Унда кутилган ва кутилмаган, режалаштирилган, фавқудлодда ва тасодифий ҳодисалар ҳам учраб туради. Ўрганилган билимларга ишлов бериш жараёнида ҳам жорий назорат натижаларига асосланиб лойиҳага қуидаги янги ўзгариш, қўшимча ва тузатишлар киритилади;

- бўлим ёки мавзу бўйича умумий хуносалар чиқариш, чиқарилган хуносаларни мураккаб ўқув ҳолатларига

татбиқ қилиш, оралиқ назорат натижаларига қўра мавзу ёки бўлим бўйича ахборот тўплаш, тўпланган ахборотларга ишлов бериш жараёнларида ўқувчи-талабалар эришган ютуқларни таҳлил қилиш, уларнинг билим ва малакаси, ижодий фаолият тажрибасидаги камчиликларини кўрсатиш, гуруҳдаги ҳар бирига якуний назоратгача бажариладиган қўшимча топшириқларни бериш, уларни ўқув материалини янада атрофлича ўзлаштиришга рағбатлантириш;

- якуний назоратнинг асосий вазифаси ўқувчи-талабаларнинг маълумот ва таълим мазмуни элементларини этalon даражасида ўзлаштиришларини аниқлаш, этalon даражасидан паст ўзлаштирган ўқувчи-талабаларни огоҳлантириш, қўшимча топшириқлар бериш кабилардан иборат.

Педагогик технология таълим мақсадини аниқ ўрнатишдан бошлаб то унинг натижаларини баҳолашгача бўлган босқичларнинг ҳар бири учун ижодий фаолиятни талаб этади. Ўқитувчи фаолиятининг технологияланувчанлик даражасини профессор **Н.Сайидаҳмедов қуидаги мезонлар асосида алоҳида ажратиб кўрсатган**.

- ташисланувчан ўрнатилган мақсад: ўқувчи-талабалар томонидан дидактик, жараён маҳсули сифатида ўзлаштирилган аниқ ўлчамли тушунчалар, амаллар ва фаолият турлари;

- таълим мазмунини ўқув элементлари ёрдамида баён қилишда абстраксия поғоналарининг ва ахборотларни ўзлаштириш даражасининг ҳисобга олиниши;

- ўқув материалларини ўзлаштириш босқичларининг етарлича мантиқий қатъиянлиги-дидактик жараён тузилмасига мослиги;

- ўқув жараёнига янги воситалар ва ахборотлаштириш усувларининг жорий этилиши;

- ўқитувчининг қоидабоп (алгоритмли) ва эркин,

ижодий фаолияти-даги мумкин бўлган четга чиқиш чэгарасининг кўрсатилиши;

- ўқувчи-талаба ва ўқитувчи фаолиятида шахсий мотивлашганликнинг таъминланиши (эркинлик, ижодиёт, курашувчанлик, ҳаётий, касбий моҳият ва бошқалар);

- ўқитиши жараёнининг ҳар бир босқичида коммуникатив муносабат-ларнинг, ахборот техникалари билан муомала қилишнинг мақсадига мувофиқлиги.

Юқорида берилган кўрсаткичлар лойиҳаланган ўқув жараёнининг технологик даражасини тўлиқ ифодалайди, уларнинг амалда жорий этилиши эса ўқитувчини юқори малакали мутахассисга айлантиради, ўқувчи-талабанинг нуфузини оширади ва ижодий фаолиятни ривожлантиришнинг янги қирраларини очади.

Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар талими тизимида таълим технологияси асосида ўтказиладиган машғулотлар анъанавий педагогик амалиётдан **қатор хусусиятларига кўра фарқ қиласди:**

- машғулотлар ўқувчи-талабаларнинг ўқув мақсадларини ойдинлаштиришдан бошланади;

- таълим-тарбия жараёни олдиндан қайд этилган натижага мўлжаллаб ташкил этилади;

- ҳар бир ўқувчи-талаба ўз фаолияти хусусиятларига мос келадиган суръатда ишлайди;

- жамоа аъзоларининг ҳар бири ўzlари эришган натижадан тез-тез огоҳлантириб турилади; эришилган натижа таълимнинг ҳар бир босқичида этalonга бирлаштириб турилади;

- натижа ўқувчи-талабаларнинг асосий ўқув мақсадларига кўра аниқланади;

- ўқув материалини тўлиқ ўзлаштирган ўқувчи-талаба кейинги мавзуни ўрганишга ўтади;

- эталондан паст ўзлаштирган ўқувчи-талабалар учун таълим ўхшаш шароитларда такрорланади;

- ўқувчи-талаба учун ўқиш-ўрганиш ҳаракатига тенг мақсадларни амалга оширишдан бошланади;

- ўқувчи-талаба ҳаракатга тенг мақсадлардан оралиқ мақсадга-билимларга, ундан умумий ўқув мақсадига қараб боради;

- ҳаракатга тенг мақсаддан умумий ўқув мақсадига қараб бориш ўқиш-ўрганишнинг циклигини таъминлайди;

- якуний (назорат) баҳо ўқув курси тўлиқ ўрганилгач чиқарилади.

Бугунги кунга келиб, интерфаол усуслар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини таълим жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга қучайиб бормоқда. Демак, бунинг асосий сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчи-талабалар фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар эса, уларни эгаллаётган билимларини ўzlари қидириб топишларига, мустақилўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто холосаларни ҳам ўzlари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функцияларини бажаради. Таълим жараёнида ўқувчи асосий фигурага айланади.

Педагогик технология усулининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда таълимнинг режалаштирилган мақсадига эришишни кафолатлайдиган ўзлаштириш жараёни лойиҳалаштирилади. Мақсадни кўзлаш, жорий натижаларни текшириб бориш, ўқув материалини айрим бўлакларга ажратиш, ўқув жараёнини ташкил этишининг бу белгилари - қайта ишлаб чиқиладиган яъни такрорланадиган таълим сиклига хос хусусиятлардир. Бошқача айтганда, такрорланадиган таълим циклининг

асосий қисмлари қўйидагилар: таълим мақсадларини умумий белгилаш; умумий мақсадни ойдинлаштириб, ўқув мақсадларига айлантириш; ўқув амаллари мажмуи; таълим натижасини баҳолаш. Ўқув жараёни бундай такрорланадиган шаклга эга бўлгани учун модул характеристини касб этади, алоҳида қисмларга ажратилади, улар турли мазмунга ва умумий тузилишга эга бўлади. Ўқув жараёнининг ҳамма босқичларида асосий эътибор таълим натижасига эришишга қаратилади. **Професор М.Очилов педагогик технология усулига қўйидагиларни киритган:**

- таълимнинг умумий мақсадлари, муҳим масалалари таснифи;
- ойдинлаштирилган мақсад (ўқув вазифа)ларини ишлаб чиқиш;
- таълимнинг мақсадларини назорат (тест) топшириқларига айланти-риш;
- мақсадларга эришиш усуllари;
- таълим мақсадларига эришилганини баҳолаш.

Буларнинг ҳар бири педагогик амалларнинг қулийлаштирилган тизимиdir. Педагогик технологиялар масалалари, муаммоларини ўрганаёт-ган мутахассисларнинг фикрига кўра, педагогик технология - бу фақат ахборот технологияси билан боғлиқ, ҳамда ўқитиш жараёнида қўлланиши зарур бўлган компютер, масофали ўқиши, ёки турли хил техникалардан фойдаланиш демакдир.

Шунинг учун олий таълим муассасалари ва факультетларида малакали касб эгаларини тайёрлашда замонавий ўқитиш усуllари -интерфаол усуllар, инновацион технологияларнинг ўрни бениҳоя каттадир. Педагогик технология ва ўқитувчи маҳоратига оид билим, тажриба ва интерфаол усуllар ўқувчи-талабаларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва ўқувчи-талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол усуllардан тўлиқ фойдаланилади. Интерфаол усуllар - бу жамоа бўлиб фикрлаш деб юритилади, яъни у педагогик таъсир этиш усуllари бўлиб, таълим мазмунининг таркиби ўқисмиҳисобланади. Буусулларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат ўқитувчи ва ўқувчи-талабаларнинг биргаликда фаолият қўрсатиши орқали амалга оширилади. Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, **уларга қўйидагилар киради:**

- ўқувчи-талабани машғулот давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга мажбур этиш;
- ўқувчи-талабаларни ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқишлиарни доимий равишда бўлишини таъминлаши;
- ўқувчи-талабанинг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндашган ҳолда кучайтириши;
- ўқитувчи ва ўқувчи-талаба ўртасида ҳамкорликдаги фаолиятининг узлуксизлиги таъминлаш.

Ўқитувчи ва ўқувчи-талабанинг кутилган натижага эришишлари қандай технологияни танлашлари улар ихтиёрида, чунки, ҳар иккала томоннинг асосий мақсади аниқ натижага эришишга қаратилган, бунда уларнинг билим савияси, гуруҳ характеристи, шароитга қараб ишлатиладиган технология танланади, масалан, натижага эришиш учун балки, компютер билан ишлаш лозимдир, балким фильм, тарқатма материал, чизма ва плакатлар, турли адабиётлар, ахборот технологияси керак бўлади, улар ўқитувчи ва ўқувчи-талабага боғлиқ.

Шу билан бир қаторда ўқитиш жараёнини олдиндан лойиҳалаштириш зарур, бу жараёнда ўқитувчи фаннинг

ўзига хос томонини, жой ва шароитни, энг асосийси, ўқувчи-талабанинг имконияти ва эҳтиёжини ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил эта олишини ҳисобга олиши керак, шундагина керакли кафолатланган натижага эришиш мумкин. Қисқа қилиб айтганда, ўқувчи-талабани таълимнинг марказига олиб чиқиш керак.

Ўқитувчи томонидан ҳар бир машғулотни яхлит ҳолатда кўра билиш ва уни тасаввур этиш учун бўлажак машғулот жараёнини лойиҳалаштириб олиш керак. Бунда ўқитувчига у томонидан бўлажак машғулотнинг технологик харитасини тузиб олиши катта аҳамиятга эгадир, чунки машғулотнинг технологик харитаси ҳар бир мавзу, ҳар бир машғулот учун ўқитилаётган фан, фаннинг хусусиятидан, ўқувчи-талабаларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда тузилади. Бундай технологик харитани тузиш осон эмас, чунки бунинг учун ўқитувчи педагогика, психология, хусусий методика, педагогик ва ахборот технологияларидан хабардор бўлиши, шунингдек, кўп усулларни билиши керак бўлади. Ҳар бир машғулотни қизиқарли бўлиши аввалдан пухта ўйлаб тузилган машғулотнинг лойиҳалаштирилган технологик харитасига боғлиқ.

Ўқувчи-талабаларнинг босқичма-босқич узлуксиз таълими жараёнида билим асосларини ўрганиш мобайнида уларнинг тафаккурлари шакллана боради. Улар қуйидаги билимлар мажмуи бўлиб хизмат қиласди: шахснинг эҳтиёж имкониятларини ҳисобга олиб, аниқ режа ва дастурлар тузиб, ўзига хос усуллар асосида амалга ошириша; шахснинг мустақил фаолиятида самарали ўрин тутадиган аниқ тушунчаларни; улардан амалда фойдаланиш йўл-йўриқларини; мустақил фаолият кўрсатишда зарур бўладиган барча билим, кўникма ва малакалар мажмуини ўзлаштиришни; ҳаётда қайси соҳани танлашидан қатъи назар, эҳтиёж даражасида тайёргарликни ўзида

шакллантиришни; билим асосларидан тўғри ва мақсадга мувофиқ ҳолда фойдалана олиш шахс баркамоллигини белгиловчи ахлоқий сифатларидан бири деб қарашни; билим асосидан хабардорликни ўз фаолияти давомида жамият ва давлат иқтисодий, ҳуқуқий сиёсати асосида намоён этади.

Бугунги кундаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ишлаб чиқаришнинг кўп сонли тармоқлари билан бир қаторда, маърифат ва маданият ҳамда иқтисодий соҳаларга, шу жумладан, ижтимоий-гуманитар, иқтисодий билимлар доирасига ҳам замонавий педагогик технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда.

Замонавий педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш илмий муаммо сифатида турли йўналишдаги таълим муассасаларида маҳсус илмий тадқиқотлар олиб бориши кўзда тутади. **Бунда энг аввало, қуйидагиларни аниқлаш лозим:**

- замонавий педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш учун ижтимоий-педагогик асослар мавжудлигини аниқлаш;
- таълим мажмуи сифатида нимани англатиши ва қандай таркибий қисмлардан ташкил топганлигини белгилаш;
- педагогик технологиянинг функционал мажмуи жараён сифатида нималардан иборатлигини аниқлаш;
- замонавий педагогик технологиялар Миллий дастур мақсадларига қай даражада мос келиши ва уни баҳолаш мумкинлигини кўрсатиб бериш;
- педагогик технологиянинг мажмуалар назариясининг асосий қонуниятларига мослигини назоратда тутиб туриш йўл-йўригини ишлаб чиқиш.

Шундай қилиб, бугунги кунга келиб, жамиятимиз жадаллик билан тараққиётни, иқтисодий валиёсий мавқеи кундан-кунга ортиб бораётган бўлса-да, бироқ ижтимоий

соҳада ва айниқса, таълим-тарбия жараёнида умумий тараққиётдан бироз орқада қолиш сезилмоқда. Бундай нохуш вазиятдан чиқиб кетиш йўлларидан бири таълим-тарбия жараёнини қабул қилинган давлат стандартлари асосида технологиялаштиришдан иборатdir.

Педагогик технологиялар асосида яратилган интерфаол усуллар ўқувчи-талабаларнинг қизиқишини ва фаоллигини оширади. Бу усулга тайёргарлик кўриш учун талабалар олдиндан огоҳлантирилади ва мавзу эълон қилинади. Ўқувчи-талабалар гуруҳи кичик гуруҳчаларга бўлинади. Бу усул билимларнинг янада мустаҳкамроқ эгалланишига, нутқ маданиятининг ошишига, саволларнинг тўғри тузилишига, ўз фикрини баён этишга ўргатади. Энг муҳими эса ўқувчи-талабаларда мустақил билимларни эгаллаш, қидириш, мавзуга ижодий ёндашиш ошади. Ўрганилаётган мавзу ҳар томонлама таҳлил этилади ва ҳаётий жараёнлар билан боғланади.

**Кичик гуруҳлар усули.** Бу усулда гуруҳ ўқувчи-талабалари бир неча гуруҳга бўлинади, ҳар бир гуруҳда 4-6 тадан ўқувчи-талаба бўлиши мумкин. Ҳар бир гуруҳнинг раҳбари тайинланади. Уларга олдиндан вазифа берилади. Гуруҳ ўқувчи-талабалари семинарга биргаликда тайёрланиб ўз саволларини тўлиқ очиб беришга ҳаракат қилишлари керак. Бошқа гуруҳлар асосий маъruzачига саволлар беради, саволларга гуруҳнинг ўқувчи-талабалари жавоб беришда ёрдам беради. Асосий маърузачи ҳимоясидан сўнг оппонентлар саволни янада тўлиқроқ изоҳлаб беришлари керак. Учинчи ва тўртинчи гуруҳ ўқувчи-талабалари ўз фикрларини билдиргач, тадқиқот олиб борган гуруҳга баҳо қўйиб, унга изоҳ беришлари керак. Бундай усулда иш олиб бориш учун гуруҳларни тузишда ўқувчи-талабаларнинг билими тенг бўлишига ҳаракат қилиш керак. Гуруҳ раҳбари қилиб яхши ўзлаштирувчи ўқувчи-талабаларни танлаш лозим.

Бу усулда уларнинг мустақил ишлаши, ижодий ёндашиши, жамоа бўлиб иш бажариш каби малакалари ривожланади. Уларнинг ўзаро муносабати чуқурлашади ва индивидуал хусусиятлар намоён бўлиши ортади.

## ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

- креатив;
- лойиҳалаш;
- муаммоли;
- информацион ва телекоммуникацион;
- автоматлаштирилган;
- программалаштирилган.

**Ўқитишининг креатив технологияси.** Ўқувчи-талаба ижодий фикрлашини узлуксиз шакллантириб борувчи ва қобилиятини ривожланти-рувчи технология. Унинг мақсади ўқувчи-талабада ижодкорликни уйғотиш ва унинг ўзида мавжуд бўлган ижодий имкониятни ривожлантириш.

**Лойиҳалаш усулини қўллаб ўқитиши технологияси.** Педагогикжараёнчизмасиосидамашғулотолибборилади ва технологик харита тузилади. Унинг мақсади ўқувчи-талабанинг ижтимоий-маданий муҳитда лойиҳалаш фаолиятига фаол киришиши учун ўзининг мавжуд билимларини фаоллаштиришга ва янгиларини олишга йўналтирилган. Муайян ўқув машғулоти жараёнининг лойиҳасини ишлаб чиқиш қўйидаги босқичлардан иборат бўлади:

**1-босқич.** Таълим жараёнини лойиҳалашнинг дастлабки босқичи ўқув фанининг мундарижасидан жой олган мавзу ёки фаолият мазмунига доир манбаларни ўрганиш, чунончи, материалларни йиғиш ва уларни моҳияти билан танишиб чиқиш, уларда илгари сурилган гояларни умумлаштириш, туркумлаштириш ҳамда яхлитлашдан иборат.

Фанинг мавзуси ёки фаолият мазмунига доир

манбалар моҳиятини ўрганиб чиқиши ўқитувчи учун ўқувчи-талабалар эътиборига тақдим этилаётган мавзу хусусида уларга батафсил, мукаммал маълумотларни бера олиш, таълимнинг умумий жараёнини тасаввур этиш имконини бера олади.

**2-босқич.** Иккинчи босқич фаннинг мавзуси (фаолият мазмуни) юзасидан ягона, умумий мақсадни аниқ белгилаш, умумий мақсад доирасида кичик бўйимлар бўйича ҳал этилувчи хусусий мақсадларни ҳам белгилаш, таълим мақсадига эришиш йўлида ижобий ҳал этилиши лозим бўлган вазифаларни ишлаб чиқишига йўналтирилган. Таълим мақсади ва вазифаларининг аниқ, пухта белгилаб олиниши ўқитувчи, шунингдек, ўқувчи-талабалар фаолиятини муайян йўналишга солиш, таълим мақсадига эришишда вақтдан унумли фойдаланиш, таълим жараёнида юзага келиши мумкин бўлган дидактик ва тарбиявий муаммоларнинг олдини олиш, мавжуд шарт-шароитлардан оқилона фойдаланишга замин ҳозирлайди. Иккинчи босқич натижаси фаннинг мавзуси бўйича ягона, умумий ҳамда хусусий мақсадлар, шунингдек, вазифаларни қайд этиш билан тавсифланади.

**3-босқич.** Таълим жараёнини лойиҳалашнинг учинчи босқичи таълим мақсади ва вазифаларига таянган ҳолда ўқув жараёнининг мазмунини ишлаб чиқишдан иборат. Таълим жараёни ўқув материали мазмунини ёритишига хизмат қилувчи муайян мавзу бўйича назарий ва амалий билимлар мажмуини ифода этиш имконини беради. Таълим мазмунида, шунингдек, ўқувчи-талабалар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган тушунча, кўникма ҳамда малакаларининг хажми ҳам ўз ифодасини топа олиши керак. Зоро, таълим мазмунинг гоявий жиҳатдан мукаммаллиги ўқувчи-талабалар томонидан муайян билим, кўникма ҳамда малакаларнинг ўзлаштирилиш даражаси билан белгиланади. Учинчи босқич самараси

ўқувчи-талабалар тамонидан маълум тушунчаларнинг ўзлаштирилиши, кўникма ва малакалар шаклланишини таъминловчи шартларнинг ишлаб чиқилганлигига намоён бўлади.

**4-босқич.** Таълим жараёнини лойиҳалашнинг энг муҳим босқичи ҳисобланган бу босқичда машғулотнинг шакли, усул ва воситаларини танлаш каби ҳаракатлар амалга оширилади. Мазкур босқичнинг муҳимлиги шундаки, айнан машғулотнинг шакли, усул ва воситалари таълим жараёнининг муваффақиятини тамиллашга олиб келади. Улар ёрдами билан фаннинг мавзуси борасидаги назарий билимлар ўқувчи-талабаларга узатилади, улар томонидан эса ушбу билимлар қабул қилиб олинади. Муайян машғулот учун энг мақбул деб топилган шакл, усул ва воситаларнинг белгиланиши таълим жараёнини самарадорлигини таъминлайди.

Педагогик технологияларнинг асосий моҳияти айнан ана шу босқичда очиб берилади. Ўқувчи-талабаларни ижодий изланиш, фаоллик, эркин фикр юритишига йўналтирувчи таълим шакли, усул ва воситаларининг тўғри танланиши машғулотларнинг қизиқарли, баҳс-мунозараларга бой бўлиши, ижодий тортишувларнинг юзага келишига туртки бўлади. Мана шу ҳолатдагина ўқувчи-талабалар ташаббусни ўз қўлларига олади, ўқитувчининг зиммасида эса уларнинг фаолиятини маълум йўналишга солиб юбориш, умумий фаолиятни назорат қилиш, мураккаб вазиятларда йўл-йўриқ кўрсатиш, маслаҳатлар бериш ҳамда улар фаолиятини баҳолаш каби вазифалар қолади.

**5-босқич.** Навбатдаги босқичда ўқувчи-талабалар тамонидан билим, малака, кўникмаларнинг ўзлаштирилиши учун етарли дея белгиланган вақт ҳажми, яъни ўқувчи-талабаларда муайян мавзу юзасидан маълум тушунча, кўникма ва малакаларнинг қанча вақт оралиғига

ўзлаштирилиши мумкинлиги аниқланади.

**6-босқич.** Бу босқичда топшириқлар тизими ишлаб чиқилади. Босқич натижаси сифатида ишлаб чиқилган топшириқлар тизимининг самарадор-лигига алоҳида эътибор бериш талаби мазкур босқичнинг асосий шарти ҳисобланади. Мазкур босқичда ишлаб чиқилган машқлар тизимини қуидаги гуруҳларга бўлиш мақсадга мувофиқдир: машғулот жараёнида ўқувчи-талабалар тамонидан ечилиши лозим бўлган машқлар; машғулотдан ташқари шароитларда бажарилиши кўзда тутилган машқлар (уй вазифалар). Ўқувчи-талабалар эътиборига ҳавола этилаётган машқлар бир-бирини тўлдириши, ўзаро алоқадорлик, боғлиқлик ва энг муҳими эволюцион хусусият касб эта олиши лозим.

**7-босқич.** Таълим жараёнини лойиҳалаштиришнинг еттинчи босқичида ўқувчи-талабаларнинг умумий фаолиятларини назорат қилиш ва тест тизимини ишлаб чиқиш каби вазифалар амалга оширилади. Назарий ва амалий жиҳатдан тўғри бўлган тест тизимининг ишлаб чиқилиши ўқувчи-талабаларнинг мавзу юзасидан маълум тушунчаларни ўзлаштириш, шунингдек, амалий қўникма ва малакаларни шакллантира олганлик даражаларини аниқ ва холис аниқлай олиш имконини беради. Тест тизимини ишлаб чиқида тестларнинг изчил, узвий ҳамда бир-бирлари билан уйғун бўлишларига аҳамият бериш зарур.

**8-босқич.** Таълим жараёнини лойиҳалашнинг сўнгги босқичи яратилган лойиҳанинг таълим жараёнига татбиқ этилиши, таълим жараёнининг якуний даражасини ўрганиш билан ниҳояланади. Мазкур босқичда таълим жараёнининг умумий аҳволи, эришилган ютуқ ҳамда йўл қўйилган камчиликлар, уларнинг юзага келиш сабаблари таҳлил этилади, навбатдаги машғулотлар жараёнида содир бўлган камчиликларни олдини олишга қаратилган

чора-тадбирлар белгиланади.

**Муаммоли ўқитиш технологияси.** Ривожлантирувчи ўқитиш усули бўлиб, фаол билим орттириш жараёнини рағбатлантиради ва фикрлашнинг мантиқий кетмакетлик стилини шакллантиради. Муаммоли ўқитиш моҳияти ўқитувчи томонидан ўқувчи-талабаларнинг ўқитишда муаммоли вазиятларни ташкил этиш ва ўқув (яхши, ҳаётӣ) масалалар, муаммолар ва саволларни ечиш йўли билан янги билимларни ўзлаштириш фаолиятини бошқаришдан иборат

**Ўқитишнинг информацион ва телекоммуникацион технологияси.** Бу компьютерлар ва телекоммуникацион воситалари ёрдамида ахборот узатиш усулларининг мажмуюи, билимларни қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш. Ўқитишдаги информацион усул даражаси, ҳам дастурлар, ҳам аппаратлар билан таъминланганлик даражасига қараб баҳоланади

**Автоматлаштирилган ўқитиш технологияси.** Ўқув курсини ёки унинг катта бўлимини мустақил ўзлаштиришга имкон яратади. Бу тизим ўзида оддий дарслик, масалалар тўплами, лаборатория машғулотлари, маълумотнома ва ўзлаштирилган ахборотни текширувчи эксперт хусусиятла-рини мужассамлантиради: ўқув материалини ўрганишнинг мақбул йўлини таъминлайди; таҳлил ва тадқиқотчилик фаолияти қўникмаларини сингдиради; ўқувчи-талабанинг вақтини тежашга имкон беради.

**Дастурланадиган ўқитиш технологияси.** Бу маҳсус ишлаб чиқилган дастурлар асосида ўргатувчи қурилмалар (компьютер, тренажёр, дастурлана-диган дарсликлар.) ёрдамида билим, маҳорат, қўникмаларни мустақил олиш имконини таъминловчи усул. Бунда қуидаги: чизиқли, тармоқланган, адаптив, умумлаштирилган, дастур-алгоритмик, блокли ўқитиш, модулли ўқитиш, билимларни

тўлиқ ўзлаштириш дастурлари бўлиши мумкин.

## ПЕДАГОГИКАНИНГ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ

Педагогика фани ўз мазмунини бойитишида янгилашда мавжуд бўлган педагогик ҳодиса ва жараёнларни унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келадиган усуллари билан ўрганади. Педагогика фанининг илмий-тадқиқот усуллари қанчалик тўғри қўлланса, таълим-тарбия мазмунини янгилаш ва такомиллаштириш шу даражада юксалади. Лекин илмий-тадқиқот усулларининг аниқ чегараланган тизими ҳозиргача фанда яратилган эмас. Педагог педагогик жараёnda ўз аудиторияси тарбияланувчилари характер-хусусиятларидан келиб чиқсан, уларни психологиясини чуқур ўрганиб бир қатор усулларни қўллаш мумкин. Чунки, ўқитувчининг асосий мақсади машғулот жараёнини тарбиявий таъсирини ошириш ҳисобланади. **Бунинг учун қўйидаги педагогик илмий текшириш усулларини келтириб ўтиш лозим бўлади:**

- педагогик кузатиш;
- сұхбат (якка тартибда, гуруҳ билан);
- ўқувчи-талабалар ижодини ўрганиш;
- тест;
- маълумотларни таҳлил қилиш;
- эксперемент-тажриба-синов;
- статистика маълумотларини таҳлил қилиш;
- математика ва кибернетика.

Таълим усулларини танлаш билан бир каторда ўқитувчи машғулотдаги ўқувчи-талабаларни ёш ва индивидуал характер хусусиятла-рини ўрганиши ҳамда таҳлил қилиши шарт.

**Педагогик кузатиш** - одатда табиий кузатиш орқали ўқувчи-талабаларнинг фанларни ўзлаштиришлари,

уларнинг хулқ-атвори ва муомалалардаги ўзгаришларни ҳисобга олиш ва тегишли таълимий-тарбиявий таъсир кўрсатиш йўлларини белгилаш учун қўлланилади. Бу усул тадқиқотчининг педагогик тажрибанинг муайян бир томони ва ҳодисаларини бирор мақсадни кўзда тутиб идрок этиш ташкил этади. Бунда қузатишлар тезлиги ва сони, қузатиш обьекти, вақти, педагогик вазиятларни қузатиш учун ажратиладиган характеристика ва ҳоказолар ҳисобга олинади.

**Сұхбат** - сўрашнинг бир тури бўлгани ҳолда тадқиқотчининг жиддий тайёргарлик кўришини талаб этади, чунки у текшираётган шахс билан бевосита алоқада бўлиш вақтида оғзаки сұхбат тарзида, сұхбатдошининг жавобларини ёзмасдан эркин муомала формасида қўлланилади. Бу усулда ўқитувчилар ва ўқувчи-талабалар жамоаси билан ота-оналар ва кенгжамоатчилик билан, якка ва гуруҳли тартибда иш олиб борилганда қўлланилади. Бу усулдан фарқ қилиб интервью олиш усули саволларни олдиндан белгиланган изчилликда интервью йўли билан баён қилишни назарда тутади. Бунда жавоблар магнит тасмасига ёки кассеталарга ёзил олинади. Ҳозирги кунда оммавий сўраш назарияси ва амалиёти интервью ташкил этишнинг кўп усуллари мавжуд: гуруҳлар билан; интенсив; синаш кабилар.

**Педагогик сўраш** - тадқиқотчининг бошқа кишилардан педагогик тажрибанинг бирор томони ёки ҳодисалари ҳақида ахборот олиш жараёни бу усулнинг асосини ташкил қиласи. Сўраш саволларнинг мантиқий ўйланган тизимини, уларнинг аниқ ифодаланишини, нисбатан камчилиги (3-5ta) назарда тутилади. Шунингдек, қатъий формадаги жавобни ҳа ёки йўқ деб ҳам тақозо этиши мумкин.

**Тест синовлар усули:** бу ёзма жавобларнинг оммавий равишда йиғиб олиш усулидир. Тест синовларини

ишилаб чиқиш мураккаб илмий жараён. Пировард натижада тадқиқот натижаларининг ишончлилиги анкеталар мазмунига, берилаётган саволлар шаклига, тўлдирилган анкеталар сонига боғлиқ бўлади. Одатда тест саволларининг маълумотларини компьютерда математик статистика усуллари билан ишлашга имкон берадиган қилиб тузилади.

**Хужжатларини таҳлил қилиш усули:** бунда ўқувчи-талабаларнинг умумий миқдори, унинг ўсиши ёки камайиш сабаблари тавсифи, уларнинг фанлар бўйича ўзлаштиришдаражасига, гурӯҳда қолишнинголдини олиш, рағбатлантириш ва жазолаш чоралари турларига, таълим муассасасининг моддий базасига эътибор берилади.

**Эксперимент-тажриба-синов усули:** ушбу тажриба асосан таълим-тарбия жараёнига алоқадор илмий фараз ёки амалий ишларнинг татбиқи жараёнларини текшириш, аниқлаш мақсадида ўтказилади.

**Статистика маълумотларини таҳлил қилиш усули:** таълим соҳасидаги, жумладан, ажратилган маблағларнинг доимий ўсиб бориши, дарслик ва ўқув кўлланмалари, кўргазмали қуроллар, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, муассаса қурилиши, хўжалик шартномалари ва улардан тушаётган маблағлар статистика усули орқали аниқланади.

**Математика ва кибернетика усуллари:** ўқитиш назарияси, амалиётида ҳисоблаш математикаси ва кибернетикаси машиналари ёрдамида бир тилдан иккинчи тилга таржима, дастурли таълим ва уни машина орқали бошқариш, ўқитишни мустаҳкамлаш, баҳолаш орқали таълим-тарбия самарадорлигини ошириш дифференциал ва индивидуал таълим бериш, таълим муассасаси ҳисботини машиналар ёрдамида тўзиш каби жараёнлардир. Бу каби усуллардан фойдаланиб таълим-тарбия ишларини олиб бориш фақатгина ўқитувчи учун

эмас, иқтисодиёт жабхаларида фаолият юритаётган бошқарувчи ходимлар, оиласда фарзанд тарбияси билан шуғулланувчи ота-оналар учун ҳам, жамоа билан ишлайдиган маъсулиятли шахс учун ҳам зарурый шарт бўлган усуллардан биридир. Зоро, инсон тарбиясидек мураккаб жараёнга ҳеч қачон эътиборсиз бўлмаслик зарур.

### **ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ**

Барча табиий ва ижтимоий фанлар сингари психология ҳам бундан кейинги таҳлилини тақозо қилувчи фактларнинг тўплашнинг иккита усулига ўз навбатида қатор шакллари мавжуд бўлиб, уларнинг моҳиятини ўзгартирмайдиган кузатув ва эксперимент ўтказиш усулларига эга. Психологияда илмий билишнинг ушбу воситалари мавжудлигини алоҳида таъкидлаш зарурати шундан келиб чиқадики, психология юқорида баён этилган сабабларга кўра, кузатувчи ўз-ўзини кузатиш билан чекланиб, психологик тадқиқотда, айниқса олий даражадаги психик жараёнларни ўрганишда, экспериментнинг бирон бир жиддий роль ўйнашни инкор этиб келади.

#### **Психология фанининг усуллари**

1. Кузатув - узлуксиз, ўзини-ўзи кузатиш.  
2. Тажриба усули - лабораторияда тажриба ўтказиш, табиий шароитда тажриба ўтказиш.

3. Сўровнома - сухбат, таржимаҳол, интервью, социометрия, тест, статистик маълумотларни қайта ишлаш

Кузатув агар у ташқи ҳодисаларни тасвирлаш билан чекланибгина қолмасдан, балки ушбу ҳодисаларнинг психологик табиятини изоҳлаб бериш даражасига кўтарилса, психик тадқиқот усули бўла олади. Кузатувчининг моҳияти психологик фактларни фақат ҳисобга олишдан эмас, балки бу психологик фактларнинг сабабларини илмий нуқтаи назардан изоҳлаб беришдан

иборат. Фактларни ҳисобга олиш билан турмушдаги оддий кузатувчилар деб аталмиш кузатишлар чоғида шуғулланиладики, кишиүёкибуишлар, хатти-харакатнинг сабабларини тусмол билан изоҳлади. Турмушдаги кузатувчилар илмий кузатувчилардан аввало ўзининг тасодифийлиги, уюшмаганлиги ва режасизлиги билан фарқ қиласди. Унда психик фактнинг ҳосил бўлиши ва унинг кечишига таъсир қиласиган барча муҳим шарт шароитлар камдан- кам ҳисобга олинади. Бироқ турмушдаги кузатувчилар сон-саноқсиз равишда ўтказилиб туриши ва мезон сифатида ихтиёрида кундалик тажрибанинг мавжудлиги важидан оқибат натижада баъзан психологик донишмандликни рационал мағзини ҳадия этади. Турмушдаги сон саноқсиз психологик кузатувчиларнинг натижалари мақол ва мақолларда мужассамлашган ва ўрганиш учун муаян қизиқиш туғдиради.

Илий психологик кузатув турмушидаги кузатувчидан фарқли ўлароқ, хулқ- атвор ва фаолиятнинг кузатилаётган фактни тасвирлашдан унинг ички психологик моҳиятини тушунтириб беришга муқарар ўтилишини тақазо этади. Кузатув жараёнида ҳосил бўладиган гипотеза ана шу ўтишнинг шакли ҳисобланади. Уни текшириш ёки рад этиш эса кейинги кузатвларда ҳал бўлади. Психологик кузатувчиларнинг жиддий муҳим талаблари аниқ планинг бўлиши ва шунингдек олинган натижаларнинг маҳсус кундаликда қайд этилишдан иборат.

Фаолият маҳсулини психологик жиҳатдан таҳлил этиш кузатув турларидан ҳисобланади. Бу ҳолда фаолиятнинг бамисоли ўзи эмас, балки унинг маҳсули ўрганилаётгандай бўлади, лекин амалда ҳаракат натижасида юзага чиқадиган психик жараёнлар ўрганиш обьекти ҳисобланади. Жуладан, болаларпсихологиясида болалар чизган расмларни ўрганиш катта роль ўйнайди. Шахснитурлихилдаги фаолият жараёнида кузатувда ҳосил

бўладиган эркин ҳарактеристикаларни умумлаштириш методи ҳам шулар жумласига киради.

Янги психологик фактларга эга бўлишнинг ва обьектив тарзда илмий билишнинг асосий воситаси - эксперемент методидир. Faқат кейинги юз йил мmobайнида психологиядаги мавқега эга бўлган бу метод ҳозирги пайтда психологик билимларнинг бош таъминотчиси ва кўпгина назариялар учун негиз бўлиб ҳизмат қилмоқда.

Кузатишдан фарқли ўлароқ, психологик эксперемент тадқиқотчининг синалаётган фаолиятига фаол аралашуви мумкинлигини назарда тутуди. Жумлади, тадқиқотчи психологик факт аниқ намоён бўлишига, унинг экспериментчи хоҳлаган йўналиш бўйича ўзгартиришларга, ҳар жиҳатдан тадқиқ қилиш учун бир неча мароталаб тақорорланишга имкон берадиган шарт-шароитни яратади.

Эксперемент методнинг иккта асосий тури фарқланади: лабаратория эксперименти ва табиий эксперимент.

Лабаратория экспериментнинг ҳарактерли белгиси фақат унинг лабаратория шароитларида маҳсус психологик асбоб- ускуналар ёрдамида ўтказишларида ва синаловчанинг хати- ҳаракатлари йўл- йўриққа қараб содир бўлиши билгангина эмас, балки синалаётганини биладиган синаловчи кишининг муносабати билан ҳам белгилнади. Лабаратория эксперименти ёрдамида диққатнинг хоссаларини, идрок, хотира ва бошқаларнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилиш мумкин. Ҳозирги пайтда лабаратория экспериментининг кўпинча шундай тарзда ўтказишадики, унда одам одатдаги шароитларда бажариши мумкин бўлган фаолиятнинг баъзи психологик жиҳатлари моделлаштирилиб қўйилади. Жумладан, экспериментнинг анчагина ҳиссий зўриқиши вазияти

моделлаштирилиб, унинг жараёнида синалувчи, масалн, касби кори учувчи бўлган киши англанган ечимлар қабул қилиши, юксак даражадаги уйғунликни тақазо этадиган мураккаб харакатлар қилиши, прборлардаги кўрсаткичларга муносабат билдириши ва ҳ.к лар белгилаб қўйилган бўлиши мумкин.

Табиий эксперимент (биринчи марта 1910 йилда А. Ф. Лазурский таклиф этилган) мўлжаланганлигига кўра, эксперимент ўтказилаётганини биладиган синалувчида ҳосил бўладиган зўриқишига йўл қўймаслиги ва тадқиқотни одатдаги, табиий шароитларга (дарс, суҳбат, ўйин, уй вазифаларни бажариш ва бошқалар) кўчиши лозим.

Методларни ётлашнинг самарадорлиги уни узоқ вақт хотирада сақлаб қолиши тўғрисидаги кўрсатмага боғлиқлигини тадқиқ қилиш табиий экспериментга мисол бўла олади. Ўқувчилардан бир гуруҳи ўрганилиши лозим бўлган материал билан таништирилади ва бунинг устига ўқитувчи ушбу материал юзасидан эртасига сўралишини айтади. Бошқа бир гуруҳда эса ўкув материаллари худди шу тарзда ўталиб бўлгач, ўқувчиларга ўтилган дарс бир ҳафтадан сўнг сўралишини айтилади. Ҳақиқатда эса ҳар иккала гуруҳларда ҳам ўқувчилардан икки ҳафтадан кейин сўралган. Ана шу табиий эксперимент жараёнида узоқ вақт хотирада сақлаб қолишга мўлжалланган йўл- йўриқнинг афзаликлари аниқланади.

Психологик-педагогик тадқиқот вазифаларини бажарадиган табиий эксперимент психолого - педагогик эксперимент деб аталади. Ҳар хил ёш босқичларида ўқувчиларнинг билиш имкониятларини ўрганишда, ўқувчи шахсни шакллантиришни конкрет йўлларини анқлашда унинг роли бениҳоя каттадир. Ҳозирги пайитда лабаратория эксперименти билан табиий экспериментнинг бир-биридан фарқи жуда ҳам шартли бўлиб, улар мутлақлаштирилланслиги керак.

Ҳозирга қадар биз тадқиқий методлар ҳақида сўз юритик. Бу методлар ўрдамида олим илмий билиш учун муҳим фактларни аниқлаши, у ёки бу қонуниятларнинг мавжудлигини кашф этилиши, психик ҳодисаларнинг сирли меҳанизимини топиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, ушбу методлар воситасида амалга ошириладиган тадқиқотлар предмети психология фанинг предметига мос келади.

Психологик методлар фақат тадқиқот мақсадлари учун эмас, балки синов мақсадлари учун ҳам қўлланиши мумкин. Кейинги маънода вазифа илмий билимларнинг янада чуқурлаштирилиши учун зарур бўлган бирон- бир янги маълумотларни олишдан эмас, балки синалувчининг психологик белгилари илгари аниқланган психологик нормалар ва стандартларга қанчалик мувофиқ келишини аниқлашдан иборат бўлади. Психологик шахснинг муаян психологик фазилатларни аниқлаш мақсадида фойдаланишига ҳаракат қиласидаган бундай маълумотлар тестлар бўлиб ҳисобланади.

Тест-қисамудатлитопшириқбўлиб, унинг бажарилиши баъсан бир психик функциялар мукаммалигини кўрсаткичи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Тестлар ўрдамида айрим қобилятларнинг, кўнникмаларнинг, малакаларнинг бор ё йўқлигини аниқлашга, у ёки бу касб соҳасида ишлаши учун лаёқатлилик даражасини ва ҳ.к. ларни билишга ҳаракат қилинади. Психологик тестлар, жумладан, космонавтик космик парвозга психологик жиҳатдан таёргарлик даражсини аниқлаш лозим бўлиб қолганида, синалувчилар ўқишининг галоҳида усуслари қўлланилган экспериментал туғилган пайтларда, шунингдек бошқа ҳолларда қўлланилади.

Тестнинг диагностик қиммати илмий экспериментнинг даражэасига ва тест учун асос қилиб олинган психологик фактнинг ҳақиқийлигига, яъни

манзур тест қай тарзда тузилганига- унинг олдидан ўтказилган жуда катта экспериментал ишнинг натижаси ҳисобланадими, ёки тахминий, тасодифий ва юзаки кузатувчилар натижасими эканлигига кўп жиҳатдан боғлиқлри. Етарли даражада асосланмаган ва текширилмаган психологик тестлар педагогика ишида, касб танлаш соҳасида психик ривожланишдаги нуқсонлар ва вақтингчалик кечикишларни аниқлашда анчагина зиён кетириш мумкин бўлган жиддий хатоларга сабаб бўлиши мумкин.

“Психологик тадқиқот усули” тушунчаси конкрет илмий психологик муаммони ҳал этишнинг маҳсус методикаси саъносида ҳам ишлатилиши мумкин. Ана шу конкрет методикаларда ўз- ўзидан равшанки, методологик принциплар амалга оширилади ва фақат мазкур муаммо учун эмас, балки билишнинг бошқа барча муаммолари учун ҳам умумий бўлган усуслари юзага чиқади. Лекин конкрет методикаларнинг ўзига хослиги энг аввало улар воситасида ҳал этилаётган илмий вазифанинг қандай характерда бўлиши билан белгиланади. Ҳозирги замон психологиясида қўлланиб келинаётган конкрет психологик методикалар хаддан ташқари кўпдир. Уларнинг шакллари ҳам жуда турли-туман бўлиб, психологиянинг ва проблеманинг тмуайян тадқиқот усулини, яъни конкрет методикасини талаб қилган соҳасининг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади.

Шубдан бирга конкрет психологик методикаларнинг кўпчилиги учун хос бўлган баъзи умумий белгиларни ҳам алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Буни нормал равожланган ва ва ақлий жиҳатдан заиф болаларда диққатнинг барқарорлиги ёшга тааллуқли тафовутларни ўрганиш вазифаси қўйилган тадқиқот мисолида кўриб ўтамиш.

### **Тадқиқот одатдагидек тўрт босқичга ажратилади.**

**Биринчи босқич** - тайёргарлик босқичи. Бунда хар хил воситалар ёрдамида материал ўрганилади дастлабки маълумотлар тўпланади (ўқув машғулотлари ва мкҳнат фаолияти чоғида, турмушда атайлаб уюштирилган сұхбатлар жараёнида кузатувдан фойдаланилади, баъзан маҳсустанлангансаволлар ўзига хослиги ҳам ишлатилиши, биографик маълумотлар аниқланади, анамnez тўпланади, яъни тадқиқ қилинаётган фактлар ҳосил бўлишига қадар мавжуд шарт-шароитлар таърифланади ва хокозолар).

**Иккинчи босқич** - хусусан экспериментал босқич бўлиб, тадқиқот-нинг конкрет методикаси амал қиласида ва ўз навбатида бу босқич бирин кетин қўлланиладиган қатор бўғинга эксперимент сериялларга бўлинади.

**Учунчи босқич** - тадқиқот маълумотларни сифат жиҳатдан қайта ишлашдир. У психологиянинг математик аппаратини дастлаб илгари сурилган гипотезанинг тасдифи тарзида олинган ҳолосаларнинг хаққонийлиги хақида ҳукм чиқариш имконини берадиган турли хилдаги статик усуслари ва эҳтимолилик назариясининг асосий қоидаларини қўллашни тақозо этиди.

**Тўртинчи босқич** - олингин маълумотларни изоҳлаб бериш, уларни психологик назария асосида талқин қилиш, гипотезанинг тўғри ва нотўғрилигини узил кесил аниқлашдан иборатdir.

Шундай қилиб корректура намунаси деб аталган мазкур конкрет методиканинг қўлланиши объектив психологик тадқиқотнинг кўпгина характерли белгиларини ўз ичига олади. Бундай тадқиқотнинг принципиал жиҳатдан методологик асосланганлиги хақида юёрида сўз юритилган эди. Кузатув фаолият маҳсулини тахлил этиш, сұхбатлар ўтказиш, анамнестик маълумотларни аниқлаш, эксперимент ўтказиш ва унинг натижаларини методик ўйл билан қайта ишлаш, ҳолосалар

чиқариш ва уларни изохлаб бериш буларнинг ҳаммаси тадқиқот ишининг таркибиға сингиб кетади ва унда ўз ифодасини топади.

Психологик муоммоларнинг илмий жиҳатдан хал этиши зарурати туғилганда тегишли конкрет психологик методикани қўллана билишни талаб қиласди. Психологик тадқиқотнинг объектив методлардан кенг фойдаланиши турли ҳилдаги конкрет методикаларнинг қўлланиши ҳозирги замон психологиясига тадқиқотларнинг юксак даражада олиб борилишини таъминлайди. Барча табиий ва ижтимоий фанлар сингари психология ҳам бундан кейинги таҳдилни тақозо қилувчи фактларни тўплашнинг иккита методига – ўз навбатида қатор шакллари мавжуд бўлиб, уларнинг моҳиятини ўзгартирмайдиган кузатув ва эксперимент ўтказиш методларигشا эгадир.

Янги фактларга эга бўлишнинг ва объект тарзда илмий билишнинг асосий ваоситаси – эксперимент методидир. Эксперимент методининг иккита асосий тури фарқланади: лаборатория эксперимент ива табиий эксперимент. Психологик-педагогик тадқиқот вазифаларини бажарадиган табиий эксперимент психолого-педагогик эксперимент деб аталади. Ҳар хил ёш босқичларида ўқувчиларнинг билиш имкониятларини ўрганишда, ўқувчи шахсини шакллантиришнинг конкрет йўлларини аниқлашда унинг роли бениҳоя каттадир.

**Суҳбат усули** - психологиянинг илмий текшириш методларидан бири бўлиб, текширувчи ва текширилувчи ўртасидаги саво-жавоб тариқасида рўй берадио Суҳбат методи текширувчи ткширилувчига ўрганиладиган муаммонинг табиатига мувофиқ олдиндан тайёрлаб қўйилган саволлар бороиб, уларга жавоблар олади. Масалан, суҳбат методи ёрдамида шахснинг қизиқишлари, дунёқараши, эътиқоди, нутқий хусусиятлари ва бошқа сифатлари ўрганилиши мумкин. Суҳбат жараёни самимий,

эркин равишда ўтиши, саволлар атрофлича ўйлаб тузилган бўлиши, кейинги саволлар

**Тест** - бу қисқа муддатли топшириқ бўлиб, унинг бажарилиши баъзан бир психик функциялар мукаммаллигининг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Тестлар ёрдамида айрим қобилиятларнинг, кўникмаларнинг, малакаларнинг бор ё йўқлигини аниқлашга, ўёки бу касб соҳасида ишлаш учун лаёқатлилик даражасини ва хоказоларни билишга ҳаракат қилинади.

### ЎҚИТИШНИНГ ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРИ

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да ўсиб келаётган авлодни мустақил фикрлайдиган қилиб тарбиялаш вазифаси қўйилган. Ушбу масалани ҳал этилиши кўп жиҳатдан ўқитишнинг интерфаол усулларини қўллашга ҳам боғлиқ.

Аввало "интерфаол (интерактив)" тушунчани аниқлаштириб олайлик. "Интерактив" деган сўз инглизча "interact" сўзидан келиб чиқсан. "Inter" - ўзаро, "act" - иш кўрмоқ, ишламоқ деган маъноларни англатади. Демак, интерактив деганда ўзаро иш кўриш, фаолият кўрсатиш ёки сухбат билан ёки тартибда ким биландир мулоқот ҳолатида бўлиш тушунилади. Шундай қилиб, интерфаол ўқитиш - бу, авваламбор мулоқатли ўқитиш бўлиб, жараённинг боришида ўқитувчи ва ўқувчи-талаба орасида ўзаро таъсир амалга оширилади. Интерфаол ўқитишнинг моҳияти ўқув жараёнини шундай ташкил этадики унда барча ўқувчи-талабалар билиш жараёнига жалб қилинган бўлиб, эркин фикрлаш, таҳлил қилиш ва мантиқий фикр юритиш имкониятларига эга бўлади.

Билиш жараёнида ўқувчи-талабаларнинг биргаликдаги фаолияти деганда, уларни ҳар бирининг ўзига хос алоқада индивидуал ҳисса қўшиши, ўзаро билимлар, ғоялар ва фаолият усуллари билан

алмашинишлари тушунилади. Шу билан бирга, буларнинг ҳаммаси ўзаро ҳайри ҳоҳлик ва қўллаб-кувватлаш муҳитида амалга оширилади. Бу эса ўз навбатида янги билимларни олишгагина имконият бермасдан, балки билиш фаолиятининг ўзини ҳам ривожлантиради, уни янада юқорироқ кооперция ва ҳамкорлик поғоналарига олиб чиқади.

Машғулотдаги интерфаол фаолият ўзаро тушунишга, ҳамкорликда фаолият юритишга, умумий, лекин ҳар бир иштирокчи учун аҳамиятли масалаларни биргаликда ечишга олиб келадиган диологи алоқани ташкил этиш ва ривожлантиришни кўзда тутади. Интерфаол усул битта сўзга чиқувчининг, шунингдек битта фикрнинг бошқа фикрлар устидан доминантлик қилишлигини чиқариб ташлайди.

Диалогли ўқитиш жараёнида ўқувчи-талабалар танқидий фикрлашга, шарт-шароитларни ва тегишли ахборотни таҳлил қилиш асосида мураккаб муаммоларни ечишга, алтернатив фикрларни чамалаб кўришга, улаб ва асосли равишда қарорлар қабул қилишга, дискуссияларда иштирок этишга, бошқалар билан мулоқат қилишга ўрганади. Бунинг учун машғулотда индивидуал, жуфтли ва гуруҳли ишлар ташкил этилади, изланувчи лойиҳалар, ролли ўйинлар қўлланилади, ҳужжатлар ва ахборотнинг турли манбалари билан иш олиб борилади, ижодий ишлар қўлланилади.

Интерфаол ўқитишни ташкилотчилари учун, соф ўқув мақсадларидан ташқари қуйидагижихатлар ҳам муҳимdir: гуруҳдаги ўқувчи-талабаларнинг ўзаро мулоқатлари жараёнида, бошқаларнинг қадриятларини тушиниб этиш; бошқалар билан ўзаро мулоқатда бўлиш ва уларнинг ёрдамига муҳтоҷлик заруратининг шаклланиши; уларда мусобақа, рақобатчилик кайфиятларини ривожлантириш. Шунинг учун интерфаол ўқитиш гуруҳларида

муваффақиятли фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган иккита асосий функциялар амалга оширилиши лозим: ўқитишнинг прагматик жиҳати қўйилган ўқув масаласини ечишликнинг шартлиги; тарбиявий масалаларни ечиш (ҳамкорликдаги иш жараёнида гуруҳ аъзоларига ёрдам кўрсатиш, хулқ-атвор нормаларини шакллантириш). Ушбу фактни алоҳида қайт этиш лозимки, ўқитишнинг барча интерфаол усулларини вербал (офзаки) ва новербал усулларга ажратиш мумкин. Оғзакиларга қуйидагилар киради: визуал: юз ифодаси, гавданинг холати, ҳаракатлар, кўзлар орқали алоқа. Акустик: интонация, овоз баландлиги, тембр, нутқ темпи, товуш баландлиги, нутқий паузалар ва хоказо.

**Вербал усуллар** орасида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: охири очиқ бўлган саволлар, яъниягона тўғри жавобга эмас, балки муаммо (савол) бўйича турли нуқтаи назарларни баён қила олишга йўналтирилган саволларни бера олиш қобилияти; ўқувчи-талабалар билан мулоқатда ўқитувчи томонидан ўзининг нуқтаи назарини ҳал қилувчи нуқтаи назар деб эмас, балки нейтрал деб аниқланиши. Бу нарса машғулот пайтида ўқувчи-талабаларга қўрқмасдан тўғри ва нотўғри нуқтаи назарларини баён этиш имкониятини беради.

Машғулотнинг таҳлил ва ўз-ўзини таҳлил қилишга тайёргарлик. Ушбу ҳолат машғулотларда саволлар - Нима?, Қандай? ва Нима учун? содир бўлганини, ўзаро фаолият қаерда осилиб қолганини, у нима билан боғлиқ эканлигини, кейинчалик бундай ҳолатларни рўй бермаслик учун нималар қилиш кераклиги ва бошқаларни тушиниб олишга ёрдам беради.

Машғулотнинг боришини, унинг кульминациясини, натижавийлигини ва бошқа кузатиш имконини берувчи ёзма хотираларни ёзиб бориш. Биринчи бўлимга алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Ўқитувчининг саволи бу,

ўқувчи-талабанинг тафаккурини ривожлантириш учун кучли воситадир. Саволнинг икки хил тури мавжуд (интерфаол ўқитиш нуқтаи назаридан).

1. Ўқувчи-талабанинг фикр доирасини чегаралаб, уни билганларни оддий қайта тиклашга келтириб қўядиган саволлар. Бундай саволлар фикрлаш жараёнини тўхтатиб туришга хизмат қилиб, ўқувчи-талабага унинг фикри ҳеч кимни қизиқтирумаслиги тушуниб этишига олиб келади.

2. Фикр юритиш, ўйлаш, тасаввур қилиш, яратиш ёки синчиклаб таҳлил этишга ундовчи саволлар. Бундай саволлар фикрлаш даражасини кўтариш билан бирга, ўқувчи-талабаларда уларнинг ҳам фикри қимматга эга эканлигига ишонч уйғотади.

#### **Саволларни тўғри ифода қилиш қўйидагича:**

- саволларни аниқ ва қисқа кўйиш лозим;
- битта савол орқали фақат бир нарсани сўраш;
- савол мавзу билан бевосита боғлиқ бўлиши керак;
- саволдаги барча сўзлар ўқувчи-талабага тушунарли бўлиши керак;
- ҳар бир саволга бир нечта жавоб бўлишига ҳаракат қилиш;
- конкрет фанлардан умумийга боришга ҳаракат қилиш. Бу ҳолат ўқувчи-талабаларни ўйлаши ва саволга жавоб беришида енгиллик туғдиради.
- фақатгина ҳа ёки йўқ, тўғри ёки нотўғри деган жавоблар бериладиган саволларни беришдан сақлаш;
- ўқувчи-талабаларга ўз тажрибаларига таянган ҳолда жавоб берадиган саволларни бериш;
- ўзининг нуқтаи назарини билдирадиган саволларни бериш;
- қўйилган саволга жавоб берилганда, ўқувчилардан "Нима учун шундай деб ўйлайсиз?" деб сўраб туриш.

Интерфаол усуллар бўйича ўқитиш ташкил этилганда эътибор берилиши керак бўлган яна бир ҳолат, бу

вазифанинг мазмuni масаласидир. Вазифанинг мазмuni ўқитишнинг анъанвий шаклларига қараганда бошқачароқ характергаэга бўлиши лозим. Масалан, гурухгадарслиқдаги маълум бир параграфни конспектини олиш вазифа сифатида бериш мақсадига мувофиқ эмас, чунки ҳар бир ўқувчи-талаба бу ишни ўзи, мустақил бажариши мумкин. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, муаммони ностандарт қўйилишигина, ўқувчи-талабаларни бир-биридан ёрдам олишга, бошқаларнинг ҳам фикрини билишга, натижада эса, гурухнинг умумий фикрини шакллантиришга ундаиди.

Масалан, дастурлашга оид масала ечишганда, уни кичик масалаларга бўлиш мумкин. Ўқувчи-талабаларни ҳам кичик гурухларга бўлиш ва ҳар бирига кичик масалани ечишни ва дастурини тузишни тавсия этиш мумкин. Машғулот охирида гурухларнинг ечимлари асосида асосий масала ечишни ташкил қилиш лозим. Бунинг натижасида битта машғулот давомида мураккаб масалани ечиш ва унга кўпроқ ўқувчи-талабаларни жалб қилиш мумкин бўлади. Ушбу усулнинг ҳозирги даврда таълимда қўлланиш кўлами ортиб бораётган лойиҳалар усулининг кўринишларидан бири деб ҳисобласа бўлади.

**Инсерт усули.** Ушбу усул янги матн билан ишлашга мўлжалланган бўлиб, қўйидагиларни ўз ичига олади: матнни қўлда қалам билан ўқиб чиқиш. Ўқиш давомида матнда маҳсус белгилар қўйиб бориш: "+" буни биламан; "-" буни билмас эдим; "?" буни мукаммал билмоқчи эдим; матн билан тўла танишиб чиқилгандан сўнг қўйидаги жадвал тўлдирилади:

Буни билар эдим. Буни билмас эдим. Мукаммал билишни ҳоҳлайман.

"+"	"-"	"?"
-----	-----	-----

**Катта айлана усули.** Биринчи босқич. Гурух ўриндиқларга катта доира бўйича ўтириб олишади. Ўқитувчи муаммони ифода этади. Иккинчи босқич. Белгиланган вақт мобайнида (масалан 10 дақиқа) ҳар бир ўқувчи-талаба индивидуал равишда қўйилган муаммони ечиш йўлларини ёзиб олади. Учинчи босқич. Айлана бўйича ҳар бир ўқувчи-талаба ўзининг таклифларини баён қиласди. Гуруҳнинг қолган аъзолари ўнинг фикрини изоҳламай, танқид қилмай, жим эшишишади ва ҳар бир банд бўйича таклифни умумий қарорга киритиш ёки киритмаслик ҳақида овоз беришиди. Умумий қарорга киритилган таклифлар доскага ёзиб борилади.

**Ақлий ҳужум усули.** Бу жамоа бўлиб муҳокама қилишнинг самарали усули. Унда бирор муаммонинг ечимини топиш барча иштирокчиларнинг фикрини эркин ифодалаш орқали амалга оширилади. Ақлий ҳужумнинг тамойили жуда содда. ўқитувчи гурух олдига масалани қўяди ва ўқувчи-талабаларда ушбу масалани ечиш бўйича ўзларининг фикрларини баён қилишни сўрайди. Ушбу босқичда ҳеч кимнинг бошқа иштирокчиларнинг ғоялари ҳақида ўз фикрини билдиришга ёки унга баҳо беришга ҳаққи йўқ.

Ақлий ҳужум ёрдамида бир неча дақиқа ичидан ўнлаб ғояларни олиш мумкин. Ғоялар сони асосий мақсад эмас. Ғоялар тўғри ечимини ишлаб чиқиш учун асос бўлади.  
**Ақлий ҳужум нинг қоидалари қўйидагилар:**

- таклиф этилаётган ғоялар баҳоланмайди ва танқид қилинмайди, иш ғоялар сони кўп бўлиши керак;
- ҳар қандай ғояни кенгайтиришга, ривожлантиришга ҳаракат қилиш мумкин;
- ҳар бир ғоя ёзиб борилади (иборалар ёрдамида);
- ақлий ҳужум ўтказиш вақти қатъий ўрнатилади ва унга риоя қилинади.

Ақлий ҳужум тугагандан сўнг таклифлар таҳлил қилинади ва улардан энг қимматлилари, кейинчалик улар билан ишлаш учун, танлаб олинади. Таҳлил қилинганда аввало таклифнинг фойдали жиҳатларига эътиборни қаратиш лозим.

**Чигал мантиқий занжирлар усули.** Ўқитувчи бешолтида алоҳида ҳодисаларни ёзиб қўяди. Бу ҳодисалар хронологик ёки сабаб-оқибат занжирларидан бўлиши мумкин. Ҳар бир ҳодиса алоҳида вараққа ёзилади ва улар аралаштириб юборилади. Гуруҳга ушбу варақларни мантиқан тўғри тартибини тиклаш вазифаси берилади. Бунинг учун кетма-кет ўқувчи-талабалар чақирилади ва ҳар бирига биттадан ҳодисани занжирдаги ўз ўрнига қўйиш вазифаси берилади. Ҳодисаларни занжирга териб бўлишгандан сўнг, бўлиб ўтган ҳодиса ҳақидаги матнни ўқииди, ўқувчи-талабалар эса ўзларининг таклифлари тўғри ёки нотўғри эканлигини текшириб боради.

**Чоп этилган материаллар билан ишлаш усули.** Ушбу методика керакли ахборотни излаш, назарий маълумотларни мустаҳкамлаш ва таснифлаш, янги назарий материалларни тушуниб олишда қўлланилиши мумкин. Гуруҳ 4-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга бўлинади. Гуруҳлар бир хил ёки ҳар хил газета, журнallардан каби чоп этилган зарур материалларни олади. Вазифа аниқ бир мавзу бўйича ахборот топиш хусусида бўлиши мумкин. Ҳар бир гуруҳ қўлидаги чоп этилган материаллардан вазифага оид материалларни олиб (мақолаларни, расмларни қирқиб олиб) плакатларга елимлаб, тегишли изоҳли матн тайёрлашади. Шундан сўнг қилган ишини намойиш этиб, тушунтириб беришади. Бошқа гуруҳлар эса саволлар беради ва ишни баҳолайди. Ушбу усул қўлланганда, изоҳли матнларни тайёрлаш иши тугаллангандан сўнг, барча қолган материаллар йиғиширили болинишикерак. Аксҳолда ўқувчи-талабалар

газета ёки журналлардаги қизиқарли мақолаларни ўқишига киришиб кетадилар ва бошқаларнинг маъruzalарини тингламайди.

**Мозаика усули.** Ўқитувчи томонидан муаммо кўйилади, гуруҳга бўлинади. 1. Гуруҳ ичидан муаммо ҳал этилади. Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси муҳокаманинг охирида ушбу гуруҳ қабул қилинган муаммони ечиш йўли ҳақидаги маълумотга эга бўлиши лозим. 2. Дастребки гуруҳлар тарқатилади ва янги гуруҳлар ташкил этилади. Бу гуруҳлар ҳарфлар бирлиги тамойили бўйича ташкил этилади: АААА, ББББ, ВВВВ, ГГГГ. Янги гуруҳнинг ҳар бир аъзоси олдинги гуруҳи қабул қилинган масалани ечиш йўлини бошқаларга тушунтиради (10 дақиқа). Умумий ёки энг яхши ечим танланади. 3. Биринчи ташкил этилган гуруҳлар яна тикланади. Қатнашчилар энди муаммога бошқа назар билан қараган ҳолда ва ечимлар кўплигини билган ҳолда йиғилади ва мулоқатда бўлади (10 дақиқа).

**Индивидуал ишлаш.** Ўқитувчи ҳажми етарлича катта бўлган вазифани тавсия этади. Масалан: дарсликнинг 3-4 параграфини ўрганиш ва режасини тузиш; долзарб муаммо бўйича баҳсга саволлар ўйлаб топиш ва ҳоказо. 15-20 дақиқа вақт берилади. Муддат тугагунча ҳар бир гуруҳ аъзоси масаланинг ечими бўйича ўзининг вариантига эга бўлиши керак.

**Жуфтликда ишлаш.** Ҳар бир иштирокчи ўзига шерик танлайди. Масала олдингича қолади. Лекин, ушбу босқичнинг мақсади жуфтликлар орасида умумий ечимни топишдан иборат. Топилган ечим ҳар икки иштирокчининг фикрини ифода этган бўлиши керак. Муҳокама учун 10 дақиқа. Жуфтликлар алмашишади. Масала олдингича қолади. Янги шериклар ўзларининг ечимларини бир-бирига тушунтиради ва яна масаланинг ечимини янгилаш имконини излайди. Муҳокама учун 10 дақиқа. Шундай қилиб, гуруҳнинг ҳар бир иштирокчиси

бошқаларнинг фикрини билиб олиш, муаммони ўзи қандай тушунтиришни бошқаларга таклиф этиш ва топилган ечимни ҳимоя қилишга ўрганиш имкониятига эга бўлади. Гуруҳий ечимни қабул қилиш. Гуруҳ биргаликда тўпланади. Гуруҳ аъзоларининг ҳаммаси муаммони ечиш йўллари ҳақида маълумот беради. Бунда катта эътибор мазмуний қисмгагина эмас, балки ижро этиш шаклига ҳам қаратилади (гуруҳлар ечимни конспект, расм, схема ва бошқа кўринишларда тавсия этиши мумкин). 10 дақиқа вақт берилади. Ҳар бир гуруҳ ишини баҳолаш. Машғулот охирида ҳар бир гуруҳ муаммонинг топилган ечимини тавсия этади. Эксперт комиссияси тавсия этилган лойиҳаларнинг мазмуни ва расмийлаштирилишини баҳолайди.

**6\*6\*6усули.** Бушундай усулки, унгакўра Збиштирокчи зарур вақт мобайнинда бирор масалани муҳокама қилиб, кўпчилик гуруҳ аъзоларининг масалага бўлган муносабатларини билиб олиш мумкин. Ҳар бири биридан иборат 6 та гуруҳда маълум бир вақт мобайнинда ўқитувчи томонидан кўйилган муаммо муҳокама қилинади. Шундан сўнг ўқитувчи янги гуруҳларни тузади, унинг аъзолари орасида олдинги баҳс гуруҳида қатнашган бўлсин. Янги гуруҳларда иштирокчилар ўз гуруҳларида қилган ишларининг натижаларини муҳокама этадилар. Ушбу усул гуруҳ аъзоларининг ҳаммасини фаоллаштиради. Уларнинг ҳар бири қисқа фурсат давомида баҳс иштирокчиси бўлиши билан бирга, маърузачи вазифасини бажаради. Ушбу усул билан машғулотни қандай олиб бориш керак?

1. Машғулот олдидан ўқитувчи 6 та стол атрофига 6 та ўриндиқ қўйиб чиқади.
2. Гуруҳ ҳар бири 6 та ўқувчи-талабадан иборат 6 та гуруҳга бўлинади.
3. Ўқувчи-талабалар ўз ўринларини эгаллаб бўлганларидан сўнг ўқитувчи баҳс мавзусини аниқлайди

(гуруҳлар учун вазифалар бир хил ёки битта масаланинг турли жиҳатларига тегишли бўлиши мумкин).

4. Ўқитувчи гуруҳларда иш боришини назорат қилиб туради. Барча гуруҳ аъзоларини масаланинг шартини тўғри тушунгандигига ишонч ҳосил қиласди, саволларга жавоб беради ва агар иштирокчилар ёрдамга муҳтож бўлиб қолсалар, уларга қўшимча кўрсатмалар беради.

5. Белгиланган вақт тугаганидан сўнг ўқитувчи шундай янги гуруҳлар тузадики, ҳар бир гуруҳда олдинги баҳс гуруҳларидан албатта биттадан вакил иштирок этсин.

6. Якун ясалади.

**Ролли ўйинлар усули.** Унинг моҳияти шундан иборатки, унда ўқувчи-талабалар бошқа кишининг ролига кириб олади ва унинг ичидаги харакат қиласди. Ўйинда ўқувчи-талабаларга асосан тугалланмаган вазиятлар берилади. Улар қарор қабул қилишлари, конфликтли ҳолатларни бартараф этишлари ёки таклиф этилган вазиятларни ниҳоясига етказишлари керак бўлади. Ролли ўйинлар уларда бошқаларни тушиниш, уларга ҳайри-ҳоҳлик қилиш кўникмаларини ривожлантиради. Бошқалар ролини ўйнаш орқали, унинг нуқтаи назарини тушиниш осон, ҳатто унинг нималар ҳақида ўйлаётгани ва сезаётганини ҳам. Ролли ўйинлар ўқувчи-талабаларга турли вазиятларда ўзини тута билишнинг моделларини бериши мумкин.

**Машғулотда ролли ўйинларни қўллаш қўйидаги босқичларни ўз ичига олади.**

1. Ўйинни вазиятларини танлаш. Ролли ўйинларга материал бўлиб хизмат қиласдиган кўплаб вазиятлар мавжуд. Улар индивидуал қийинчиликларни (интернет хизмати провайдери билан мулоқат қилиш) ва конфликтни ҳал қилиш вазиятларини (дастурий маҳсулот буюрмачиси билан баҳс) ўз ичига олади. Ўйинлар маҳсус саволлар ёки муаммоларни ҳал этишда қўлланилиши

мумкин. Масалан, ёш болаларга интернет тармоғининг барча маълумотларига киришга рухсат бериш керакми ёки йўқми? деган саволга жавоб топиша ўйин усулидан фойдаланиш мумкин.

2. Тайёрлаш. Ўқувчи-талабалар вазият ёки муаммо билан танишади ва улар ўртасида роллар тақсимланади.

3. Иштирокчиларни танлаш. ўқитувчи ролга ўқувчи-талабаларни ўзитанлаши, гуруҳда ўзларитақсимлашларига имкон бериши ёки ҳоҳловчиларни таклиф этиши мумкин. Уларнинг гуруҳ олдида чиқиш қилишлари ёки бир вақтнинг ўзида кичик гуруҳларда ишлашлари мумкин. Ролли ўйинларида иштирок этмаётган ўқувчи-талабалар кузатув бўлишлари ёки бошқа ролни ўйнашлари мумкин.

4. Ўйинни ўтказиш. Ўқувчи-талабалар ўйин доирасида ўзларини тутиш усулини ўзлари танлайди. Бунда албатта берилган вазиятга тушганда инсон ўзини қандай тутиши мумкинлиги асос қилиб олинади. Ўйиннинг боришига ўқитувчи аралашмаслиги лозим. Агар ўйин бор жойига келганда қолсагина, унга туртки бериш мақсадида аралashiши мумкин. Шунда ҳам аралашув қисқа, аниқ ва равшан бўлиши керак. Айрим ҳолларда ўйин тугагандан кейин ролларни алмасиб, яна бир бор тақороран ўйин ўтказиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

5. Муҳокама. ўйин муҳокама қилиниши ва баҳоланиши керак. **Муҳокама учун қўйидаги саволларни бериш мумкин:**

- Сиз нималарга ўргандингиз?
- Ўйин бўйича ва ҳар бир рол бўйича нималарни ҳис этаяпсиз?
- Ўйин реалистик бўлдими?
- Кўйилган масала ҳал этилдими? Агар ҳал этилган бўлса, қандай ҳал этилди? Агар ҳал этилмаган бўлса, нима учун?

**Беш минутлик эссе усули.** Ёзма вазифанинг ушбу

тури дарс охирида қўлланилади. Унинг мақсади ўқувчи-талабаларга ўрганилаётган мавзу бўйича билимларига хуоса ясаш бўлса, ўқитувчи учун улар онгида нималар рўй бераётганини билишдан иборат. Улардан қуйидаги икки вазифани бажариш сўралади: мазкур мавзу бўйича нималарни билиб олганликларини ва ўзлари жавоб ололмаган бирор савонни ёзиб бериш.

Ўқитувчи ёзма ишларни дарҳол йигиб олади, кейинчалик эса, уларни таҳлил этиб, унинг натижаларидан кейинги машғулотни режалаштиришда фойдаланиши мумкин. Вазифа. Информатика фанидаги мавзулар бўйича берилган интерфаол услуллари билан ташкил этиш учун методик тавсияномасини ёзиб беринг.

Информатика фанидан ўқувчи-талабалар билимини назорат қилиш усуllibарни. Ўқувчи-талаба билими, малака ва маҳоратини текшириш ва баҳолаш таълим жараёнининг муҳим тузилиши компонентидир ва бутун ўқув йили давомида системали изчиллик ва таълимнинг пухталиги принципларига мувофиқ олиб борилади. Шу билан билимини текшириш ва баҳолаш турлари мавжуд. Қандай ечилаётганига, яъни ўқувчи-талаба қандай билимга, малака ва маҳоратга, дунё қарashi ва ахлокий-эстетик қарашлар ҳолда ижодий фаолиятига эга эканлигига эътибор қаратиш муҳим. Асл моҳияти яна ўқувчи-талабани ўқишга қандай муносабатда бўлишига, қандай шуғулланяпти ва ҳоказоларга боғлиқ.

Уларнинг барчаси билимнитекшириш ва баҳолашнинг турли усуllibарини қўллашнинг зарурлигини кўрсатади. Информатика бўйича бир даврда ўқувчи-талабалар билимини жорий назорат қилишнинг турларини классификациясини кўриб чиқамиз: оғзаки сўроқ, уй иши, ўқувчи-талабаларнинг ўқув фаолиятини кузатиш, лаборатория иши назоратининг ижодий шакли. Уларнинг билимини назоратнинг қизиқарли шакллари сифатида

турли информатикадан рефератлар, кроссвордлар, ребуслар таклиф қилиш мумкин.

Оралиқ назорат жорийга қараганида кўпроқ мустақил назорат тури. Унда фан дастурларини ва аниқ ўқув фанининг ўзига хос хусусиятларини чуқур ҳисобга олиш имконияти бор. Оралиқ, жорий ва якуний назоратнинг турли мақсадлари уларнинг турли функцияларида ўз аксинитопади. Оралиқ назоратнинг қўйидағи функциялари бор: ўқув фаолиятининг самара даражасини (баҳолаш) текширув, диагностик (орқада қолиш сабабларини эълон қилиш); ташкилий (қўлланилаётган усуllibар самаралари); тарбиявий-мотивацион (оралиқ назорат натижалари билан ўқувчи-талабаларнинг ўзларини ўзлари баҳолашни мустаҳкамлаш). Оралиқ назоратнинг мақсади ўқувчи-талабаларнинг ўқув соҳасида маълум бир мавзуларининг ўзлаштирилгалигини текшириш. Оралиқ назорат ўқитувчи томонидан оғзаки ва ёзма шаклда ўтказилиши мумкин.

Фаол ва бошқа усуllibарда машғулотнинг мақсади унинг муваффақиятли ўтиши унинг ташкил этилишига ва бунда ўқитувчи ўзига хос мақсадларни қўйганлигига боғлиқ. Ҳар бир машғулотнинг мақсади учта бўлиб, у таълимий, тарбиявий ва ривожлантириш мақсадлари кўринишида бўлади.

Машғулотдат аълими мақсадамалга оширилаётганди ўқитувчи қўйидағиларга: янги маънавий, маърифий, илмий тушунчалар ва ифодаларни шакллантиришга; янги қонун, қонуният, хусусият ва белгиланишлар ўзлаштирилишини таъминлашга; янгича ҳаракат усуllibарини ўргатишга; билимлардаги етишмовчиликларни тўлдиришга; билимларни умумлаштириш ва тизимга солишга; касбий малакаларни шакллантиришга; бор ҳаракат усуllibарини мустаҳкамлашга; тушунча, қонуният ва бошқалар орасидаги боғланишларга (булар устида

муҳокама юритишига); мавзуга хос дунёқараш ғоялари ва муоммоларига табиат қонунлари асосида фикрлашга; юкорида акс эттирилган таълимий белгиларни баҳолашга; хуносалар чиқариш кабиларга аҳамият бериши керак.

Машғулотнинг тарбиявий мақсадларига: онгли интизом ва яхши хулқ; таълим олишга ижобий ёндашиш; маънавий, маърифий ва эстетик қарашларини мустаҳкамлаш; ўқишга қизиқиш ва меҳнатга онгли муносабатда бўлиш; ватанпарварлик, ҳалқпарварлик, иймон-эътиқодлилик, ҳалоллик, ахлоқий поклик, одиллик, дўстлик, байналминаллик фазилатлари руҳида тарбиялаш ва бу фазилатларни сингдириш; нутқ маданияти; иш ўрнини ташкил этиш ва ўз фаолиятини доимо текшириб бориш кабилар киради.

Машғулотни ривожлантириш мақсадлари: машғулот жараёнида ўқувчи-талабаларнинг диққат, тафаккур, хотира каби психологик сифатларини ва билиш қобилияtlарини шакллантириш, уларга фан методологиясига оид билимларни бериш; ўқитиши жараёнида фан тармоғи эришган ютуқларни, ҳали улар чоп этмасдан ойдинлаштириб ўқитиши; фан асосларини редукционизм услубида маъруза ўқиш, ўқитувчиларнинг видеога ёзилган маърузаларини телевизорда қайта-қайта кўrsatiшни ташкил этиш ва ҳ.к. Машғулотнинг мазкур мақсадлар йўлида олиб бориш услубини ривожлантирувчи таълим деса бўлади.

**Кичик гуруҳларда ишлаш усули.** Бунда ўқувчи-талабаларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материалини ўрганиш ёки берилган топшириқни бошқаришга эътибор берилади. Усул қўлланилганда ўқувчи-талаба кичик гуруҳларда ишлаб, ўқув машғулотида фаол иштирок этиш, бошловчи ролида бўлиш, бир-биридан ўрганиш, турли нуқтаи назарларни қадрлаш имконига эга бўлади. Вақт танланади. Чунки,

ўқитувчи бир вақтнинг ўзида барча ўқувчи-талабаларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолайди.

**Давра сұхбати усули.** Бу айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан ўқувчи-талабалар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиши усулидир. Бунда стол, стулларни айлана шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир ўқувчи-талабанинг бир-бири билан кўз алоқасини ўрнатиб туришга ёрдам беради. Давра сұхбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуд. Оғзаки давра сұхбатида ўқитувчи мавзуни бошлаб беради ва ўқувчи-талабалардан ушбу савол бўйича ўз фикр мулоҳазаларини билдиришни сўрайди. Бу эса улардан мустақил фикрлашга ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради. Давра сұхбати усули тузилмаси қуйидагича: сұхбатни ўтказиш шарти билан таништирилади; конвертлар ва жавоблар варақаси тарқатилади; конвертларга саволлар ёзилади; конвертни ёнидаги ўқувчи-талабага узатилади; саволларга жавоб ёзилади; баҳоланади ва таҳлил қилинади. Ушбу усул орқали улар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар.

**Муаммоли вазият усули.** Бу ўқувчи-талабаларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўнималарини шакллантиришга қаратилган усулдир. Бунда ўқувчи-талабалар мустақил фикр юритишини, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганади. Муаммоли вазият усулининг босқичлари қуйидагилар: ўқитувчи мавзу бўйича муаммоли вазият танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди, муаммони баён қиласи; топшириқнинг мақсад, вазифа ва шартлари билан таништиради; кичик гуруҳларга ажратади; гуруҳлар муаммоли вазиятни ўрганадилар, муаммонинг келиб чиқиш сабабини аниқлайди; ҳар бир

гурұх тақдимот қиласы, кейин бир хил фикрлар жамланады; муаммони ечишнинг түрли имкониятларини мұхокама ва таҳлил қиласы, ечиш йўлларини ишлаб чиқади; кичик гурӯхлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиласы ва ўз варианatlарини таклиф этади; тақдимотдан кейин бир хил ечимлар жамланады, ечим йўлларининг энг мақбул вазиятларини танлаб олинади.

**Биламан/ Билишни хоҳлайман/ Билдим (Б/Б/Б) усули.** Матнни интерфаол ўқиши-ўзлаштириш усулларидан бири бўлиб, жадвал кўринишда бажарилади ва қуйидагича қўлланилади: ўқувчи-талабаларга бирор мавзу эълон қилинади. Бу тўғрида уларга маълум бўлган ахборотларни жадвалнинг биламан қисмiga, мавзу бўйича яна қандай маълумотларни билишни хоҳлашса, уларни жадвалнинг билишни хоҳлайман қисмiga ёзади. Сўнгра, уларга мавзуга оид матн тарқатилади. Улар микромурухлар таркибида матнни мустақил ўзлаштириб, жадвалнинг билдим қисмини тўлдиради. Ҳар бир микромурух сардори тузиленган жадвалларни тақдим қиласы. Жадвалнинг барча қисмлари таққосланади.

**Дебат усули.** Дебатлар асосида ўкув машғулотларини ташкил этиш муаммонингечиминитопишда ўқувчи-талаба ўзгаларни ўз ёндашувининг тўғрилигига ишонтиришdir. Ўз фикрини аниқ ва мантиқий баён этиш, бунинг учун эса ишонарли далиллар ва хулосалар топиш кўникмаларини шакллантиришда дебатлар ўтказиш самарали ҳисобланади. Улар ўқувчи-талабаларда ижтимоий фикрни ўзгартиришга таъсир этиш қобилияти мавжудлигига ишонч туйғуларини ривожлантиради. Дебатларни ўтказиш тартиби: ўқитувчи ва дебат иштирокчилари аудиториядан жой олишади. Ўқитувчи қисқача мұхокама мавзусини ва иккала резолюция варианtlарини баён қиласы, сўзга чиқувчилар учун вақтни белгилайди. Ўқитувчи дастлаб резолюцияни қўллайдиганларнинг биринчисига сўз

беради ва ундан конструктив аргументларни баён қилиш сўралади. У резолюцияни қўллайдиган гурӯх ўқувчи-талабаларининг биринчисига сўз беради ва у ўз фикрини етарлича аргументлар ёрдамида асослаб беради.

Ўқитувчи биринчи гурӯхнинг иккинчи рақамли ўқувчи-талабасига сўз беради, сўнгра иккинчи гурӯхнинг иккинчи рақамлиси ўз фикрларини резолюция бўйича баён қиласы. Кейинги босқичда ҳар бирiga қарши томоннинг далилларини инкор этиб ташлашга ва улар танқидига жавоб беришга имконият туғдирилади. Ўқитувчи бу босқичда резолюцияга нисбатан у ёки бу мавқени эгаллаш сабабларини баён қиласы. Ўқувчи-талабалар қарашлари муаммо ечимиiga зид, барчани ўйлашга мажбур этиши ҳамда ҳайратда қоларли даражада ифодаланиши мумкин. Ўкув машғулоти сўнгидаги улар қарши томон қабул қилган резолюциянинг жорий этилиши оқибатларини баҳолаши керак.

**Мунозара усули.** Ўқувчи-талабаларга муайян муаммо бўйича тўлиқ ахборотлар етказилади, мунозара учун танланган мавзуни улар аёвсиз хужум қиласы ва пировард натижада муаммога тегишли маълумотларни атрофлича ўрганади. Ўтказиш тартиби қуйидагича: мунозара олиб борувчи - бошловчи мавзуни олдиндан танлайди ва ўқувчи-талабаларни таклиф этади. Бошловчи уларга ақлий хужум топширигини беради ва унинг қоидаларини тушунтиради: бошловчи котибини тайинлайди ва у юзага келган барча ғояларни ёзиб боради. Агар бирор бир киши томонидан ақлий хужумни ўтказиш қоидалари бузилса, бошловчи зудлик билан мұхокамага аралашади. Бошловчи иштирокчиларнинг танқидий тафаккури чархланиши учун қисқача танаффус эълон қиласы. Кейин иккинчи босқич бошланади. Ақлий хужум ўқувчи-талабалари гурӯхланади ва биринчи босқичда билдирган ғояларини мустаҳкамлайди. Ғоялар гурӯх бўйича бирлаштирилиб,

муаллифлар уларни таҳдил қилишга киришади ва натижада ўртага қўйилган муаммонинг ечимиға тегишли бўлган фикрларгина ажратиб олинади. Бошловчи мунозараға яқун ясади.

**Кубик усули.** Кўрилаётган масалани турли томондан, қадамма-қадам, осондан - қийинга томон йўналишда тасаввур этиш имкониятини беради. Кубик муайян топшириқни ифодалайди: Бу нима? Кўрилаётган нарсани ранги, ўлчамлари, шаклини тасаввур этинг, эсланг ва ёзма равишда таърифланг? Таққосланг: У нимага ўхшайди, нимадан фарқ қиласди? Ассоциация: Таассуротингизни изоҳланг? У Сизни нима тўғрисида ўйлашга мажбур қилди? Ҳаёлингизга нима келди? Таҳдил қилинг: Бу нимадан ва қандай ясалган? Қандай қисмлардан тузилган? Нималардан ташкил топган? Кўлланг: Бу нимага ярайди? Уни қаерда қўллаш мумкин? "Ҳа" ва "Йўқ" ларни асосланг: бунда ишончли далиллар ва асословчи фикрларни айтинг.

**Лойиҳа усули.** Бу ўқувчи-талабаларнинг якка ёки гуруҳларда белгиланган вақт давомида мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришдир. Улар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, топшириш, хulosса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этади. Ўқитувчи лойиҳа усулини қўллаш учун топшириқларни ишлаб чиқиш, лойиҳа ишини ўқув машғулоти режасига киритиш, топшириқни ўқувчи-талабаларнинг имкониятларига мослаштириб, уларни лойиҳа иши билан танишириш, жараённи кузатиб туриш ва топшириқни мустақил бажара олишларини таъминлаши лозим.

**Йўналтирувчи матн усули.** Ўқувчи-талабалар мустақил равишида йўналтирувчи саволлар ёрдамида маълумот йиғиш, режалаштириш, амалга ошириш вазифаларини бажарадиган усулдир. Ундан ўқув амалиёт ўқув машғулотларида кўпроқ фойдаланилади. Ўтказиш

bosқичлари лойиҳа усули bosқичлари билан бир хил. Маълумот йиғиш, режалаштириш, амалга ошириш ва текшириш bosқичларида ўқувчи-талабалар мустақил ишлади. Уларга бошланғич bosқичларда ўқитувчи томонидан тузилган ёзма хужжатлар берилади. Бундай хужжатларга техник чизмалар, жадваллар, саволлар, тарқатма материаллар, топшириқлар, баҳолаш варақаси ва бошқалар киради.

Чархпалак усули. Бу усулда асосан ўқувчи-талаба билан ўқитувчи ўртасидаги муомала ва муносабат акс эттирилади. Ўтказиш тартиби: тарқатма материал тарқатилади: унда ўттизта ҳаракат келтирилади. Ушбу ҳаракатлар қайси бошқарув усулига мос келиши ўқитувчи томонидан аниқланади (авторитар, демократик, либерал). Аниқланган жавобга "+" белгиси қўйилади. Барча ҳаракатларга белги қўйилгандан кейин, тарқатма материалнинг чап тарафига ўқитувчи томонидан белги қўйилади. Тарқатма материал гуруҳ-гуруҳ қилиб йиғиб олинади ва кейинги гуруҳга тарқатилади: аввалги гуруҳ аъзоси томонидан белгиланган жавоб Сизники билан бир хил бўлса, ҳеч қандай белги қўйилмайди. Агар Сизни жавобингизга мос келмаса, ўзингизга мос жавобга "Ц"

Иш босқичлари	Педагог фаолияти	Талаба фаолияти	Натижаларни тақдим этиш.	Диққат билан тинглайди. Талаба фикрини, тушунчаларини аниқлашти-рувчи саволлар беради.	Натижаларни баён қиласи ва бошқа гурухлар таклиф қилган натижалар бўйича фикр юритади ва саволлар бериш орқали тушунчала-рини мустаҳкамлайди
Тайёрлов босқичи. Ташкил этиш босқичи, яъни, муаммо қўйиш, даъват босқичи.	Ўқув машғулотини ташкил этиш мазмунини, кўйиладиган муаммоли вазиятни ҳамда унинг талabalар томонидан ҳал қилиниш йўлларини, таълимий, ривожлантирувчи, тарбия-ловчи мақсадни, кутилаётган натижанини ва баҳолаш мезонини белгилайди. Ўқув машғулоти мақсадини баён қиласи, мавзуга оид муаммоли вазият ҳосил қиласи (муаммоли саволлар кўяди) талabalарга қўйилган муаммо-ни ечишга доир кўрсатмалар беради ва иш натижаларини баҳолаш мезонлари билан таниширади.	Ўқув машғулоти мақсадини ва белгиланган муаммони ёзib олади. Муаммоли вазият ва муаммо баён этилган материаллар билан танишади ва уни ҳал қилиш йўлларини ўйлади.	Якунлаш ва умумлаштириш босқичи.	Белгиланган муаммони ечиш усул ва йўналишларининг асосийларини кўрсатиб, кўпчилик фикрига мос келганларини алоҳида таъкидлайди. Талабанинг қанчалик муаммоларни ечишдаги интилиши, фикрлаши ва ечимини топишини инобатга олинган ҳолда баҳолайди.	Педагогнинг хуносаларини тинглайди, ёзib олади. Гурухлар бир-бирига ва ўз-ўзларига баҳо қўйишлари ҳам мумкин.
Мустақил иш-лаш жараёни муаммонинг ечимини топиш. Англаш ва фикрлаш босқичи.	Қўйилган муаммони талabalарнинг тўғри тушунишлари, уларни муаммога йўллаш мақсадида мунозара ва ақлий хужум, кластер, кубик каби усул- лардан фойдаланади ва якка ҳамда гурӯҳ билан ишлашларини ташкил этади. Талabalарни фаоллаштириш мақсадида бир гурухдан иккинчисига ўтиш йўлларини амалга оширади.	Талаба берилган муаммо-ларни якка тартибда ёки гурухларга бўлинган ҳолда ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қиласи, таҳлил қилиб, қуляйларини топади. бир фикрга келади.			

Муаммоли баён этишнинг моҳияти педагог муаммони қўйиб, уни ўзи ҳал қилиши ва ечимнинг аҳамиятини талabalарга тушунарли зиддиятлар орқали кўрсатишдан иборат. Муаммоли топшириқлар талabalарнинг мустақил билим олишларини кучайтиради, эркин ва мустақил фикрлашга ўргатади.

Муаммоли ўқитиш элементлари асосида тузилган машғулотда ҳам одатдаги машғулотлардаги каби ҳал этилаётган муаммога мувофиқ келадиган мулоҳазаларга йўл қўйилади. Бироқ, улар меъёрида бўлиши ва уларни моҳирлик билан ўз ўрнида қўллай билиш керак. Муаммоли машғулотни ташкил этиш ва ўтказишни намуна сифатида қуйидаги маълум бир мавзу бўйича кўриб чиқамиз.

Мавзу: “Курилиш машиналари ва кичик механизмлар фанининг машина деталлари” мавзусида

муаммоли машғулотни ташкил этиш ва ўтказиш. Ўқув машғулоти режаси қуидаги 4-жадвалда берилган:

4-жадвал

Ўқув машғулоти режаси	
Ўқув машғулоти босқичлари бўйича амалга ошириладиган ишлари	Балл
Ўқув машғулоти мақсади ва вазифаларини белгилаш усули. Мазкур жараёнда тарбиявий мақсадларнинг амалга оширилиши ва унинг ўқув машғулоти мавзуси билан узвийлиги.	7
Аудитория, ўқув машғулоти жиҳозлари, мавзуга тегишли кўргазмали куролларнинг тайёрлиги, психологик ва гигиеник талабларнинг бажарилиши.	7
Ўқув машғулотида техник, АҚТ ва кўргазмали куроллар, дидактический материаллардан фойдаланиш, уларнинг ўқув машғулоти самарадорлиги-ни ошириши.	7
Ўқув машғулотида билим олишга онгли равишда ёндашишини оширувчи усуллардан фойдаланиш, машғулотнинг қўшимча манбалардан фойдаланишга йўналтирилиши.	9
Ўқув машғулотида талабалар хотирасини мустаҳкамлашга қаратилган усуллардан фойдаланилиши ва унинг натижасида билим олиш жараёнини мустаҳкамлаш. Дарслик билан ўқув машғулоти жараёнида талабаларни ишлатиши.	9
Ўтилган мавзуни текшириши ва қайтаришининг тўғри ташкил этилганлиги. Талабалар билимини текширишда уларнинг саводхонли-гига ва нутқига эътибор қаратиши.	6
Янги мавзуни ифодалашда педагогик нутқ маданияти, илмийлиги, тизимлилиги, тушунарли бўлиши, мавзуни очиб бериши, ўз фанини билиш даражаси.	16
Ўқув машғулоти жараёнида методик, педагогик усул ва усуллардан фойдаланиш маҳорати.	11
Янги мавзуни мустаҳкамлаш усулларининг самарадорлиги.	6

Талабаларнинг ўқув машғулоти жараёнида мустақил ишлашларини ва билим олишда фаолликнинг ташкил этилиши.	8
Ўқув машғулоти вақтидан тўғри фойдаланиш.	5
Ўқув машғулотини яқунлаш усулларидан тўғри фойдаланиш, унинг мақсад ва вазифаларини талабалар онгига етказиши.	5
Уй вазифасини бериш усули. Талабаларнинг баҳосини таҳлил этиб, ифодалаб бериши.	4
<b>Жами:</b>	<b>100</b>

**Машғулотнинг мақсади.** Талабаларни турли вазиятларга дуч келиб қолган вақтларда ҳеч қандай қийинчиликсиз, бу муаммолардан чиқиши йўлларини, уларнинг ўз фикрларини тўғри ҳал қилишга, ўз устида ишлашга ўргатиш ва ундаш.

**Педагог мақсади. Таълимий.** Мавзу юзасидан асосий маълумотларни бериш. **Тарбиявий.** Талабаларда мустақил фикрлаш тафаккурини шакллантириш.

**Ривожлантирувчи.** Талабаларни махсус фанлардан амалий машғулотларни, муаммоли вазиятларни, масала ва топшириқларни онгли равишда ечишга ўргатиш.

**Талаба мақсадлари. Когнитив** (билишга оид) соҳада ўрганилган материални эслаб қолиш ва уни тақороран айтиб бериш, эгалланган билимларни мустақил тўла англаш, уларни олдин ўрганилган усул, усуллар билан уйғунлаштирилиб тасаввур этишгача бўлган муаммоларни ҳал этиш. **Психомотор** (ҳаракатга оид) соҳада у ёки бу ҳаракат фаолиятида, ҳаракат йўналишларини тез ва чаққон ўзгартириш, асаб-мускулларни мувофиқлаштириб бошқаришни шакллантириш. **Аффектив** (ҳиссиётга оид) соҳада оддий идрок қилиш, қизиқиш, қадрият йўналиш ва муносабатларини ўзлаштиришга тайёр бўлиш, ўқувчиларни атроф-муҳитга нисбатан ҳиссий-шахсий муносабатда бўлишини шакллантириш.

Масалан: "Курилиш машиналаривакичикмеханизмлар фанининг машина деталлари" тўғрисида умумий маълумотлар мавзуси бўйича муаммоли машғулотининг аниқлаштирилган мақсадлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: Талаба бу мавзуни тўла ўзлаштириб, мустақил ўрганганидан сўнг: **когнитив соҳада**: машина тушунчаси таърифини билади; машинани ташкил этувчи асосий қисмларни санаб кўрсатади; машина қисмлари қандай металлардан тайёрланганлигини фарқлади; металларнинг хоссаларини тушунтиради; машиналарнинг қурилишдаги аҳамиятини баҳолай олади; **психомотор соҳада**: кичик механизмларни қисмларга ажратиш ва йиғишини уddyалайди; **аффектив соҳада**: машина ва кичик механизмларни қурилишдаги аҳамиятини ҳис этади; улардан самарали ва мақсадга мувофиқ ҳолда фойдаланиш зарурлигини англайди.

**Ўқув машғулоти босқичлари**: ташкилий қисм, гурухларга топшириқ бериш орқали ўтилган мавзуни сўраш, янги мавзу ва унинг режаси бериш, янги материални тушунтириш, унинг аҳамиятига қисқача тўхталиш, янги мавзуни баён этиш, талабалар диққатини жалб этиш, муаммоли вазият ҳосил қилиш, янги мавзуни тушунтиришда педагогнинг жойи досканинг олдида талабаларга қараган ҳолда бўлиши ва ўзини эркин тутиши, тушунтириш жараёнида керак жойда овозни кўтариш ва керак жойда алоҳида урғу бериш каби усуллардан фойдаланиш, равон ва соф адабий тилда тушунтириш, янги мавзуни тушунтириш кетма-кетлигини намунавий ва ишчи дастурдаги талаблардан келиб чиқиб тузилган саволлар асосида амалга ошириш, тушунтириш жараёнида китоб ёки тарқатма материал билан ишлашга аҳамият бериш, доскадан фойдаланиш, адабиётлар рўйхатини бериш, тушунтирилаётган мавзуни умумлаштириш, хотира машқлари ва масалаларни ечиш билан мавзуни

мустаҳкамлаш, ўқув машғулоти яқунлаш ва талабаларни баҳолаш, уйга топшириқ бериш.

**Ажратилган вақт**: 2 соат

**Асосий тушунча ва атамалар келтирилади**: масалан, билим, кўнишка, малака ва бошқалар.

**Машғулот тури**. Амалий.

**Ўқитиш методи**. Амалий.

**Ўқув машғулотида қўлланиладиган методлар ва усуллар**: сұхбат, кўрсатиш, мунозара, гурухларда ишлаш.

**Асосий масалалар**. Муаммоли вазиятларни мақсади ва вазифаси. Муаммоли вазият турлари. Муаммоли машғулотларнинг тарбиявий аҳамияти. Муаммоли вазиятларни тузиш ва таҳдил қилиш.

**Машғулот воситалари**. Шу фанни ўқитиш бўйича лозим бўлган ўқув воситалари ва кўргазмали қуроллар рўйхати келтирилади.

**Педагог учун** ўқув-методик қўлланма, методик тавсия, методик ишланма, фан дастури, машғулот режаси, маъруза матни.

**Талаба учун** дарслик, ўқув қўлланма, жадваллар, тарқатма материаллар, йўл-йўриқли технологик хариталар, типик хатолар харитаси, топшириқ ва рақаси, интерфаол усуллар.

**Машғулот ўтказиш учун** плакатлар, моделлар, макетлар, жиҳозлар, аудиовизуал воситалар, техник воситалар, реал воситалардан танлаб олиш мумкин.

**Тегишли шароит**. Техник воситалар билан таъминланган, таълим методларини қўллаш мумкин бўлган хона.

**Машғулотни жиҳозлаш**. Адабиётлар, ғишт тош теришиш ишларининг асосий жараёнлари схемаси, асосий технологик босқичлари схемаси, бунда ишлатиладиган хом-ашёлар жадвали.

**Машғулотни ўтказиш бўйича методик кўрсатма**.

Талабаларга муаммоли вазиятлар берилади. 10-15 дақықа вақт берилиб, уларнинг тайёргарлик кўришлари ҳамда саволларга тўғри, аниқ жавоблар танлаш, фикрни мужассамлаштириши текширилади. Улар турли йўллар билан шу муаммоли вазиятлардан чиқиш йўлларини ўйлади. Шу билан бирга ўзлари машғулот давомида муаммоли вазиятлар, масалалар тузади. Бу усулдан фойдаланишда материални ўзлаштириш ўкувчи тафаккурининг натижаси бўлади. Аммо, педагог шуни эсда тутиши керакки, талабалар ўзларича ҳамма нарсани кашф этишга ва ўрганиб олишга қодир эмаслар. Улар педагог раҳбарлигига хulosалар чиқаради ва қоидаларни таърифлайди. Шу сабабли муаммоли усуллардан фойдаланишда ҳам педагогнинг тушунтириши ўз аҳамиятини йўқотмайди.

**Ўтилган мавзуни сўраш шакллари:** якка, гурухий аралаш, дастурлантирилган, ўйин ҳисобот шаклида.

**Сўраш турлари:** Оғзаки, ёзма, тест, рейтинг тизими, муаммони ҳал қилиш ижодий топшириқлар бажариш, маълумот тариқасида дидактик материаллар асосида сўраш, мавзунинг ҳаммасини сўраш, қисман сўраш, алгоритмларидан фойдаланиш.

**Тушунтириш жараёнида эътибор қилиниши лозим бўлган жиҳатлар:** мавзуни ўтган мавзу билан боғлаш, техник воситаларни ишлатиш, фанлараро алоқани таъминлаш, талабаларнинг ёзиши ва ўқишини ташкил этишга имконият яратиш, ўтилаётган мавзунинг таъсири ва ўрганилиш даражасини текшириш. Бунда талабаларга саволлар бериб бориш, қисқа муддатли савол-жавоблар ўtkазиб бориш, ўқув машғулотини зийраклик билан кузатиб бориш, ҳар қандай ҳатти-ҳаракатлар эътибордан четга чиқармаслик, талабалар жавобларига изоҳ бериш ёки тўлдириш, яхши жавобларни албатта рағбатлантириш, янги мавзуни мустақил ўрганиш ҳолатини ёки шароит

яратилишини таъминлаш, бу масалалар яна қайси адабиётларда ёритилганлигини таъкидлаш, газета ва телевиденияларда руқнлар, мавзуларнинг борлигини ҳам эслатиб ўтиш.

### **Машғулот мавзуларининг қисқача мазмуни.**

**1-муаммоли вазият.** Сизгамаълумки, ғишт-тоштериш ишлари қадим замонлардан маълум бўлиб, ҳозирги кунда ҳам ўй-жойлар курилишида пойдевор, девор ва пардевор қуришда ишлатилиб келинаяпти. Ғишт-тош териш деганда нимани тушунасиз? Ғишт-тош териш ишларида нималар ишлатилади? Бу хусусда ўз фикрингизни асослаб, исбот қилиб беринг.

**2-муаммоли вазият.** Бино ва иншоотлар қурилишида кўлланиладиган ғишт-тош турларига қараб теришнинг турли хиллари мавжуд. Уларни санаб, асослаб беринг.

**3-муаммоли вазият.** Курилишнинг бош режаси - бу маълум бир миқёс асосида ишлаб чиқилган бинонинг режасидир. Унда нималар тасвиранган бўлади? Фикрингизни изоҳланг.

**Мониторинг.** Кузатиш, оғзаки назорат, ёзма назорат, мустақил топшириқ асосида баҳолаш. Булардан кераклигини танлаб олиш мумкин.

**Эгаллаган билимларни текшириш ва баҳолаш.** Бу бўйича педагогнинг амалга ошириши лозим бўлган жараёнлар: талабалар билимини баҳолаш учун тайёрланган саволлар ҳамма талабаларга тарқатилади. Уларга жавоб бериш учун (масалан, 2 дақиқа) вақт берилади. Берилган савол варақлари йиғишириб олинади ва шу жараёнда талабалардан оғзаки ҳам сўралади ва фронтал сўров ўтказилади. Ҳамма варақлар йиғишириб олингач, жавоблар олдиндан ечиб қўйилган саволлар билан солиширилиб уларнинг тўғрилиги текширилади.

Саволларга жавоблар йиғишириб олингандан кейин, уларнинг тайёр жавоблари доскага илиниб қўйилади ёки

саволларга жавоблар тайёр бўлгандан кейин, уларни йиғишириб олмасдан олдин тайёр жавоблар доскага илинади. Ҳар бир талаба ўзларининг билимларини ўzlари текшириб боради ва баҳолайди. Саволларнинг натижаси баҳоланади. Баҳо беш баллик тизимда амалга оширилади: ҳар бир тўғри жавоб 0,33 бални ташкил қиласи; агар талаба 15 та саволдан 10 та саволга тўғри жавоб берган бўлса унинг баҳоси 3,3 ни ташкил қиласи; баҳолашда рақамлар амалдаги тартиб бўйича яхлитланиб олинади. Масалан, 10 та тўғри жавоб топган талабанинг баҳоси 3 ни ташкил қиласи. Педагог талабалар жавобларига албатта муносабат билдиришлари лозим. Юқори баҳо олганларни рағбатлантириш ва кам баҳо олганларга танбех бермасдан, уларни ўқишга даъват этиш. Оғзаки ва ёзма саволларга жавоблар умумлаштирилади.

**Талабалар билимини баҳолашда “Блиц-сўров” технологиясидан фойдаланиш.** Мавзу бўйича саволлар берилади (5-жадвал).

5-жадвал

#### Мавзу бўйича берилган саволлар

Саволлар	Жавоблар
1.	
2.	

#### Сўров натижалари.

**Кутиладиган натижалар.** Педагог белгиланган вақтда кўп ахборотларни беришга, иш жараёнида чарчамасдан ўқув машғулотига ижодий ёндашишга эришади. Талаба мавзуни тўлиқ ўзлаштиришга, тегишли таҳлилий усулларни ўрганишга муваффақ бўлади ва мустақил ишлашга тегишли топшириқлар олади.

**Келгуси режалар.** Интерфаол усулларда ўқув машғулоти ўтишга кўникма ҳосил қилиб борилади. Талаба мустақил ишлаш жараёнида тегишли топшириқлар

бажариш кўникмасини эгаллаб боради.

**Уйга топшириқ.** Ҳар бир ўқувчи 1-2 тадан муаммоли топшириқлар тушиб келади.

Шундай қилиб, муаммоли ўқитиш талабалар эгаллаган янги билимларидан келажакдаги вазиятларда унумли фойдалана олиш, таълим муаммоларини еча билиш, мустақил изланишга ўргатиш, ижодий тажрибага эга бўлиш ва уни ривожлантириш, вазифаларни таҳлил қилиш каби имкониятларини очиб беради.

Шуни таъкидлаш лозимки, Республикаимиз халқ хўжалигининг барча соҳаларида бозор иқтисодиётига ўтишда катта муваффақиятларга эришилди. Ишлаб чиқариш бозор иқтисоди талабларига тобора кўпроқ мослашиб бормоқда. Унга ўтилиши билан юқори малакали кадрларни тайёрлаш талаблари таълим тизими олдига янги вазифаларни қўймокда. Лекин, бугунги кунда содир бўлган илмий-техника ривожланиши туфайли ахборотлар ҳажмининг кескин ортиб бораётганлиги таълим тизимига билим олишнинг самарали усулларини жорий этишни талаб этмоқда.

Бундай усуллар фаол мустақил билим олишга асосланган бўлиши, билим олишни осонлаштиришга, талабалар вақтини тежашга қаратилган бўлиши лозим. Тайёр билимларни эгаллашга мўлжалланган, асосан педагогнинг фаол меҳнатига асосланган анъанавий таълим энди ўз аҳамиятини йўқотмоқда. Ҳозирги кунда таълим жараёнида зарур билимларни талабаларнинг ўzlари қидириб топиши, мустақил ўрганиши ва холоса чиқаришига имкон берадиган замонавий педагогик технологияларга эътибор тобора кучайиб бормоқда.

Анъанавий ўқитишга муқобил йўл сифатида пайдо бўлган **модулли ўқитиш технологияси** педагогик амалиётда тўпланиб келинган барча самарали воситаларни ўзида қамраб олган. Мазкур технология

асослари П.Юцявичене томонидан түлиқ ишлаб чиқилган. Модулли ўқитишнинг моҳияти талабанинг мустақил ҳолда ёки қисман педагог ёрдамида модул билан ишлаш орқали ўқитиш мақсадига эришишидан иборат. Модуль, ўкув мазмуни ва билим эгаллаш технологиясини бирлаштириб турадиган мақсадли функционал тузилмадан иборат. Модуль технологиясининг мазмуни ўрганилаётган мавзуни тугалланган мустақил комплексларга бўлиб ўқитишдан иборат. Унинг дидактик мақсади педагог учун белгиланади ва унда ўзлаштириш лозим бўлган билимлар ҳажми билан бир қаторда ўзлаштирилиш даражаси ҳам кўрсатилади.

**Модулли ўқитиш** энг аввал талабанинг ўкув фаолиятини фаол ташкил этишга қаратилган бўлиб, унинг ёрдамида талаба шахсининг намоён бўлиши ва ривожланиши, ўкув материалларини мустақил ўзлаштириб олиши, ўз-ўзини назорат қилиб бориши учун кенг имконият яратиб берилади. Модуль технологияси ўкув топшириқларини талабанинг якка ўзи ёки кичик гуруҳда жамоа бўлиб, модулда келтирилган тавсиялар асосида бажариши, саволларга фикрлаб жавоб топиши, ўз билимини мунозара орқали мустаҳкамлаши ва янада кенгайтишига мўлжалланган. Модулли ўқитиш технологиясида талаба модуль билан ишлаш жараёнида мустақил равишда аниқ ўкув мақсадларига эришади. Модуль - ўкув мазмуни ва уни эгаллаш технологиясини ўз ичига олган мақсадли функционал таркиб ҳисобланади.

Талабаларда ўкув дарслик, илмий-оммабоп вақўшимча адабиётлар билан мустақил ишлаш кўнникмалари, ижодий ҳамда мустақил фикрлашни ривожлантириш мақсадида модулли ўқитиш технологиясидан фойдаланилади. Бунда ўрганилаётган мавзу бўйича талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлашига имкон берадиган модулли дастур тузилади. Талабалар унинг ёрдамида мустақил ишлаб,

машғулотдан кўзланган мақсадга эришади.

Модуль дастурлари ўрганилаётган мавзу юзасидан талабалар бажариши лозим бўлган топшириқлар, уларни бажариш бўйича кўрсатмаларни ўзида мужассамлаштиради. Ишлаб чиқилган дастурлар мазмун ва моҳиятига кўра, талабаларнинг индивидуал ва кичик гуруҳларда ҳамкорликда ишлашига мўлжалланган модуль дастурларига ажратилади. Бу дастурларнинг дидактик мақсадидан келиб чиқиб, ўкув машғулоти жараёнида ўз ўрнида фойдаланиш юқори самара беради.

Ўкув жараёнини ташкил этишда ҳар бир модуль мазмуни ўрганилгач, талабалар билимини дастлабки назорати, билимларга тегишли ўзгартиришлар, тузатишлар киритиш, жорий ва оралиқ назорат ҳамда якуний назорат (модуль билан ишлаш якунида) амалга оширилади.

Фан бўйича фаолият ёндашуви таълимнинг фанли тизимида модуль методикасини қўллашни назарда тутади. Бундай ўқитиш технологиясини олий таълим тизимида, академик лицейларда ва касб-хунар коллежларида қўллаш мақсадга мувофиқ. Бундай ёндашув асосидаги модулли ўқитиш технологиясида модуль ўзида қўйидагиларни мужассамлаштиради:

- ўкув фанининг фундаментал тушунчалари - муайян ходиса, қонун, бўлим, йирик бир мавзу ёки ўзаро боғлик тушунчалар гурухи;

- ўкув фанининг бир ёки бир неча фундаментал тушунчаларини ўрганишга қаратилган.

Одатда модуль 3-6 соатли маъruzaviy va shubilan boғlik bўlgan amaliy (seminar), laboratoriya mashғulotlariidan iborat bўladidi.

Фанининг тушунтурув аппарати қатъий тизимли таҳлил асосида, самарали модуль тузилади. Бу эса фундаментал иборалар гурухини ажратиш, материални мантиқан

гурухлаш имконини беради. Модуль мустақил таркибий бирлик бўлгани учун, баъзи ҳолларда, алоҳида талабаларга фанни тўлалигича эмас, балки, фақатгина бир қатор модулларни тинглаш имконини беради. Бу эса иқтидорли талабаларнинг индивидуал ва мустақил ишларини самарали режалаш имкониятини туғдиради.

Модулли ўқитишда, фан дастурларини тўла, қисқартирилган ва чуқурлаштирилган табакалаш орқали, ўқитишни табакалаш мумкин, яъни, ўқитишни индивидуаллаштириш мумкин бўлади. Модулли ўқитишга ўтишда қўйидаги мақсадлар кўзланади: ўқитишнинг узлуксизлигини таъминлаш, индивидуаллаштириш, ўкув материалини мустақил эгаллаш учун шарт-шароит яратиш, ўқитишни жадаллаштириш ва фанни самарали ўзлаштиришга эришиш.

Ҳар бир фан ўрганила бошланганда, уни ўрганиш мақсади талабаларга етказилиши лозим. Ҳар қандай макромудулда ўрганиладиган фанларнинг кетма-кетлиги ва уни ўрганиш муддатлари аниқ ўрнатилади, яъни, ўқитишнинг узлуксизлигини таъминлаш лозим. Ўкув соатлари ҳажми катта бўлмаган (ҳафтада 1-2 айрим холларда 3 соатли аудитория машғулотлари) фанлар, блок фанлар рўйхатига киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади ва улар семестрнинг биринчи ёки иккинчи ярмида ўтилиши аниқланади.

**Лойиҳалаш технологияси** талабанинг интеллектуал ва жисмоний имкониятларини, мустақиллик ва ижодий қобилияtlарини ривожлантириш йўли орқали шахснинг ўз қобилияtlаридан тўлиқ фойдаланишга йўналтирилган ўкув жараёнини ташкил этишнинг амалий аҳамият касб этувчи, субъектив ва объектив янгиликларга эга мослашувчан модели ва ўқитиш тизимиdir.

Лойиҳали ўқитиш мутахассислар тайёрлашда ва уларда ижтимоий ҳамда касбий компетентликни шакллантиришда муҳим. Сир эмаски, таълим

муассасаларини тугатган мутахассисга ишлаб чиқаришда мослашиш учун маълум вақт талаб этилади. У бирдан мураккаб ишлаб чиқариш муаммоларини ечишга, масъул қарорлар қабул қилишга тайёр бўлмайди, шунингдек, аниқ масалани ечишда жамоа ҳамда ўз фаoliyatini самарали ташкил этишда қийналади. У бутун муаммони тўлиқ фикрлаш, муаммо ечими бўйича юз бериши мумкин бўлган оқибатларни олдиндан кўра билиш ва ечимини топиш қобилияtlарига эга бўлмайди.

Мураккаб рақобатбардошлик шароитида ёш мутахассисни ишлаб чиқаришга мослашиши учун вақт йўқ, ундан бирдан ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва маҳсулот ишлаб чиқаришга фаол киришиши талаб этилади. Ушбу шарт барча ишлаб чиқариш соҳасига, шунингдек ишлаб чиқаришдан узоқ бўлиб туюлган тиббиёт ва педагогикага ҳам таалуқлидир. Албатта врач ёки педагог, мухандис ёки дастурчи муқобил варианtlарни ҳисобга олган ҳолда тезкор қарорлар қабул қилиши, ўз қарори бўйича жавобгарлик ҳис қилиши, қабул қилинган қарорлар оқибатларини олдиндан кўра билиши зарур. Шу сабабли, ҳозирги даврда кадрлар тайёрлаш муамmosи долзарб ва муҳим саналади.

Талаба биринчи босқичдаёқ жиддий лойиҳавий фаoliyat юритиши ва уни бошқа босқичларда узлуксиз давом эттириши зарур. Бунинг учун ўкув машғулотлари жараёнига инновацион технологияларни жорий этиш, унинг шакли ва мазмунини қайта кўриб чиқиш талаб этилади. Педагог маърузада материални ўқиб бермасдан, интерфаол усуllардан фойдаланиши, талабаларнинг фаоллигини ва мустақил фикрлашларини ривожлантириши, касбий соҳадаги муаммоли вазияtlардан ҳаётий мисоллар келтириб, ақлий ҳужум усули ёрдамида муаммо ечимининг бир қанча муқобил ечимларини аниқлаши, хуносалаши зарур.

Лойиҳали ўқитишидан узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида фойдаланиш ўкув машғулоти сифатини оширишнинг асосий йўлларидан бири бўлиб хизмат қиласди.

**Ахборот технологияларини** ривожланиши кўпроқ интеллектуал, илмий муаммоларга йўналтирилган. Маълумотларни визуаллаш, тасвиirlарни қайта ишлаш, виртуал фазони яратиш инсонга мураккаб масалаларни ечишда образли муҳитга тушиб, қўйилган мақсадларга сифат жиҳатдан янги савияда яқинлашиш, бошқарув қарорларини тайёрлаш ва қабул қилишни енгиллаштириш каби имкониятларни яратади. Ахборот технологияларини кўйидаги турлари мавжуд:

- **видео технология:** бу тасвиirlардан фойдаланиш технологияси бўлиб, улардан олдин визуаллаштириш, яъни маълумотларни тасвиirlар кўринишида ифодалаш муҳим аҳамият касб этади. Маълумотларни қайта ишлаш ҳажмининг тез ўсиши олинган маълумотларни ифодалашнинг янги усусларини қидиришни талаб этади. Видеоконференцияларни ташкил этиш, ўзаро узоқда жойлашган фойдаланувчиларнинг харакатланувчи тасвиirlаридан фойдаланиш асосида ийғилишлар ўтказиш технологиялари билан боғлик. Бунда техник воситалар реал вақт режимида ишлайди;

- **мультимедиа технологияси:** ихтиёрий турдаги маълумотларни комплекс ифодалашга асосланади. Бундай технология мультимуҳитни ташкил этувчи символ, матн, графиклар, тасвиirlар, хужжатлар, овозлар, нутқларни биргаликдаги қайта ишланишини таъминлайди. Тасвир экранга матн ва овоз билан биргаликда узатилиши мумкин. Мультимедиа технологиялардан таълим тизимида самарали фойдаланилади. Бунга асосий сабаб шуки, фойдаланувчи мультимуҳитда фаол ишлаши сабабли кўриб қабул қилаётган ахборотининг 75 %, эшигандада эса

фақатгина 25 % эслаб қолади;

- **нейрокомпьютер технологиялари:** микропроцессорлар базасидаги махсус нейрокомпоненталарнинг бир-бири билан ўзаро таъсиrlашувидан фойдаланади. Бундай ёндашув нерв ҳужайралари ҳолатини моделлаштиришга асосланган. Нейротехнология мураккаб масалаларни ҳал қилиш учун сунъий интеллект яратишида қўлланилади. Мураккаб масалаларга фотосуратларни, нутқни, бармоқ изларини, қуршаб турган ҳолат ва муҳитни, чекларни ва бошқаларни таниб олиш киради. Нейротехнологияларнинг асосий ташкил этувчилари нейрон процессорлар ва компьютерлар ҳамда мураккаб масалаларни ечиши таъминловчи алгоритмлар синфи сифатидаги нейронли тармоқлардир. Нейротармоқлар ўз-ўзини ўқитиш ва тез амаллар бажариш қобилиятига эга бўлади, чунки, уларда ахборотни қайта ишлаш ўзаро параллел фаолият юритувчи компонентларда амалга оширилади;

- **объектга йўналтирилган технологиялар:** обьектлар тўпламини аниқлаш ва ўзаро ҳамкорликни ўрнатишга асосланади ҳамда компьютер тизимларини яратишининг лойиҳалаштириш ва дастурлаш босқичида қўлланилади. Объектлар сифатида фойдаланувчилар, дастурлар, мижозлар, хужжатлар, файллар, жадваллар, маълумотлар базаси кабилар иштирок этади. Объект, бу маълум вазифаларни бажарадиган ва ахборот манбаи ёки истеъмолчи ҳисобланган предмет, воқеа ёки ҳодисадир. Шу тушунча асосида, Microsoft фирмаси томонидан ишлаб чиқилган обьектларни боғлаш ва компоновкалаш технологияси яратилган. Объектга йўналтирилган технологияларнинг қўлланилиши бошқарув тизимларида самарали ечимларга эга бўлиш имконини беради;

- **билимларни бошқариш технологияси:** бу бир ходимнинг билимидан барча баҳраманд бўладиган муҳитни яратиш имконини беради. Бундай вариант ўта

мураккаб масалалар мажмuinи ҳал этишда ва маҳсус яратилган технологик муҳитда қарор қабул қилишда зарур. Билимларни бошқариш, бирор предмет соҳаси бўйича ташкилий тўплам ҳисобланган билимлар базасидан фойдаланиш билан амалга оширилади. Билимлар базаси сунъий интеллект масалаларини ҳал этишда, масалан эксперт тизимларида қўлланилади. Билимлар базаси билимлар билан ишлаш учун зарур бўлган маълумотлар, билимлар, мантикий хуносалар қоидалари йиғимидан ташкил топади;

- **интернет-технология:** ахборот тармоқларини глобалахбороттузилмаларигабирлаштиришга асосланган. Яъни, бу фойдаланувчиларга хужжатларни тақдим этиш, дастурларни, китоблар матнини, тасвиirlарни тарқатадиган, коммуникацион сервисни, электрон почта, янгиликлар хизматини, файлларни жўнатиш ва бошқа хизматларни амалга ошириш имкониятига эга бўлган ахборот марказларидан ташкил топган ахборот тармоқларининг глобал ҳалқаро ассоциясиdir. Интернет технология таълим бериш, илмий тадқиқотлар олиб бориш ва бизнес соҳасида қўлланилади. Интернет орқали кўп сонли фирмалар турли сервисларни таклиф этадилар, бу ўзларининг маълумотлар ва билимлар базалари, маҳсулотлар ва хизматлар рекламаси, маслаҳатлар ва бошқа турдаги ёрдамлардир.

Шундай қилиб, бугунги кунда содир бўлаётган илмий-техникавий ўзгаришлар, янгиликлар ўқув машғулотларини ташкил этиш ва ўтказишнинг самарали технологияларини татбиқ этишни талаб этмокда. Бундай технологиялар талабаларнинг мустакил билим олишга, билим олишни осонлаштиришга, улар вақтини тежашга қаратилган бўлиши лозим. Бу ҳолатда талаба зарур билимларни ўзи излашга, мустақил бажаришга, натижалар олишга ва улар асосида хуносалар чиқаришга ўрганади.

## ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ СТРУКТУРАСИ

Бугунги кунда, ўқув машғулотлари педагогик ва ахборот технологияларини, ўқитишининг интерфаол усулларини пухта ишлаш ҳамда ўқув жараёнига жорий этиш учун тажриба майдони бўлиб хизмат қилиши лозим. Педагог ўқув машғулоти жараёнини замонавий ташкил қилиш ва ўтказишда аввало, унинг самарали бўлиши, талабаларнинг мавзууни тўлиқ ўзлаштиришини ўз олдига мақсад қилиб қўйиши лозим. Шу сабабли ўқув машғулотларини ташкил қилишнинг турли усулларидан фойдаланишга тўғри келади.

Ҳозирги кунда педагогик амалиётда ўқув машғулоти структурасининг турли вариантлари ишлатилмоқда. Бу структураватехнологикхаратнамунатарзаберилган бўлиб, педагог ўқув машғулоти мавзуси ва мақсадларидан келиб чиқиб, ижодий ёндашишлари мумкин. Биз қуйида янги мавзууни баён қилиш, ўқув машғулоти структурасини тузишда нималарга аҳамият бериш ва қандай қилиб тузиш кераклиги ҳақида фикр юритамиз.

**Янги мавзууни баён этиш ўқув машғулотининг тузилмаси қўйидагicha:**

- ўқув машғулоти мақсадини эълон қилиш, бунда педагог ўтиладиган мақсадни белгилайди ва машғулот бошланишида эълон қиласи;

- талабаларнинг янги мавзууни ўрганишларини рағбатлантириш, педагог қўйилган мақсадга талабаларнинг қай бири тезроқ ва самаралироқ эришган бўлса, уларни рағбатлантириш усулларини билдириши зарур;

- мавзуга оид янги тушунча ёки ахборотларни кичик бўлакларга бўлган ҳолда, босқичма-босқич баён этиш;

- мавзуга оид асосий тушунча ва таянч маълумотларга ургу бериш, уларни ажратиб кўрсатиш;

- янги мавзу материалларини мустаҳкамлашга қаратилган амалий машқларни намойиш қилиш;
- талабалар томонидан бажарилган янги материални мустаҳкамлашга қаратилган амалий машқлар;
- талабаларнинг янги материалларни дастлабки ўзлаштириш натижаларини назорат қилиш;
- эгалланган билимларни такрорлаш асосида янги билим ва кўникмаларни мустақил мустаҳкамлаш;
- эгалланган билимларни мустаҳкамлаш мақсадида асосий тушунча ва таянч материаллардан фойдаланиш ва амалда кўллаш;
- эгалланган янги билим ва кўникмаларни баҳолаш;
- ўқув машғулотига якун ясаш ва уйга вазифа бериш.

Педагогик технологияларга асосланган ўқув машғулоти маълум кетма-кетликда ташкил қилинади. Ўқув машғулотини тизимли ташкил қилишда бизга технологик харита ёрдам беради. У ўқув машғулотини амалга ошириш босқичларини аниқлаб беради, у тўрт босқичдан иборат бўлиб, унга тайёрлов, кириш, асосий ва якуний босқичлар киради.

Педагог тайёрлов босқичида ўқув машғулотига тайёргарлик кўради, яъни ўқув машғулоти мақсади, натижаларини белгилайди, технологик харита тузади, ўқитиш усулларини, ўқув машғулоти шаклини, баҳолаш мезонлари ва усуллари кабиларни аниқлади. Тайёрлов босқичига вақт ажратилмайди, чунки, педагог ҳохлаган вақтида, ўзига керагича ўқув машғулотига тайёргарлик кўриши мумкин. Кириш, асосий ва якунловчи босқичларда нималарга аҳамият бериш кераклиги қўйидаги (6-жадвал) технологик харитада ўз аксини топган:

6-жадвал

### Янги мавзуни баён этиш ўқув машғулотининг технологик харитаси

Ўқув машғулоти босқичлари	Педагог фаолияти	Талаба фаолияти	Тавсия этиладиган усуллар
Тайёрлов.	Ўқув машғулоти мақсади, натижаларини белгилайди, технологик харита тузади, ўқитиш усулларини, ўқув машғулоти шаклини, баҳолаш мезонларини аниқлади.	Тинглайди.	
Кириш.	Ўқув машғулотининг мақсадини ўзлон қиласди. Талабаларнинг янги мавзуни ўрганишларини разбатлантира-ди.	Дафтарга қайд этади.	Оғзаки. Ақлий ҳужум.
Асосий.	Мавзуга оид янги тушунча ёки ахборотларни кинин бўлакларга бўлган ҳолда, босқич ма-босқич баён этади. Уларга ургу бериш, ажратиб кўрсатиш ҳамда ёдда саклаб колиши бўйича кўрсатма-лар беради. Янги мавзу материалларини мустаҳкамлаш учун амалий машқ намойиш қилинади. Педагог назорати остида талабалар томонидан бажарилган янги материални мустаҳкамлашга қаратилган амалий машқ бажарилади. Уларнинг янги материалларни дастлабки ўзлаштириш натижаларини назорат қиласди. Эгалланган билимларни такрорлаш асосида янги билим ва кўникмаларни мустақил мустаҳкамланади. Бу мақсадда асосий тушунча ва таянч материаллардан фойдаланади ва амалда кўллайди.	Муҳокамада иштирок этади. Дафтарга қайд этади. Талабалар машқларни қандай бажарилшини ва кетма-кетлигини кузатиб боради. Амалий машқ бажаради. Унинг натижаларини тақдимот қиласди. Асосий тушунча ва таянч материалларни амалда кўллаш бўйича мисоллар келтиради.	Мунозарали маъруса. Ақлий ҳужум ёки пинборд. Киник гурухда ишлаш. Баҳс-мунозара.
Якуний.	Эгалланган янги билим ва кўникмаларни баҳолайди. Ўқув машғулотига якун ясади ва уйга вазифа беради.	Баҳолаш мезонла-рига мувофиқ бир-бирини баҳолайди.	Киник гурухда ишлаш.

Юқорида баён қилинган ўқув машғулоти структураси ва технологик харита педагогик технологияларга асосланган бўлиб, мазкур жараённи самарали ташкил этиш, ўтказиш ва талабаларни давлат таълим стандарти талабларини мукаммалроқ ўзлаштиришига асос бўлади. Бундай машғулотларда талабаларнинг ҳамкорликда ишлашларига имконият яратилади. Кўйилган муаммо бўйича амалий машқ бажариб, ўзлари муаммони мустақил

ҳал этишлари, ижодий изланишлари мумкин. Бу эса ўқув машғулотининг сифат ва самарадорлини ошишига ўз ҳиссанини қўшади.

**Ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш ўқув машғулотининг асосий мақсадларидан бири талабаларга етказилган ўқув материаллари ва ахборотлар тўғрисидаги билим, кўникмаларни қандай усуллар билан ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашни кўрсатиб беришдир. Бундай машғулотнинг структураси қўйидаги элементлардан иборат:**

- талабаларга ўқув машғулотидан кутилаётган ўқув мақсадларини эслатиш;
- таклиф этилган топшириқларни бажариш натижасида эгалланиши лозим бўлган аниқ билим ва кўникмаларни айтиб ўтиш;
- талабалар томонидан турли топшириқларнинг бажарилиши;
- уларни назорат қилиш ва баҳолаш;
- топшириқларни бажариш давомида йўл қўйилган хато ва камчиликларни муҳокама этиш ҳамда тузатиш;
- эгалланган янги билим ва кўникмаларни баҳолаш;
- ўқув машғулотига якун ясаш ва уйга вазифа бериш.

Мазкур ўқув машғулотининг технологик харитаси (7-жадвал) ҳам юқоридаги босқичлардан иборат бўлиб, ҳар бир босқичда педагог ва талабалар фаолиятлари кўрсатилади. Ўқув машғулотининг мақсади ва вазифасидан келиб чиқиб, педагог машғулот структураси ва технологик харитани тузишда ижодий ёндашиши мумкин.

7-жадвал

### Ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш ўқув машғулотининг технологик харитаси

Ўқув машғулоти босқичлари	Педагог фаолияти	Талаба фаолияти	Тавсия этиладиган усуллар
Тайёрлов.	Ўқув машғулоти мақсади, натижা-ларини белгилайди, технологик харита тузади, ўқитиш усулларини, ўқув машғулоти шаклини, баҳолаш мезонларини аниқлайди, топшириқ-лар тузади.	Тинглайди.	
Кириш.	Талабаларга ўқув машғулотидан кутилаётган ўқув мақсадни эслатади. Топшириқларни бажариш натижা-сида эгалланиши лозим бўлган билим ва кўникмаларни айтиб ўтади.	Дафтарга қайд этади.	Оғзаки. Ақлий хужум.
Асосий.	Талабалар томонидан турли топши-риқлар бажарилади. У назорат қилинади ва баҳоланади. Топшириқ-ларни бажариш давомида йўл қўйил-ган хато ва камчиликларни муҳокама этади ҳамда тузатади.	Амалий машқ бажаради. Унинг натижаларини тақдимот қиласди.	Кичик гуруҳда ишлаш. Баҳс-мунозара
Якуний.	Эгалланган янги билим ва кўник-маларни баҳолайди. Ўқув машғуло-тига якун ясайди ва уйга вазифа беради.	Дафтарга қайд этади.	Кичик гуруҳда ишлаш.

Тавсия этилаётган мазкур ўқув машғулотининг структураси ва технологик харитаси талабаларга

берилаётган ўкув ахборотини самарали ташкил этишда ёрдам беради. Бу жараёнда талабалар таклиф этилган топшириқларни бажариш натижасида аниқ билим ва кўникмаларни эгаллайди, улар томонидан турли топшириқлар бажарилади ҳамда назорат қилиб борилади, бунда йўл қўйилган хато ва камчиликларни ўзаро кичик гурухларда муҳокама этиш ҳамда тузатиш имкониятлари туғилади. Машғулотнинг ўкув мақсадларига эришилганлигини, яъни эгалланган янги билим ва кўникмаларни холисо баҳолаш талабаларнинг ўкув машғулотига қизиқишлиарини оширади.

**Билим ва кўникмаларни шакллантириш ўкув машғулоти** талаба учун янги ахборотdir. Талабаларга янги билимларни бериш ва улар асосида кўникмаларни шакллантириш учун кичик гурухларда ишлаш, визуаллаштириш, мустақил ижодий ишлаш, ўйин машқлари каби ноанъанавий ўқитиш усулларидан фойдаланиш самарали бўлади. Мазкур машғулот структурасини тайёрлашда **куйидагиларга аҳамият бериш лозим:**

- ўкув машғулоти мақсадини аниқлаш;
- машғулот давомида эгалланинши лозим бўлган таянч билим ва кўникмаларни эслатиш;
- назорат топшириқларини бажариш;
- янги кўникмани ўзлаштириш ҳамда мустаҳкамлаш, намуна, кўрсатма бўйича, ўхшаш вазиятларга олиб келадиган ва ижодий машқларни бажариш;
- эгалланган янги билим ва кўникмаларни баҳолаш;
- ўкув машғулотига якун ясаш ва уйга вазифа бериш.

Билим ва кўникмаларни шакллантириш ўкув машғулотининг технологик харитаси қуидагича бўлиши мақсадга мувофиқ (8-жадвал):

8-жадвал

**Билим ва кўникмаларни шакллантириш ўкув машғулотининг технологик харитаси**

Ўкув машғулоти босқичлари	Педагофоалияти	Талаба фаолияти	Тавсия этиладиган усуллар
Тайёрлов.	Ўкув машғулоти мақсади, натижаларини белгилайди, технологик харита тузади, ўқитиш усулларини, ўкув машғулоти шаклини, баҳолаш мезонларини аниқлайди, топшириқлар тузади.	Тинглайди.	
Кириш.	Ўкув машғулоти мақсадини аниқлайди. Машғулот давомида эгалланиши лозим бўлган таянч билим ва кўникмаларни эслатади.	Дафтарга ёзди.	Оғзаки. Ақлий хужум.
Асосий.	Назорат топшириқларини бажара-ди. Янги кўникма билан таништи-ради ва намойиш қиласди. Янги кўникмани ўзлаштириш ва машқларини бажаради. Намуна, алгоритм, кўрсатма бўйича бажариладиган, ўхшаш вазият-ларга олиб келадиган ва ижодий машқларни бажаради.	Амалий ва ижодий машқларни бажаради.	Кичик гурухда ишлаш. Визуаллаштириш.  Мустақил ижодий иш.
Якуний.	Эгалланган янги билим ва кўникмаларни баҳолайди. Ўкув машғулотига якун ясайди ва уйга вазифа беради.	Бажарилган машқ натижаларини тақдимот қиласди. Дафтарга ёзди.	Кичик гурухларда ишлаш.

**Такрорлаш ўқув машғулотиининг технологик  
харитаси**

Ўқув машғулоти босқичлари	Педагог фаолияти	Талаба фаолияти	Тавсия этиладиган усуллар
Тайёрлов.	Ўқув машғулоти мақсади, натижаларини белгилайди, технологик харита тузади, ўқитиш уулларини, ўқув машғулоти шаклини, баҳолаш мезонларини аниқлайди, топшириқлар тузади.	Тинглайди.	
Кириш.	Ташкилий қисм. Таълимий, тарбияловчи ва ривожлантирувчи вазифаларни кўяйиши. Асосий тушунча, билим, кўнкима, фаолият турларини такрорлашга мўлжалланган уй вазифасини текширади.	Дафтарга ёзади.	Оғзаки. Ақлий хужум.
Асосий.	Такрорлаш натижасини умумлаштиради ва бажарилган ишларни ўқув машғулоти мобайнида текширади.	Машқ бажара-ди. Натижаларни тақдимот қиласи.	Кичик гурухда ишлаш. Давра сұхбати.
Якуний.	Уйга вазифа беради.	Дафтарга ёзади.	Кичик гурухда ишлаш.

Талабанинг ўқув машғулотида янгилик олиши ва бажара олиши, унинг маҳорати, билим савиясига боғлиқ. Педагог ҳар бир ўқув машғулотида долзарб масалаларни қўя олиши, талабаларни баҳс-мунозара га чорлай билиши, бу жараённи охиригача қизиқарли тарзда олиб бориши зарур. Талабаларни фаоллаштириш учун эса педагог ўқув машғулотида илғор ўқитиш усулларидан фойдаланиши юқори самарадорликни таъминлайди.

**Такрорлаш ўқув машғулоти** талабаларнинг олдинги ўқув машғулотида ўзлаштирган билим ва кўнкималарни мустаҳкамлаш, уларнинг хотирасида узоқ вақт сақланишига эришишдир. Бундай машғулотларда ақлий хужум, кичик гурухларда ишлаш, давра сұхбати каби фаол ўқитиш усулларидан фойдаланиш самарали бўлади. Улар талабаларни мустақил фикрлаш доираларини кенгайтиради, улар муаммога ижодкорлик билан ёндашишларига ҳаракат қиласи, ўрганилган билимларни узоқ вақт хотирада сақланиб қолинишига ёрдам беради. Мазкур машғулотларни ташкил қилишда мақсадни тўғри қўйиш зарур, мақсад аниқ натижаларни кўзлаб қўйилгандагина белгиланган натижага эришиш мумкин.

**Бундай машғулотниң структураси қўйидагича:**

- ташкилий қисм;
- таълимий, тарбияловчи ва ривожлантирувчи вазифалар қўйиш;
- асосий тушунча, билим, кўнкима, фаолият турларини такрорлашга мўлжалланган уй вазифасини текшириш;
- такрорлаш натижасини умумлаштириш ва бажарилган ишларни ўқув машғулоти мобайнида текшириш;
- уйга вазифа.

Такрорлаш ўқув машғулотиининг технологик харитаси қўйидаги 9-жадвалда келтирилган.

Мазкур машғулотда талабаларнинг муаммо устида мустақил, ҳамкорликда ишлалари ва уларнинг ўзлари бажарилган топшириқларни тақдимот қилишлари мүҳим. Бу, улар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришлари, бир-бирларининг камчиликларини тўлдиришлари бошқа талабаларнинг билмаган нарсаларини ўрганиб олишларига ёрдам беради.

**Назорат ўқув машғулотларида** талабанинг ёш ва психологияк ҳусусиятларини эътиборга олган ҳолда ўқув материалини тайёрланиши ва бу жараёнда, улар билан якка машғулотлар олиб бориш ҳам унинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Топшириқларни тайёрлаш жараёнида, уларни қандай усуллар орқали бажариш мумкинлиги олдиндан ҳисобга олинади, кичик гуруҳлар тақдимотидан сўнг назорат ишида учраган хато ва камчиликлар устида ишланади.

#### **Назорат иши – эгалланган билим ва кўникмаларни баҳолаш ўқув машғулотининг структураси қўйидагича:**

- ташкилий қисм. Ўқув машғулотида ишчан муҳитни ташкил этиш муҳим, чунки, талабалар назорат ишидан ҳаяжонланмаслиги керак. Мақсад, уларнинг кейинги билим ва кўникмаларни ўзлаштиришга тайёргарлигини аниқлашдан иборат;

- ўқув машғулотининг мақсадини белгилаш. Педагог томонидан назорат қилинадиган ҳамда баҳоланадиган билим ва кўникмалар эслатилади, уларга назорат ишини бажариш бўйича кўрсатмалар берилади, топшириқни мустақил бажариш зарурлиги эслатиб ўтилади;

- назорат ишининг мазмунини баён этиш (масала, мисол ва тест кабилар). Таклиф этиладиган топшириқлар ҳажми ва мураккаблик даражаси таълим стандарти ҳамда фан дастурига мос ҳамда талабалар уddyалай оладиган бўлиши керак;

- назорат иши натижаларини эълон қилиш ва хатолар устида ишлаш. Педагог яхши бажарилган ишларни намойиш қиласди, йўл қўйилган хатоларни таҳлил этади ва улар устида ишлашни ташкиллаштиради;

- назорат ишида учраган хато ва камчиликларни аниқлаш ҳамда уларни келгусида бартараф этиш йўлларини белгилаш.

Назоратиши - ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни баҳолаш ўқув машғулотининг технологик харитаси қўйидаги 10-жадвалда берилган:

#### **10-жадвал Ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни баҳолаш ўқув машғулоти технологик харитаси**

Ўқув машғулоти босқичлари	Педагоф фаолияти	Талаба фаолияти	Тавсия этиладиган методлар
Тайёрлов	Ўқув машғулоти мақсади, натижка-ларини белгилайди, технологик харита тузади, ўқитиш усулларини, машғулот шаклини, баҳолаш мезонларини аниқлайди, топшириқлар тузади.	Тинглайди.	
Кириш.	Ташкилий қисм. Ўқув машғулотида ишчан муҳитни ташкил этади, мақсадни белгилайди. Назорат қилинадиган билим ва кўникмалар эслатади. Талабаларга назорат ишини бажариш бўйича кўрсатмалар беради. Топшириқни мустақил бажариш зарурлигини эслатиб ўтади.	Дафтарга ёзди.	Оғзаки. Ақлий ҳужум. Кичик гуруҳда ишлаш.
Асосий.	Назорат ишининг мазмунини баён этади, натижаларини эълон қиласди ва хатолар устида ишлайди. Яхши бажарилган ишларни намойиш қиласди. Йўл қўйилган хатоларни таҳлил этади ва улар устида ишлашни ташкил этади. Назорат ишида учраган хато ва камчиликларни аниқлайди, уларни келгусида бартараф этиш йўлларини белгилайди.	Машқ бажара-ди. Натижка-ларини тақдимот қиласди.  Бир-бирлари билан мухокма-ма қиласди.	Якка тартибда ишлаш. Кичик гуруҳда ишлаш. Давра сұхбати.

Якуний.	Уйга вазифа беради.	Дафтарга ёзди.	Кичик гуруҳда ишлаш.
---------	---------------------	----------------	----------------------

Юқорида таъкидланганидек, назорат ўқув машғулотлари талабаларнинг ўзлаштирган билимларни хотирада узоқ вақт сақлаб қолишларига ёрдам беради. Уларга бериладётган топшириқлар ҳажми ва мураккаблик даражаси таълим стандарти ҳамда фан дастурига мос ва талабалар уddyalай оладиган бўлиши лозим.

**Ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни амалда қўллаш ўқув машғулоти.** Талабаларга ўқув машғулотини ўтказишнинг асосий мақсадларидан бири эгалланган билим, кўникма ва малакаларни амалда қўллай олишга ўргатишdir. Бунда асосий эътибор машқларга қаратилади. Педагог машғулот мақсадларни белгилаш пайтида мавзуга боғлиқ қандай машқларни бажариш лозимлигини эътиборга олиши зарур, уларни бажаришда кичик гуруҳларда ишлаш, давра суҳбати, индивидуал машқлар, муаммоли топшириқлар, тадқиқод, моделлаштириш каби усуллар яхши самара бериши мумкин. Ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни амалда қўллаш ўқув машғулотининг структураси қуидагича:

- ташкилий қисм: талабаларни ўқув машғулотига психологик тайёрлаш ва мотивация;
- машғулот мавзуси ва мақсадини эълон қилиш;
- амалий кўникмаларни эгаллаш учун зарур бўладиган билим ва назарий материалларни қайтариш;
- назарий билимларни стандарт вазиятларда қўллаш орқали дастлабки кўникмани шакллантириш ва мустаҳкамлаш;
- билим ва кўникмаларни ўзгарган шароитларда қўллаш машқларини бажариш;

- билим ва кўникмаларни ижодий қўллаш;
  - ўзлаштирилган кўникма асосида малакани шакллантирувчи машқларни бажариш;
  - эгалланган янги билим ва кўникмаларни баҳолаш;
  - ўқув машғулотига якун ясаш ва уйга вазифа бериш.
- Ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни амалда қўллаш ўқув машғулотининг технологик харитаси қуидаги 11-жадвалда берилган:

#### 11-жадвал Ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни амалда қўллаш ўқув машғулоти технологик харитаси

Ўқув машғулоти босқичлари	Педагог фаолияти	Талаба фаолияти	Тавсия этиладиган методлар
Тайёрлов.	Ўқув машғулоти мақсади, натижаларини белгилайди, технологик харита тузади, ўқитиш усулларини, ўқув машғулоти шаклини, баҳолаш мезонларини аниқлайди, топшириқлар тузади.	Тинглайди.	
Кириш.	Ташкилий қисм (талабаларни ўқув машғулотига психологик тайёрлаш ва мотивация). Машғулот мавзуси ва мақсадини эълон қиласди. Амалий кўникмаларни эгаллаш учун зарур бўладиган билим ва назарий материалларни қайтаради.	Дафтарга ёзди.	Оғзаки. Ақлий ҳужум. Кичик гуруҳда ишлаш.

Асосий.	Назарий билимларни стандарт вазиятларда құллаш орқали дастлабки күнікмани шакллантира-ди ва мустақамлайди. Билим ва күнікмаларни ўзгарған шароитларда құллаш машқларини бажаради. Билим ва күнікмаларни ижодий құллайди. Ўзлаштирилган күнікма асосида малакани шакллантирувчи машқларни бажаради.	Машқ бажара-ди. Берилған топшириқ буйыча ижодий иш бажаради.	Якка тартибда ишлаш. Кичик гурухда ишлаш. Давра сұхбати.
Якуний.	Әгалланған янги билим ва күнік-маларни бақолайди. Машғулотта яқун ясайди ва уйга вазифа беради.	Натижаларини тәқдимот қилади. Дафтартға ёзади.	Кичик гурухда ишлаш.

Машқларни бажариш пайтида талабаларга муаммо қўйиш жараёнида ва жавоб қидиришда қизиқиш уйғотиши, уларнинг амалий машқларни бажариш пайтида мустақил ва ижодий фикрлашларини таъминлайди. Улар ўз тахминларини текшириш ва таҳлил қилишга ўрганади.

**Такрорлашваумумлаштириш ўқув машғулотларида** фан дастурида кўрсатилған бир боб ёки бўлим буйыча такрорлаш амалга оширилади. Уларда йўналтирувчи матнлар билан ишлаш самарадорликни таъминлайди. Талаба тўлдирган индивидуал натижалар карточкасини, гуруҳ ўз ишини бажаргандан сўнг ўрганиб чиқилади. Бу карточка талабанинг ишини бақолаш имконини беради, унинг асосий маҳоратини ривожланишини кўрсатади, уларни, ўз фикр-мулоҳазаларини айтишга, ўрганган нарсаларини идрок қилишга рағбатлантиради, вазифани бажариш пайтида, талаба нималарга жавоб берishi лозимлигини тушуниш имкониятини беради. **Мазкур**

### ЎҚУВ МАШҒУЛОТИНИНГ СТРУКТУРАСИ ҚУЙИДАГИЧА:

- ташкилий қисм;
  - ўтилган мавзу аҳамияти, ўқув машғулотининг мақсади ва режасининг педагог томонидан баён этилиши;
  - талабалар томонидан якка тартибда ва кичик гуруҳларда жамоа бўлиб такрорлашга оид ҳамда умумлаштирувчи характеристерга эга бўлган ёзма ва оғзаки топшириқлар бажарилиши;
  - бажарилган топшириқларни бақолаш ва хатолар устида ишлаш;
  - ўзлаштирилган янги билим ва күнікмаларни бақолаш;
  - ўқув машғулотига яқун ясаш ва уйга вазифа бериш.
- Такрорлаш ва умумлаштириш ўқув машғулотининг технологик харитаси қуидаги 12-жадвалда берилган:

12-жадвал

### ТАКРОРЛАШ ВА УМУМЛАШТИРИШ ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Ўқув машғулоти босқичлари	Педагог фаолияти	Талаба фаолияти	Тавсия этиладиган методлар
Тайёрлов.	Ўқув машғулоти мақсади, натижаларини белгилайди, технологик харита тузади, ўқитниш усулларини, ўқув машғулоти шаклини, бақолаш мезонларини аниқлайди, топшириқ-лар тузади.	Тинглайди.	

Кириш.	Ташкилий қисм. Үтилган мавзу аҳамияти, машғулот мақсади ва режаси баён этади.	Дафтарга ёзди.	Оғзаки. Ақлий ҳужум. Кичик гурух- да ишлаш.
Асосий.	Талабалар томонидан якка тартибда ва кичик гурухларда жамоа бўлиб тақрорлашга оид ҳамда умумлаштирувчи характерга эга бўлган ёзма ва оғзаки топшириқлар бажарилади. Уларни баҳолайди ва хатолар устида ишлади.	Машқ бажаради. Берилган топшириқ бўйича ижодий иш бажаради. Бажарилган топшириқларни баҳолайди ва хатолар устида ишлади.	Якка тартибда ишлаш. Йўналтирувчи матнлар билин ишлаш. Кичик гурух- да ишлаш. Давра сұхбати.
Якуний.	Эгалланган янги билим ва кўникмаларни баҳолайди. Машғулотга якун ясади ва уйга вазифа беради.	Натижаларни тақдимот қиласи. Дафтарга ёзди.	Кичик гурухда ишлаш.

Якун ясашда, олинган маълумотлар ва билимлар эътиборга олиниши керак. Фикр-мулоҳазалар натижалар варақасига ёзиб борилади. Иш тугагандан сўнг, талабалар билан, улар қандай янги маҳоратга эга бўлганликлари, қандай натижалар олганликлари муҳокама қилинади. Гуруҳнинг барча аъзолари мулоҳазалари қайд этиб ўтилади. Агар у, ижодий бўлса, унга эришиш учун зарур бўлган барча маҳоратларни санаб ўтилади.

**Аralash мақсадли ўқув машғулоти** жараёнида икки ва ундан ортиқ ва бир неча йўналишли дидактик мақсадларни қўйилади. Бу машғулотларда таълим-тарбия вазифалари комплекс тарзида ҳал этилиши талабаларга билим ва кўникмаларни узлуксиз бўлишини таъминлайди.

Аралаш мақсадли ўқув **машғулоти структураси** қўйидагича:

- ташкилий қисм;
- уйга вазифани текшириш, машғулот мақсадларини белгилаш;
- талабаларни янги материални ўзлаштиришга тайёрлаш, янги билим ва кўникмаларни ўзлаштиришнинг аҳамиятини тушунириш;
- янги материални ноанъанавий усуллар асосида баён этиш;
- ўқув машғулотида ўтилган янги ва у билан боғлиқ аввал ўтилган материалларни мустаҳкамлаш;
- билим ва кўникмаларни умумлаштириш;
- эгалланган янги билим ва кўникмаларни баҳолаш;
- ўқув машғулотига якун ясаш ва уйга вазифа бериш;
- талабаларни кейинги мавзуга тайёрлаш.

Аралаш мақсадли ўқув машғулоти технологик харитаси қўйидаги 13-жадвалда берилган:

13-жадвал

### Аралаш мақсадли ўқув машғулоти технологик харитаси

Ўқув машғулоти босқич- лари	Педагог фаолияти	Талаба фаолияти	Тавсия этиладиган усуллар
Тайёрлов.	Ўқув машғулоти мақсади, натижала-рини белгилайди, технологик харита тузади, ўқитиш усулларини, ўқув машғулоти шаклини, баҳолаш мезонларини аниқлайди, топшириқлар тузади.	Тинглайди.	

Кириш.	Ташкилий қисм. Уйга вазифани текши-ради, машғулот мақсадини белгилайди. Талабаларни янги материални ўзлаш-тиришга тайёрлайди, янги билим ва кўнікмаларни ўзлаштиришнинг аҳамиятини тушунтиради ҳамда уларни ўзлаштиришга қизиқиш уйғотади.	Дафтарга ёзади.	Оғзаки. Ақлий хужум. Кичик гуруҳда ишлаш.
Асосий.	Янги материални ноанъанавий усуллар асосида баён этади. Машғулотда ўтилган янги ва у билан боғлиқ аввал ўтилган материалларни мустаҳкам-лайди. Билим ва кўнікмаларни умумлаштиради ва аввал олинган ҳамда шаклланган билим ва кўнікмалар билан боғлади.	Машқ бажаради. Берилган топшириқ бўйича ижодий иш бажаради. Бажарилган топшириқлар устида ишлайди.	Якка тартибда ишлаш. Кичик гуруҳда ишлаш. Давра сұхбати.
Якуний.	Эгалланган янги билим ва кўнікмаларни баҳолайди. Машғулотга якун ясайди ва уйга вазифа беради. Талабаларни кейинги мавзуга тайёрлайди.	Натижаларни тақдимот қиласди. Дафтарга ёзади.	Кичик гуруҳда ишлаш.

Таълимнинг кўргазмали воситаларидан фойдаланиб, оғзаки машқ бажариш ўқув машғулоти самарадорлигини ошириш талабанинг билим ва қобилиятларини ривожлантиришнинг муҳим шартларидан биридир. Оғзаки машқлар ўринли ўтказиш, ўқув жараёнини фаоллаштирибгина қолмай, талабаларда мустаҳкам билим, малака ва кўнікмаларни ҳам шакллантиради.

## ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕТОДИКАСИ

Миллий дастурни ҳаётга жорий этиш ўқув машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнига янгича ёндашишни, ўқитишнинг фаол шакл, метод ва технологияларини ишлаб чиқиши тақозо этади. Бунинг учун, ҳар бир ўқув машғулоти ўқув жараёнининг билим, кўнікма ва малакаларни эгаллашнинг якунланган босқичи ҳисобланишини эътиборга олиб, **у қуидаги талабларга жавоб бериши керак:**

- мақсад ва мазмунининг аниқлиги. Бу талаб ўқув машғулотига мўлжалланган материалларни, унинг таркибини тўғри ва аниқ танлаш билан амалга оширилади;
- ўқув машғулотига оид вазифаларнинг ўзаро боғликлиги. Бунда педагог талабаларнинг касбий билимларини шакллантиришдаги барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланиши лозим;
- машғулотнинг исталган босқичида ўқитишнинг самарали усулларини танлай олиниши. Педагогнинг ўқитиш усулини тўғри танлаши, унинг меҳнатининг самарадорлигини, талабаларнинг эса фаоллигини таъминлайди. Бу уларда мукаммал билимлар шаклланишини ҳамда эгалланган билимларни амалга жорий этиш малакаларини ривожлантиради;
- машғулотда талабаларнинг гурухий ва якка тартибдаги ўқув ишларини тўғри ташкил этиш. Педагог машғулот давомида бутун гуруҳ билан шуғулланишидан ташқари, талабаларга якка тартибдаги топшириқларни бериб, уларни мустақил ишлашга жалб этиши лозим;
- ўқув машғулотини самарали ташкил этиш. Бу талаб машғулотга ажратилган вақтдан унумли фойдаланиш, педагог ва талабаларнинг машғулотга пухта тайёргарлик кўриши, уларни доимо янгиланиб турадиган техник жиҳозлар ва кўргазмали қуроллар билан таъминланиши

ҳамда ўтилаётган машғулот таркибини мукаммал тузиш билан амалга оширилади.

Ҳар бир фанни ўқитиши ўзига хос хусусиятларга эга, аммо, ўқув машғулотининг барча фанлар учун умумий бўлган томонлари ҳам мавжуд. Бу назарий ва амалий машғулотларнинг тузилишида алоҳида кўринади. Машғулотнинг тузилиши турлича бўлиши мумкин ва уни доимо фақат бир андоза билан ўтказиш шарт эмас. Унинг тузилиши ўқув материалининг мазмунига, талабаларнинг билим даражасига ва педагогларнинг касбий маҳоратига боғлиқ. Шунга қарамасдан дидактика назарий ва амалий машғулотларнинг тузилишида қўйидаги **асосий босқичлар мавжудлигини кўрсатади**:

- ўқув машғулот мавзусини таърифлаш;
- машғулот мақсадини тушунтириш;
- ўтган машғулотда уйга берилган вазифаларни текшириш;
- янги мавзу материалини баён этиш ва талабаларнинг мустақил ишлашини таъминлаш;
- ўтилган ўқув материалини тақрорлаш ва уни машқ, амалий ишлар билан мустаҳкамлаш;
- ўрганилган мавзуни давра суҳбати тарзида тақрорлаш;
- талабалар билимини текшириш ва баҳолаш;
- машғулотни якунлаш;
- уйга вазифани бериш.

Ўқувмашғулотининг бу босқичлари ҳар бир назарий ёки амалий машғулотда доимо шу тартибда тақрорланмайди. Чунки, ижодий изланувчан педагог. уларни ўз тажрибаси билан тўлдириши, бойитиши ва машғулотнинг мақсади ҳамда вазифаларига кўра ўзгартириши мумкин.

Ўқув машғулотлари таҳлили самарали бўлиши учун педагоглар дидактиканинг асосий тамойилларидан, ўқув машғулот турлари ва унинг тузилишидан хабардор

бўлишлари талаб этилади. Мазкур машғулот жараёнини таҳлил қилишда кўпинча **қўйидаги камчиликлар кузатилади**:

- системасизлик;
- ўқув машғулотига тасодифан иштирок этиш;
- аниқ бир мақсаднинг йўқлиги;
- таҳлил этувчининг машғулотни чуқур таҳлил қилишга усулий тайёр эмаслиги;
- аниқ қузатиш дастурининг йўқлиги;
- ўқув машғулотида асосий томонларни ажратиб кўрсата олмаслиги;
- холосалар чиқара олмаслиги;
- касбдошига малакали тавсиялар ва методик ёрдам бера олмаслик.

Айниқса, ҳар бир ўқув машғулотига қатнашишдан олдин аниқ мақсадни белгилаш зарур. Кўйилган мақсад машғулотда қатнашиш ва уни таҳлил қилишни янада самаралироқ, холосаларни эса аниқроқ қиласди.

Педагог ўқув машғулотига тайёрланиш жараёнида қўйидагиларга алоҳида эътибор бериши керак: машғулот вақтини самарали режалаштириш, фойдаланиш учун танлаб олинган манбаларни чуқур ўрганиш, гуруҳдаги талабаларнинг имкониятларини ҳисобга олиш, машғулотнинг турига қараб, унинг усули ва воситаларини тўғри танлаш, давлат таълим стандартлари талаблари асосида талабаларнинг билим олишини таъминлаш. Педагогнинг ўқув машғулотига тайёргарлик қўриши қўйидаги босқичларда амалга оширилиши лозим:

1-босқич. Тақвим-мавзу режадаги янги мавзу ва унга ажратилган вақт аниқлаштириб олинади. Тақвим-мавзу режаси намунавий шакли қўйидагича (14-жадвал):

**Тақвим-мавзуу режаси намунавий шакли**

№	Мавзулар	Мавзуга ажратылган ўқув машғулоти соаты	Ўқув машғулоти ўтиладиган сана	Изоҳ
1.				
2.				

2-боскىч. ДТС ва фан дастуридан ўтилаётган мавзуда қандай тушунчалар (билим, күнікма ва малакалар) шакллантирилиши лозимлиги аниқлаштириб, шу асосида машғулот мақсади белгилаб олинади.

3-боскىч. Мавзуу асосида машғулотта фойдаланиладиган техник воситалар, күргазмали ва дидактик материаллар, адабиётлар ўрганиб чиқилади ҳамда машғулот ишланмаси ёзилади. Ўқув машғулотига күйилган мақсад 80 дақықа давомида бажарыладиган, аниқ, ҳаёттый ва машғулот якунида баҳоланадиган бўлиши лозим.

Таълимий мақсад: ўқув машғулоти жараёнида талабаларда шакллантириладиган билим, күнікма ва малакалар асосида белгиланади.

Тарбиявий мақсад: машғулот жараёнида талабаларда қайси ахлоқий сифатлар шакллантирилиши асосида белгиланади.

Ривожлантирувчи мақсад: машғулот натижасида талабаларда қайси билимлар ва ахлоқий фазилатлар ривожлантирилиши асосида белгиланади.

Ўқув машғулотида фойдаланиладиган турли методлар (анъанавий, замонавий, интерфаол кабилар)

дан самаралиси, бу ўтилаётган мавзунинг талабалар томонидан ўзлаштирилишига хизмат қиласи.

Ўқув машғулотида фойдаланиладиган жиҳозлар (техник воситалар, кўргазмали ва дидактик материаллар).

**Ўқув машғулоти ишланмасини тайёрлашда** педагог ўқув машғулотининг ҳар бир қисмини эътиборга олиши мақсадга мувофиқ. Бу ишланма ҳамма педагогда бўлиши шарт. Лекин, у қандай ҳажмда бўлиши педагогнинг маҳоратига боғлиқ, бунда улар учун бир хил чегара йўқ. Ишланма қўллэзма шаклида ёки компьютерда ҳам ёзилиши мумкин. Ўқув ишлар бўйича проректор ҳар бир педагогнинг ўқув машғулоти ишланмасини кўриб, тасдиқлаш жараёнида педагогларда ўқув машғулотига кириш учун қуидаги ҳужжатлар бўлишини **назорат қилиши лозим**:

- тақвим-мавзуу режа;
- фан дастури;
- ўқув машғулоти ишланмаси;
- тарқатма материаллар;
- турли топшириқлар;
- тайёрланган слайдлар;
- дарслик ёки ўқув қўлланмаси.

Педагог ўқув машғулотини режалаштиришда талабалар билимини мустаҳкамлаш ва олдинги ўқув машғулотини такрорлаш, билим ва малакаларни текшириш кераклигини эсда тутиши, оғзаки ва ёзма кўнікмаларини ифодалаш, нутқ маданияти устида ишлаш маҳоратини такомиллаштириш, ўқув машғулотидаги материалларни яхши ўрганиб чиқиш, масала шартлари ва уларнинг жавобларини мукаммал билиши лозим.

Ўқув машғулоти мавзусини танлашда педагогнинг касбий маҳорати, ўқув машғулотини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси, технологияси, билими ва машғулот учун керакли воситалар аниқ акс эттирилиши керак.

Мазкур жараёнда педагог олдида муҳим бир масала туради. Ўқув машғулоти фақат ўқитишнинг метод ва шакллари билан чекланиб қолмай, балки таълим-тарбия, ривожлантириш мақсадларини амалга ошириш, педагог ва талаба ҳамкорлигини рўёбга чиқаришни талаб қиласи.

Аввало, ўқув машғулотинингижодий режаси тузилади. Режа ўз ичига қуидагиларни олади: фан дастуридан келиб чиқиб, мавзу материалининг мазмунини чуқур билиш, мавзунинг ҳозирги замонга, талабаларнинг ёшига, педагогнинг ҳәтий ва иш тажрибага, маънавий ҳолатига, ўрганилаётган мавзунинг олдинги ўтилган, кейин ўтилиши керак бўлган мавзуларга, унинг талабалар психологиясига мос келиши.

Яхши педагог уй вазифаларини талабаларга қизиқарли бўлишга ҳаракат қиласи. Шу мақсадда, улар уй вазифаларни характер ва шаклига қараб: оғзаки ва ёзма, муҳим ва ўз хоҳишидаги, қўшимча адабиётларни қўллаб, ўзи танлаган топшириқ, индивидуал ва гуруҳли кабиларга ўзгартиришади. Уй вазифаси аниқ ва тўғри бўлиши учун педагог ўқув машғулоти жараёнида тушунтириш ишларини олиб бориши керак. Шунинг учун ҳам малакали педагог янги материални тушунтиришга қўпроқ вақт ажратади. Чунки, билимларни англаш жараёни қанчали самарали бўлса, кейинги ўқув машғулотида уй вазифалари текширишга шунчалик камроқ вақт кетади. Мазкур жараёнга тайёрланиш даврида педагог илмий-усулий изланиши, кўргазмали ва дидактик материаллардан, ўқитишнингтехниквоситаларидан,ахбороткоммуникация технологияларидан фойдаланиши керак.

#### **Ўқув машғулотининг усулий мажмуаси қуидагилардан иборат:**

- фаннинг тақвим мавзу режаси;
- маъруза матни ёки машғулот (лаборатория иши, амалиёт, мустақил иш, курс лойиҳаси кабилар)нинг

режаси;

- ўқув машғулот сценарийси;
- сценарийда кўрсатилган дидактик, кўргазмали материаллар, ахборот коммуникация ва техник воситалар;

- назорат иши учун саволлар тўплами;
- уй вазифаси учун саволлар ёки масалалар тўплами.

Усулий мажмуанинг таркиби машғулот тури билан боғлик тарзда танланади. Ўқув машғулотининг мақсади қуидагича таърифланиши мумкин:

- машғулотда компьютер техникасидан фойдаланиш;
- муаммоли ўқитишнинг ўрни;
- фанлараро боғликликнинг узвийлиги;
- талабаларнинг мустақил ишлашини таъминлаш;
- талабаларнинг билимларини ўзлаштириш жараёнини жадаллаштириш;
- талабаларнинг машғулотдаги мавжуд дидактик материаллар, усулий қўлланмалар ва жиҳозлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

**Ўқув машғулотларининг** асосан назарий (мавзуни тушунтириш, сўраш, мустаҳкамлаш, уй вазифа бериш), амалий (назарий билимларни амалда қўллаш), лаборатория машғулоти (тажрибалар ўтказиш) каби турлари мавжуд. Умуман олганда ўқув машғулотларининг қуидаги турларидан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқ.

**Мунозарали ўқув машғулоти** муаммоли таълим технологияларига асосланади ҳамда мазмуни, моҳиятига кўра илмий ва эркин фикрлаш ўқув машғулотларига ажратилади. Илмий мунозара ўқув машғулотлари дастурдаги муайян бир мавзуни ўрганишга бағишлианди. Мазкур машғулот олдида қуидаги вазифалар туради: талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш орқали фанга қизиқишларини орттириш, билимларини кенгайтириш, уларнингаввал ўзлаштирган билим, кўнишка ва малакаларини янги вазиятларда қўлланиши орқали

янги билимларни эгаллашлариға эришиш, уларнинг билимидаги мавхум тушунчаларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш, билим олишга бўлган интилишларини ривожлантириш, уларни нутқ маданиятини ўстириш, ўз фикрларини мантиқан тўғри баён этиш.

Илмий мунозарали ўқув машғулотларнинг тузилиши куйидагича бўлади: педагогнинг кириш сўзи, бунда у ўқув машғулоти мавзуси, мақсади ва вазифалари, илмий мунозара ўтказиладиган муаммоларнинг умумий обзори, машғулотда талабалар гуруҳи бажарадиган топшириқлар билан таништиради. Талабалар фаолиятини мунозарали ва муаммоли вазифаларни бажариш ва ҳал этишга йўллайди. Улар гуруҳи ўртасида ўқув баҳси ва мунозарани ташкил этади. Педагог ўқув машғулоти давомида баҳс ва мунозара келтириб чиқарган муаммолар ечимидағи асосий ғоя ва тушунчаларни таъкидлаб, хulosалар чиқаради. Бу мунозараларда фаол иштирок этган талабалар рағбатлантирилади ва рейтинг тизимиға мувофиқ баҳоланади. Уйга вазифа бериш билан ўқув машғулоти якунланади.

**Конференция ўқув машғулотлари** дидактик ўйинли ўқув машғулотлар орасида муҳим ўрин тутади. У талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришда, илмий дунёқарашини кенгайтиришда, илмий ва илмий оммабоп адабиётлар билан мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини ривожлантириш, мустақил ҳаётга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади. Педагог мазкур машғулотни ўтишдан аввал унинг мавзусини, мақсад ва вазифаларини белгилаб, шу мавзуга оид қўшимча илмий ва илмий-оммабоп адабиётларни кўздан кечиради.

Мазкур ўқув машғулотини ўтишдан 10 кун олдин унинг мавзуси эълон қилиниб, унга тайёргарлик кўриш учун адабиётлар тавсия этилади. Эълон қилинган дидактик ўйинли ўқув машғулотида олимлар ролини танлаш, мавзуни ҳар томонлама ёритиш, маъруза тайёрлаш

талабаларнинг ихтиёрида бўлади. Ўқув машғулотига тайёргарлик даврида педагог томонидан ижобий рағбатлантириш ва мулоқот маданияти, талабаларнинг ўқув машғулотига қизгин иштироки муҳим омил саналади.

Илмий конференция ўқув машғулотини ўтказиша педагог ўз кириш сўзида ўқув машғулоти мавзуси, мақсади ва вазифалари, тегишли ролларни бажарувчи олимлар билан таништиради. Олимлар мавзуси юзасидан тайёрланган маърузаларни кўргазмали қуроллар асосида баён этади. Маъруза муҳокамасида олимлар ва гуруҳдаги бошқа талабалар ўртасида мавзу юзасидан баҳс-мунозара ўтказилади. Конференция якунида педагог мавзу юзасидан муҳим тушунча ва ғояларни таъкидлайди, талабаларни баҳолайди ва машғулотда фаол иштирок этган талабалар рағбатлантирилади ва рейтинг тизимиға мувофиқ баҳоланади. Уйга вазифа берилиб, ўқув машғулоти якунланади.

**Семинар ўқув машғулотларида** талабалар ўқув материалини педагог тавсия этган режа асосида, манбалардан фойдаланиб, мустақил ўрганади. Бу уларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришда, билимларни мустақил эгаллашларида муҳим. Бу жараёнда педагогнинг вазифаси, талабаларнинг семинар машғулотларига тайёргарлиги, уларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш ҳисобланади. Мазкур машғулотни ўтказища иккى хил ёндашиш мавжуд. Биринчиси, маъруза семинар тизимидағи таълим жараёни. Бунда педагог ўқув материалини турли кўргазмали воситалардан фойдаланган ҳолда маъруза шаклида баён қиласи. Сўнгра, талабалар семинар режасига асосланиб, ўқув материалини қайта ишлаб чиқади ва муҳокама қиласи. Бу хилдаги ёндашувни мавзу атамаларга бой бўлган пайтда қўллаш мақсадга мувофиқ.

Иккинчи ёндашувда семинар ўқув машғулотларидан мустақил иш шаклида фойдаланилади, яъни талабалар

ҳали ўзларига номаълум бўлган ўқув материали асосида мустақил тайёргарлик кўради. Бундай ёндашув ўқув материали талабалар учун осон, мустақил ўзлаштириш имконияти бўлганда қўлланилади. Семинар ўқув машғулотларига ҳамма талабалар етарли тайёргарлик кўриб, тавсия этилган адабиётлар билан танишиб, баҳс ва мунозарада фаол иштирок этгандагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Бунинг учун фан хоналарида семинар машғулотларига мустақил тайёргарлик кўриш бурчагини ташкил этиш лозим. Бу бурчакда семинар мавзусига оид қўшимча илмий-оммабоп мақолалар, қўлланмалар қўйилади ва улар вақти-вақти билан семинар машғулотлари мавзусига боғлиқ ҳолда янгиланиб, алмаштирилиб борилади. Бу бурчакда машғулотнинг мақсади мавзуси талабалар учун табақалаштирилган янги дастур материали асосида барча талабалар бажариши лозим бўлган савол-топшириқлар билан бирга ўз билимларини мустақил кенгайтирмоқчи бўлган талабалар учун қўшимча саволлар ҳам берилади.

Талабалар семинар ўқув машғулотига тайёрланиш учун, унда бажариладиган топшириқ ёки саволларни диққат билан ўқиб чиқиши, бу саволларга дарсликдан фойдаланилмасдан, ўз билимига таянган ҳолда жавоб беришга ҳаракат қилиши, семинар топшириғи ёки саволларга биноан дарслик ёки тавсия этилган адабиётлардан керакли бетни топиши, матндан саволларга жавоб излаши, ўқиганларини идрок этиши, мағзини чақиши, ёдда сақлашга ҳаракат қилиши ўқув режа тузиб шу режа асосида жавоб ёзишга ҳаракат қилиши жавоб қисқа ва аниқ бўлишига эришиши, жавоблар якунида хuloscha чиқариши ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ёзиши талаб этилади.

Семинар ўқув машғулотида педагогнинг кириш сўзи қилиб, унда машғулот вазифаси, режаси ва унда ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар баён этади.

Семинар саволларига биноан талабаларнинг жавоблари тингланади, мунозарали аҳборотлар мазмuni муҳокама қилинади.

Семинарларда ўқитиши технологиясини лойиҳалаштириш ва амалга оширишнинг тайёргарлик босқичида семинарлар ўтказилишининг асосий йўли талаба томонидан тайёрларган мавзу ва маълумотларнинг муҳокамасини жамоа ўртасида ташкиллаштириш ҳисобланади. Бу турдаги семинар самарадорлиги педагогнинг семинарга тайёргарлиги сифатидан аниқланади. Мавзу ва маълумотлар билан чиқадиган талабалар тайёргарлиги ҳам муҳим ўрин тутади. Семинарда педагог ва талаба фаолияти ва бажарувчи босқич қуидаги 15-16 жадвалларда келтирилган:

15-жадвал

### Семинарда педагог ва талаба фаолияти

Педагог	Талаба
Келгуси семинарда бўладиган докладлар мавзусини беради. Фанларни ўзлаштириш, келгуси қасбий фаолиятида муаммолар-дан тўлиқ ўналиш ола билишда қилинаётган ишларнинг ўрни муҳимлиги уқтирилади. Семинарга тайёрланиш учун тавсия этилган адабиётлар рўйхати тақдим этилади. Мавзуни танлайди. Мавзу бўйича рефератнинг етарли даражадаги тўлиқ режасини тузиш учун топшириқ беради. Семинар машғулотлари мавзусига боғлиқ бўлган маъruzaviy ва қўшимчага материалылар устида ишлаш, кўзланган мавзуга доир билимларни ўзлаштириш ва унинг муҳокамасини назорат қилишга тайёр туриш топширилади.	Семинарга тайёргарлик кўради. Реферат режасини тузади.
Тайёрланган рефератлар таркиби билан танишади. Лозим бўлса, талаба ўзининг жавоблари билан рефератни тўлдириши ёки чиқиши давомида жавоб бериши керак бўлган саволлар беради. Семинарда чиқиш тузилиши ва ҳолатини муҳокама қиладилар.	Дастлабки фикрга тезлик билан ўзгартириш, аниқлик ва қўшимчалар киритади. Реферат ёзади.

**Бажарувчи босқич**

<b>Педагог</b>	<b>Талаба</b>
1. Семинарга кириш. Музокараға қўйилган мавзу эслатиб ўтилади, уларнинг муҳим томонлари ва долзарблиги маъруза материаллари билан боғлик ҳолда асослаб берилади. Берилган материал бўйича талабанинг билимлари фаоллаштирилади: 1 ёки киска мазмунли жавобларга эга бўлган олдиндан тайёрланган саволлар бўйича ўтказиладиган сұхбат шаклида, 2 ёки матн кўринишидаги тузатиш киритувчи назорат ёрдамида. Билимларни фаоллаштириш жараёнида талабаларнинг кейинги семинар чиқишлиарни тушунишлари учун ва уларнинг муҳокамасида қатнаша олишлари учун етарли даражада ўзлаштирилганликлари аниқланади. Агар билимлар етарли даражада ўзлаштирилмаган бўлса, талабалар баёни ёки улар билан сұхбат ўтказиш шаклида керакли билимлар ўзлаштирилади, уларга аниқликлар ва тузатишлар киритилади (2-вариант самарали ҳисобланади).	Саволларга жавоб беради. Саволлар беради.
2. Асосий кисм. Талабаларнинг тайёрланган мавзулари билан чиқишлиар ташкиллаштирилади. Мавзу аудиториянинг қизиқишиларини йўкотса ёки аксинча қўтарилиган мавзу аудиторияда қизиқишини кучайтириб, уни муҳокама қилишга зарурат туғисла, одоб билан доклад килиш бир қанча вақтга тўхтатилади ва семинар жамоа доирасидаги муҳокамада давом этирилади. Мавзуни муҳокама қилиш ташкиллаштирилади. Бунда талабаларга мавзу мазмуни қай даражада тўғри тушунарли бўлганлиги баҳоланади: доклад киувчига семинар қатнашчилари томонидан берилган саволлар мазмуни ва педагог томонидан қўйилган саволларга берилган жавоблар орқали секин аста семинар мунозара шаклига ўтади. Ҳар бир мавзунинг муҳокамаси битта қилиб мавзунинг асосий ҳолати ва муҳокама натижаларини қайд қилган ҳолда қисқа умумлаштириш билан тутатилади.	Талабаларнинг тайёрланган мавзулар билан чиқиши. Жамоа-вий равишда мавзу мазмуни муҳокама қилиниб, мунозара ўтказилади.

3. Семинарга якун ясаш. Семинар мавзусига якун ясалади: муҳокама қилиш мобайнида қўйилган саволларга ўзида жавоб тутувчи хуносаларни шаҳслантириш, муаммолар айтиб ўтилади, уларга жавобизлашкейингисеминарларда ёқита лабаларнинг мустақил ишлари жараёнида ташкил этилади. Доклад киувчилар ва семинар катнашчиларининг тайёргарлиги, музокара вақтида фаоллиги баҳоланади, семинар натижавийлигига умумий баҳо берилади. Кейинги семинар машғулотларининг мақсади аниқланади.

Саволлар беради.

Семинар машғулотларини якунлашда талабалар жавоби таҳлил қилиниб, уларнинг мунозарадаги иштироқи баҳоланади. Семинар мазмуни умумлаштириб, якун ясалади.

**Синов ўқув машғулотлари** маълум бир бобни ўрганиб бўлгандан сўнг ўтказилади. Талаба бундай машғулотни ўз иқтидори ва малакасига қараб: оғзаки ёки ёзма савол-жавоб, дидактик карточкилар, ўзаро назорат вараги, тестлар, махсус ЭҲМ назорат дастурлари асосида ўтказиши мумкин.

Мазкур машғулотларни бу назорат дастури орқали ўтказган педагог махсус боб бўйича саволлар тузиб, уни ЭҲМ хотира сига ёзib қўяди, ЭҲМ варианtlар тузиб, талабаларнинг билимини шу варианtlар асосида текширади, уларнинг жавобини ЭҲМ таҳлил қилиб, баҳо мезонига мувофиқ, ҳаққоний баҳолайди.

Талабаларнинг мавзулардан олган билимларини текшириш мақсадида педагог қуидаги ЭҲМнинг назорат дастуридан фойдаланиши мақсадга мувофиқ. Бу назорат дастури кўп вариантили бўлиб, ҳар бир вариантда талабалар жавоб бериши лозим бўлган савол-топшириклар бор. Улар бу саволларга ўз билим заҳираларига таяниб жавоб беради. Агар талаба саволга жавоб бера олмаса, унда ЭҲМ дисплейида “Яна бир уриниб кўринг” деган ёзув пайдо бўлади. Иккинчи марта ҳам саволга тўғри жавоб

берилмаса, унда дисплейда "Жавоб нотүгри" деган ёзув ва саволнинг жавоби кўринади. Талаба шу жавобни ўқиб, ўз камчилигини англаши мумкин. Шуни таъкидлаш лозимки, ЭҲМ талабанинг ҳар бир хатосини ҳисобга олиб боради ва баҳолайди. Кузатишлар шуни кўрсатадики, уларнинг ЭҲМ билан мулоқоти ўқув машғулотига, фанга бўлган қизиқишиларини орттиради. Синов ўқув машғулотлари назорат варафи ёрдамида ўтказилганда, педагог маълум бир боб бўйича саволлар тузиб, мазкур бобни ўрганишдан олдин талабаларга тарқатади.

**Тест сўров ўқув машғулотларида** педагог талабаларга икки вариантда тест материалларини тарқатади. Бунда тест материаллари вариантлар бўйича талабаларга тенг етадиган даражада бўлиши керак. Бир вариантдаги талабаларнинг жойлашуви ва муносабатлари машғулот давомида эътиборга олинади. Тестларни ечишда уларни назорат қилишни икки нафар аълочи талабага, улар сонини тенг иккига бўлиб топширилади. Ўз-ўзини назорат қилиш натижасида, тест саволларини ечишга киришилади. Якунланган тестларни текшириш учун ийғиб олиниб, алмаштириб тарқатилади. Жавоблар икки нафар талаба томонидан ўқиб берилади. Гуруҳдошлари эса текширишни амалга оширади. Ўқув машғулотининг ўз-ўзини бошқариши ва натижаларни баҳолашга 10-15 дақиқа вақт сарфланади. Қолган вақтларда ўқув машғулотининг бошқа босқичлари амалга оширилади. Бунда талабаларни 100 фоиз баҳолашга эришилади.

**Тренинг ўқув машғулотларида** педагог ва талабалар ўртасидаги ҳамкорликни таъминлаш ҳамда ўқув машғулоти самарадорлигини ошириш учун имкониятлар мавжуд. У қайта алоқа асосида олиб борилади, яъни педагог талабаларнинг фикрларини билиб, билимларини янада бойитиб ўзларига қайтариб беради, яъни, ўқув машғулоти давомида фақат педагог ишламасдан талабалар ҳам

ишлайди. Бу усулда педагог ва талаба ўртасида эркин муносабатлар вужудга келади ва талабалар эркин, мустақил фикрлай бошлайди.

Шунингдек, машғулот давомида фанга алоқадор бўлган турли ўйинларни ўтказиш, унинг самарадорлигини янада оширади. Бундай ўйинлар талабаларнинг толиқиши вақтларида ўтказилса мақсадга мувофиқ, улар тетиклашади, фикрлари бир нуқтага жамланади. Мазкур ўқув машғулотларининг самарали томонларидан яна бири назарий маълумотлар билан амалий машғулотларни биргаликда олиб борилишидир. Талабалар кичик гуруҳларда ишлаб, назарий олган билимларини амалда синааб кўрадилар.

Аralash ўқув машғулоти турида янги материал баён этилиши билан биргаликда, талабаларнинг билим, малакалари турли усулларда текширилади, мустаҳкамланади ва умумлаштирилади. Бу машғулот тури мутахассислик фанларини ўргатишда самарали ҳисобланади.

Кейинги вақтларда мазкур машғулот турини танқид қилмоқдалар ва уни эскирган демоқдалар. Бу танқидни ўқув жараёнини ташкил этишга ва унинг бандларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлигида деб тушуниш керак. Аммо, бу танқидлар ўқув машғулоти турига тегишли эмас. Айтиш керакки, аralash ўқув машғулоти ўтказишда педагогдан педагогик маҳорат ва билим талаб этилади. Кўпчилик педагоглар бу машғулотни ўтказиш турининг бой педагогик имкониятларидан фойдаланишни билмайди. Ўқув машғулотининг аralash тури машғулотлар тузилишини ўзгартиришга имкон беради. Бундай ўзгартиришга ижодий ёндашиш, машғулотдаги педагогик жараёни жонлантиради, талабалар фаоллигини ва қолаверса, уларнинг билимини оширади.

Аralash ўқув машғулоти турининг таркиби - ташкилий

қисм, уйга берилган топшириқни текшириш, талабалар билимини оғзаки (якка тартибда) бир йўла ва аралаш ҳолда текшириш, янги ўқув материалини баён қилиш, мавзу бўйича бошланғич, синаш, кўниқма ва ижодий машқларга алоҳида эътибор бериб материални мустаҳкамлаш, уйга топшириқ бериш ҳамда ўқув машғулотини якунлашдан иборат. Мазкур машғулот бандларига ажратилган тахминий вақт: аввалги машғулотни такрорлаш ва текшириш 10-15 дақиқа, янги материални баён қилиш 55-65 дақиқа, янги билимларни мустаҳкамлаш 12-15 дақиқа, уйга вазифа бериш ва ўқув машғулотини якунлаш 2-3 дақиқа бўлиши маъқул.

Лаборатория машғулотлари ўзлаштирилган назарий билимларни илмий жиҳатдан қўллаш усулларидан биридир. Уларни ўтиш жараёнида талабалар педагог раҳбарлигига мустақил ишлайди, назарий билимлари асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда уни ишлатиш амалиётга татбиқ этиш масаласи йўлларни ўрганади, айникса, ўлчов асбобларидан тажрибажараёнида фойдаланиш маҳоратини эгаллади.

Лаборатория машғулотларида педагог талабаларнинг мустақил билимларини оширишларини назарда тутган ҳолда, бу машғулотларнинг мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаш ҳамда уларнинг мазмунини тушунтириб бериш, хавфсизлик техникаси масалаларини ва бошқа жараёнларни ёритиши лозим.

Лаборатория машғулотларини ташкил этиш усуллари: бир хил бажариш усули - фронтал машғулотлар, турли лаборатория ишлари бажариш усули - нофронтал машғулотлар (гурухли, якка тартибдаги).

Лаборатория машғулотларини биринчи усулда ўтказиша барча талабалар мазмунан бир хилдаги ишларни бир вақтда бажаради. Бу ишлар ўрганилаётган курснинг назарий қисмини ўрганиш кетма-кетлигини

назарда тутган ҳолда олиб борилади. Бунда эгалланган назарий билимларни илмий-тадқиқот ишларига татбиқ қилиш йўллари, сирлари ўрганилади, талаба ўрганилаётган фанлар назариясини ва унинг қоидаларини мустаҳкамлашга ҳамда бу ишларни олиб бориш малакасини оширишга имконият яратади. Лаборатория машғулотларини нофронтал тарзда ташкил этганда, талабалар гурухларга бўлинади ва ҳар бир гурух мавжуд бўлган ускуналарда машғулотларни ўтказади.

Йўриқнома берилади. Ахборот бериш усулига кўра: оғзаки ва ёзма бўлади. Даствлабки йўриқнома 5-10 дақиқа давомида ўтказилади. Даствлабки йўриқномада қуйидаги масалалар кўриб чиқилади: лаборатория ишининг мақсад ва вазифаси, иш ўринлари билан қисқача таништириб чиқиши, талабанинг ҳатти-ҳаракат қилиш қоидалари, хавфсизлик техникаси қоидаларини ўрганиш, топшириқларни, вазифаларни олиш ва бажариш тартиби, маълумотларни қайд қилиш, натижаларни расмийлаштириш ва ҳисбот тузиш, навбатдаги ишларга топшириқлар тарқатиш, талабаларнинг лаборатория машғулотлари юзасидан берган саволларига жавоб бериш.

Жорий йўриқнома талабаларнинг ишини кўздан кечиришга, лаборатория иши бажарилиши тўғрисида бевосита йўл-йўриқ кўрсатишга қаратилган бўлади. Лаборатория ишини ўтказиш жараёнида талабалар ишни қандай ўзлаштирганликлари, уни бажариш тартибига қандай тушунгандиклари текширилади, тадқиқот давоми талабанинг фаол иштирок этиши, методикада кўзда тутилган амалларни тўғри бажарилиши назорат қилинади. Зарур ҳолда педагог талабага ёрдам беради, талабалар ишини қисқача таҳлил қиласи, йўл қўйилаётган хатоларини кўрсатади.

Лаборатория машғулотларининг даврийлиги якуний йўриқнома билан тугалланади. Унда педагог талабанинг

лаборатория ишларини диққат билан кузатиши асосида ишини таҳлил қиласи, талабанинг ўзига хос хатоларини, уларнинг сабабларини, ишда кўрилган масалалар тўғри бажарилганини кўриб чиқади.

Ҳисоботда кўлланилган асбоб-ускуналарга қисқача тавсив берилади, натижалар жадвалларга қатъий белгиланган тартибда киритилади ва тегишли ҳисобкитоб асосида диаграммалар қурилади, методикада қайд қилинган саволларга жавоблар, хулоса ёзилади ва иш текширилади. Хулоса чиқарилгандан сўнг лаборатория ишининг навбатдаги мавзуси белгиланади. Ҳисоботга қўйилган умумий баҳо бажарилган ишларнинг натижаларига кўра берилади. Унда: ўзлаштирилган малака ва маҳорат сифати, талабанинг мазкур лаборатория машғулотига муносабати, ҳисоботдаги иш кўрсаткичининг малакали таҳлили инобатга олинади.

**Амалий** машғулот давомида талабалар педагог раҳбарлигида мустақил ишлайди, назарий билимларини амалий масалаларни ҳал этишга қаратади ва шу йўл билан назарияни амалиётга татбиқ этиш маҳоратини эгаллайди. Улар назарий ва ишлаб чиқариш таълими ўртасидаги оралиқ вазиятни эгаллайди ва бу вазият мутахассислар тайёрлашда мазкур икки томон ўртасида алоқа ўрнатишнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қиласи. Бундай машғулотларни ташкил этишда ва унда ечиладиган масалаларни таҳлил қилишда: масала ечилиши давомида муайян ишларни бажаришга эътибор бериш билан бирга талабанинг мустақил ишлашига алоҳида аҳамият бериш ҳамда масалани ечишда хонадаги машина ёки компьютерларнинг хавфсиз ишлашига, хонада хавфсизлик техникаси қоидаларига амал қилишга эътибор бериш лозим.

**Амалий** машғулотлар ўтказишнинг ташкилий шакллари: машғулотни бир хил бажариш шакли, яъни

фронтал ҳамда турли ишлар бажариш шакли, нофронтал компьютерларга звеноли, якка ва гурухга оид машғулотлар бўлади. Амалий машғулот ўтказилганда барча талабалар бир хилда ечиладиган масалани бажаради. Талабалар ўртасида вужудга келадиган кўчирмачиликни бартараф этиш мақсадида, хусусий-фронтал усуlda амалий ўқув машғулоти ўтказиш шаклини таклиф этиш мумкин. Мазкур ўқув машғулоти ўтказиш шаклида бир хил формулада ечиладиган масалага, талаба хусусий ёндашиши, ўзига берилган маълумотларни қўйиб ишлайди.

Хусусий-фронтал шаклда амалий машғулот ўтказишнинг асосий шартлари қуидагилар:

- психология фанининг берган маълумотларига кўра талабалар томонидан ўзлаштириладиган асосий билим назарий ва амалий томондан чуқур ҳамда мустақил бўлиши мумкин, агар бунда талаба ўрганилаётган назарий мавзунинг ва унга бағишлиланган амалий машғулотнинг назарий асосларини тез ҳамда аниқ ажратиб олиш қобилиятига ҳамда диққатни мужассамлаштириш имкониятига эга бўлса, ўқиган билимлари хотирада ушлай билса, уни тиклай олса ёки юқорида баён этилган белгиларни юзага чиқаришга талабада иштиёқ бўлса;

- ҳар бир амалий машғулот ечимини амалга ошириш ва уларни ечиш учун талабаларга тақдим этиладиган масалалар тўпламини ишлаб чиқиш лозим. Масалаларнинг нусхаси ва уларни ечиш учун зарур бўлган маълумотлар жадвалларда келтирилади;

- талаба масалани ечиши учун зарур бўлган барча маълумотларни қўлланмадан олади ва уларни амалиёт дафтарининг биринчи бетига кўчириб ёзиб қўяди. Талабалар томонидан амалий машғулотларни унумли ўтказишларини таъминлаш мақсадида, уларга ўргатилаётган дастурлаш, компьютер графика ёки компьютер техниканинг схемасини мустақил чизиб

келиши буюрилади. Схемалар, жадваллар асосан қўлда бажарилади.

Амалий машғулотларнинг муваффақиятли ўтиши учун педагог мазкур машғулотга хос қизиқарли саволлар тузиши ва бу саволларни талабаларга бериш билан мақсадга эришиши лозим. Амалий машғулотни ўқитиш технологияси ҳамда технологик харитаси қўйидаги 17-18-жадвалларда берилган:

#### 17-жадвал

##### **Амалий машғулотни ўқитиш технологияси**

Талабалар сони: ... та	2 соат
Ўқув машғулотининг шакли	Амалий машғулот
Маъруза режаси	1. 2.
Ўқув машғулотининг мақсади.	Аҳамияти бўйича билимларини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш.
Педагог вазифалари Мазмуни мустақил ўрганиш учун асос яратади. Мавзу бўйича билимларни чукур ўзлаштириш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради. Кичик гуруҳларда ишлашни ташкил қиласди. Ўз нуқтаи-назарга эга бўлишни шакллантиради. Мантиқий холоса чиқаришга кўмак беради.	Ўқув фаолияти натижаси Амалий машғулот режалари билан олдиндан танишиб чиқиб тайёргарлик кўради. Асосий тушунчаларни ёритиб бера олади. Асосий тушунчаларни моҳияти ва аҳамиятини санаб ёритиб бера олади ва ўз эркин фикрини намоён этади.
Ўқитиш усуллари ва техника.	Амалий машғулот, жамоа бўлиб ишлаш усули;
Ўқитиш воситалари.	Маъруза матни, дарслик, компьютер технологияси, эксперт вараклари, графиклардан фойдаланиш.
Ўқитиш шакллари.	Гуруҳларда ишлаш.

Ўқитиш шарт-шароитлари.	Техник воситалар билан таъминланган, гуруҳларда ишлаш усулини қўллаш мумкин бўлган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш.	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

#### 18-жадвал

##### **Амалий машғулотнинг технологик харитаси**

Иш жараёни	Педагог	Талаба
1-боскич Кириш 10 дақиқа.	1. Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини эълон қиласди. 2. Амалий машғулотни ўтказиш хусусиятлари билан талабаларни таништиради. 3. Саволлар бериб талабаларнинг билимла-рини фаоллаштиради. Блиц-сўров ўтказади. 4. Гуруҳда ишлаш қоидаси билан таништи-ради ва ҳар бир талаба оладиган иш натижа-сига кўра баҳолаш мезонини тушунтиради. Гуруҳ фаолиятидаги бажарилган ишлар ёзма варакларда бўлиши таъкидланади.	1. Эшитади ва ёзib олади. 2. Топшириқ олади. 3. Саволларга жавоб беради. 4. Тушуниб олади.
2-боскич. Асосий 60 дақиқа.	1. Машғулотнинг асосий вазифаларини ечиш учун талабалар гуруҳларга бўлинади. Ёзма фикрларини кўриб чиқади. 2. Гуруҳда ишлаш қоидаси билан таништи-рилади. 3. Гуруҳларга бўлинган талабаларга ўқув топширигини беради. 4. Гуруҳда иш бошланганинги эълон қиласди. 5. Гурухнинг ўзаро ҳамжиҳатлик билан ишлаши ташкил қилинади ва тақдимот уюштирилади. 6. Топшириқни бажариш жараёнида бажа-рилган ишларни ва билимларини умумлаштиради, қилинган холосага эътибор қарати-лади.	1. Топшириқни бажаради. 2. Танишади ёзib олади. 3. Топшириқни бажаради. 4. Эълонни эшитади. 5. Бажарган ишлар тақдимоти ўткази-лади. 6. Бажарилган ишлар тақдимоти умумлаштирилади.

3-боскич 10 дақиқа.	1. Бажарилған ишлар яқунланади, фаол талабаларни бақолаш мезони орқали рағбатлантирилади. 2. Мавзуниң түлиқ ўзлаштириш мақсадида ўтилған мавзуга тест назорати ўтказылади.	1. Бақоланади. 2. Тест саволларыга жавоб берадилар.
---------------------------	---	--

**Мустақил машғулотлар** билимларни мустақил равища эгаллашга интилиш, талаба фаолиятининг мустақил ўқиб билим орттириш асоси ҳисобланади. Ўқиб билим эгаллаш талабаларнинг мустақил тайёргарлик кўриши, ўқишга ижодий томондан ёндашиши демакдир. Мустақил ўқиш ўқув жараёни билан бирга белгиланган дастур ва дарслек бўйича, баъзи ҳолларда улардан четга чиқкан ҳолда олиб борилади.

Мустақил равища билиш доирасини кенгайтириш ҳамда қўшимча назарий ва амалий материални эгаллаш талаба эгаллаётган касбий малака ва ишлаб чиқаришда мустақил ишлай билиш кўникмасини орттириш билан боғланган. Ўқиш жараёни мустақил билим орттириш билан ўйғунлаштиргандагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Талабаларнинг билимларини эгаллашдаги мустақиллигини ривожлантиришда маъруза матнлари, дарслеклар, ўқув қўлланмалар, илмий нашрлар, журналлар, хориж тажрибалари кабилар муҳим. Маъруза матнлари ва дарслеклар бўйича талаба ўқув машғулоти жараёнида педагог томонидан берилған ўқув материалини тақрорлайдивамустақамлайди. Бунда улар дарслеклардан педагог топшириғи бўйича ўқув материалининг маълум қисмини мустақил ўрганади. Бироқ, бу билан чекланиб қолиш етарли эмас. Турли йўриқномалардан, илмий-техник адабиётлардан фойдаланишни йўлга қўйиш талабалар билимини тўлдиришга имконият яратади.

Мустақил ўқишини талаба ўқишининг биринчи

кунларданок бошлаб ташкил этиш яхши самара бериши мумкин. Шунинг учун педагоглар талабалар томонидан мустақил ўрганиладиган материални нисбатан соддарок танланиши, кейинчалик эса талабаларда мустақил ўрганиш тажрибаси йиғилиб бориши билан танланадиган материалнинг мураккаблик даражаси аста-секин оширилиши мақсаддага мувофиқ.

Адабиётлар билан мустақил ишлаши, уни ўқиб чиқиб тушуниш, эслаб қолиш нуқтаи-назардан эмас, балки маълум бир ўқув масалаларни (масалан, масала ечишни, курс лойиҳаси ва битириув иши лойиҳаларини) ҳал этиш учун зарур бўлган материалларни топиш нуқтаи-назардан қараш керак. Мазкур ҳолда талабалар адабиёт ва бошқа манбалар билан ишлашнинг моҳиятини кўрадилар.

**Педагог мазкур мустақил ўқишига қўйидаги чаёндашиши мақсаддага мувофик:**

- талаба ўқиб чиқилган материал маъносини тушуниши ва ундаги асосий мақсадни ажратади. Бунда талабаларнинг адабиётлар билан мустақил ишлаши бўйича таълимнинг бошланғич пайтларида педагогнинг уларга олдиндан ўйланған бир нечта саволларни тузиши ва уларни талабаларга бериши лозим. Талабалар мазкур саволларга белгиланган адабиётлардан жавоб топишга интилади. Вақт ўтиши билан ўқиб чиқилган материалдаги асосий мақсадни, яъни саволга жавобни талабалар мустақил аниқлаб олади;

- педагог талабаларнинг матнни тўғри ўқишига ўргатиш зарурлиги (бунда педагогнинг мазкур материал устида хотиржам мулоҳаза юритиши, матнни тавсифловчи чизмалар, расмлар, графиклар, схемалар таҳлил қилиши назарда тутилади);

- адабиётлардаги мураккаб тушунарсиз жойларни белгилаши ва уларни тушунтиришга ҳаракат қилиши;

- талабаларни каталоглар, андоза кабилардан

мустақил фойдаланишга ўргатиш.

**Машғулот шакллари** ўз ичига маъруза, ҳикоя, сухбат, машқ бажариш, билимларни мустаҳкамлаш, амалий кўникумга ҳосил қилиш, тажрибани амалда бажариш, техник воситаларни ишлатиш, берилган топшириқни бажариш, техникани бошқариш кабиларни олади.

**Ўқув машғулоти тузилиши** – киришда, машғулот долзарблиги асосланади, мавзу баён этилади ва маъруза амалий, семинар машғулотларида танланган таълим моделларига тавсиф берилади. Ўқув фанининг мақсади, вазифалари ва долзарблиги, фан дастурига мос аудитория соатларининг ҳажми ва фаолият турлари бўйича тақсимланиши, ўқув фанининг мазмуни, дастурга мос равищда ўқув фанининг мавзуий мазмуни изчил баёни ёритилади, ўқитиш, коммуникация, ахборот ва бошқарувнинг йўл, воситаларини танлаш ишини амалга ошириш асосида ётувчи ўқитиш технологиясини лойиҳалаштиришга концептуал ёндашув белгиланади.

Педагог томонидан машғулотни яхлит ҳолатда кўра билиш ва уни тасаввур этиш учун бўлажак ўқув машғулоти жараёнини лойиҳалаштириб олиш керак. Бунда у томонидан бўлажак ўқув машғулотининг технологик харитасини тушиб олиши муҳим, чунки у ҳар бир мавзу, машғулот учун ўқитилаётган фан, унинг хусусиятидан, талабаларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда тузилади. Технологик харитани тушиб осон эмас, чунки бунинг учун педагог педагогик, психологик, хусусий методика ва ахборот технологияларидан хабардор бўлиши керак бўлади. Ҳар бир ўқув машғулотининг турли, қизиқарли бўлиши аввалдан пухта ўйлаб тузилган ўқув машғулотининг лойиҳалаштирилган технологик харитасига боғлиқ.

Ўқув машғулотининг технологик харитасини қандай шаклдатузиш, бупедагогнинг тажрибаси, қўйган мақсадига

боғлиқ, унда ўқув машғулоти жараёни яхлит ҳолда акс этган бўлиши ҳамда аниқ белгиланган мақсад, вазифа ва кафолатланган натижа, ўқув машғулоти жараёни ташкил этишнинг технологияси тўлиқ ўзифодасини топган бўлиши керак. Унинг тузилиши педагогни ўқув машғулотининг кенгайтирилган конспектини ёзишдан халос этади, чунки бундай харитада ўқув машғулоти жараёнининг барча қирралари ўз аксини топган бўлади. Бу харита талабанинг имконияти, эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда тузилиши, уни шахс сифатида таълимнинг марказига олиб чиқади. Бу эса ўқитишнинг самарадорлигини оширишга имкон яратади.

Ўқитиш жараёнида талабаларга шахс сифатида қаралиши, турли педагогик технологиялар ҳамда замонавий усулларнинг қўлланилиши уларни мустақил, эркин фикрлашга, изланишга, ҳар бир масалага ижодий ёндашиш, масъулиятни сезиш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, таҳлил қилиш, илмий адабиётлардан унумли фойдаланишга, асосийси, ўқишига, фанга, педагогик ва ўзи танлаган касбга бўлган қизиқишлигини кучайтиради. Бундай натижага эришиш ўқув жараёнида инновацион ва ахборот технологияларни қўлланилишини тақозо этади.

Замонавий усуллар ёки ўқитишнинг самарасини оширишга ёрдам берувчи технологик тренинглар талабаларда мантиқий, ақлий, ижодий, танқидий, мустақил фикрлашни шакллантиришга, қобилиятларини ривожлантиришга, рақобатбардош, етук мутахассис бўлишларига ҳамда унга керакли бўлган касбий фазилатларни тарбиялашга ёрдам беради.

Технологик харитага илова ўз ичига қуйидагиларни олади: талабалар билимини фаоллаштириш мақсадида қўлланиладиган саволлар рўйхати, гуруҳларда ишлаш учун йўриқнома, ўқув фаолияти натижасида талабалар таяниши мумкин бўлган қоидалар (ақлий ҳужум, гуруҳларда

ишлиш қоидаси, мунозара иштирокчиларига эслатма), педагог томонидан машғулотда фойдаланиладиган слайдлар, жадваллар ва бошқа визуал материаллар, мунозара ўтказиш учун құшимча саволлар, гурұхларда ва якка ҳолдаги фаолиятни баҳолаш мезонлари ҳамда күрсаткичлари.

Машғулотларни самарали ташкил этиш ва ўтказиш учун педагогнинг ўз мутахассислигини чуқур билиши кифоя әмас. У назарий ва амалий машғулотлар ўтиш, бошқаларнинг машғулотини кузатиши ҳамда уларни таҳлил қилиш жараёнида педагогик маҳоратга эга бўлиб боради. Шунинг учун ўқув машғулотлари таҳлили масалалари таълим муассасалари раҳбарларининг диққат марказида бўлиши лозим. Педагог ўқув машғулоти таҳлилига киришдан олдин назарий ва амалий машғулотларнинг тузилиши, турлари, унинг таҳлилига қўйиладиган талаблар ва унинг мақсад, вазифаларини билиши керак.

Педагогларни ўз устларида мустақил ишлиш, ижодий изланишлари орқали таълим самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган омиллардан бири, бу мунтазам уларнинг ўқув машғулотларини таҳлил қилишидир. Педагог ўқув машғулотини кузатиш ва таҳлил қилиш, уларнинг педагогик маҳорати, иш тизими, талабаларнинг ўзлаштириши, билим даражаси каби соҳавий ва касбий лаёқати юзасидан хulosса чиқариш ҳамда педагогларнинг ўзаро тажриба алмашыш имконини беради. Ўқув машғулоти таҳлили кузатиш, ўрганиш шаклида олиб борилади ҳамда шартли равишда қўйидаги турларга бўлинади:

- **ташкилий ишлар таҳлилида** машғулот ўтказиладиган хонанинг тайёрлиги, талабаларнинг кайфияти ва соғлиги, ўқув хонаси ва столининг тозалиги, бўр ва намланган латтанинг борлиги, айrim сабабларга кўра ўқув машғулотида қатнашмаётган талабаларнинг

исми ва шарифлари ёзилган варақчанинг педагог столига қўйилишига, шунингдек педагогнинг ўқув машғулотига ҳозирлигига ва унинг ташқи қиёфасига ҳам эътибор берилади;

- **таълимий таҳлилда** мавзунинг илмийлиги ва изчилиги, оддийдан мураккабга томон йўналиши, кўргазмалилиги ва берилаётган билим, янги ахборотларнинг ҳаётийлиги, уларнинг жонли ва равон тилда очиб берилиши кўзда тутилади;

- **усулий таҳлилда** педагогнинг ўрганилаётган мавзуга дастурда мўлжалланган соатда, уни қандай усуллар ёрдамида, талабаларнинг ёши ва шахсий-психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда етказиб бера олиши, талабаларни ўйлашга, изланишга йўналтириши ва унга шароит яратиши, тажрибалари қай даражада эканлигини намойиш эта олиши назарда тутилади, унингижодкорлиги, усулий маҳорати кўзга ташланиши лозим;

- **методологик таҳлилда** таълим йўналишидаги хукумат қарорлари, талаблар, давлат тили, миллий рух, соҳа бўйича буюк аллома ва олимларнинг қилган ишлари, фикрлари, республикадаги охирги ўзгаришларнинг машғулот давомида фойдаланилиши асос қилиб олиниши мумкин;

- **психологик таҳлилда** талабаларнинг кайфияти, уларнинг соғлиги, жамоадаги соғлом мухит, фанга бўлган қизиқишилари, педагогга муносабати, ҳозиржавоблиги, идроки, янги ва аввалги материалларни эсда сақлашлари, тафаккури, олдида турган масъулиятли ишларга нисбатан, уларнинг иродали ёки иродасизлиги, қобилият, билим, кўнікма ва малакалар кўлами каби томонлар эътиборга олинади. Педагогнинг фавқулотда вужудга келган вазиятдан ўз обрўсини сақлаган ҳолда чиқа олиши, ўзини бошқара олиши ҳам инобатга олинади;

- **педагогик таҳлилда** педагогнинг ташқи қиёфаси,

талабалар билан тил топа олиш маҳорати, маданияти, одоби билан биргаликда ўқув машғулоти жараёнида умуминсоний тарбиянинг таркибий қисмларини талабаларга бера олиши ва унинг нутқ маданияти ҳам назарда тутилади.

Ўқув машғулотини кузатишдан мақсад- ўқув жараёнининг назорат қилиш, талабаларнинг мустақил ишни бажаришларини кузатиш, қўлланилган ўқитиш методлари билан танишиш, талабаларни билим савиясини аниқлаш, методик ёрдам бериш кабилардир.

**Машғулотни таҳлил этишда** - ўқув хонасининг кўриниши, педагогнинг ташқи кўриниши, талабаларнинг машғулотгатайёргарлиги, машғулотнитаشكилэтишусули, машғулотнинг кўргазмалиги, педагогнинг касб маҳорати ва усулий тайёргарлиги, илмий салоҳияти ва фундаментал билим даражаси, вақт тақсимоти ва фойдаланиш даражаси, машғулотда ноанъянавий усулларни қўллаш, машғулотда тест, тарқатма ва дидактик материаллардан фойдаланиш, бошқа фанлар билан боғлаш, ёзув доскасидан фойдаланиш, уйга вазифа назорати, талабалар билим даражасини текшириш ва баҳолаш, фан дастури, тақвим мавзуу режа, машғулот режаларининг мавжудлиги, техник ўқитиш воситаларидан ҳамда илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш, дарслекларнинг сақланиш ҳолати, машғулотда маънавий, эстетик ва экологик тарбия, педагогнинг машғулот давомида талабалар билан ишлаши, машғулотда қўлланилган иш турларининг мавзуу талабига мослиги, талабаларда муаммоли таълим бўйича малака ва кўникма ҳосил қилиш, назарий ва амалий ишларнинг уйғунлиги, фан дастури материалларининг тўлиқ берилиши, талабалар мустақил ишларининг ташкил қилиниши, давлат таълим стандартлари асосида машғулотни ўтиш, машғулотга доир хуносаларнинг чиқарилиши, бу жараёнида якуний натижалар асосида

кўзланган мақсадга эришиш кабиларга эътибор бериш керак.

Таълим тизимида фаолият кўрсатган тажрибали раҳбарларимиз ўқув машғулотларини кузатиш ва таҳлил қилиш учун маҳсус журнал тутишни тавсия этишади. Бу таҳлиллар муддати, миқдори ва кетма-кетлигини таъминлайди, аввалги таҳлиллар билан қиёслаш ва йўл қўйилган хатоларнинг тузатилганлигини кўриш имконини беради. Таҳлил журналларидағи кузатишлар ўқув йили якунида тўла ўрганилиб, эришилган ютуқ ва йўл қўйилган камчиликлар муҳокама қилинади. Бу эса янги ўқув йилида ўқув машғулотларини самарали ташкил этиш учун нималарга кўпроқ эътибор бериш кераклигини кўрсатади. Бу журналда кузатилган ўқув машғулотини куйидаги педагогик талаблар асосида **ёзиб бориш тавсия қилинади:**

- ўқув машғулоти, педагог ва гуруҳ ҳақида умумий маълумотлар: сана, педагогнинг фамилияси, исми-шарифи, маълумоти, педагогик фаолияти, фан номи, машғулот мавзуси, мақсади, ўқув хонаси тайёргарлиги;

- педагогнинг ўқув машғулотига тайёргарлиги: ишчи дастур, тақвим мавзуу ва ўқув машғулот режаси, маъруза матни, илмий, ўқув ва методик адабиётлар, кўргазмали ўқув қуроллар, тарқатма материаллар, техник воситаларнинг мавжудлиги;

- ўқув машғулоти таҳлилиниң мақсадлари;

- ўқув машғулотининг боришига илмий, методик ва педагогик тавсиф;

- ўқув машғулотининг тузилиши ва қисмларини режалаштириш: вақтдан, доскадан, ёрдамчи материаллардан фойдаланиш, талабаларнинг ўқув анжомлари билан таъминланганлиги;

- ўқув машғулотининг мазмuni: ўрганилаётган мавзунинг вақт ва ҳажм жиҳатидан фан дастурларига

мослиги, баён этилаётган материалнинг илмийлиги, тўлалиги ва изчиллиги, машғулотнинг ҳаётий воқеалар билан боғланиши, материалнинг талабалар ёшига мослиги, ғоявий-сиёсий қиймати, машғулотнинг тарбиявий аҳамияти, педагогнинг баён қилиш усули, мавзуни сўраш, баҳолаш, янги мавзуни ўтган мавзуга боғлаш;

- ўқув машғулотини ўтиш усуллари: машғулот давомида ўтилган мавзуни сўрашда, янги мавзуни баён этишда, мустаҳкамлашда, якунлашда қўлланилган усул ва шакллар ҳамда уларнинг мақсадга мувофиқлиги, ўқув машғулоти давомида фойдаланилган кўргазмали ўқув куроллар, дарсликлар, ўқув-усулий қўлланмалар, техник воситалар, талабанинг мустақил ишлари;

- педагогнинг ўқув машғулотига муносабати: гуруҳ талабаларини билиши, муомаласи, бошқара олиши, иш усули, раҳбарлик роли, нутқ маданияти, ташки қиёфаси, талабалар орасида обрўси, гуруҳ раҳбари ва ота-оналар билан алоқаси.

Ўқув машғулотининг ижобий ва салбий томонлари: бунда ўқув машғулотини кузатувчи таҳлил давомида кўрган ютуқ ва камчиликларни ажратиб олади, тавсиялар ёзиб қўяди;

- ўқув машғулотининг бажарилиши, машғулотда қўйилган мақсадга эришиш, талабалар билимининг сифати, ўқув машғулоти давлат таълим стандарти талабларига жавоб бериши;

- педагогнинг илмий, методик ва педагогик жиҳатдан ёрдамга муҳтожлиги ёки педагог илғор тажрибасининг оммалаштиришга лойиқлиги;

- ўқув машғулотининг самарадорлиги ва педагогнинг иш фаолиятини янада яхшилашга қаратилган илмий, методик ва педагогик таклифлар.

Хозир олий таълим муассасаларида амалий машғулотлар жуфтлик машғулот асосида ташкил этилиб,

улар 80-90 дақиқа давом этади. Унинг қулай томонлари, бошланган мавзуларни тўлиқ ўтиш имкониятини беради, сўровлар, мустақил ишлар, назорат ишларини ўз вақтида ўтилган материални тўла қопланган ҳолда ташкил қилиш мумкин бўлади. Аммо, шу билан бирга белгиланган жуфтлик машғулот вақтидан самарали фойдаланишгина дастурни тўлиқ ўзлаштиришга имкон беради.

Айрим таълим муассасаларида бу машғулотни кузатишда вақтдан оқилона фойдаланиш тамоилларига эътибор берилмаётганлиги ҳоллари мавжуд. Бу, айниқса, янги мавзуни батафсил ёздиришга уриниб педагог машғулот вақтининг 80-70 фоизини йўқотмоқда. Бунда ташкилий ишлар учун сарфланган 5 дақиқани, уйга берилган топшириқларни текширишга сарфланган 10 дақиқани, уйга вазифаларни бериш ва тушунтиришга сарфланган 10 дақиқани эътиборга олсак, бутун машғулот вақти ишлатиб бўлинган ҳисобланади.

Лекин, бундай босқич билан машғулотни ташкил қилишда ўтилган мавзуларни мустаҳкамлаш, амалий кўникумаларни шакллантириш четда қолади. Талаба берилган машғулот баёнини ўқиш билан чегараланиб, мустақил ишлаш, адабиёт ва қўлланмалардан фойдаланиш каби муҳим хусусиятларни ҳосил қилмайди. Бунинг олдини олиш учун машғулот баёнида мавзунинг муҳим томонлари ёздирилиб, унга маъруза матнлари, адабиётлар кўрсатилиб борилиши лозим.

## ҮҚУВ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛарНИНГ БИЛИМЛАРНИ ЭГАЛЛАШ ДаРАЖАЛАРИ

Үқув машғулоти жараённи лойиҳалашда педагог технолог сифатида ҳар бир машғулотда мақсадни аниқ ўрнатиши, ўтилаётган үқув материалларини мазмунан саралашда талабаларнинг ўзлаштириш фаолияти даражаларини, фанни баён қилишнинг илмий тилини ҳисобга олиши, ташкилий шаклларнинг мосини танлаб, белгиланган вақт доирасида самарали үқув машғулоти жараёнини ташкил этиши лозим. Бу кўрсаткич талабига мос ҳолда үқув-билиш фаолиятини амалга ошириш учун унга олдиндан алоҳида тайёргарлик кўриш керак бўлади. Умуман үқув машғулоти жараёнига олдиндан ишлов бермасдан, якуний натижаларининг үқув мақсадига мос келишини чамаламасдан, ўқитиш давомида юзага келадиган нокулай ҳолатларга боғлиқ ҳолда бошқариш имкониятларини ҳисобга олмасдан туриб мазкур жараённи технологиялаштириш мумкин эмас.

Баҳолаш жорий, оралиқ ва якуний назоратни ўз ичига олади. Жорий назорат узлуксиз қайта боғланишни таъминлайди ва одатда баҳолашсиз ўтказилади, шунинг учун у билимларни шакллантиришда иштирок этади. Педагогик технологияда қайта боғланиш нафақат ўқитиш жараёнини тузатиб бориш учун, балки үқув мақсадларини аниқлаштириш учун ҳам хизмат қиласди. Якуний назоратда режалаштирилган үқув мақсадларига эришганлик даражаси баҳоланади. Рейтинг назорати оғзаки, ёзма ва тест усулида бўлиши мумкин.

Талабанинг ёзма ва оғзаки назоратда олган баҳоси беъзан холисона бўлмайди. Билимларни баҳолаш амалиётида педагоглар гуруҳнинг ўртача даражасини ҳисобга олади. Шунинг учун кучсиз гурухларда баҳолар одатда кўтарилилган, кучли гурухларда пасайтирилган

бўлиб чиқади.

Ёзма назорат үқув материалини ўзлаштириш даражасини ҳужжатли тарзда ўргатиш имконини беради, шунингдек, талабага ўз фикрларини қоғозда баён қилиш имконини беради. Икки-уч мустақил эксперталарни ишларини текшириш учун жалб қилиш билан ўтказиладиган ташқи ёзма назорат аниқ мезонлар бўлган тақдирда объектив баҳога яқин баҳолашга имкон беради.

Аммо, билимларни оғзаки ва ёзма назорат қилишнинг анъянавий усули маълум камчиликларга эга: имтиҳонда талаба берилган билетнинг 3-4 саволига жавоб беради, баҳо эса бутун үқув фанини билиш учун қўйилади, 5 баллик шкала ишлатилган. Оғзаки ва ёзма назорат ҳар доим ҳам билимларни баҳолашнинг объективлигини, аниқлигини ва ишончлилигини таъминламайди, оғзаки сўров кўп вақт сарфланишини талаб қиласди, ёзма ишлар педагогларнинг уларни текширишга кўп меҳнат сарфлашлари билан боғлиқ.

Сўнгги йилларда педагогика фанида билимларни оғзаки ва ёзма назорат қилиш объективлигини, ишончлилигини етарлича ошириш усуслари ишлаб чиқилмоқда. Лекин, шуни ҳисобга олганда ҳам билимларни оғзаки ва ёзма текшириш етарлича технологик эмаслигича қолади, уларни компьютерлар ёрдамида автоматлаштириш қийин. Бу нисбатда билимларни тест усулида назорат қилиш, улардан бир неча марта устун туради.

Тўғри ташкил қилингандага педагогик тест талabalар билимини холисона баҳолаш самарасини беради. Педагогик тест тўла асос билан ўқитиш натижаларини аниқ ва ишончли баҳолашга имкон берадиган педагогик ўлчов қуролидир. Бундай баҳолаш фақат илмий талабларга амал қилинган ҳолда тузилган, текширилувчан ва

меъёрига етказилган сифатли тест туфайлигина амалга оширилиши мумкин. Тест ўтказиш ўқитишни олиб бориша унинг натижаларига катта таъсир кўрсатиши мумкин. Сифатли тестлар билиш фаоллигини оширади, талабалар фаолиятида юқори мўлжалларни белгилайди.

Билимларни ўзлаштириш назоратининг илғор воситаларини киритадиган рейтинг тизимидан самарали фойдаланиш ҳам муҳим. Талабалар билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими деганда ҳар бир талабани ўқитишнинг бориши ва натижаларини баҳолашга бир хил шаклда ёндашувнинг ўзаро боғлиқ кўрсатмалари ва қоидалар мажмуаси тушунилади. **Олий таълим муассасаларида рейтинг назорати таркибида қуидагилар ифодаланади:**

- назорат турлари (жорий, оралиқ ва якуний);
- назорат усуллари (оғзаки, ёзма, тест ўтказиш, маълум амалларни бажариш);
- даврийлик ва ўқитиш даври мобайнида баҳолашларнинг энг кам сони;
- баҳолаш мезони;
- ўқитилаётган фан бўйича якуний баҳога талабанинг айрим баҳоларини бирлаштириш қоидалари;
- натижаларни расмийлаштириш қоидаси ва бошқа кўрсатмалар;

Олий таълим муассасаларида рейтинг тизимини киритишнинг мақсад ва вазифалари, одатда қуидаги натижаларга эришиш учун шарт-шароитлар яратишдан иборат:

- талабалар томонидан давлат таълим стандартлари талабларининг ўзлаштирилиши;
- билимларни баҳолашнинг холислиги ва узлуксизлигини таъминлаш;
- талабалардаги билиш фаолиятининг фаоллашуви, уларда ўқида ютуқларга эришишга интилишнинг

шаклланиши, мустақил ишга мунтазам жалб қилиш;

- ўқиш жараёнидаги ютуқлар бўйича талабалар ўрнини аниқлаш билан ўқув фаолияти натижаларини мувофиқлаштириш, уларни ўқишдаги ютуқлари учун рағбатлантириш;

- ўқитиш натижаларининг таққосланишини таъминлаш.

Талабалар билимларини баҳолашнинг илғор рейтинг тизими қуидаги асосий **талабларга жавоб берishi керак**:

- узлуксиз таълим босқичининг ўзига хослигини инобатга олиш;

- ўқув фанининг алоҳида қисмларини эмас, балки ялпи назоратини амалга ошириш;

- талабаларни ўқишдаги ютуқлари бўйича яхшироқ табақалаш мақсадида баҳоларнинг кўп балли мезони кўллаш;

- педагог томонидан қўйиладиган бирламчи баҳо мураккаб математик ҳисоблашлар билан боғлиқ бўлмаслиги, у педагог томонидан ўқув муассасасида олдиндан ишлаб чиқилган мезонлар асосида қўйилиши;

- ҳар бир таълим муассасасининг кўрсатмалари асосиданатижалари якуний рейтинг баҳолашга кирадиган, ўқитиш давридаги барча фанлар бўйича оғзаки, ёзма ва тест назоратларининг зарур мажбурий сонини ўрнатиш;

- рейтинг тизимлари маълум босқич чегарасида ўқитиш натижаларининг таққосланиш имконини таъминлаши ва бошқалар.

Маълумки, бир хил шароитда тегишли методикалар ва мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб ўқитганда талабалар турлидаражадаги ўзлаштириш кўрсаткичларига эга бўлишади. Бунинг асосий сабаби, улар қобилиятининг турличалигигида.

Б.Блум ўтказган тадқиқотларида юқори

қобилятлилар юқори натижаларни, ўртача даражадагилар ўртача кўрсаткичларни беришлиги аниқланган. Бунда вақт сарфи ҳам турлича эканлигини кўриш мумкин: қобилятлилар ўкув материалини ўзлаштириш учун кам вақт, ўртачалар учун улардан кўпроқ вақт, бўшлар учун энг кўп вақт зарур бўлар экан. Анъанавий таълимда ушбу номувофиқликдан чиқишнинг икки йўли мавжуд: биринчиси, иккинчи йил қолдириб ўзлаштириш даражасига эриштириш, иккинчиси, гуруҳ талабаларини гомоген гурухларга ажратиш йўли билан таълимда юқори самарадорликка эришиш.

Б.Блум анъанавий таълимдан фарқли равища, таълим шароитининг самарали шароитини танлаш, биринчи навбатда ўқиши суръатини ошириш орқали тўла ўзлаштиришга эришиш мумкинлиги ғоясини илгари суради. Бундай шароитда кучли ва бўшлар ўртасидаги ўзлаштириш фарқи кескин камаяди. Тўла ўзлаштириш моделида мавжуд талабалар гуруҳининг ҳаммаси юқори натижаларга эришиши учун ўкув мақсадларидан келиб чиқадиган натижалар тегишлича юқори даражаларда ифоланиши керак.

Педагогик технологиялар таълимда репродуктив ўзгариш даражасини эгаллашни кафолатлади. Талаба продуктив (маҳсулдор) ва ижодий ўзлаштириш даражаларини эгаллашда анъанавий методикадаги ўқитишининг муаммоли усул ва методларидан унумли фойдаланади. Педагогик технологияларни яратища анъанавий ўқитиши методикасидаги бой тажриба ва илфор педагогик жараёнлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Педагог бўлим, бобни лойиҳалаштиришга киришар экан, аввало, мезонни тўғри аниқлаши, ушбу моделда ишлашнинг асосий ҳолатини ҳисоблашни билиши зарур. Шундан кейин курс мақсадларини тоифалаштириш, мақсадларидан аниқлаштирилган натижалар олинишини

кетма-кетлиқда ишлаб чиқиш ва уларга мос равища диагностик тестлар тайёрланиши, ўрганиладиган материални қисмларга бўлиб ўрганилиши лозим бўлган ўкув бирликларини аниқлаши, уларни таҳлил қилиши ва ўрганиш бўйича қайта ишлаб чиқиши лозим.

Ўкув бирликлари аниқлангач, уларни ўрганишда қандай натижаларга эришишни бирма-бир аниқлаш, эришилган натижаларни текшириш учун диагностик характердаги тест назоратларини ўтказиши ва бу назорат натижалари баҳоланмаслиги керак. Бунда фақатгина ўрганганд, ўрганмаган мезонларида баҳоланади ва зарур тузатишлар киритиб борилади.

Навбатдаги босқичда ҳар бир тест жавобларидағи хато ва камчиликларни тузатиш бўйича талабалар учун янги бўлган ўкув методикасига оид қайта ўрганишни ташкил этади. Ушбу методикани амалга ошириш қуидаги кетма-кетлиқда кечади: кириш қисми, талабаларни тўла ўзлаштириш методикасида таълимга тайёрлаш ва уларда рағбатни вужудга келтириш, тўла ўзлаштиришга йўналтирилган ҳолда ҳар бир ўкув бирлиги бўйича ўқитиш, ҳар бир талабада ўкув материалининг тўла ўзлаштирилганлигини баҳолаб бориш ва ҳар бир талабага қўйилган баҳони изоҳлаш.

Лойиҳалаштирилган ўкув жараёнининг бирлиги икки кичик лойиҳага ажратилади. Биринчи қисмida анъанавий таълимдагидек тушунтириш, кўрсатиш, изоҳлаш, асослаш, тушунчаларни шакллантириш, уларни билиш, амалга татбиқ қилиш кабилар аниқ ифодаланган мақсадлар асосида олиб борилади. Иккинчисида, ҳар бир ўрганилган ўкув бирлиги бўйича жорий тест синовлари олинади. Тест синовлари диагностик аҳамият касб этиб, тескари алоқа вазифасини ўтайди, уни ўтказишдан мақсад тузатишлар киритиш, тўлдиришларни амалга оширишдан иборат бўлиб, бунинг учун қўшимча ўкув тадбирлари

белгиланади. Тест натижаларига кўра талабалар икки гуруҳга ажратилади: тўла ўзлаштиришга эришганлар ва эришмаганлар гуруҳи.

Ўқув бирликларини тўла ўзлаштирган талабалар педагог раҳбарлигида ушбу ўқув бирликларини ўрганишни давом эттиради. Улар билан қўшимча тузатиш ишлари ташкил қилинади ва йўл қўйилган камчиликлар аниқланади ҳамда уларни тузатиш учун машғулотлар олиб борилади. Бу машғулотлар такрорий бўлгани учун уни баён қилишда янги усуллардан фойдаланиш ва кўргазмали қуроллар, ўқитишининг техника воситаларини ишлатиш, индивидуал ишлардан фойдаланиш орқали ушбу гуруҳ тўла ўзлаштиришга олиб чиқилади. Тўла ўзлаштиришга эришганлар учун қўшимча топшириқлар берилади, улар навбатдаги ўқув бирлигига ўтказилмайди. Навбатдаги ўқув бирлигини ўрганишга иккала гуруҳ ҳам бирга киради.

Ҳар қандай фаолият инсон томонидан олдин ўзлаштириб олинган ахборотлар ёрдамида амалга оширилади. Ахборотлардан фойдаланиш характеристига қараб фаолиятнинг икки кўринишини фарқлаш мумкин: номаҳсул ва маҳсулдор. Уларнинг бир-биридан фарқи шундаки, номаҳсул фаолиятида инсон ўзига маълум бўлган ҳаракат қоидаларидан фойдаланади ва бу жараёнда ҳар қандай янги ахборотлар юзага чиқмайди, чунки у фақат олдин ўзлаштирган усулларни қайтадан ишлаб чиқади.

Талабалар маҳсулдор фаолиятни бажаришда доимо янгиликка дуч келади. Ҳар икки фаолият тури ҳам мустақил равишда ёки ташқаридан кўрсатилган таъсир ёрдамида бажарилади. Номаҳсул фаолият йўриқнома, лугат орқали ёки ҳаракатларни бажариш қоидалари тўғрисида бошқа бир ахборот манбалари асосида кўрсатмасиз бажарилса, маҳсулдор фаолият маълум методик кўрсатмалар остида бажарилиши мумкин.

Умуман олганда, билим ва қўнималарни ўзлаштириш

сифати бўйича ўқув машғулоти мақсадларининг ташхисланувчанлиги ўзлаштиришнинг зарурий даражаларини аниқлаштиришни талаб этади. Демак, биринчи навбатда, талабаларнинг бўлажак фаолиятига ва мутахассислик маҳоратига қўйилган талаблар эътиборга олинади.

Талабаларни замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, рақобатбардош кадрлар қилиб тайёрлашда **қуидагиларга эътибор қаратилади**:

- ўқув машғулоти жараёнини демократизациялаш, ҳамкорлик педагогикасига асосланиш;

- мазкур жараёнда дидактик ўйин, муаммоли, модулли ўқитиши, лойиҳалаш ва ҳамкорликда ўқитиши технологияларидан фойдаланиш орқали талабаларнинг якка тартибда ва кичик гуруҳларда мустақил, ижодий ишларини ташкил этиш;

- талабаларнинг бўлажак мутахассислик фаолиятига илмий-методик жиҳатдан тайёргарлигини таҳлил қилиш, уларда кўнималар шаклланишини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир талабага ўзини-ӯзи ривожлантиришнинг индивидуал иш режасини тавсия этиш;

- ўқув машғулоти жараёнини ташкил этиш ва бошқариш, талабаларда мустақил фикрлашни шакллантиришга имкон берадиган замонавий педагогик ва ахборот технологияларини танлаш ҳамда амалиётга жорий этиш кўнималарини эгаллашига эришиш;

- талабаларнинг битирув малакавий ишлари мавзуларини ўқув машғулоти жараёнининг долзарб муаммоларига бағишлиш орқали мунтазам равишда ўз савиясини ошириш ва фаол илмий-тадқиқот ишларини олиб боришига замин тайёрлаш.

Талабаларнинг илмий-методик тайёргарлигини такомиллаштиришда уларнинг илмий-тадқиқот назарий тайёргарлигига асос бўладиган мутахассислик

фанларини ўқитишида касбий йўналтирилганлик, умумкасбий фанларни ўқитишида касбий тайёргарликни шакллантирадиган педагогика, педагогик технологиялар, психология каби ўқув курслари ўртасида узвийликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, ўқув машғулоти жараёни мақсадга мувофиқ равишда бошқарилади. Бу масала ҳар бир янги ўзлаштирилиши лозим бўлган билимларнинг, ундан аввал ўзлаштирилган билимлар даражасига боғлиқ. Агар навбатдаги ўзлаштирилиши лозим бўлган билимларни, ундан олдинги ўзлаштирилган билимлар асосида прогноз этиш масаласи илмий-усулий жиҳатдан ҳал этилса ва амалиётда қўлланса, бу ҳол, биринчидан, педагоглар учун ҳар бир талабанинг навбатдаги билиш фаолиятини бошқаришда катта имкониятлар яратади. Иккинчидан, ҳар бир талаба ўзини-ўзи назорат қилиш имконига эга бўлиб, ўз фаоллигини оширади.

Бугунги кунда мутахассис тайёрлашда талабаларнинг турли фанлардан, шу жумладан, педагогик ва касбий усулиётлар бўйича билим, иқтидор ва кўникмаларини шакллантириш жараёнини назорат қилиш муҳимдир. Тўғри ташкил этилган назорат талабаларни олинаётган билимларини янада чуқурлаштириш, уларнинг шахсий хусусиятларини ривожлантириш учун турли воситаларни танлаш имконини беради. Талабанинг ўқув фаолиятига таъсир этишнинг икки қирраси бор. Биринчиси, педагог қўллаётган усул ва методлар бўлса, иккинчиси, педагогнинг фақат шахсий хислатларига боғлиқ бўлган таъсир этиш воситаларидан фойдаланишdir.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, олий таълимнинг узлуксиз такомиллашишида ўқув машғулоти жараёнларининг усул ва методларини янада мукаммаллаштириш ва талабалар ўқув фаолиятини бошқариш масалалари узлуксиз ечимли муаммолар

қаторига киради.

Ўқув машғулоти жараёнида билим, иқтидор ва кўникмалар шаклланганлигини назорат қилиш муҳим ўрин эгаллайди. Тўғри ташкил қилинган ўз-ўзини назорат эса ўқув материалини ўзлаштиришга ижодий ва танқидий ёндашиш имконини беради. Бу, айниқса, янги фан ўрганилаётганида бундан олдинги ўқув фанларида ўзлаштирилган билимларнинг даркорлигида кўринади. Талабалар мустақил ишлаб етишмайдиган билимларини тўлдириб борса яхши, аммо ўзини-ўзи назорат қила олмайдиган талабаларнинг янги мавзуни ўзлаштириши анча мураккаб кечади.

Шунинг учун ҳам педагоглар янги фан ва мавзуни бошлашдан олдин талабаларнинг янги дастурни ўзлаштиришга қанчалик тайёрлигини аниқлаш мақсадида дастлабки назоратни амалга оширишлари керак бўлади. Назоратнинг жорий, оралиқ, якуний каби учта тури ва ёзма, оғзаки ва тест синовлари ҳамда турли амалий шакллари мавжуд.

Бугунги кунда, талабаларнинг фанларни мустақил ўзлаштиришини компьютерлар ёрдамида ташкил қилиш муҳим. Улар ёрдамида ташкил қилинганинг асосий манбаларидан бири замонавий талабалар гажавоб берадиган ўқув-назорат дастурлари таъминотини яратишидир. Компьютер замонавий техника воситаси сифатида, улар ёрдамида талабаларнинг назарий билим асослари билан қуролланишига ёрдам беради, ўқув материалини фаол ўзлаштиришга, эгалланган назарий билимларни амалга жорий эта олишга ўргатади ҳамда уларнинг ўзлаштириш даражасини тез ва ҳаққоний аниқлашда қулай восита бўлиб хизмат қиласди.

Кейинги йилларда ўқув машғулоти жараёни элементларини компьютерлаштириш бўйича, яъни ўқув материалини баён қилувчи ўқитиши, тасаввур қилиш

қийин бўлган жараёнларни намойиш қилувчи, талабалар ўзлаштириш даражаларини турли усулларда назорат қилувчи дастурларни амалиётгажорий этиш ишлари йўлга қўйилди. Аммо, ўқув машғулоти жарёнида фойдаланиш учун мўлжалланган дастурлар яратишга ва улардан кенг фойдаланишга етарлича эътибор берилмаяпти. Ушбу масалаларни ҳал қилиш мақсадида талабаларнинг мустақил равишда билим олиши ва ўзлаштириш даражаларини аниқлаш компьютер дастури яратилган бўлиб, ундан фойдаланиш натижасида талабалар фанларни мустақил тарзда ўзлаштиришлари билан бирга, ўз билим даражасини аниқлашга ҳам эришишади.

Дастурдан фойдаланиш содда бўлиб, унда худди Windows операцион тизимида ишлагандек ишлаш имкониятига эга бўлинади. Дастур ишга туширилгач, у билан ишлаш бўйича кўрсатма ойнаси ҳосил бўлади. Кўрсатма билан танишиб бўлгач, талабалар танлаган кўрсатмалари бўйича бир неча ойналар бирин-кетин ҳосил бўлади. Дастур ойналаридан асосийларидан бири "Фан дастури" бўйими бўлиб, буни танлаш орқали "Мавзуни танлаш" ойнаси ҳосил қилинади. Талаба бу ойнадан факультет, кафедра, фан ва мавзу номларини танлаши, сўнг ойнадаги "Мавзуни ўқиш" бўйими устида сичқонча тутмасини босиши зарур.

Натижада, талабадан исми, шарифи ва гуруҳ рақамини киритиш сўралади. Бу маълумотлар киритилгандан сўнг "Давом этамиз" кўрсатмаси танланади ҳамда талабадан "Керакли мавзуни танлаш" ва "Мавзу бўйича тест синови" бўлимларидан бирини танлашни талаб қилувчи навбатдаги ойна ҳосил бўлади. Талабалар хоҳишига кўра ушбу бўлимлардан бирини танлаши мумкин.

Дастурда талабанинг мавзуни ўзлаштириш даражасини ҳисобга олишда рейтинг тизими эътиборга олинган бўлиб, агар талаба 55% дан ортиқ ўзлаштиришга

эришса, бошқа фанни танлаши ва ўз билим даражасини аниқлаши мумкин. Талабаларнинг мавзуни мустақил ўзлаштирганлик даражасини таҳлил қилиш учун "Мавзуни танлаш" ойнасидаги "Маълумотлар омбори" бўлими танланади. Натижада "Текширув ойнаси" ҳосил бўлади ва керакли паролни киритиш сўралади. Сўнгра, "Текширув" ойнасидаги "Янги парол киритиш", "Паролни тасдиқлаш", "Базани тозалаш", "Омборга кириш", "Хисоботлар" ва "Чиқиши" каби бўлимлар ишчи ҳолатда бўлади. Ойнанинг "Хисоботлар" бўлими орқали дастурдан мустақил шуғулланган талабалар ҳақидаги маълумотларни олиш мумкин.

Бу дастурнинг қулайлик томони шундаки, фан бўйича тайёрланадиган назарий маълумотлар ва тест саволлари Word дастурида тайёрланган бўлса, уни ўқиш имкониятига эга. Ушбу дастурдан ихтиёрий фанларни мустақил равишда ўзлаштиришда фойдаланиш мумкин. Бунинг учун фанлар бўйича тайёрланган дидактик материаллар ушбу дастур базасига киритилса ва дастурга боғланса, машғулот сифати янада яхшиланади, талабалар компьютер орқали мустақил тарзда билим олишга эришади.

Америкалик руҳшунослар Р.Ганье ва Л.Бриггслар аниқ ўқув мақсадларига эришишга йўналтирилган ва шу билан бирга маҳсулдор тафаккур даражаларига эришишга рағбатлантирувчи унсурларни ўз ичига олган қуйидаги ўқув машғулоти курилмасини тузишни таклиф қилишган, ўқув машғулоти ўтишнинг бу усули хусусий ўқув мақсадларига эришишга ҳамда фикрлашнинг маҳсулдор **даражасини рағбатлантиришга қаратилган:**

- талабалар диққат-эътиборини бир жойга жамлаш;
- талабаларни ўқув машғулоти мақсадларидан хабардор қилиш;
- зарурий билимларни ёдда сақлаб қолиш кўникумаларини эгаллаш зарурлигини уқтириш;

- қизиқиш уйғотадиган ва уларни ҳаракат қилишга ундаидиган ўқув материалини тақдим қилиш;
- талабаларнинг ўқув материалидан таъсирланиб қиласынан акс-садо қабилидаги жавобларини юзага келтириш;
- фикрлаш фаолиятига таъсир қилиш, олинган билимлар ва маҳоратнинг мустаҳкам бўлишига эришиш;
- талабалар фаолиятини рағбатлантириш.

Инглиз олим А.Ромишевский педагогик технология методининг қуидаги вариантини тавсия этади:

- талабаларни керакли билимлардан хабардор қилиш;
- эсда қолганларни тиклашга доир маҳоратни шакллантириш;
- талаба бажарадиган иш-ҳаракатни яхлит ҳолда ва қисмлари бўйича намойиш этиш;
- малака ҳосил қилишни соддалаштириш (берилган вазифани бўлакларга бўлиб бажартириш);
- талаба мустақил бажараётганидан хабардор бўлиб, уни рағбатлантириб бориш;
- маҳсулдор, изланувчан даврга ўтиш;
- турли мувофиқларни ташкил этиш ва янги ҳамда ўзига хос масалаларни ечиш;
- талабалар ўз фаолиятини таҳлил қилишлари, педагог ҳам ўз навбатида уларнинг вазифани қандай бажарганиликларини гурухда мухокама қилишлари.

Ҳар бир ўқитилаётган фандан талаба маълум йўл-йўриқ олади. Бунда бўлим ёки бобнинг мақсадлари кўрсатилиши, ўқув ишларининг маълум турлари тавсия қилиниши, талаба ўзини-ўзи текшириши ва назорат саволларининг рўйхати келтирилиши керак. Талабаларга ўқув фаолиятининг турлари ва ишлаш тартибини эркин танлаш имкони берилади. Ўзлаштирилган боб, бўлим бўйича имтиҳондан аввал ҳар бир талабани ёрдамчи ассистент педагог ишлаб чиқсан аниқ талаб ва мезонларга

мос ҳолда баҳоланади. Қониқарсиз баҳо олишганида ёрдамчи тавсиясига кўраталабаларга қўшимча материални ўзлаштирилиши юзасидан тавсиялар берилади. Синовдан ўтиш кейинги бўлимни ўрганиш учун ўзига хос рухсатнома бўлиб хизмат қиласи. Маърузалар сони кўп бўлмайди (бир семестрда 6 тагача), уларга қатнашиш мажбурий эмас.

Ўқув машғулоти жараёнида педагогик технологиялардан ўз ўрнида фойдаланиш, талабаларнинг билим олишга бўлган қизиқишларини орттиради, билиш фаолиятини фаоллаштиради, машғулоти жараёнининг самарадорлигини оширади.

Хозирги кунда республикамизда **тест** вазифаларини ўртacha ўтказиш нормативлари ишлаб чиқилган. Албатта, бу тестлар ҳар бир таълим муассасаси мақсадидан келиб чиқсан ҳолда ўтказилиши ҳам **назарда тутилган**.

1. Жорий назорат: 10-15 саволдан иборат бўлиб, унга 10-15 дақиқа ажратилади.
2. Оралиқ назорат: 25-30 савол, 30-40 дақиқани ўз ичига олади.
3. Якуний назорат: 50 савол, 1-1,5 соатни ўз ичига олади.

Талаба билими, малака ва маҳоратини текшириш ҳамда баҳолаш бутун ўқув йили давомида изчиллик ва таълимнинг пухталиги томойилларига мувофиқ олиб берилади. Шу билан билимни текшириш ва баҳолаш турларимавжуд. Қандайчина талабани ўқишга қандай билимга, малака ва маҳоратга эга эканлигига эътибор қартиш мүҳим. Асл моҳияти яна талабани ўқишга қандай муносабатда бўлиши, шуғулланиши кабиларга боғлик. Буларнинг барчаси билимни текшириш ва баҳолашнинг турли усувларини қўллашнинг зарурлигини кўрсатади. Информатика бўйича бир даврда талабалар билимини жорий назорат қилишнинг турларини классификациясини **кўриб чиқамиз**:

- оғзаки сўроқ;
- уй иши;
- талабаларнинг ўқув фаолиятини кузатиш;
- лаборатория иши назоратининг ижодий шакли.

Талабаларнинг билимини назоратнинг қизиқарли шакллари сифатида турли информатикадан реферат, кроссворд ва ребуслар таклиф қилиш мумкин.

Оралиқ назорат жорийга қараганида кўпроқ мустақил назорат тури. Унда фан дастурларини ва аниқ ўқув фанининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш имконияти бор. Оралиқ, жорий ва яқуний назоратнинг турли мақсадлари, уларнинг турли функцияларида ўз аксини топади. Оралиқ назоратнинг қуйидаги функциялари бор: ўқув фаолиятининг самара даражасини текширув, диагностик, ташкилий, тарбиявий-мотивацион. Оралиқ назоратнинг мақсади талабаларнинг ўқув соҳасида маълум бир мавзуларининг ўзлаштирилганлигини текшириш. Оралиқ назорат педагог томонидан оғзаки ва ёзма шаклда ўтказилиши мумкин. Бундан ташқари фаннинг йўналиши ҳамда талабалар даражасидан келиб чиққан ҳолда тест турлари, шакллари танланиши лозим. Тест турларини қуйидаги гурухларга ажратиш мумкин.

**Эслаш, ёдда сақлаш, таниш** каби психик жараёнларнинг боришини таъминловчи тестлар. Бу тестлар мустаҳкамлаш ва текшириш вазифасини бажаради. **Ўзлаштиришнинг репродуктив даражасини ўлчовчи** тестлар. Бу тестда талаба ўз билимларини ўрганган ҳолатида қўллай олиши талаб этилади. Бу тестларни ишлашда талаба формулани эслаш, тенгликларни ва шунга ўхшаш мисолларни эслаш каби психологик операцияни бажариши лозим. Бундай тест талабаларда билим, малака ва кўнимкаларини баҳолашга ёрдам беради. Аммо, бу тестда кўпроқ қўллай олиш назарда тутилади. Бундай тестлар ижодий фикрлаш даражасига таъсир этмайди ва

уларни репродуктив тестлар деб аташ ўринли бўлади.

**Продуктив тест тури.** Бундай тестни ечишда талабадан ижодий ёндашув талаб этилади. Бунинг учун талаба 5-6 та операцияни бажариши лозим. Бу тест мантиқий фикр юритиши талаб этади. Бунинг учун ўқув машғулоти жараёнида ечилган машқлардан бир оз бошқачароқ вазифалар танлаб олиниши керак бўлади.

**Изланувчан-ижодий тест тури.** Маълумки, ижод - бу қандайдир янги ечимни топишdir. Бунинг учун бу тестда стандарт бўлмаган вазифалар берилади. Бу мураккаб тест бўлиб, ижодни ривожлантиришда ва иқтидорли талабаларни танлаб олишда ишлатилади.

Тестларнинг шаклига кўра ҳам бир қанча гурухларга ажратиш мумкин.

**Ёпиқ тестлар.** Бу тест шарт, сўроқ ва бир қанча жавоблардан тузилган бўлиб, биттаси тўғри жавоб ҳисобланади. Унинг ёпиқ тест дейилишига сабаб, талаба ўзининг тўғри жавобини бера олмайди. У фақат мавжуд жавоблардан биттасини танлаши мумкин. Бундай тестларни тузишда юзакиликдан эҳтиёт бўлиш керак ва жавоблар тузабётганда мантиқийлик ҳамда таҳлилга асосланиши лозим. **Очиқ тестлар.** Бу тестда шарт ва сўроқ берилади. Жавоб эса мустақил талаба томондан топилади. Бунда муҳим сўз тушириб қолдирилиши мумкин, ана шу сўз топилиши лозим.

**Муносабликни танлашга қаратилган тестлар.** Бу тестлар ажратиш ва жой-жойига қўйиш каби операцияларни бажаришда ишлатилади.

**Изчилликни ўрнатишга бағишлиган тест.** Бунда тартибсиз берилган элементлар изчил кетма-кетлика жойлаштирилиб чиқиши керак.

Ўқув машғулоти жараёнини ташкил этиш, ўқитиши воситалари, усувлар, технологиялар - дидактик жараён бўлиб белгиланган вазифаларни амалга оширишга

қаратилган. Педагогик тизимнинг бир элементи ўзгарса, масалан мақсади ўзгарса унинг бошқа қисмлари (шакл, мазмун, жараёнлари) ҳам ўзгаради.

Билим ўзлаштириш даражалари ва ўзлаштириш коэффиценти репродуктив фаолият албатта бирламчи бўлиб, ундан маҳсулдор фаолият келиб чиқади. Талаба аввал репродуктив фаолиятни бажариши ва кўникма, малака ҳосил қилиш лозим, сўнгра маҳсулдор даражасига кўтарлиши лозим. Масала ёки вазиятни ечимини топиша **тўртта даражада ажратилади**.

1. Агар мақсад, ҳаракат ва вазият аниқ кўрсатилган бўлса ҳамда талаба фақат шу ҳаракатни бажариши талаб этилса, бу биринчи даражали ўзлаштириш деб аталади.

2. Агар мақсад ва вазият маълум, аммо ҳаракатни талаба ўзининг олдинги билимларини эслаш ҳисобига топиши лозим бўлса, бу иккинчи даражали ўзлаштириш хисобланади. Бу иккала ўзлаштириш усули репродуктив фаолията киради.

3. Агар вазифада мақсад аниқ, аммо вазият ноаниқ бўлса, талабадан вазиятни эслаш ванотипик масалани ечиш талаб этилса, бу эвристик типдаги фаолият хисобланади.

4. Агар фаолиятнинг мақсади умумий тарзда берилган бўлса, вазиятни ҳам, ҳаракатни ҳам излаш талаб этилса, бу ижодий типдаги маҳсулдор фаолият хисобланади.

Фаолиятни ўзлаштиришнинг бу тўрт даражаси билим, малака ва кўникмаларни шаклланиши босқичларидир. Ўқув машғулоти жараёнида репродуктив фаолиятдан маҳсулдор фаолиятга уйғунлик билан ўта олиш мазкур жараён самарадорлигин оширади.

Олий таълимда репродуктив таълим билан чегараланиб қолиш катта камчилик ҳисобланади, чунки касбий тайёргарлик талабаларда ижодий ёндашув, мустақил фикрлаш ва муаммоларни ечимини тез топиш

каби малака ва кўникмаларни шакллантиришни талаб этади. Бугунги кунда малакали кадрларни етиштириш масаласи долзарб муаммо. Биз талабаларни билимларни қайтариб айтиб беришга эмас, балки ана шу билимларга таянган ҳолда мустақил холосалар чиқаришга ҳозирда мавжуд бўлган муаммоларни ечимини топшига ўргатишимиш лозим. Бунинг учун эса, ҳар бир мавзуни репродуктив ўзлаштириш жараёнидан маҳсулдор ўзлаштириш жараёнига қараб борувчи ҳаракатини таъминлаш керак. Маълум мавзу юзасидан олинган репродуктив билимлар аввал конструктив ёндашувга, сўнгра эса ижодий ёндашувга асос бўлсин.

Ўқув мотивлари талабада қизиқиши, эҳтиёж, интилиш уйготишини ўз ичига олади. Талабада мотивларни шакллантириш индивиудал хусусиятларига, ташкилий шаклларга, педагогнинг маҳоратига боғлиқ. Мотивлар кучли ёки кучсиз бўлиши мумкин. Ўқиш мотивациясини пайдо бўлишига кўпгина омиллар таъсир кўрсатади. Булардан бири ташқи омил. Иш ўринларига ҳақиқий рақобатда ғолиб бўлган кадрларни танлов орқали қабул қилиши муҳим омиллардан бири. Ўзлаштириш фаолиятини ташкил этиш ўқув машғулоти мақсадларидан келиб чиқади.

Агар ўзлаштиришни биринчи даражаси мақсад қилиб қўйилган бўлса, репродуктив ўзлаштириш даражаси билан кифояланиб қолинади. Агар мақсад сифатида 3-4 даражада олинган бўлса, унда ўзлаштиришнинг маҳсулдор шаклига ўтиш талаб этилади. Ўзлаштириш натижалари мақсаддан келиб чиқсан ҳолда текширилади. Агар ўзлаштириш коэффиценти ( $K=I$ ) га етказилса (бу 0,7-0,8) яъни 75-85 % ўзлаштиришни англаради. Ўзлаштириш фаолияти ҳар бир даражада текширилиб ўзлаштириш коэффиценти аниқлангач кейинги ўзлаштириш даражасига ўтиш мумкин. Ўзлаштириш фаолиятини ташкил этишда,

мавзунинг характерли хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда маълум технологиялар танланади, улар белгиланган ўқув мақсадларига мос тушиши лозим.

Мотивларни мавжудлиги ва ўқув фаолиятини тўғри танлаганлиги ҳали ўқув машғулоти жараёнини муваффақиятини таъминлай олмайди. Бундай натижага эришиш учун мазкур жараённи тўғри ташкил этиш ва бошқариш талаб этилади.

**Талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг усули.** Педагог фан дастури асосида талабалар билиши лозим бўлган саволлар ва уларнинг жавобларини олдиндан ёзиб қўйган бўлади. Талабаларнинг ўзларини солиштириб кўрадилар ва бир-бирини ўзлари баҳолайди. Сўнгра педагог қўйилган балларни синчковлик билан текшириб кўради, бу билан талабаларнинг ҳалол ва вижданан ёндашганлигини ҳам баҳолайди. Натижалар, тегишли тарзда расмийлаштирилади ва талабаларга ошкор этилади.

Талабанинг эгалланган билимларни янада мустаҳкамлаш ва уларда мустақил ишлаш кўнимасини шакллантириш мақсадида уйга вазифа берилади. Уйга бериладиган вазифа аниқ бўлиши лозим. Бунда, саволлар аниқ, шу саволларга жавобларни қаердан топиш, адабиётлараник кўрсатилиши мақсадга мувофиқ. Бажариш шакли ҳам аниқ бўлиши тақозо этилади, реферат тайёрлаш, конспект қилиш, масалани ечиш, бирорта тадбир ишлаб чиқиш, бошқарув қарорларини қабул қилиш ва бошқалар. Олдиндан талабалар нима учун баҳо олишини билишлари керак, шу туфайли уларнинг бажарган ишлари қандай баҳоланишини ҳам айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

**Оралиқ назорат.** Ички Низомга мувофиқ 20 соат атрофидагиназарий ўқув машғулоти учун битта ОН ўтказиш режалаштириш туфайли 54 соатлик маъруза курси бўйича иккита ОН саволлари тузиш, улар бутун курсни мустақил

таълим мавзулари билан биргаликда қамраб олиши лозим. ЯН варианatlari ҳам ушбу саволлардан тузилади ва бу тўғрида талабаларга дастлабки ўқув машғулотида маълум қилинади. Оралиқ назоратлар талабанинг хоҳишига кўра компьютерда ёки реферат шаклида олинади.

**Жорий назорат.** Фаннинг амалий машғулот қисмидан тўртта ЖН режалаштириш лозим. Улардан биттаси мустақил таълим мавзулари, қолган учтаси аудитория материаллари бўйича. Учта ЖН учун режалаштирилган мисол-масалалар рақамлари асосий адабиётдан олинади. Талаба гурӯҳ журналидаги ўз рақамига мос вариантни бажаради. Маълумки, ЖН ҳар ўқув машғулотида амалга оширилиши керак. Шунинг учун ишлаб чиқилган қўйидаги ҳар бир вариант таркибиغا ҳар бир мавзудан бир ёки иккита мисол-масала рақамлари киритилади. Ҳар ўқув машғулотида уларнинг, шунингдек асосий адабиётдаги мустақил бажаришга мўлжалланган мисол-масалаларнинг бажарилиши текширилиб борилади, бироқ баҳоланмайди.

**Талабалар билимини баҳолашнинг компьютер тизими ва ўзлаштириш мониторингини ташкил** этиш учун аввало, замонавий таълим тизимида ўқитишининг сифатини ташхис қилишга, яъни унинг ҳолатини аниқламай туриб, ундаги жараёнларни самарали бошқаришга, таълимда маълум бир мақсадга эришишнинг иложи йўқлиги ҳеч кимда шубҳа тутғидирмайди. Талабаларнинг якунловчи билим ва малакаларини таълим жараёнида турли мезонлар ва ёндашувларга таяниб аниқлаш, бу жараёнларга ахборот технологияларини қўллаш, уларнинг қўйилган дидактик талабларга мослиги ҳақиқийлигини назорат қилиш мумкин.

Бунда педагогик ташхис талабалар билим, малака ва кўнималарини шаклланиш даражасини аниқлашни, назорат қилишни, баҳолашни, йиғиш ва статистик

маълумотларнинг таҳлили ҳамда келгусида бу жараён ривожини башорат қилишни ўз ичига олади. Методик адабиётларда талабалар ўзлаштиришининг ташхиси, улар томонидан эришилган ўзлаштириш даражаси сифатида қайд этиш эканлигига эътиборни қаратсак, унда педагогик ташхиснинг мақсади, таълим жараёни боришини таҳлили ва уни баҳолашни ўз вақтида аниқланишидан иборат бўлади.

Маълумки, таълим жараёнини бундай баҳолаш, фақат талабанинг ўзлаштириш даражасини белгилаш билан чегараланиб қолмай, ўқиш жараёнини рағбатлантиришда муҳим педагогик восита ва ижобий мотив ўйғотиш билан талаба шахсига кучли таъсир этади. Шу хилда талабани объектив баҳолаш асосида унда адекват равишда ўз-ўзини баҳолаш имкони туғилади ва ўз ютуқларига танқидий муносабат шаклланиши қайд этилади. Шу нуқтаи-назардан талаба билим, малака ва кўникмаларини баҳолаш, айниқса, билимларни назорат қилишнинг компьютерлаштирилган тизими, замонавий ахборот-педагогик тизимларида, уларда билимни назоратини ташхисий аҳамияти ва ҳаққонийлиги ҳамда самарадорлигини ошириш мақсадида тинимсиз изланишлар ва такомиллаштириш ишларини олиб боришини тақозо қиласди.

Мазкур масаланинг ечими ўқитишнинг мақсадига мувофиқ ва ҳаққоний бўлишида, иложи борича аниқ ва асосланган усул сифатида қайд қилинган. Бунда балларнинг кичик миқдори, билимларни ҳаққоний баҳолашни қийинлаштириши (масалан беш балли тизимни) аниқ бўлиши қийин ва шу боис уларнинг рағбатлантирувчи функциясини ҳам камайтиради. Лекин, катта интервалда (масалан, 100 балли тизимларда) олинган баҳолаш тартибида талабалар билимини баҳолашни самарали ташкил этиш мумкин. Шу боис

компьютер технологиялари тизимида бажариладиган обьектив ва субъектив томонларни баҳолашга таъсири билан боғлик факторларни аниқлаш лозим бўлади.

Таълимда ташхис ва унинг мониторингини режалаштиришда аниқланган устуворликларнинг барқарорлигини, турли жиҳатларнинг хусусиятларини, жумладан, талабанинг таълим тараққиётида шахс сифатида ижобий ёки салбий ривожланишини аниқлаш муҳим саналади.

Компьютер технологиялари асосидаги мониторинг фақат мутахассис - педагоглар томонидангина эмас, балки педагогик жараён иштирокчиларининг ўзлари томонидан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай технологияларда педагогик жараён ва ўқиш жараёни иштирокчиларида ўзларнинг ахборотга ва билимга бўлган эҳтиёж ва иштиёқларини фаоллаштириш хоҳишининг шаклланишига эришиш зарур. Бундай жиҳат ҳаққоний бўлиши учун Интернетнинг таълим ресурслари, талабгорларнинг сўровлари ва талабларига тўла жавоб берадиган даражада бўлиши шарт. Шунинг учун ҳам эксперталар томонидан таълим веб-сайтларнинг сифатларини баҳолаш компьютер ташхисининг ҳаққонийлигига муҳим ўрин тутади.

Таълимда веб-сайтларнинг сифати таълим жараёнида ахборот фазасининг ривожланишига таъсир этувчи муҳим жиҳатлардан саналади. У мазкур базада таълим олишнинг сифатига ва мазкур тизимнинг маданиятили ташкил этилганлик даражасига бевосита таъсир этади.

Ташхисли таълимни маълумотли ва тўғри ташкиллаштириш ягона хуқуқий-меъёрий ва стандарт базасисиз яратишнинг имконияти йўқ. Республикаизда таълимнинг ягона ахборот базасида юқоридагиталабларга жавоб берадиган базани яратишга эҳтиёж мавжуд. Шу боис, бу масала бўйича олий таълим тизимида амалга

оширилаётган тадқиқот ишларини биринчилардан деб қараш билан бирга, улар маълум камчиликлардан ҳоли бўймаслигини ҳам таъкидлаймиз.

Ташхис ва мониторингни таълимда жорий этишда мавжуд методологияни қўллаш орқали ахборотли ўқитиш муҳитининг ташхисий вазифасини аниқлаш имконияти туғилади.

Айни пайтда талабалар эришган билимлар, малака ва кўникмаларни назорат қилишнинг кенг тарқалган йўли, тестлар ёрдамида текшириш бўлиб, компьютернинг тестдан фойдаланувчи билан ўтказадиган мулоқотига асосланган. Мазкур тизим педагогнинг техник қайта куролланиши, унинг механизациялаштирилган меҳнати, ёхуд ўқитувчи машина деган шиорлар остида педагогнинг талаба билан индивидуал ишлари жараёнини мужассамлаштирувчи сифатида дунёга келди.

Баъзан ўқув жараёнида сунъий интеллект тизимини қўлланиши баҳолаш жараёнининг мураккаблиги, хусусан талабани баҳолаш учун унга катта миқдордаги ахборотни қайта ишлаши, баҳоловчи ва баҳоланувчи орасидаги мураккаб ўзаро таъсир жараёнининг мураккаблиги бу масалани осон ҳал қилиш имконини бермади. Хусусан, талаба билим ва малакасини компьютерлаштирилган ҳолда назорат қилиш, талаб қилинадиган билимлар мажмуасининг сифатини аниқлаш муаммосини ҳал қилиш лозимлигини, бусиз эришилган билимларни баҳолаш мезонларини ва уларнинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш қобилияtlарни белгилаш мумкин эмаслиги ойдин бўлди.

Талабалар билими, малака ва кўникмаларини назорат қилишнинг асосий мақсади, улар эришган ютуқлар ва мұваффақиятларини аниқлаш, уни такомиллаштириш йўлларини кўрсатиш ва шу асосда талабалар учун фаол ижодий фаолият кўрсатиш учун шароит яратишдан

иборат. Бу мақсад, биринчи навбатда, талабалар томонидан ўқув материалларини ўзлаштириш сифати билан, яъни ўқув дастурида белгиланган билим, малака ва кўникмаларни эгаллаш даражаси билан боғлик. Иккинчи томондан, назоратнинг асосий мақсадини аниқлаштириш, ўзаро ва ўз-ўзини назорат қилиш бўйича ёндашувларни ўрганиш ҳамда ушбу назорат қилишга бўлган эҳтиёжнинг шаклланиши билан боғлик. Учинчидан эса, бу мақсад талабаларда бажарилган иш учун жавобгарликнинг намоён бўлиши каби шахснинг ижобий сифатларини тарбиялашга қаратилган бўлади.

Талабалар билимини назорат қилишнинг мақсадини амалга оширишда, назоратнинг бир қанча вазифалари мавжуд. Хусусан, булар ичida энг муҳими - назорат функцияси бўлиб, талабалар эришган билим, малака ва кўникмаларнинг ҳолатини, уларнинг билиш фаолияти бўйича ёндашувларни, ўзлаштирганлик даражасига кўра, уларнинг ақлий фаолиятларини ривожланиш даражасини намоён қиласи. Унинг иккинчи муҳим вазифаси ўқитиш бўлиб, у талаба эришган билимлар, малака ва кўникмаларни такомиллаштириш ва тизимлаштирилганини назорат қиласи. Бундай назорат жараёнида талабалар ўрганилаётган материални қайтариш ва мустаҳкамлаш билан шуғулланадилар. Билимларни текшириш, ўрганилаётган материалдан асосийини ажратиб олиш, шунингдек, эришилаётган билим, малака ва кўникмаларнинг мазмунини аниқ ва равшан қилишга ёрдам қиласи.

Назоратнинг учинчи - ташхис вазифаси, талабалар эришаётган билим, малака ва кўникмалардаги камчиликлар, етишмовчилик ва хатолар ҳақида, хатоларнинг сони ва характеристи ҳақида маълумот олишга ёрдам беради. Ўқитиш жараёнида ташхисий текширишлар учун маълум даражада самарали методикани танлашга

ёрдам бериши билан муҳим саналади.

Билимларни назорат қилишда, унинг башорат этувчи вазифаси, таълим-тарбиявий жараён ҳақида, унинг келажаги, яъни олдиндан кўра билиш мумкин бўлган ҳолати тўғрисидаги ахборотни олиш учун хизмат қиласди.

У ўқув жараёнининг маълум босқичида ўқув материалининг маълум бўллаги бўйича мўлжалланган аниқ билим, малака ва қўникмалар етарлича шакллангани ёхуд шаклланмаганлиги башоратини текшириш имконини беради. Маълум илмий башорат бўйича эришилган натижалар талабаларнинг келажакдаги фаолиятлари моделини яратиш учун қўлланилади. Бундай башорат, келажакда ўқитишни режалаштириш ва амалга ошириш учун аниқ хуросалар олишга кўмак беради.

## ХУЛОСА

Шундай қилиб, республикамизда ёшларни касбга йўналтириш тизимини такомиллаштиришда, талабаларнинг таълим муассасаларида олган назарий билимларини келгуси касбий фаолиятида тўғри амалга оширишда ўқув машғулоти муҳим ҳисобланади. Бундай машғулотлар талабалар назарий тайёргарлигини амалий фаолият билан боғлашни тайминовчи таълим-тарбия жараёнининг асосий қисми сифатида, уларни келажак касбига муваффақиятли тайёрлаш воситаларидан бири. У таълим-тарбия тамоиллари ва қонуниятларини тушуниб этиш, касбий қўникма ва малакаларни эгаллаш, амалий иш тажрибаларини тўлиқ англаб этиш имкониятини беради.

Бугунги кунда таълим муассасаларида ўқув машғулотини ташкил этиш самарадорлигини ошириш долзарб педагогик муаммодир. Мазкур машғулотни ташкил этиш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ҳамда назарий асосларини такомиллаштириш лозим.

Ўқув машғулотини ташкил этишдаги камчиликлар ва вазифалар аниқлаш ва уларни баратараф этиш, ўқув машғулотидан кўзланган мақсад, назарий-амалий билимларни мустаҳкамлаш, олинган билимларни илмий, техниковий, ишлаб чиқариш, иқтисодий, ижтимоий, маданий вазифаларни ҳал этишда қўллаш, замонавий ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, техниканинг ривожланиши шароитида талабаларни мустақил ишлашга тайёрликлигини таъминлаш каби ишларни амалга ошириш муҳим.

Бунинг учун:

- ўқув машғулотини ташкил этишнинг истиқболли йўналишларини белгилаш;
- мавжуд ҳолат ва бу соҳадаги назарий ёндашувларни таҳдил қилиш;
- унинг изчил тизими, амалга ошириш методлари

ва унинг натижасида шаклланадиган билим, кўникма ва малакаларни аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш;

- талабалар тафаккурини ривожлантиришга хизмат қиладиган педагогик шарт-шароитларни аниқлаш;

- ўқув машғулотининг назарий асосларини яратиш, унинг самарадорлик даражасини аниқлаш лозим.

Хозирда ўқув машғулоти мазмуни ва унинг таркибини такомиллаштириш йўлларини излаш, замонавий илмий интеграция ғоялари асосида бундай машғулотнинг дидактик асосларини ишлаб чиқиш муаммолари ҳам мавжуд. Мазкур муаммо доирасида қуидаги масалаларни тадқиқ этиш лозим:

- ўқув машғулотини замонавий ташкил этиш дидактикасини аниқлаш;

- талабаларга уларнинг мақсадини тушунтириш;

- фанларни ўргатишда ўқув машғулоти самарадорлигини ошириш йўлларини белгилаб бериш;

- истиқболли имкониятларини асослаш;

- ўқув машғулотини ташкил этиш асосида бу жараённинг таълим-тарбиявий имкониятларини кенгайтириш;

- уларга оид илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Олий таълим муассасаларида ўқув машғулотини ташкил этиш муаммоларга қаратилган изланишлар шуни кўрсатдики, замонавий педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланилган, билимларни мустақил ўзлаштиришга йўналтирилган, назарий билимларни амалий кўникмаларда қўллаш ўргатишини ва баҳолаш тизимини ўзида қамраб олган ўқув машғулоти самарави ўқитиши воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ўқув машғулоти олдида турган долзарб муаммолардан бири илм-фаннынг муайян соҳасини эгаллашда талабанинг ижтимоий ҳаётда муносиб ўрин топиши учун зарур бўлган педагогик шарт-шароитларни яратишдан иборат.

Бундай машғулотнинг мазмунини илмий жиҳатдан мукаммаллаштириш, унинг сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган технологик ишланмалар бугунги кунда зарур.

Олий таълим муассасалари педагогларининг ўқув машғулотини ташкил этиш, ўқув ва дидактик материалларни ишлаб чиқиш маҳоратларини ривожлантириш учун семинарлар ташкил этиш, бугунги кунда, педагогик ва ахборот технологияларидан, улар етарли ҳамда самарави фойдалана олмаяпгандилари инобатга олиниб, уларнинг малакасини оширишда фаоллаштириш шакл ва методларидан фойдаланиш зарур.

Ўқув мақсадларини ойдинлаштириш, ўқитиши ва ўзлаштириш жараёнларида қўлланиладиган турли усул, технология ва воситаларлардан фойдаланиш, ўқув машғулоти жараёнлари мазмунини чукурлаштириш, таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришга олиб келади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. -Т.: Адолат., 2019.
2. Турғунов С.Т. Таълимтизими: бошқарувтамойиллари ва янгича ёндашувлар // Ж. Касб-хунар таълими. -Т., 2006. -№3, -Б. 2-4.
3. Голиш Л. В. Таълимнинг фаол усуллари: мазмуни, танлаш, амалга ошириш. Экспресс қўлланма. - Т: 2001 й. - 65 б.
4. Голиш Л.В. Замонавий таълим технологиялари; мазмун, лойиҳалаштириш ва амалга ошириш. Экспресс қўлланма Т: ТАСИС, 2001. - 59 б.
5. Тожиев М., Зиёмухаммадов Б., Ўралова М. “Педагогик технология ва педагогик маҳорат” фанининг ўқув машғулотларини лойиҳалаш (Педагогик технология миллий моделининг амалиётга татбиғи)./Ўқув қўлланма. Т: “TAFAKKUR-BO’STONI”, 2012. -196 б.
6. Холмухamedov M.M. “Таълим муассасаларида очиқ ўқув машғулотларини ташкил этиш, ўтказиш ва таҳлил этиш”. (усулий қўлланма). Самарқанд вилоят ҳокимлиги ўрта маҳсус, касб-хунар таълими бошқармаси. Самарқанд – 2010. -15 б.
7. Яковлева Н.О. Теоретико-методологические основы педагогического проектирования. М.: Изд-во АТиСО, 2002. - 239 с.
8. Рахимов О.Д., Сапаев М.С., Назаров Б.Ф. Замонавий маъruzалар. /Педагоглар учун қўлланма. Қарши, 2012й., 68 б.
9. Рахимов О.Д. Инновацион педагогик технологиилар: лойиҳалар усули – таълим сифатини оширувчи технология сифатида. / Педагоглар учун қўлланма Қарши, 2013й, 846.
10. Ҳайитбоев К.Б. Таълим жараёнида лойиҳалаш усулидан фойдаланиш. “Замонавий педагогика фани ва таълимнинг инновацион технологиялар” Республика илмий-амалий конференцияси. Қ.Ниёзий номидаги ўзПФТИ. 3-4 июн 2008 йил. Тошкент.
11. Ҳайдаров Б., Нуриддинов Б.С., Ҳайитбоев К.Б. ва бошқалар. Таълим самарадорлигини ошириш йўллари. Тренерлар учун қўлланма. Тошкент. АДВ. 2002 йил.
12. Ў.Қ.Толипов. И.Каримов. Б.Олимов Меҳнат ва касб таълимида ўқитишнинг фаол усулларидан фойдаланиш. Тошкент. -2003.
13. Жалолов А.К., Анорқулова Г.М. Олий таълими тизимида таълимни жараён сифатида ташкил этиш тамойиллари // “Олий таълими тизими кадрларининг эҳтиёжига асосланган малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими истиқболлари” республика илмий-амалий конференция материаллари. -Т., 2005. – Б. 39-41.
14. Мавлянов А., ва б.қ.лар. Ўқув машғулотларини ташкил этишда таълим технологиялари. Ўқув қўлланма. Тафаккур бўйтони нашриёти. Тошкент, 2013. -142 б.
15. Мавлянов А., ва б.қ.лар. Педагогик технология тамойиллари асосида дарс машғулотларини олиб бориш технологияси. Ўқув-усулий қўлланма. - Тошкент: Ворис, 2010. - 117 б.
16. Лутфиллаев М.Х. Маъруза дарсларини ташкил этишнинг шакли ва методлари // Касб-хунар таълими. - Тошкент, 2003. -№2. - Б. 21-22.
17. Б.Бойназаров ва б.қ.лар. Фанларни ўқитиша ахборот технологияларини қўллаш. “Инновацион фантаълим тизимини ривожлантиришнинг баркамол авлодни вояга етказишдаги роли ва аҳамияти”. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. ТДАУ. 30 май 2014 йил. II-китоб.-Б.141-143.
18. “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти

19. А.А.Хамидов, М.С.Исмоилов. Баркамол авлодга таълим-тарбия беришда қўлланиладиган педагогик ва ахборот технологиялари. "Инновацион фан-таълим тизимини ривожлантиришнинг баркамол авлодни вояга етказишдаги роли ва аҳамияти". Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. ТДАУ. 30 май 2014 йил. II-китоб.-Б.54-55.

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
Ўқув жараёнида учрайдиган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари .....	5
Ўқув жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари .....	15
Ўқув жараёнини лойиҳалаштириш .....	26
Ўқув жараёнига педагогик технологияларни киритиш механизмлари .....	33
Ўқув машғулотларида фойдаланиладиган педагогик технологиянинг усул ва воситалари .....	46
Ўқув машғулотларида муаммоли, модулли, лойиҳалаштириш ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланиш .....	71
Замонавий ўқув машғулоти структураси .....	137
Ўқув машғулотини замонавий ташкил этиш ва амалга жорий этиш методикаси .....	155
Ўқув машғулоти жараёнида талабаларнинг билимларни эгаллаш даражалари .....	186
Хулоса.....	211
Фойдаланилган адабиётлар .....	214

С.Р.Абдалова, А.А.Сотбаров,  
М.М.Абдикеримова

# ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

(Монография)

Мұхаррір: Х. Таҳиров

Техник мұхаррір: С. Мелиқузийева

Мусаххіх: М. Юнусова

Сағифаловчи: А. Исхоков

Нашр. літс № 2244. 25.08.2020 ы.

Босишига рухсат этилди 12.06.2024 ы.

Бичими 60x84 1/16. Офсет қоғози. "Самбria"

гарнитураси. Ҳисоб-нашр табоги. 13,625.

Адади 100 дона. Буюртма № 2423553.

«Renesains sari» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

+998 (97) 017-01-01



ISBN 978-9910-9392-1-1